


91  
Г 13

КАРОМИДДИН ГАДОВЕВ  
САБОХАТ БЕРДИЕВА


# САЙЁРАМИЗ МУЪЖИЗАЛАРИ



КАРОМИДДИН ГАДОЕВ  
САБОҲАТ БЕРДИЕВА

# САЙЁРАМИЗ МУЪЖИЗАЛАРИ

*Ғаройиб давлатлар, обидалар, ҳодисалар*



ТОШКЕНТ – «O‘ZBEKISTON» – 2012

УДК 94(575.1)  
91(575.1)  
ББК 26.8г+20.3  
Г13

**Та к р и з ч и л а р:**

- Маматқодир НАЗАРОВ** – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети география факультети «Иқтисодий ва ижтимоий география ва демография» кафедраси мудири, география фанлари номзоди
- Мансур ЮЛДАШЕВ** – Самарқанд вилояти Пахтачи педагогика коллежи директори, биология фанлари номзоди

**Гадоев, Каромиддин.**

Сайёрамиз мўъжизалари: ғаройиб давлатлар, обидалар, ходисалар / К. Гадоев, С. Бердиева; муҳаррир А. Саъдуллаев. – Тошкент: O‘zbekiston, 2012. – 280 б.

1. Бердиева, Сабоҳат

ISBN 978-9943-01-867-9

Ушбу тўпламда сайёрамизнинг бутун жаҳон сайёхлари эътиборини ўзига тортиб келаётган ғаройиботлари деб тан олинган тарихий обидалар, географик объектлар, кишини хайратга солувчи табиий ходисалар, энг йирик, энг митти ва мафтункор мамлакатлар, шунингдек, Ўзбекистон табиати мўъжизалари тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Ундан айниқса, ўрта умумтаълим мактабларининг тарих, география ва табиий фанлар ўқитувчилари, ўқувчилар ва талабалар қўшимча манба сифатида фойдаланишлари мумкин.

УДК: 94(575.1)

91(575.1)

ББК 26.8г+20.3



---

---

## МУҚАДДИМА


*Дунё мамлакатларини билиш – инсон  
ақл-заковатининг манбаи ва кўркидир.*

*ЛЕОНАРДО да ВИНЧИ*

Дунёнинг турли мамлакатларига оид қизиқарли географик маълумотлар, ғаройиб табиат ҳодисалари доим кишиларнинг диққат-эътиборида бўлган. География энг қизиқ ва оммабоп фанлардан бири эканининг сабаби ҳам шунда. Дунёдаги энг баланд тоғ чўққиси Жомолунгма, сувининг юзасида бемалол ётиб, китоб мутолаа қилиш мумкин бўлган Ўлик денгиз, сувининг гулдираши узок-узоклардан эшитилиб турадиган Ниагара шаршараси, Чилидаги баъзи қисмларига тўрт юз йилдан буён бирор томчи ёмғир ёлмаган Атакама чўли тўғрисидаги ҳикояларни тинглаган ҳар бир киши шу каби жойларга саёҳат қилишни орзу қилиши табиий.

Сайёрамизнинг «етти мўъжиза»си, деган иборани кўп эшитганмиз. Бу мўъжизаларга қандай обидалар кириши, нафақат қадим замонларда мавжуд бўлган, балки ҳозирги замоннинг «етти мўъжиза»си, деб тан олинган обидалар ҳам борлиги ҳақидаги маълумотлар кўпчиликни қизиқтиради, албатта.

Шунингдек, Ер қуррасида қатор ажойиб ҳодисалар мавжудки, уларнинг гўзаллиги, жозибаси ва ривож кишини ҳайратга солса, иккинчи томондан, инсоният ҳаёти учун турли хавф-хатарларни туғдиради. Сайёрамиз бағрида ҳалигача давом этиб келаётган тектоник ҳаракатларнинг Ер сиртида намоён бўлиши ҳосиласи бўлмиш вулқонлар шулар жумласидандир. Италиядаги Этна ёки Везувий вулқонлари тарихда даҳшатли ҳалокатларга сабаб бўлган. Шу билан бирга, дунёдаги баъзи бир вулқонлар шундай жозибга эгаки, улар ёғдираётган оловли ёмғирни томоша қилиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан сайёҳлар ташриф буюришади.



Вулконнинг фусункор лава ёмғири.

Дарёлар – қуррамиздаги сув айланишининг асосий иштирокчилари, сайёрамизнинг турли ҳудудларида ҳаёт мавжудлигини таъминлаб берувчи қон томирларидир. Маълумотларга кўра, бутун дунёда 10 миллиондан ортиқ йирик ва кичик дарёлар мавжуд. Мазкур табиий объектлар ўзида катта ҳажмдаги қизиқарли маълумотларни жамлаган. Энг узун ва энг қисқа, йирик ва серсув, кўп ирмоқли, лойқа ва ҳатто, чиқиндихонага айланган дарёлар ҳақидаги маълумотлар нафақат қизиқарли, балки ҳаёт манбаи бўлган дарёларни асраб-авайлаш, улардаги табиий тизимларни ҳимоя қилиш бўйича кўникмаларни ҳосил қилиш воситаси бўлиши мумкин.

Инсоният қадим замонлардан буён жамоа бўлиб яшаб, жамоаларнинг аста-секин ривожланиши Ер қуррасида давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Ҳозирги замон дунё харитасига назар солсангиз, унда сайёрамиз қуруқлик майдонининг каттагина қисмини эгаллайдиган улкан давлатлар билан бир қаторда, дунё харитасида, ҳатто, кичкина нуктага тенг майдонни эгалламайдиган, аммо жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлган, митти

давлатлар ҳам мавжуд. Шунингдек, сайёрамизда дунёнинг олтидан бир қисм аҳолиси истиқомат қиладиган Хитой давлати ва ўзининг байроғига, гербига эга, турли рўйхатларда алоҳида маъмурий birlik сифатида тан олинган, аммо бор-йўғи 48 киши (9 та оила) яшайдиган Питкэрн ороли каби худудлар ҳам бор.

Ўзбекистон худудида ҳам табиат катта илмий, маданий-эстетик ва сайёҳлик аҳамиятига эга бўлган турли ажойиб манзараларни, жумладан, рельеф шакллари, кўллар, шаршаралар, ўрмонларни, асрларга тенгдош дарахтларни яратган. Шу боис, дунёдаги кўплаб бошқа мамлакатлар каби Ўзбекистон ҳам ноёб табиат ёдгорликларига бой. Уларнинг ҳар бири табиатнинг ҳақиқий мўъжизаси, кўп минг сонли тарихий-меъморий обидалар билан бирга юртимиздаги сайёҳликнинг дурдоналари хазинасини ташкил этади.

Мазкур китоб киши эътиборини ўзига тортувчи ана шундай қизиқарли мавзулар ҳақида. Битта китобда дунёдаги мўъжизаларнинг барчаси ҳақида қисқача қилиб бўлса-да, маълумот беришнинг иложи йўқ, албатта. Шу боис, тўпламга кенг китобхонлар оммасига номи бирмунча таниш бўлган дунё мамлакатлари, мўъжиза деб тан олинган тарихий обидалар, табиат ҳодисалари ва объектлари ҳақидаги энг қизиқарли маълумотларни танлаб олиб киритишга ҳаракат қилинди.

*Муаллифлар*

---

# 1. ДУНЁНИНГ УЛКАН, МИТТИ ВА МАФТУНКОР ДАВЛАТЛАРИ

---

## Дунёда нечта давлат бор?

Маълумки, «дунёда нечта давлат бор?», деган саволга аниқ бир жавобни айтиш бирмунча мушкул. Бунинг сабабини дунё харита-сида турли мақомга эга худудий-маъмурий бирликлар – мустақил давлатлар, жаҳон ҳамжамияти томонидан тўла тан олинмаган мамлакатлар, мақоми аниқланмаган, бошқа мамлакатларга қарам худудларнинг мавжудлиги билан изохлаш мумкин.

Давлатларни сиёсий-географик бирлик сифатида тан олиш ХХ асрнинг бошларига келиб бирмунча долзарб масалага айланди. Чунки, 1919 йилдан бошлаб ўтказила бошлаган бутунжаҳон анжуманлари, Миллатлар Лигасининг ташкил этилиши «ушбу тадбирларга кимни маълум давлат вакили сифатида таклиф этиш лозим ва қайси худудий бирликлар Миллатлар Лигасига тўлақонли аъзо бўлиши мумкин?», деган масалани кўндаланг кўйди.

Бу муаммони 1933 йилда Уругвайнинг Монтевидео шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманда ҳал этишга илк бор уриниб кўрилди. Анжуманда қабул қилинган, Монтевидео конвенцияси деб ном олган якуний ҳужжатда «давлат» тушунчасига таъриф берилиб, уни сиёсий-географик бирлик сифатида тан олишнинг куйидаги асосий тўртта мезони белгиланди: 1. Доимий аҳолининг мавжудлиги. 2. Маълум худудга эгаллиги. 3. Ўз ҳукуматининг мавжудлиги. 4. Бошқа давлатлар билан ташқи алоқаларни амалга ошириш имконияти.

Ҳақиқатан ҳам, манбаларга кўра, давлат халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида халқаро муносабатларнинг асосий иштирокчиси ҳисобланади ва муайян аҳолига эга бўлган худудда сиёсий ҳокимиятни ташкил этишни ўз ичига олади.

Илмий адабиётларда давлат билан бир қаторда «мамлакат» тушунчаси ҳам ишлатилади. Кўп ҳолларда «давлат» ва «мамлакат» тушунчалари синоним сифатида ишлатилса-да, уларнинг ўртасида муайян фарқ мавжуд. Давлат тушунчаси, биринчи навбатда, тегишли ҳудудда ўрнатилган сиёсий ҳокимият тизимини билдирса, мамлакат тушунчаси кўпроқ маданий ва умумгеографик омиллар мажмуига тегишлидир.

Монтевидео конвенциясида белгилаб берилган мезонлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига янги аъзолар қабул қилишда ушбу мезонлар қатъий равишда ҳисобга олинади. Шунга кўра, ҳозирги кунда дунёда ушбу мезонларга тўла жавоб берадиган 194 та мустақил давлат мавжуд, деб айтиш мумкин. (2011 йилнинг 9 июлида Судан иккига бўлиниб, Жанубий Судан давлати ташкил топди ва шу йил 14 июлда БМТга аъзо бўлди). Ушбу давлатлардан 193 таси БМТга аъзо, дунёдаги энг митти давлат Ватикан – БМТда доимий кузатувчи мақомига эга. Бундан ташқари, Монтевидео конвенциясининг мезонларига қисман мос келадиган, дунёдаги баъзи мамлакатлар томонидангина мустақил давлат деб тан олинган, БМТга аъзо бўлмаган 8 та сиёсий-географик бирликлар мавжуд.

Шунингдек, Фаластин, Ғарбий Сахро ва Силэнд каби бирликлар мақоми аниқланмаган ҳудудлар сирасига кирса-да, уларда давлатнинг барча белгилари мавжуд. Дунё харитасида БМТда кузатувчи мақомига эга, дунёнинг 104 мамлакати билан дипломатик алоқалар олиб боровчи, бор-йўғи 0,012 минг кв.км ҳудудга эга Мальта ордени каби митти давлатлар ҳам бор.

Аммо, дунё харитасида давлатнинг барча белгиларига (ҳудуд, чегаралар, аҳоли ва б.) эга, аммо мустақил бошқарувга эга бўлмаган яна 61 та ҳудудий бирлик ҳам мавжуд. Ушбу ҳудудлардан айримларининг бирмунча мустақил иш олиб бориши боис, улар баъзи мамлакатлар томонидан тўлақонли давлат сифатида ҳам тан олинган. Шу сабабли, айрим манбаларда дунёдаги давлатларнинг сони 221 та, бошқаларида – 230 та, деб келтирилган. Жумладан, Германияда чоп этилган манбаларда дунёдаги сиёсий-географик бирликлар сони 243 та эканлиги ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин. Ҳар йили Нью-Йоркда нашр қилинадиган «Дунё альманахи»да



Давлатлар чегарасининг Дунё харитасида кўриниши.

БМТга аъзо ва кузатувчи (Ватикан) бўлган 194 та мустақил давлатлар ҳақида маълумотлар эълон қилинади.

Ҳар йили Вашингтонда чоп этиладиган «Жаҳон фактлар йилномаси»да (World Year Factbook) дунёдаги 266 та сиёсий ва географик ҳудудий бирликлар бўйича маълумотлар келтирилади.

Шундай қилиб, дунёдаги давлатларнинг умумий сони сайёрамизда мавжуд ҳудудларга қандай сиёсий-географик таъриф берилишига боғлиқ ҳолда 194 тадан 266 тага ўзгариши мумкин. Демак, дунёдаги давлатлар сонининг ҳар хил манбаларда турлича кўрсатилишини мутахассисларнинг ушбу масалага қай йўсинда ёндашиши билан изоҳлаш мумкин.

## **Дунёнинг ёпиқ ҳудудли мамлакатлари**

Жаҳондаги мамлакатларни дунё океанига нисбатан тутган географик ўрнига кўра икки тоифага бўлиш мумкин: бевосита денгизга туташ ва денгиз чегаралари бўлмаган ёки қитъа ичкарасидаги ёпиқ давлатлар.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо ва кузатувчи (Ватикан) бўлган 194 давлатнинг аксарияти денгиз чегара-



ларига эга. Аммо улардан 44 таси ёки 22,6 фоизи географик ўрнига кўра Дунё океани денгизларига бевосита туташ эмас. Қитъалар бўйича бундай давлатларнинг кўпчилиги Африкада (16 та), Европада (14 та), Осиёда (12 та) жойлашган. Жанубий Американинг фақат 2 та давлати (Парагвай ва Боливия) денгиз чегараларига эга эмас.

Денгизга туташ бўлмаган (ёпиқ ҳудудли) давлатлар

Осиё	Африка	Европа	Жанубий Америка
Озарбайжон	Ботсвана	Австрия	Боливия
Арманистон	Буркина Фасо	Андорра	Парагвай
Афғонистон	Бурунди	Беларусь	
Бутан	Жанубий Судан	Ватикан	
Қозоғистон	Замбия	Венгрия	
Қирғизистон	Зимбабве	Лихтенштейн	
Лаос	Лесото	Люксембург	
Мўғулистон	Малави	Македония	
Непал	Мали	Молдова	
Тожикистон	Марказий Африка Республикаси	Сан-Марино	
Туркманистон	Нигер	Сербия	
Ўзбекистон	Руанда	Словакия	
	Свазиленд	Чехия	
	Уганда	Швейцария	
	Чад		
	Эфиопия		

Мазкур мамлакатларнинг географик ўрнига назар солиб, бир қатор қизиқарли маълумотларни учратиш мумкин. Масалан, дунёдаги денгизга туташ бўлмаган давлатлар ўртасида бор-йўғи икки давлат – Ўзбекистон ва Лихтенштейннинг ҳудуди икки қарра ёпиқ ҳисобланади. Чунки ушбу давлатларга қўшни бўлган барча мамлакатларнинг ўзи ҳам ёпиқ ҳудудга эга.



Лихтенштейн – Альп тоғларидаги икки карра ёпиқ ҳудудли давлат.

Бундан ташқари, ёпиқ ҳудудли мамлакатларнинг учтаси фақат битта давлат, яъни Сан-Марино ва Ватикан – Италия, Лесото – Жанубий Африка Республикаси ҳудуди билан ўралган. Шунингдек, ёпиқ мамлакатлардан олтитаси – Мўғулистон, Непал, Бутан, Свазиленд, Лихтенштейн ва Андорра иккита давлат ҳудуди билан ўралган.

Эфиопия (76,6 млн.киши), Уганда (30,1 млн.), Непал (28,9 млн.) ва Ўзбекистон (29,7 млн.киши) аҳолисининг сонига кўра, Қозоғистон (2.71 млн кв.км.), Мўғулистон (1,56 млн.кв.км) ва Боливия (1,09 млн. кв. км) эса умумий ер майдонига кўра дунёдаги энг йирик ёпиқ ҳудудли мамлакатлардир.


Арманистон, Озарбайжон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудидаги гидрологик объектлар – дарё ва кўллар ҳам дунё океани денгизлари билан туташмаган ёпиқ сув ҳавзасида жойлашган. Дунёда ҳудуди билан бир қаторда сув ҳавзалари ҳам ёпиқ ҳавзада бўлган бошқа бундай мамлакатлар йўқ.

## УЛКАН ДАВЛАТЛАР



### Кун ва тунни бирга қарши олувчи мамлакат

Ҳа, дунёда шунақа мамлакатлар ҳам бор. Бу – Осиё ва Европа катъалари бўйлаб ястаниб ётган, умумий майдони бўйича дунёдаги энг йирик мамлакат Россиядир. Ҳудуди ғарбдан шарққа томон шу қадар чўзилганки, унинг ғарбидаги Калининград вилоятида кечки соат 21.00 бўлиб, аҳоли тунни қарши олишга тайёрланса, худди шу пайтда унинг энг шарқидаги Беринг бўғизидagi Ратманов оролидаги кишилар эрталабки Күёшни кутиб олади. Шу боис, Россияни «кун ва тунни бирга қарши олувчи мамлакат», деб айтиш мумкин. Бундай ҳодисани дунёнинг бошқа ҳеч қайси мамлакатаида кузатмайсиз.



Ратманов (Россия, чапда) ва Кичик Диомид (АҚШ, ўнгда) ороллари ўртасида сана алмашади.

Россиянинг умумий майдони 17,075 млн. кв.км бўлиб, у дунёда майдонига кўра иккинчи ўринда турувчи Канададан қарийб икки баравар катта. Мамлакат дунёдаги куруқлик юзасининг 11,46 фоизини, Ер қуррасида аҳоли яшайдиган ҳудуднинг 12,65 фоизини ташкил этади. Қирғоқларини Тинч, Шимолий Муз ва Атлантика океани денгизлари ювиб туради. Осиё ва Европа ўртасидаги чегара Россиядан, Урал тоғлари ва Кума-Манич ботиғи орқали ўтади. Ҳудудининг катталиги боис, дунёнинг 16 та мамлакати билан чегарадош ва бу кўрсаткич бўйича дунёда биринчи ўринда туради.

Россия ҳудудининг 70 фоизидан ортиғини текислик ва пасттекисликлар эгаллайди. Мамлакатнинг ғарбида улкан Шарқий Европа текислиги ва Урал тоғларидан шарқда Ғарбий Сибирь пасттекислиги ястаниб ётади. Шарқда Ўрта Сибирь ясси тоғлиги, Марказий Ёқутистон текислиги катта майдонни эгаллайди. Мамлакатнинг жанубий ва шарқий қисмларида тоғли ўлкалар жойлашган. Жанубдаги Кавказ тоғларининг шимолий чеккаларида Россиядаги энг баланд чўкки – Эльбрус тоғи (5642 м) жойлашган. Шарқда Олтой, Ғарбий ва Шарқий Саян, Становой, Сихотэ-Алинь, Верхоянск каби тоғ ва



Байкал кўли.

тизмалар мавжуд. Камчатка яримороли ва Курил оролларида 200 дан ортиқ вулқонлар бўлиб, улардан 50 таси ҳаракатдадир.

Россия – денгиз, дарё ва кўллар ўлкаси. Худудини Дунё океанининг 11та денгизи ва дунёдаги энг йирик кўл – Каспий денгизи ювиб туради. Қирғоқ чизигининг узунлиги бўйича (60 985 км) Россия дунёдаги континентал мамлакатлар ичида биринчи ўринда туради. Россияга қарашли денгизларнинг умумий майдони – 8,6 млн. кв.км.


Россияда умумий узунлиги 12,4 млн. км бўлган 2,8 млн. дан ортиқ дарёлар мавжуд. Улардан 90 фоизи Тинч ва Шимолий Муз океани ҳавзасига тегишли. Шунингдек, мамлакатда Каспий денгизини ҳисобга олмаганда, умумий майдони 408,8 минг кв.км бўлган 2,74 млн. та кўллар мавжуд. Аммо барча кўл сувларининг 96 фоизи энг йирик 8 та кўлда йиғилган.

Мамлакат худудида умумий майдони 56,13 минг кв.км майдонга эга 8100 та музлик борлиги аниқланган. Уларда 40 минг куб км чучук сув захираси мавжуд бўлиб, йилига 110 куб км сув дарёлар томон оқади. Шунингдек, 5 млн. кв. км майдон абадий музликлар билан қопланган, баъзи худудлар (Ёкутистон)да доимий музлок ерларнинг қалинлиги 1–1,5 км. га етади.

Евросиё материгининг шимолий қисмида жойлашгани боис, (мамлакат худудининг катта қисми 50-параллелдан шимолда ётади), бу ерда арктик, субарктик, мўътадил ва қисман субтропик иқлим минтақалари мавжуд. Аммо мамлакатнинг асосий қисмида мўътадил иқлим устун. Январь ойининг ўртача ҳарорати турли минтақаларда +6°C дан –50°C гача, июлники эса +1–+25°C ўртасида тебранади.

Россия худудидаги энг юқори ҳарорат (+45,4°C) жуда иссиқ келган 2010 йил 12 июлда Қалмиқистоннинг Утта метеостанциясида кузатилган. Энг паст ҳарорат (–71,2°C) академик С. Обручев томонидан 1924 йилда Оймяконда кузатилган ва бу ерда ушбу кўрсаткични ўзида мужассам этган ёдгорлик ўрнатилган. Энг юқори ва паст ҳарорат ўртасидаги фарқ (116,6°C) бўйича Россия дунёда биринчи ўринда туради.

Мамлакат худуди ўрмонларга бой. Бу ерда дунёдаги барча ўрмонларнинг 20 фоизидан ортиғи, игна барглиларнинг қарийб ярми



Уссурий йўлбарси.

жойлашган. Ҳайвонот дунёси хилма-хил – оқ айиқлардан моржларгача, йўлбарсу леопардларгача яшайди. Россияда 35 та миллий боғ ва 84 та кўриқхона мавжуд. Омск шаҳри чегарасида мамлакатдаги ягона табиий парк – «Птичий гавань» мавжуд.

Мамлакат тарихий-меъморий обидаларга бой ва улар асосан, ғарбий вилоятларда жойлашган. Россиядаги 23 та тарихий-маданий обида, жумладан, Санкт-Петербургнинг тарихий маркази, Москва Кремли, Қизил майдон, Байкал кўли ва Дарбанддаги Норин қалъа ва бошқа бир қатор обидалар ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон мероси» рўйхатига киритилган.

### **«Қишлоқ давлат»**

Канада деганда кўз олдимизга ушбу мамлакатнинг рамзи саналган заранг дарахтининг қизил рангдаги барги келади. Бу баргни канадалик хоккейчиларнинг кийимида ҳам кўриш мумкин. Бепоеън ўрмон ҳамда текисликлар – прериялар жойлашган ушбу мамлакат худудининг катталиги бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Шимолий Америка материгининг шимолий қисмини эгаллаб ётган Ка-



нада Атлантика, Тинч ва Шимолий Муз океанлари билан ўралган. Жанубда ва шимоли-ғарбда АҚШ, шимоли-шарқда Дания (Гренландия ороли) ва шарқда Франция (Сан-Пьер ва Микелон) билан чегарадош. Канаданинг АҚШ билан чегараси икки давлат ўртасидаги дунёдаги энг узун чегара ҳисобланади.

«Канада» номи «каната» сўзидан келиб чиққан бўлиб, Квебек атрофидаги Стадакон қишлоғида яшаган лаврентиялик ирокезларнинг тилида «қишлоқ» маъносини билдиради.

Канада ҳудудига 1534 йилда саёҳат қилган франциялик сайёҳ Жак Картье мамлакатга биринчи бор келганида маҳаллий ҳиндулардан «сардорнинг уйи қаерда», деб сўраган. Унинг француз тилида берган саволига тушунмаган маҳаллий ҳиндулар ҳозирги Квебек яқинидаги ўша вақтлардаги энг йирик қишлоқлардан бўлган, сардорнинг қароргоҳи жойлашган Стадакон томон қўллари билан кўрсатиб «каната, каната», яъни «қишлоқ у ёқда», деб кичкиришган. Шундан сўнг Ж. Картье нафақат Стадаконни, балки бутун минтақани ва Сан-Лаврентий дарёси қирғокларини ўз эсда-




Квебек яқинидаги Монтморенси шаршараси.

ликлариди «Канада» деб кўрсатган. 1545 йилдан бошлаб Европада нашр этилган барча китоб ва хариталарда «Канада» номи барқарор ўрнини топган. Мамлакатга Ж.Картъе ном берган бўлса-да, унинг қирғоқларини европаликлардан биринчи бўлиб Британия байроғи остида италиялик сайёҳ Жон Кабот 1497 йилда ўрганиб чиққан.

Канаданинг умумий майдони 9,98 млн кв.км, аҳолиси 34,2 млн. киши. Бошқарув шаклига кўра парламент тизимига эга бўлган конституцион монархия давлати. Буюк Британия қироличаси давлат бошлиғи, генерал-губернатор унинг вакили, ижроия ҳокимиятни эса бош вазир бошқаради. Мамлакат икки тилли (инглиз ва француз) ва кўп маданиятли хуудлардан саналади. Монреаль шаҳри француз тилида гаплашадиган аҳоли энг кўп яшайдиган дунёдаги иккинчи (Париждан кейин) йирик шаҳардир. Маъмурий тузилишига кўра федератив давлат бўлиб, 10 та провинция ва 3 та хууддан иборат.

Мамлакат хуудининг 75 фоизи шимол зонасига киради. 1925 йилдан буён Канада Арктикада ўз секторига эга. Дунёдаги энг



Ванкувер шаҳри.

шимолда жойлашган аҳоли пункти – Алерте Канададаги Элсмир оролининг шимолий чеккасида жойлашган ( $82,5^\circ$  ш.к.да, шимолий кутбдан 834 км узоқда). Канада ва Шимолий Американинг энг шарқий нуктаси Авалон яриморолидаги Спир бурни ҳисобланади. Мазкур бурун шунчалик шарқда жойлашганки, унга Канаданинг ғарбидаги Ванкувер шаҳридан кўра (5020 км) Франциянинг пойтахти Париж яқинроқ (4000 км).

Аҳоли зичлиги 1 кв.км.га 3,5 киши. Майдонининг катталигига қарамай, аҳолининг 75 фоизидан ортиғи АҚШ билан чегара атрофида, ундан 160 км.гача узоқликда бўлган ҳудудларда яшайди. Аҳолининг миллий таркиби ранг-баранг. Бу ерда аҳолисининг сони 100 мингдан кўп бўлган 45 дан ортиқ миллат вакиллари мавжуд. Аҳолининг умумий таркибида энг йирик гуруҳ канадаликлар бўлиб, улар 30,9 фоизни ташкил қилади. Инглизлар (20,1), французлар (15,1), шотландлар (14,5), ирландлар (13,3), немислар (9,7), италияликлар (4,4), хитойлар (4,1), хиндулар (3,8) ҳам энг кўп сонли гуруҳлардир.



Морейн кўли.

Мамлакат ҳудудининг асосий қисмини текисликлар – прериялар ва Канада платоси эгаллайди. Канаданинг шаркида Сан-Лаврентий дарёси худди шу ном билан аталадиган қўлтиққа куйила туриб, дунёдаги энг йирик мансабни ҳосил қилади. Нунавутедаги Девон ороли – дунёдаги аҳоли яшамайдиган энг йирик орол саналади. Мазкур оролнинг юзаси Марсдаги ландшафтга ўхшаб кетиши боис, уни «Ердаги Марс» деб аташади.

Канада иклими турли-туман. Қишда ҳарорат  $-15-45^{\circ}\text{C}$  атрофида тебранади. Канадада энг паст ҳарорат ( $-63^{\circ}\text{C}$ ) Юконда кузатилган. Йиллик қор қопламининг қалинлиги бир неча юз сантиметрга етади (масалан, Квебекда 337 см). Айрим ерларда ёзда ҳарорат  $+35+40^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиши мумкин.

Канаданинг ўсимлик олами Онтарионинг жанубидаги кенг баргли ва аралаш ўрмонлардан аста-секин шимол томонга игна баргли ўрмонларга алмашилиб боради. Игна баргли ўрмонларнинг захираси бўйича Канада дунёда Россиядан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳайвонот дунёси ҳам хилма-хил. Шимолда оқ айик, шимол бугуси, кутб куёни, кутб тулкиси, жанубда ўрмон кийиги қарибу, буғу, қор эчкиси ва бошқа ҳайвонлар мавжуд.

Канада иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича дунёдаги катта саккизликка кириб, сайёрамиздаги энг кўп савдо қиладиган мамлакатлардан бири. Шуниси қизиқки, Канада ривожланган мамлакат бўлишига қарамай, энергетика маҳсулотларини экспорт қилади. Бу эса ривожланган давлатлар ўртасида фақат айримларгагина хос. Нефтнинг аниқланган захиралари бўйича Канада дунёда Саудия Арабистонидан кейин иккинчи ўринда туради. Мамлакат рух ва уран қазиб чиқариш бўйича дунёда олдинги ўринларда туради. Бу ерда олтин, никель, алюминий ва кўрғошиннинг бой конлари мавжуд.

Муз устида хоккей – Канададаги расмий спорт тури.

Канада худуди тарихий-меъморий обидаларга бой бўлмаса ҳам, бу ерда жуда кўплаб машҳур замонавий иншоотлар қурилган. Жумладан, Торонтодаги 555 метрли Си-Эн минораси баландлиги бўйича дунёда иккинчи ўринда туриш билан бирга (1-ўринда Дубайдаги Халифа минораси – 828 м.), одам кўтарилиши мумкин бўлган энг баланд сунъий иншоотлардан биридир (томоша майдончаси 447 метр баландда жойлашган).

Компас стрелкасининг шимолий учини ўзига тортиб турадиган Шимолий магнит кутби охирги 400 йил давомида Канада худудида, қалин муз остида бўлган. Аммо Оттавадаги геомагнит лабораторияси ходимларининг фикрича, XVII асрдан буён Канада худудида бўлган Шимолий магнит кутби ушбу мамлакатни тарк этиб, йилига ўртача 10 км тезлик билан Россия томон ҳаракат қилмоқда. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, агар магнит кутби шундай тезликда ҳаракат қилишда давом этса, тахминан 40 йиллардан кейин Россиянинг Таймир яримороли худудига етиб келиши мумкин.

## Осмон остидаги мамлакат

Бутун жаҳонга маълум шарқ яккакураш санъатининг ёрқин намунаси кунг-фу, машҳур Шао-Линь ибодатхонаси ва Буюк Хитой девори каби ажойиботларнинг ватани, дунёдаги энг қадимги маданият ўчоқларидан бири бўлган Хитой бутун дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда. XX аср охирларида мазкур мамлакатда юз берган кескин иқтисодий ривожланиш натижаси ўлароқ дунёда «хитой мўъжизаси», деган ибора пайдо бўлди. Ҳақиқатан ҳам, турли соҳаларда жаҳонда аста-секин биринчи ўринни эгаллаб олаётган Хитойни «мўъжиза мамлакат», деб айтиш мумкин.


Хитой майдонининг катталиги бўйича (9,6 млн. кв.км) дунёда учинчи, аҳолисининг сони бўйича (1,35 млрд. киши) биринчи ўринни эгаллаб, бу ерда дунё аҳолисининг 20 фоизидан ортиғи яшайди. Мамлакатнинг номи хитойчада «Чжунго», яъни «ораликдаги давлат» маъносини билдиради. Бу ном Хитойнинг Мўғулистон, Ўрта Осиёдаги давлатлар ва Ҳиндистон ўртасидаги географик ўрнидан келиб чиқиб берилган бўлиши мумкин. Аммо «хитой» сўзининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Баъзи манбаларга кўра, «хитой» сўзи Шимолий Хитойда ҳукмронлик қилган кидан қабиласи номидан олинган ва айни шу қабилла вакиллари илк маротаба европаликлар билан муносабатларни ўрнатишган.

Европаликларга кидан қабиласининг номини «катай» шаклида биринчи бўлиб Марко Поло маълум қилган. Марко Поло Осиёга саёҳати тафсилотларини ўзида акс эттирган эсдаликларида Ши-

молий Хитойни худди шу ном билан кўрсатган. Жанубий Хитойни эса Марко Поло «манжи» деб атаган. Турли манбаларда (жумладан, ўзбек халқ эртақларида) ишлатиладиган Хитойнинг «Чин мочин» шаклидаги номи қадимий Жанубий Хитой – Чин ва Шимолий Хитой – Манжи номларининг асрлар давомида ўзгариши натижасида юзага келган бўлиши мумкин. Шунингдек, Хитойни «Осмон остидаги мамлакат» номи билан ҳам аташади. Чунки қадимги Хитойда осмон муқаддас ҳисобланган. Шу боис, «Осмон ибодатхонаси» Хитойдаги энг муқаддас жойлардан саналади.

Хитой – дунёдаги энг кўхна маданият ўчоқларидан. Мавжуд ёзма манбалар мазкур мамлакатнинг ёши 3500 йилдан кам эмаслигини тасдиқлайди.

Маъмурий жиҳатдан Хитой 23 та провинция, 5 та автоном район, 4 та марказга бўйсунувчи шаҳарлар ва 2 та махсус маъмурий районлардан иборат. 22 та провинция, 5 та автоном район ва 4 та шаҳар ўзаро «континентал Хитой» тушунчасини ташкил қилади.



Осмон ибодатхонаси – Пекиннинг рамзи.



Бундан ташкари, Хитой таркибида ороллардаги худудлар – Гонконг (Сянган), Макао ва Тайвань ҳам мавжуд.

Географик жихатдан Хитой худуди Шарқий Осиёда жойлашган ва шарқдан Тинч океани денгизлари билан ўралган. Майдони бўйича Осиё китъасидаги энг йирик мамлакат. 14 та кўшни давлатлар билан бўлган куруклик чегарасининг узунлиги – 22,1 минг км ва денгиз қирғоқ чизигининг узунлиги – 14,5 минг км.

Мамлакат аҳолисининг 90 фоизи қирғоқбўйи районларида, йирик дарёларнинг қайирларида яшайди. Хитойда урф-одати, миллий кийимлари ва ўз тилига эга бўлган 55 йирик миллатларнинг вакиллари яшайди. Аммо мамлакат аҳолисининг 90 фозидан ортигини хитойликлар – ханлар ташкил этади. 1979 йилдан буён олиб борилаётган «битта оила – битта бола» сиёсатига қарамасдан, Хитой аҳолиси йилига 12–15 миллион кишига кўпайиб бормокда.

Хитойнинг рельефи жуда хилма-хил ва унинг худудида баланд тоғлар, ясси тоғлар, ботиклар, чўллар ва улкан текисликлар мавжуд. Мамлакат худудининг учдан икки қисмини тоғ тизмалари, тоғликлар ва ясси тоғликлар, чўл ва чала чўллар эгаллайди. Ғарбдан шарққа томон мамлакат бир-биридан ажралиб турувчи уч хил баландликдаги поғонасимон худудлардан иборат. Ўртача баландлиги денгиз сатҳидан 2000 метрдан ошадиган, баъзи ерларда 4000–5000 метр бўлган Тибет тоғлари мамлакатнинг жануби-ғарбида жойлашган. 200–2000 метр баландликдаги тоғлар ва баланд текисликлар минтақаси – Хитойнинг шимолида ва марказий қисмларида, баландлиги 200 метрдан паст дарё ётқизикларидан ҳосил бўлган текисликлар – мамлакатнинг шимоли-шарқий, шарқий ва жанубий қисмларида жойлашган. Мамлакат шимолида ва ғарбида Гоби ва Такла-Макон чўллари ястаниб ётади.

Буюк Хитой текислиги – Хуанхэ дарёси водийси ва Янцзи дарёсининг дельтасини ўз ичига олиб, денгиз қирғоғи бўйлаб Пекиндан Шанхайгача чўзилиб кетган. Жавоҳир дарёси Хитойнинг жанубида бўлиб, Янцзи дарёси ҳавзасидан Нанлин тоғи ва Уишан тизмаси билан ажралган. Уишан тизмаси гўзал ва такрорланмас табиат обидаси бўлиб, ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон мероси» рўйхатига киритилган.

Хитойнинг иклими жуда ажойиб. Бу ерда субтропик (жанубда) ва мўътадил (шимолда), энг жанубдаги Хайнан оролида тропик иқлим устун. Тинч океани денгизларига туташ киргоқбўйи худудларида куруклик ва океаннинг ўзаро тўқнашувидан ҳосил бўладиган муссон иклими мавжуд. Шимолдаги Хэйлунцзян провинциясида январь ойида ҳарорат  $-30^{\circ}\text{C}$  гача тушиши ва ёзда  $+20^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиши мумкин. Жанубий худудларда эса ҳарорат январда  $+10^{\circ}\text{C}$  ва июль ойида  $+28^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлади.

Хитой турли фойдали қазилмаларга бой. Бу ерда 150 хил қазилмалар қазиб чиқарилиб, нефть, кўмир ва металлларнинг бой конлари мавжуд.

Хитойдаги дарёларнинг умумий узунлиги 220 минг км.дан ошадди. 5000 дан ортиқ дарёларнинг ҳавзаси – 100 кв.км.дан катта. Хуанхэ ва Янцзи – мамлакатнинг энг йирик дарёларидир. Мамлакатда мавжуд барча кўлларнинг умумий майдони – 80 минг кв. км.

Мамлакатнинг ўсимлик дунёси бирмунча бой. Бу ерда бамбуқларнинг 500 дан ортиқ тури ўсади. Ҳайвонот дунёси бир қатор ноёб



Панда.


турлардан иборат. Хитой пандаси энг ноёб турлардан бўлиб, кўп жойларда у мамлакатнинг рамзи сифатида қўлланилади.

Иқтисодиётнинг тез ўсиши натижасида «Хитойда ишлаб чиқарилган» белгиси бўлган маҳсулотларни дунёнинг барча қисмларида учратиш мумкин.

Мамлакат мураккаб тизимли транспорт тармоқларига эга. 2006 йилда Тибетда денгиз сатҳидан 5072 метр баландликда дунёдаги энг баланд темир йўл қурилган.

Хитой тақрорланмас жозибаси билан қадимдан дунё сайёҳлари эътиборини жалб этиб келган. Бу ердаги энг кўзга кўринган обидалардан бири – умумий узунлиги 8,85 минг км.дан ошадиган Буюк Хитой деворидир. Мазкур иншоотнинг 6,26 минг километри ғиштдан, 2,23 минг км турли тоғ жинслари (тош, мрамор, гранит) дан барпо этилган.

Мамлакат пойтахти Пекиннинг марказида «Тақиқланган шаҳар» номи билан машҳур Император саройи мавжуд. 1406–1420 йилларда қурилган ва 1925 йилгача оддий фуқаронинг кириши тақиқланган ушбу сарой 24 та Хитой ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлган.



Тақиқланган шаҳар.

«Тақиқланган шаҳар»нинг умумий майдони 720 минг кв.м ва 9999 хонадан иборат. Иншоотнинг атрофи 3400 метрли баланд девор ва «Олтин сув» деб номланган чуқурлик билан ўралган. Обиданинг ички қисмида ҳукмдор, унинг оила аъзолари, сарой аъёнлари ва хизматчилар учун алоҳида бинолар барпо этилган. Саройдагиларни ичимлик суви билан таъминлаш учун юзлаб улкан (500 литрли ва ундан катта) мис идишлар ўрнатилган. Ҳар бир кўча ва бино олдида муайян масофада ёритиш чироқлари мавжуд. Обиданинг баландроқ қисмидан қараганда минглаб хоналарнинг бир хил ранг ва услубда ишланган томлари кишини ҳайратга солади. Шу боис, мазкур обидани ҳақиқий шаҳар, деб айтиш мумкин.

Император Цинь Шихуан мақбараси ва «терракота армияси» Сиан шаҳрида бўлиб, мазкур обидани ҳам «Тақиқланган шаҳар» каби ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон мероси» рўйхатига киритилган. Мақбаранинг қурилишида 700 минг ишчи иштирок этган. Ҳозир бу ер музей бўлиб, унинг асосий экспонати – терракота, яъни куйдирилган қизғиш-жигарранг лойдан ясалган 7400 та аскар, от ва 90 та ҳарбий араваларни ташкил этувчи ҳайкалчалардан иборат.



«Терракота армияси».

Шуниси кизикки, император Цинь Шихуаннинг терракота лашкаридаги барча ҳайкаллар (аскар, от ва аравалар) асл ўлчамига эга. Аскарлар ҳайкалларининг бўйи 1,8 метр бўлиб, улар орасида юз тузилиши бир-бирига ўхшаш бўлган иккита бир хилини учратиш кийин.

## Улкан дарахтлар мамлакати

Дунёдаги энг баланд дарахтлар қаерда ўсади? Улар – Америка Қўшма Штатларида. АҚШнинг дунёда тутган ўрнини эса мутахассислар кўп жиҳатдан унинг худудида ўсадиган баландлиги 110 метр, баъзиларининг ҳажми 1,5 минг м<sup>3</sup> бўлган улкан дарахтлар – секвойяларга қиёслашади. Мамлакат умумий майдонига кўра (9,51 млн. кв.км) дунёда тўртинчи, аҳолисининг сони бўйича эса (311 млн.киши) учинчи ўринда туради.

АҚШ худуди шимолда Канада (8893 км), жанубда Мексика (3326 км) билан чегарадош. Тинч ва Шимолий Муз океанини туташтирувчи, кенглиги 80 км. дан ошадиган Беринг бўғизи мамлакатни Россиядан ажратиб туради. Ғарбда Тинч океани, шарқда Атлантика океани, шимолда (Аляскада) Шимолий Муз океани қирғоқларини ювиб туради. Қирғоқ чизиғининг узунлиги – 19 924 км.

АҚШ 1776 йилда ташкил топган ва 1787 йилда мамлакат Конституцияси қабул қилинган.

Мамлакат табиати хилма-хил ажойиботларга бой. Рельефини бир нечта алоҳида қисмларга ажратиш мумкин. Жумладан, шарқда Атлантика океани қирғоғи бўйлаб Аппалачи тоғлари тизими чўзилиб кетган. Аппалачидан ғарбда ер юзи бирмунча текис-



Улкан секвойя дарахти.

ланиб, мамлакатнинг йирик дарёлари оқадиган пасттекисликларга уланиб кетган. Сўнг АҚШнинг прериялар деб аталадиган Буюк текисликлари аста-секин мамлакат ғарбида шимолдан жанубга қараб чўзилиб кетган Кордильера тоғларига уланиб кетади.

Алясканинг катта қисмини Шимолий Кордильера тоғлари эгаллайди. Гавай штати бир нечта вулкон оролларида ташкил топган. Мамлакатнинг ғарбий қирғоқлари Тинч океан вулкон-оловли ҳалқасига киради ва бу ерда қатор ҳаракатдаги вулконлар мавжуд. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси Аляскадаги Мак-Кинли тоғи – 6193 метр, энг паст нуқтаси Калифорниядаги Ажал водийси – денгиз сатҳидан 85,5 метр пастда.

АҚШ ҳудудидаги дарёлар тўртта – Тинч, Атлантика ва Шимолий Муз океани ҳамда берк ҳавза дарёларига бўлинади. Тинч ва Атлантика океани дарёлари ўртасидаги сувайирғич Кордильера тоғларидан ўтган. Шимолий Муз океани ҳавзасига эса фақатгина Аляскадаги бир неча дарёлар киради. Катта ҳавзага кирувчи кўл ва дарёлар берк ҳавзани ташкил этади. Бу ердаги энг йирик кўл – Катта шўр кўлдир.



Мак-Кинли тоғи.



Мамлакатнинг энг йирик қўллари – Буюк қўллар унинг ши-молида жойлашган. Юқори, Гурон, Мичиган, Эри ва Онтарио қўлларининг умумий майдони 245,2 минг кв.км, сув сиғими эса – 22,7 минг куб км. Мазкур қўлларнинг барчаси бир-бири билан дарё ва каналлар орқали ўзаро туташган. Мексика қўлтиғига қуйиладиган энг йирик дарё – Миссисипи АҚШдаги энг йирик дарё ҳавзасини ҳосил қилади. Колумбия ва Колорадо – АҚШ ғарбидаги энг йирик дарёлардир. Колорадо дарёси ўз оқими бўйлаб дунёдаги энг йирик ва чуқур дара – Катта Каньонни ҳосил қилган.

Худудининг катталиги ва рельефининг хусусиятларига боғлиқ равишда АҚШда турли-туман иқлим турларини кўриш мумкин. Мамлакатнинг 40-параллелдан шимолда жойлашган катта қисми мўътадил иқлим минтақасига киради. Жануброкда субтропик иқлим мавжуд, Гавай ороллари ва Флориданинг жанубида тропик, узоқ Аляскада арктик иқлим устун. Бундан ташқари, Буюк текисликларнинг катта қисмида чўл ва чала чўл, Калифорниянинг баъзи худудларида Ўрта денгиз иқлим тури мавжуд. Мамлакат худудларидаги ҳарорат ўртасидаги фарқ жуда катта. Аляска тундра-сида энг паст ҳарорат  $-62^{\circ}\text{C}$  кузатилган. Энг юқори ҳарорат  $+56,7^{\circ}\text{C}$  Калифорниянинг Ажал водийсида кузатилган. Бу Саҳрои Кабирдаги Ливия чўлида кузатилган дунёдаги энг юқори ҳароратдан  $1^{\circ}\text{C}$  паст.

Ёғинлар бўйича АҚШ худудида баъзи бир рекордларни кузатиш мумкин. Гавай ороллариининг баъзи қисмларига 11,5 минг мм ёғин ёғса, Мохаве чўлида 60 мм ёғади. 1998–1999 йилларнинг кишида Вашингтон штатининг баъзи бир тоғ-чанғи курортларида 29 метр-гача қор ёққан.

АҚШ худудида аҳоли қадимдан яшайди. Пенсильвания уни-верситети олимларининг фикрича, мамлакат худудига илк аҳоли – ҳиндуларнинг авлодлари 20–25 минг йил илгари Олтой ўлкасидан Аляска орқали ўтиб келган. XVII асргача, яъни европаликлар ёп-пасига Америкага кўчиб келгунига қадар, ерли аҳоли – ҳиндулар, шимолда – алеутлар ва эскимослар мамлакат аҳолисининг асосий қисмини ташкил этган.

Ҳозирги вақтда Гавай оролларида ташқари барча штатларда европаликларнинг авлодлари устун. Қадимда аҳолининг асосий қисмини ташкил этган алеутлар, ҳиндулар, эскимосларнинг сони ҳозирда бир фоиз, яъни 3 млн. кишига яқин.



Алеутлар.

Европадан жуда кўп сонли иммигрантларнинг келиши натижа-сида, XVIII–XX асрлар давомида аҳоли сони жуда тез кўпайган. 1790 йилда АҚШ ҳудудида 4 млн. киши истиқомат қилган, аҳоли сони ХХI асрнинг бошларига келиб 75 баробарга кўпайган. Евро-паликлар аҳолининг учдан икки қисмини, африкаликлар, Лотин Америкаси, Осиё мамлакатларидан келганларнинг авлодлари ва хиндулар учдан бир қисмини ташкил этади.

Йирик шаҳарлари Тинч ва Атлантика океани қирғоқлари бўйлаб ҳамда Буюк кўллар атрофида жойлашган. Нью-Йорк, Бостон, Фи-ладельфия, Чикаго, Лос-Анжелес, Сан-Франциско каби шаҳарлар атрофдаги аҳоли пунктлари билан бирга, йирик агломерацияларни ҳосил қилган.

АҚШ сайёҳларнинг сеvimли масканидир. Нью-Йоркдаги Озод-лик ҳайкали, Эмпайр Стейт Билдинг осмонўпар биноси, Таймс Сквер, Лос-Анжелесдаги Голливуд, Гавай ороллари, Голден-Гейт-Бридж, Катта Каньон ва Диснейленд сайёҳлар энг кўп ташриф бу-

юрадиган масканлардир. АҚШдаги энг кўзга кўринган табиий ва ижтимоий объектларга бир йилда келадиган сайёҳларнинг сони мамлакат аҳолисининг сонидан бир неча баравар кўп.

## **Жанубий Американинг юраги**

Океан орти мамлакатлари деганда, энг аввало АҚШ ва Канада кўз олдимизга келади. Аммо Жанубий Америкадаги Бразилия материкнинг марказий ва шарқий қисмини эгаллаган, ўзига хос табиий ва иқтисодий салоҳиятга эга бўлган, қатор кўрсаткичлар бўйича АҚШ ва Канададан қолишмайдиган давлатлардан.

Жанубий Американи алоҳида материк сифатида португал сайёҳи Америго Веспуччи 1497 йилда кашф этганидан уч йил ўтгач, Бразилия 1500 йилда бошқа португал сайёҳи – Педру Алвареш томонидан кашф этилган. 1533 йилда мустамлакага айлантирилган Бразилия 1822 йилнинг 7 сентябрида ўз мустақиллигига эришган, 1889 йилдан бошлаб республика деб эълон қилинган.

Кашф этилган вақтда португалияликлар Бразилия ҳудудига Вера Круш Ери (португалчада «Вера-Круш» «ҳақиқий хоч» маъносини англатади), деб ном беришган. Аммо кейинчалик ушбу мамлакат Бразилия деб атала бошлаган. Мутахассисларнинг фикрича, мамлакат ҳозирги номининг келиб чиқиши бу ердан Европага катта миқдорда олиб кетилган сандал дарахтининг тури – «пау-бразил» билан боғлиқ. Мазкур қимматбаҳо дарахт Европага бўёқ, мебель ва мусиқа асбоблари ишлаб чиқариш учун олиб келинган.

Майдони ва аҳолисининг сони бўйича Бразилия Жанубий Америкадаги энг йирик мамлакат ҳисобланади. Майдони – 8,5 млн. кв.км, аҳолиси – 195,0 млн. киши, ҳар иккала кўрсаткич бўйича жаҳонда 5-ўринни эгаллайди. Давлат тили – португал тили. Маъмурий тузилиши бўйича Бразилия федератив республика, бу ерда 26 та штат ва 1 та федерал округ мавжуд.

Мамлакат аҳолиси дунёдаги энг аралаш таркибга эга бўлган бразилияликлардан ташкил топган. Жумладан, оқ танлилар, асосан, португалияликлар, италияликлар, испанлар, немислар, араблар аҳолининг 53,9 фоизини, мулатлар (оқ ва қора танлиларнинг авлодлари) – 38,5, қора танлилар – 6,2, осиеликлар (асосан, япон-



Бразилиялик ҳинду.

лар) – 0,5, ҳиндулар – 0,43 фоизни ташкил этади. Шунингдек, аҳоли таркибида самболар (африкаликлар ва ҳиндуларнинг авлодлари) ва пардолар (жигарранг танли аҳоли) ҳам яшайди. Мамлакатнинг баъзи қисмларида маҳаллий аҳоли – ҳиндулар кўпчиликини ташкил этади. Жумладан, Амазонас штатининг пойтахти Манаус шаҳри аҳолисининг (1,74 млн. киши) 80 фоизи ҳиндулардан иборат. Бу ерда ҳиндулар музейи ва дарёда сузиб юриб, савдо қиладиган кўчма бозорлар мавжуд. Шунингдек, маҳаллий ҳиндулар қишлоқ жойларида яшаб, асосан, қишлоқ хўжалиги ва овчилик билан машғул.

Аҳоли сони XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб тез кўпая бошлаган. XVIII асрнинг бошларида мамлакат ҳудудида 1,2 млн. киши яшаган, 1790 йилда 2,9 млн. киши, XIX аср охирида – 17,9 млн. кишига етган.

Мамлакат ҳудуди шимолдан жанубга 4320 км, шарқдан ғарбга 4330 км.га чўзилган, қуруқлик чегараларининг умумий узунлиги 16 минг км.дан ортиқ. Бразилия Жанубий Америкадаги Эквадор ва Чилидан бошқа барча мамлакатлар билан чегарадош.

Мамлакат шимолида Амазонка пасттекислиги – Амазония ястаниб ётади. Ундан шимолда эса пасттекислик аста-секин баландликларга айланиб боради. Мамлакатнинг катта қисмини Бразилия

ясси тоғлиги эгаллаб, унинг чекка қисмларидаги баъзи тоғларнинг баландлиги 2890 метрга (Бандейра тоғи) етади.

Бразилия учун иссиқ иқлим хос бўлиб, бу ерда экваториал, субэкваториал, тропик ва субтропик иқлим минтақалари мавжуд. Ўртача ойлик ҳарорат йил давомида  $+16$ – $+29^{\circ}\text{C}$  ўртасида тебраниб туради. Фақат бирмунча баланд шарқий худудлардагина июлнинг (Жанубий Америкада қиш) ўртача ҳарорати  $+12$ – $+14^{\circ}\text{C}$  гача тушади, ҳатто, аёз бўлиши мумкин. Иқлим хусусиятларидан келиб чиқиб, мамлакат худудининг асосий қисмида катта миқдорда – 500–3000 мм ёғин ёғади.

Бразилия – ажойиб табиатли мамлакат. Бу ерда Амазония ўрмонлари-ю, баланд тоғ чўққиларидан тортиб, кенг яйловли пампаслар ҳамда курук тропикларгача учратиш мумкин. Амазония ўрмонларининг умумий майдони 6 млн. кв. км, улар материкнинг 9 та давлати худудида, 60 фоизи эса Бразилияда жойлашган. Бу ўрмонлар сайёрамизнинг ўпкаси ҳисобланади, чунки бу ерда бутун Ер куррасидаги кислороднинг 50 фоизидан ортиғи ишлаб чиқарилади.

Мамлакатнинг асосий дарёларидан бири Амазонка, у 1000 дан ортиқ ирмоқларга эга, дунёдаги энг серсув дарё ҳисобланади. Маз-




Игуасу шаршараси.

кур дарё дунёдаги жами чучук сувнинг 20 фоизини Дунё океанига қуяди. Парана ва Игуасу дарёсининг Бразилия, Аргентина ва Парагвай чегаралари кесишган қисмида Игуасу (хиндулар тилида – «катта сув») шаршаралари тизими мавжуд. Бу ерда 3 километрдан ортиқ масофага чўзилган остоналардан секундига 1800 м<sup>3</sup> сувнинг пастга оқиб тушиши, атрофга сачраётган сув зарраларнинг қуёшда ҳосил қилган камалаги ажойиб манзарани ҳосил қилади. Игуасу дарёсида 300 дан ортиқ шаршаралар бўлиб, улардан энг йириги «Шайтоннинг оғзи» (португалчада – «Garganta do Diabo») бўлиб, 150 метр кенгликдаги мазкур шаршарада дарё 80 метр пастга шариллаб тушади.

Бразилиянинг ғарбидаги Пантанал қўриқхонаси Боливия ва Парагвай билан чегарада жойлашган. Мазкур қўриқхона 150 минг кв.км майдонни эгаллаб, Ер қуррасидаги энг йирик экотизимни ташкил этади. Шунингдек, мамлакатда поёнсиз саванналар, Амазония чангалзорлари, жанубда эса Атлантика ўрмонлари мавжуд.

Бразилия ривожланган транспорт коммуникациялари тизимига эга. Мамлакатда 4100 тадан ортиқ аэропорт мавжуд.

Сан-Паулу ва Рио-де-Жанейро мамлакатнинг энг йирик шаҳарларидир. Бразилия мамлакатнинг маъмурий маркази ҳисобланади.



Рио-де-Жанейродаги Маракана ўйингоҳи.


# МИТТИ ДАВЛАТЛАР



## Дунёдаги энг митти давлат

Рим шахри қадим замонлардан буён бутун дунёга машҳур. Мазкур шаҳар дунёдаги шаҳарлар ичида ўз ҳудудида энг митти давлат жойлашгани билан алоҳида ажралиб туради. Ҳақиқатан ҳам, Римнинг ўртасида дунёдаги энг митти давлат, бутун дунё католикларининг раҳнамози бўлган Рим папасининг қароргоҳи ҳисобланган давлат – Ватикан жойлашган. Ватиканнинг умумий майдони 0,44 кв.км ёки 44 гектар, доимий аҳолиси 800 кишига яқин. Ушбу кўрсаткичларга кўра у дунёдаги энг кичик давлатдир.

Ватиканнинг номи ҳудудидаги тепалик – Монс Ватиканусдан (Mons Vaticanus) олинган бўлиб, у лотинчада «фол очадиган ер» деган маънони билдиради. Қадимда Ватикан ҳудудида ҳеч ким яшамаган, чунки бу ҳудуд муқаддас саналган. 326 йилда христианликнинг келиши билан Константин ибодатхонаси қурилган ва шу вақтдан буён бу ерда одамлар яшай бошлаган.



Ватиканнинг марказий майдони.

Ҳозирги кўринишида Ватикан 1929 йил 11 февралда Италия ҳукумати билан имзоланган Лютеран битимига биноан юзага келган. Ватикан абсолют теократик монархия бўлиб, конун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти Рим папасининг қўлида.

Географик ўрнига кўра Ватикан Рим шаҳрининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган. Чегараларининг умумий узунлиги 3,2 километр, асосан, ноқонуний кесиб ўтишларнинг олдини олиш учун барпо этилган мудофаа девори орқали ўтади.

Ватикан нотижорат хусусиятга эга бўлган режали иқтисодиётга эга. Даромадининг асосий манбаи – бутун дунё католиклари томонидан қилинадиган ҳадялардир. Бундан ташқари, сайёҳликдан ҳам катта даромад олинади. Булар, асосан почта маркалари, совғалар, Ватикан тангаларини сотиш, музейларга кириш учун тўловлардан иборат. Сайёҳлик соҳасида меҳнат қиладиганларнинг кўпчилигини Италия фуқаролари ташкил этади.



Муқаддас Пётр ибодатхонаси.



Ватиканда яшайдиганларнинг аксариятини, Швейцария гвардисидан ташқари, италияликлар ташкил этади. Ватиканнинг «кундузги» фуқаролари, яъни бу ерда ишлайдиган 3000 дан ортиқ хизматчилар ҳам италияликлар бўлиб, улар давлат ташқарисида – Римда яшайди.

Ватикан худудида бутун дунёга таниқли меъморий дурдоналар – Муқаддас Пётр ибодатхонаси, Ватикан музейи, Сикстин капелласи ва машҳур Ватикан кутубхонаси жойлашган. Овал шаклга эга 240 метр кенгликдаги маҳобатли Муқаддас Пётр майдони атрофига тўрт қатордан иборат 240 та устун ва 140 та ҳайкал ўрнатилган. Майдоннинг марказидан милоддан аввалги I асрда Мисрдан Римга олиб келинган қилич шаклидаги тош ёдгорлик жой олган.

Ватикан худудида битта вертолёт майдончаси бор. 852 метрли темир йўл Муқаддас Пётр ибодатхонаси олдидан бошланиб, Италиянинг асосий темир йўл тармоғига уланган.



Сикстин капелласи.

Ватикан БМТда кузатувчи мақомига эга, унинг ҳудудида чет мамлакатларнинг ваколатхоналари бор. Ўз навбатида, Ватикан хорижий мамлакатларда, ҳатто, Рим шаҳрида элчихонасини очиши мумкин. Жумладан, дунёдаги 174 та давлат ва 15 дан ортиқ халқаро ташкилотлар билан дипломатик алоқаларни амалга оширади. Мазкур давлатнинг Ўзбекистонда ҳам ваколатхонаси мавжуд бўлиб, у Тошкентдаги католик ибодатхонаси биносида жойлашган.

## **Зоҳидлар юрти**

Дунёдаги бирорта давлат ҳудудини бир соатдан кам вақтда пиёда кесиб ўтиш мумкинми? Бу Европа жанубида, Ўрта денгиз бўйида жойлашган, майдони бўйича дунёда Ватикандан кейин иккинчи ўринда турадиган энг митти давлат – Монакодир. Курукликда фақат Франция билан чегарадош бўлган Монаконинг ҳудудини пиёда кесиб ўтиш учун 56 дақиқа вақт керак бўлар экан.



Монако кўчалари.

Мамлакат номи қадимги юнон сўзи «моноикос» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «зоҳидлар, тарки дунё қилганлар юрти» деган маънони билдиради. Мамлакатнинг умумий майдони 2,02 кв.км ёки 202 гектарни ташкил этади. Монако қирғоқ чизигининг умумий узунлиги – 4,1 км, қуруқлик чегаралари – 4,4 км. Денгизни қуришти ва аста-секин кўмиш ҳисобига кейинги 20 йил мобайнида мамлакат ҳудуди қарийб 40 гектарга кенгайди. Аҳолиси 36 минг кишидан ортиқ. Майдонининг кичиклиги ва бу ерда аҳоли кўп қаватли биноларда яшагани боис зичлик жуда юқори (1 кв.км.га – 18 минг кишига яқин).

Бошқарув шаклига кўра Монако – конституцион монархия давлати, ҳокимият тепасида князь туради. 1917 йилдаги Конституцияга кўра, 10 мавзega бўлинган ягона коммунадан иборат.

Князлик Ўрта денгизга хос субтропик иқлимга эга. Ёзи иссиқ ва қуруқ (ўртача ҳарорат +28+30°C) ҳамда қиши юмшоқ ва ёмғирли (ўртача ҳарорат +10+12°C). Ёғинларнинг асосий қисми кузда ва қишда ёғади.

Монако иқтисодиётининг ўзига жалб этувчи жиҳати шундаки, банкларда кафолатланадиган махфийлик ва жуда кичик фоиздаги солиқлар катта миқдордаги хорижий инвестицияларни князликка жалб этиш имконини беради. ХХI асрнинг биринчи ўн йиллиги давомида Монако банкларида сақланган пул маблағларининг ҳажми йилига ўртача 18 фоишга ошиб борган. Князликнинг ташқи қарзи йўқ, ишсизлик жуда кам. Шуниси қизиқки, князликдаги иш жойлари сони 45 мингта, яъни мамлакат аҳолисининг умумий сонидан кўп. Монако Франция билан яқин сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ўрнатган. Икки мамлакат умумий молиявий ва божхона тизимига эга, ишлатиладиган электр қувватининг барчаси Франциядан импорт қилинади.


Монако 1993 йилдан буён БМТ аъзоси, қатор халқаро ташкилотларнинг фаолиятида иштирок этади. Халқаро гидрографик ташкилотнинг қароргоҳи Монакода жойлашган. Шунингдек, дунёнинг 45 мамлакатидagi 106 та шаҳарда фахрий консулликлари мавжуд. Монако ҳудудида жаҳоннинг 66 та мамлакати бош консуллик, консуллик ёки фахрий консулликларини очишган.

Ҳудудининг мўъжазгина бўлишига қарамай, Монако бутун дунё сайёҳлари эътиборини ўзига тортадиган ажойиб маскан.

## Пойтахтсиз давлат

Ҳа, шунақаси ҳам бўлар экан – давлатнинг ўзи бор-у, пойтахти йўқ. Тинч океаннинг ғарбидаги маржон оролида жойлашган дунёдаги митти давлатлардан бири бўлган Науру Республикаси ана шундайлардан. Унинг майдони 21,3 кв. км, аҳолиси 13,5 минг кишидан иборат. Науру худди шу номдаги оролда, экватордан 42 км жанубда жойлашган. Унга энг яқин орол – Банаба 306 км шарқда бўлиб, Кирибати Республикасига қарашли. Науру пойтахтсиз мамлакат бўлиши билан бирга, Ер қуррасидаги энг митти республика ва орол давлат ҳамдир.

Науру – денгиз тубидан кўтарилган вулкон конусининг тепа қисмида ҳосил бўлган маржон ороли ҳисобланади. Орол тухумсимон шаклга эга бўлиб, Анибар қўлтиғи жойлашган шарқий қисмидаги қирғоғи сал эгилган. Оролнинг узунлиги – 5,6 км, кенглиги – 4 км, қирғоқ чизигининг умумий узунлиги – 19 км. га яқин. Энг баланд нуқтаси – 65 метр. Қирғоқдан 1 км узоқликда денгиз кескин чуқурлашиб, 1000 метрдан ошади. Оролнинг юзаси



Науру ороли.

100–300 метр кенгликка эга бўлган кирғоқёни текисликлари, марказий қисмида баландлиги 30 метрга етадиган, денгиз кушларининг ахлатларидан пайдо бўлган табиий азот-фосфорит ўғит – гуанонинг калин қатлами билан қопланган платодан иборат. Оролнинг атрофи кенлиги 120–300 метр бўлган маржонқоялар билан ўралган. Маржонқояларда 16 та каналлар бунёд этилган бўлиб, унча катта бўлмаган кемалар океандан оролга сузиб ўта олади.

Науру худуди экваториал муссон типдаги иссиқ ва нам иқлимга эга. Оролдаги ўртача ҳарорат  $+27,5^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлиб, кундузи  $+26+35$ , кечаси  $+22+28^{\circ}\text{C}$  атрофида ўзгаради. Йиллик ёғин миқдори 2000 мм.дан ортик, баъзи йиллари 4500 мм.гача ёғин ёғади. Глобал иликлашув жараёни туфайли Дунё океани сатҳининг кўтарилиши оролнинг сув остига чўкиб, йўқолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, Науру БМТ орқали дунё ҳамжамятининг эътиборини глобал иликлашув муаммосига қаратишга ҳаракат қилмоқда.

Науру оролида дарёлар йўқ. Унинг жануби-ғарбий қисмида унча катта бўлмаган, суви шўрроқ Буада кўли мавжуд бўлиб, мазкур хавзага асосан ёмғир сувлари тўпланади. Шу боис, ичимлик суви танқислиги – оролдаги долзарб муаммолардан биридир. Оролда океан сувини чучуклаштирувчи фақат битта мослама мавжуд. Мазкур мослама Наурудаги ягона электрстанциядаги носозликлар туфайли



Науру ороли атрофидаги маржонқоялар.


электр энергиясининг бўлмаслиги оқибатида аксарият ҳолларда ишдан тўхтаб қолади. Шу сабабли, аҳоли асосан, ёмғир сувларини йиғиб, ичиш, боғ ва уй ҳайвонларини суғориш учун фойдаланади. Бундан ташқари, қурғоқчилик мавсумида оролга ичимлик суви Австралиядан улкан кемаларда олиб келинади.

Қитъалардан узоқда жойлашгани боис, Науруда 60 турдаги ўсимликлар ўсади. Фақат кокос пальмасини етиштириш ва гуано қазиб олиш оқибатида оролдаги ерлар бузилиб, ўсимликларнинг кўпчилиги йўқ бўлиб кетган. Оролда кокос пальмаси, фикус, дафна дарахтлари ўсади, унинг марказий қисмларида гилос, бодом ва манго боғлари учрайди. Орол ҳайвонот дунёси жуда камбағал бўлиб, бу ердаги фауна вакиллари асосан одамлар томонидан олиб келинган. Мазкур ҳудудда қушларнинг 6 тури учрайди, улардан фақат биттаси эндемик ҳисобланади.

Науру маъмурий тузилишига кўра 8 та сайлов округларига бирлаштирилган 14 та маъмурий округдан иборат. Бошқарув тизимига кўра Науру – республика, давлат бошлиғи – президент.

Науру мустақилликка эришган вақтда (1968 й.) оролда 3 минг киши яшаган. Ўтган 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида мамлакат аҳолиси тўрт баробарга кўпайди. Орол аҳолисининг аксарияти денгиз қирғоқлари ҳамда Буада кўли атрофларида яшайди. Аҳолининг 58 фоизини маҳаллий аҳоли – науруликлар ташкил этади. Тинч океанининг бошқа оролларида келганлар 26, хитойлар – 8,1, европалликлар – 8,0 фоизни ташкил этади. Мамлакатнинг расмий пойтахти бўлмагани боис, Президент қароргоҳи Мененг округида, ҳукумат муассасалари ва парламент Ярен округида жойлашган.

Табиий ўғит – гуано қазиб олиш авж олган пайтда (XX асрнинг 70 – 80-йиллари) аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад бўйича Науру дунёнинг энг бой мамлакатлари қаторига кирган. Аммо XX асрнинг 90-йилларига келиб оролда гуано захиралари тугаган. Тинимсиз гуано қазиб олиш натижасида оролнинг кўриниши худди Ой сирти манзарасига ўхшаш бўшлиққа айланиб, мамлакат асосий даромад манбаидан ажралган. 2006 йилда оролда гуано қазиб олиш яна тикланди ва табиий ўғитнинг захираси 10 йилга етиши мумкин. Шу боис, сўнгги йиллардаги мамлакатнинг асосий даромади Австралия томонидан берилаётган ёрдамдан иборат.



Науру халқаро аэропорти.

Океанда жойлашганига қарамасдан, мамлакатда балиқчилик ривожланмаган.

Оролнинг жанубида битта учиш майдониغا эга Науру халқаро аэропорти жойлашган, мамлакат авиакомпанияси ихтиёрида битта «Боинг-737» самолёти мавжуд. Темир йўлларнинг узунлиги 3,9 км, у гуано конларини денгиз бўйидаги порт билан боғлайди. Оролда жамоат транспорти йўқ, кўпчилик шахсий транспорт воситаларидан фойдаланади.

Науру БМТга 187-аъзо сифатида 1987 йилда қабул қилинган. Мамлакат дунёдаги қатор давлат ва халқаро ташкилотлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни амалга оширади. Асосий савдо ва дипломатик ҳамкорлар қаторида Австралия, Буюк Британия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Янги Зеландия, АҚШ, Таиланд, Филиппин ва Япония кабиларни кўрсатиш мумкин.


### **«Омонат» мамлакат**

Ер юзида шундай мамлакатлар борки, улардаги аҳоли давлат худудининг эрта-индин сув остида қолиб кетишидан кўрқиб, хаво-

тирда яшайди. Тинч океани Полинезиясидаги Тувалу ана шундай «омонат» мамлакатлардан. Мазкур давлат экватордан жануброқда жойлашган, худуди Тувалу архипелагидаги 5 та атолл ва 4 та оролдан иборат. Умумий майдони 26 кв. км, аҳолиси 13 минг кишидан ортиқ бўлган дунёдаги митти мамлакатлардан бири.

Тувалу ороллари испан денгизчи-сайёҳи Альваро Менданье де Нейро томонидан 1568 йилда кашф этилган. 1892 йилдан бошлаб Буюк Британиянинг протекторати, 1974 йилдан – алоҳида мустамлакаси бўлган. 1978 йилда давлат мустақиллигига эришган. Архипелагга 1975 йилда «Тувалу» номи берилган. «Тувалу» сўзи маҳаллий халқ тилида «саккизта ёнма-ён турганлар» деган маънони билдиради. Мазкур номни беришда Тувалу архипелагидаги аҳоли яшайдиган саккизта орол кўзда тутилган. Бу ердаги тўққизинчи орол – Ниулакита кимсасиз бўлиб, унинг худудига аҳоли 1975 йилдан кейин кўчиб ўтиб, жойлашган.

Тувалу жойлашган атолл ва ороллар шимоли-ғарбдан жануби-шарққа қараб 595 км.га чўзилиб кетган. Архипелагнинг энг йирик ороли Ваитупу атолли бўлиб, унинг майдони – 5 кв.км, энг кичиги – Ниулакита (0,4 кв.км). Ороллар орасидаги энг қисқа масофа – 67 км



Тувалу ороллари юзаси денгиз сатҳи билан деярли тенг.




(Нукуфетау/Ваитупу), энг узок масофа – 172 км.ни ташкил этади (Нуи/Ваитупу). Мамлакатнинг энг баланд нуқтасининг баландлиги 5 метр. Шу боис, Дунё океани сатҳининг кўтарилиши бу ердаги оролларнинг сув остида қолишига олиб келиши мумкин.

Тувалу атрофларида океан сатҳининг охириги 20 йил ичида ўртача 22 мм, баъзи йиллари 40–50 мм кўтарилиши кузатилган. Мазкур кўрсаткич Дунё океанидаги ўртача қийматдан (йилига ўртача 2 мм) анча юқори. Шу сабабли, сув босиш хавфи туғилган тақдирда мамлакат аҳолисини Фижи оролларига, Янги Зеландия ва Австралияга кўчириш бўйича режалар ишлаб чиқилган.

Тувалу худуди жануби-шарқий пассат шамоллари таъсирида бўлган иссиқ тропик иқлимга эга. Бу ерда иккита – ёмғир ва курғоқчилик мавсуми аниқ сезилади. Ҳавонинг ҳарорати йил давомида юқори бўлиб,  $+26+32^{\circ}\text{C}$  ўртасида тебранади. Тропик циклонлар Тувалуга катта талафот келтиради.

Майдонининг кичиклиги ва унинг деярли текисликдан иборатлиги боис, Тувалу оролларида дарёлар йўқ. Орол аҳолиси ёмғир сувини бетон ҳавзаларга йиғиб, асосан, ичиш мақсадида фойдаланади.



Тувалудаги одатий манзара.

Оролларнинг ўсимлик ва ҳайвонот олами камбағал. Бу ерда ўсимликларнинг 86 тури учраб, улардан бирортаси эндемик эмас. Худудининг катта қисми кокос пальмалари билан банд. Бундан ташқари, оролларда папоротникларни кўплаб учратиш мумкин. Тувалу фаунаси, асосан, уй ҳайвонларидан иборат.

Маъмурий жиҳатдан Тувалу ороллари 7 та орол-провинциялар ва 1 шаҳар кенгашидан иборат. Мамлакат аҳолисининг 47 фоизи биргина катта шаҳар – Фанафутида яшайди. Аҳолининг 94 фоизини тувалулар ташкил этади. Аҳолиси йилига 1,5 фоизга кўпаяётганига қарамай, унинг умумий сони камлигича қолмоқда. Бунга асосий сабаб эмиграция бўлиб, мазкур жараён туфайли Фижи ороллари, Янги Зеландия ва Австралияда тувалуликларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Тувалу бошқарув тизимига кўра монархия, давлат бошлиғи – Буюк Британия қироличаси, ижроия ҳокимиятини бош вазир бошқаради. Мамлакат дунёнинг 28 мамлакати билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Тувалу пойтахтида биттагина хорижий дипломатик ваколатхона мавжуд. Тувалунинг хорижий мамлакатдаги ягона дипломатик ваколатхонаси Фижи оролларида жойлашган. Шунингдек, мамлакат БМТда доимий ваколатхона, Янги Зеландия, Австралия, Германия, Япония, Буюк Британия, Швейцарияда фахрий консулликларга эга.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлиб, асосий экин – кокос пальмаси. Шунингдек, бу ерда нон дарахти, папайя ва банан етиштирилади. Балиқ – Тувалунинг миллий бойликларидан бири. Бошқа давлатлар билан мамлакат худудига яқин ерларда балиқ овлаш тўғрисида тузиладиган шартномалар ва чет эл компанияларига рухсатномалар бериш мамлакатга катта даромад келтиради. Балиқ овлаш бўйича Тувалунинг асосий ҳамкорлари – Япония, АҚШ ва Хитой. Мамлакат аҳолисининг 15 фоизи хорижий савдо кемаларида меҳнат қилади, улар томонидан юбориладиган маблағлар Тувалунинг асосий даромад манбаларидан биридир.

Тувалуда транспорт тармоқлари суст ривожланган. Мамлакатда фақат битта – Фанафути халқаро аэропорти мавжуд, Тувалу йўналиши бўйича амалга ошириладиган авиарейсларни Фижи

авиакомпанияси бажаради. Тувалу денгиз флотиди 74 та кема мавжуд, улардан асосан ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда фойдаланилади. Мамлакатда телестанция йўқ, шу боис, аҳоли сунъий йўлдош орқали телевизор кўради. Аммо ороларда турли телекоммуникацион хизматлар – телекс, телефон ва Интернет алоқаси мавжуд.

Ороларга етиб боришнинг қийинлиги сайёҳлик тармоғининг ривожлантиришга тўсқинлик қилади. Шу боис, мамлакатга келаётган сайёҳларнинг асосий қисми нисбатан яқин жойлашган Япония, Фижи, Австралия ва Янги Зеландия фуқароларидир.

## **Дунёдаги энг кекса республика**

Европада қадимий давлатлар жуда кўп. Аммо уларнинг ҳеч бири давлат сифатида барпо этилган вақтдаги давлат тузуми ва чегаралари доирасида сақланиб қолмаган. Жанубий Европанинг Аппенин



Сан-Марино жойлашган тепалик.

яриморолида жойлашган, ҳамма томондан Италия ҳудуди билан ўралган давлат – Сан-Марино бундан мустасно. Чунки мазкур давлат чегаралари мамлакат ташкил топган вақт, яъни милодий IV асрдаги ҳолатда ҳозирги вақтгача сақланиб келмоқда. 855 йилда ўзининг мустақиллигига эришган Сан-Марино энг қадимий, республика типигаги давлатдир. Дунёдаги энг кўхна республика бўлишдан ташқари, Сан-Марино ҳудудининг ўлчамига кўра дунёдаги энг митти давлатлардан бири бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича биринчи бешликни яқунлайди.

Сан-Маринога асос солиниши милодий IV асрга тўғри келади. Мамлакатнинг номи унга асос солган роҳибнинг номидан олинган бўлиб, кейинчалик бу номга «Сан», яъни «муқаддас» сўзи қўшиб, ишлатилган. Ривоятларга кўра, Адриатика денгизининг Раб оролида (ҳозирги Хорватия ҳудудида) ташкил этилган биринчи насронийлар уюшмаси аъзоси, тоштарош Марино IV аср бошларида ўзининг бир неча шериклари билан Аппенин яриморолидаги Монте-Титано тоғи ёнида паноҳ топган. Ўша вақтлардан буён Апеннин яриморолида Сан-Марино мавжуд бўлиб келмоқда.

Сан-Маринонинг умумий майдони 61 кв. км, аҳолиси 31,9 минг киши. Ҳудуди денгиз сатҳидан 738 метр баландликда жойлашган Монте-Титано тоғининг жануби-ғарбий ёнбағрини эгаллайди. Мазкур тоғ Апеннин тоғ олди текисликлари ўртасида алоҳида ажралиб туради. Тоғлар мамлакат ҳудудининг – 80, ҳайдаладиган ерлар – 16 фоизини ташкил этади.

Бошқарув шаклига кўра Сан-Марино – республика, давлат бошлиғи – Катта Бош кенгаш томонидан тайинланадиган капитан-регент. Капитан-регент ҳар йили икки марта 6 ой (1 апрелдан 1 октябргача, 1 октябрдан 1 апрелгача) муддатга тайинланади. Мамлакат Конституцияси Европадаги энг қадимий ҳуқуқий ҳужжатлардан бўлиб, 1600 йилда қабул қилинган. Сан-Марино ҳудуди «кастелли» («қалъа» маъносини англатади) деб номланган 9 та вилоятга бўлинган.

Сан-Марино ҳудудида субтропик ўрта денгиз иқлими устун. Ёзда ўртача ҳарорат +24, қишда +4°C атрофида. Қишда баъзан кечаси ҳарорат –6°Cга тушиши, қор ёғиши мумкин. Аммо қор қоплами

узок турмай, тезда эриб кетади.


Мамлакат аҳолисининг 16 фоизини 15 ёшгача бўлган болалар, 67 фоизини эса 15–64 ёшдагилар ташкил этади. Аҳолининг ўртача умр кўриши (81,5 ёш) бўйича Сан-Марино дунёда олдинги ўринларда туради. Расмий давлат тили – италия тили, аҳолининг 93 фоизи католиклар.

Сан-Маринода 30 дан ортиқ аҳоли пунктлари мавжуд. Мамлакат пойтахти – Сан-Марино шаҳри (аҳолиси 4,6 минг киши) Монте-Титано тоғининг ғарбида, унинг чўққисидан пастрокда жойлашган.

Мазкур шаҳарда ҳукумат муассасалари, қатор меъморий обидалар ва музейлар жойлашган. Мамлакатнинг ишбилармонлик маркази Борго-Мажоре (5,2 минг киши) шаҳри бўлиб, у пойтахтдан 200 метр пастрокда жойлашган. Энг йирик аҳоли пункти – Серравалле шаҳри (9,2 минг киши). Қолган барча аҳоли пунктларида аҳоли сони 1000 кишидан ошмайди.

Сайёҳлик индустрияси яхши ривожланган Сан-Маринога ҳар йили 3 млн.дан ортиқ сайёҳ (мамлакат аҳолисининг умумий сонидан 95 баравар кўп) ташриф буюради.

Сан-Маринода аэропорт ва денгиз порти йўқ. Ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар Италия пойтахти Рим шаҳрининг халқаро аэропортидан фойдаланишади. Автобус ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Шаҳарлараро темир йўл транспорти умуман йўқ, аммо 2 та трамвай йўналиши мавжуд. Мамлакатда ягона такси корхонаси фаолият кўрсатади. Сан-Маринодаги узунлиги 1,5 км бўлган арқон



Сан-Марино ҳукумати биноси.

йўл мамлакат пойтахти Сан-Маринони Борго-Мажоре шаҳри ва Монте-Титано тоғи билан боғлайди.

Сан-Маринода 1 та университет ва Халқаро фанлар Академияси мавжуд. Мамлакатнинг тарихий маркази ва Монте-Титано тоғи ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон мероси» рўйхатига киритилган.

## МАФТУНКОР ДАВЛАТЛАР



### Кунчиқар юрт

Осиёнинг Тинч океан қирғоқларига яқин жойлашган Япония – бутун дунёни лол қолдириб келаётган мўъжизакор мамлакатлардан бири. Чунки, рельефи асосан тоғликлардан иборат, табиий ресурсларга камбағал бўлган мазкур мамлакат аҳолининг тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги туфайли бугунги кунда иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига кўра дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Осиёдаги жуда кўп мамлакатларга хос қадимий тарих ва маданиятга эга бўлган Япония сайёҳлар эътиборини доимо ўзига тортди келган.



Япон меъморчилиги ўзига хос.

Япония ороллардан иборат мамлакат, унинг умумий майдони 377,9 минг кв.км, шундан 374,7 минг кв.км – қуруқлик, 3,2 минг кв. км сув ҳавзаларидан иборат. Худудининг бешдан уч қисмини тўртта йирик орол – Хоккайдо, Хонсю, Сикоку ва Кюсю ташкил этади. Унинг таркибига 3000 дан ортиқ катта-кичик ороллар кириб, мамлакат худуди ёй шаклида шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон 3500 км.га чўзилган.

Япон тилида мамлакат номи «Ниҳон» ёки «Ниппон», яъни «Кунчиқар мамлакат» деб аталади. Қуёш тасвири мамлакат байроғида ўз аксини топган.

Япония демографик жиҳатдан ҳам ўзига хос давлат. Ҳозирги вақтда мамлакат худудида 127,4 млн. киши истиқомат қилиб, аҳолининг ўртача зичлиги 1 кв.км.га 335 кишини ташкил этади. Худудининг 15 фоизини текисликлар, қолган қисмини тоғликлар ташкил этувчи Япония дунёдаги аҳолиси энг зич жойлашган мамлакатлардан биридир. Аҳолининг 78 фоизи – шаҳарларда, 22 фоизи – қишлоқ жойларида истиқомат қилиши ҳам эътиборга лойиқ.

Токио, Иокогама, Осака, Нагоя, Саппоро ва бошқа қатор шаҳарлар йирик агломерацияларни ҳосил қилган. Япония шаҳарларининг ўзига хос томони шундаки, уларда тарих билан ҳозирги замон уйғунлашиб кетган. Осмонўпар баланд иморатлар билан бир қаторда, ҳозиргача сайқалини йўқотмай келаётган тарихий қалъалар ўзаро уйғунликда ўзгача ажойиб манзарани касб этади.

Маълумотларга кўра, Япония аҳолиси тез қариб бормоқда. Агар 1985 йилда 15–64 ёшдаги ҳар 8 кишига битта 65 ёшдан ошган аҳоли тўғри келган бўлса, 2020 йилга бориб бу кўрсаткич мувофиқ равишда 3 кишига 1 кишини ташкил этиши мумкин.

Маъмурий жиҳатдан Япония 47 та префектурага бўлинган. Бошқарув тизимига кўра – конституцион монархия давлати. Мамлакат Конституциясига кўра, император – «давлат ва халқ бирлигининг рамзи» ҳисобланади. У мамлакатдаги барча қарорларни ва давлат лавозимларига тайинлашни Вазирлар маҳкамаси тавсиясига биноан амалга оширади.

Япониянинг табиати ниҳоятда ранг-баранг. Мамлакат худудида киши узоқ давом этадиган совуқ минтақалар, субтропик иқлимга эга бўлган доимий илиқ худудларни учратиш мумкин. Япония орол-



Осакадаги замонавий бинолар ва тарихий обидалар.

лар ёйининг Тинч океани геосинклинал областида жойлашгани сабабли, мамлакат ҳудудида йилига ўртача 1500 дан ортиқ зилзилалар рўйхатга олиниб, уларнинг тўртдан бир қисми ер сиртида сезиллади. Зилзилалар натижасида Тинч океанида ҳосил бўладиган цунами тўлқинлари Япония ҳудудига катта зарар келтирадиган табиий ҳодисалардандир.

Япон оролларида 200 дан ортиқ вулқонлар мавжуд, улардан 40 таси ҳаракатда. Япониянинг энг йирик нуқтаси – Фудзияма тоғи (3776 м) келиб чиқишига кўра вулқон натижаси ҳисобланади.


Япония – паст ва ўрта баландликдаги тоғлар ўлкаси бўлиб, мавжуд тоғ ёнбағирларининг тўртдан уч қисми 15 фоиздан ортиқ қияликка эга. Шу боис, бу ердаги дарёларнинг аксарияти қия ва тезоқар. Улар нисбатан қисқа (энг йирик дарёларининг узунлиги 400 км. дан кам) ва унча чуқур бўлмагани боис, кема қатнови учун ноқулай. Аммо ўрмон маҳсулотларини ташиш (оқизиш)да мавжуд дарёлардан кенг фойдаланилади.

Ҳудудининг асосий қисми тоғлардан иборат бўлишига қарамай, Япония табиий ресурсларга унча бой эмас. Аммо денгиз транспорти учун қулайлиги иқтисодиётнинг турли тармоқларини, айниқса, кам металл истеъмол қилувчи соҳаларни ривожлантириш учун талаб



этиладиган хомашёни Жануби-шарқий Осиё ва Тинч океани минтақасидан нисбатан арзон нархларда ташиб келтириш учун шароит яратган.

Япония худудининг 60 фоизидан ортиғи ўрмонлар билан қопланган, бу ерда 170 дан ортиқ ёғочбоп дарахт турлари мавжуд. Жанубий ороллар худудини субтропик ўрмонлар қоплаган. Яку оролида баландлиги 40–50 метр, диаметри 5 метр ва ёши 2000 йилдан ошувчи ноёб криптометрия, яъни япон кедридан иборат ўрмонлар сақланиб қолган.



Япон криптометрияси.

Текислик худудларида юксак деҳқончилик маданияти ривожланган. Японлар тоғ ёнбағирларида терраса шаклида деҳқончилик қилиш, эрозияга қарши турли тадбирларни амалга ошириш ҳамда тупроққа ишлов беришнинг юқори самарали усуларини қўллаш борасида катта тажрибага эга. Мамлакатни ўраб турган денгизлар турли табиий маҳсулотларга жуда бой.

Ҳозирги глобаллашув тенденцияларининг таъсирига қармасдан, японлар ўз бой маданиятини сақлаб қолишга катта эътибор берадиган ва ўзининг узоқ тарихига чуқур эҳтиром билан қарайдиган халқ.

Мамлакатда яратилаётган мўъжизаларни кўриш учун ҳар йили дунёнинг турли қисмларидан миллионлаб сайёҳлар Японияга ташриф буюради. Иқлим шароитидан келиб чиқиб, мамлакат шимолида кўплаб қишки сайёҳлик – тоғ-чанғи масканлари барпо этилган. 53,9 км. ли Сэйкан сув ости туннели Хонсю ва Хоккайдо ороллари-ни ўзаро туташтирган. Ўртача тезлиги соатига 250–300 км бўлган 250 дан ортиқ «Синкансэн» тезюрар поездлари мамлакатнинг энг йирик шаҳарларини бир-бири билан боғлайди. Шунингдек, мамлакатда 173 та халқаро мақомга эга аэропорт мавжуд.

## Мўъжизалар ва музейлар юрти



Везувийнинг отилиши.

жанубий ёнбағирлари, Сардиния ва Сицилия ороллари ҳамда қатор кичик ороллар ҳудудини эгаллайди. Худудининг харитадаги кўриниши баланд пошнали, кўнжли этик шаклини эслатади. Франция, Швейцария, Австрия, Словения, Ватикан ва Сан-Марино каби давлатлар билан чегарадош. Маъмурий жиҳатдан 20 вилоят, 110 та провинция ҳамда 8100 дан ортиқ коммуналарга бўлинган.

Мамлакатнинг умумий майдони – 301,2 минг кв.км, аҳолиси – 60,6 млн. киши. Аҳолининг ўртача зичлиги – 1 кв.км. га 201,1 киши.

Мамлакат ҳудуди асосан тоғликлардан иборат. Ҳамма томондан денгиз билан ўраб олингани боис, ҳудудининг асосий қисмида юмшоқ Ўрта денгиз иқлими мавжуд. Бу ердаги дарёлар нисбатан қиска, энг узун По дарёсининг узунлиги – 682 км.

Италия тектоник ёриқлар минтақасида жойлашгани боис, зилзилалар бу ерда одатий ҳол. Охириги 100 йил ичида жуда катта вайроналикларга олиб келган 10 дан ортиқ зилзила рўй берган. Мамлакат ҳудудида Этна, Везувий, Стромболи каби ҳаракатдаги йирик вулқонлар мавжуд.

Италия – кўп асрлик тарих ва ажойиб иқлимга эга, жаҳон мода индустриясининг асосий маркази ва уста пазандалар юрти сифатида бутун жаҳонга машҳур бўлган мафтункор ўлкалардан бири. Дарҳақиқат, Римдаги машҳур Колизей, Венециянинг каналлардан иборат кўчалари, Пиза минораси, Везувийнинг отилиши натижасида вайронага айланган Помпей ҳақида ким эшитмаган дейсиз? Географик ўрнига кўра ушбу мамлакат Апеннин яримороти, Падан текислиги, Альп тоғларининг

Италия – дунёдаги халқаро сайёҳликнинг энг йирик марказларидан бири. Мамлакатга ҳар йили 50 млн.дан ортиқ сайёҳлар келиб, мазкур кўрсаткич бўйича Италия Европада Франция ва Испаниядан кейин учинчи ўринда туради.


Италиянинг бутун дунё сайёҳларини ўзига доимо мафтун этадиган томони – унинг бой тарихи ва маданияти, ҳозиргача ўзининг улуғворлигини сақлаб келаётган бетакрор меъморий обидалари.

Венеция – Италиянинг сув устига қурилган гўзал ва мафтункор шаҳарларидан бири. Ҳар йили февраль ойида Италияда венецияча ниқоблар байрами ўтказилади. Бу байрам давомида турли-туман кийим-кечак ва ниқобларни кўриб, Италиядаги ўрта асрларда ҳукм сурган шароитни бевосита ҳис этиш мумкин.

Венецияда сув устида қурилган бинолар, фақат қайиқ билан сузиб бора олиш мумкин бўлган турли таомхоналарни кўриб, ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ. Бундан ташқари, Венециянинг каналлари узра қурилган 400 дан ортиқ кўприк байрам давомида янада ўзгача тусга киради. Италиянинг яна бир ажойиб шаҳри – Сиенада мамлакатнинг бошқа шаҳарларига нисбатан



Венециянинг «сувқўча»лари.



Пиза минораси.

роналар ёнида Янги Помпей шаҳри қад кўтарган. Бу ердаги қадимий устун ва ибодатхоналарнинг деворларида қадимий Помпей давлати тарихи муҳрланган.

Италиянинг пойтахти Рим милоддан аввалги 753 йилда Рэм ва Ромул томонидан барпо этилган. Тарихчиларнинг фикрича, Ромул – Римнинг биринчи ҳокими бўлган экан.

Уйғониш даврида Рим бутун Европада маданият ва меъморчиликнинг гуллаб-яшнашига сабаб бўлган. Италия пойтахтини музейлар шаҳри, деб айтиш мумкин. Жумладан, Рим миллий музейида машхур юнон ва Рим ҳайкаллари ҳамда дунёдаги энг бой археологик топилмалар тўплами жойлашган.

Микеланжело лойиҳасига кўра Капитолий баландлигида саройлар комплекси барпо этилган, ҳозирда улар музейлар билан банд. Антик ҳайкаллар музейи, этруск санъати дурдоналари музейи, охириги юз йилликда яратилган ҳайкаллар ва мойбўёқда ишланган расмлар ҳар бир сайёҳда катта таассурот қолдиради.

тарихийлик кучлироқ сақланиб қолган. Тош ҳовлилар, тор кўчалар ва ниҳоятда қадимий уйларда табиий ҳолда ўсган ўсимлик ёки дарахтни кўриш кийин. Чунки улар фақатгина тувакларда ўстирилади. Кўчаларга ётқизилган тошлар фақатгина баъзи ерларда асфальт билан алмаштирилган. Бундан олти-етти аср олдин қурилган кўнғирокхоналар, ибодатхона ва бутхоналар доим гавжум.

Везувий вулконининг отилиши натижасида эрамининг 79-йилида вайронага айланган Помпей шаҳрининг қолдиқлари ҳозирда Неаполь (Наполи) провинцияси ҳудудида бўлиб, вай-


Колизей – Рим архитектурасининг хақиқий дурдонаси бўлиб, унинг қурилиши милоддан аввалги 72 йилда бошланган. Жуда қадимий бўлишига қарамай, мазкур иншоот ўзининг улуғворлигини хозирги кунда ҳам сақлаб қолган.

## Европа Иттифоқининг пойтахти

Бельгия деганда авваламбор кўпчиликнинг кўз олдига нафис гиламлар, тўқимачилик маҳсулотлари ва мебель келади. Бундан ташқари, Шимоли-ғарбий Европада жойлашган мазкур мамлакат Европа Иттифоқининг пойтахти, шунингдек, йирик саноат, хизмат кўрсатиш ва транспорт маркази ҳисобланади.

Умумий майдонига кўра (30,5 минг кв.км) дунёда 136, аҳолисининг сони бўйича (10,5 млн.киши) 77-ўринда турувчи Бельгия Қироллиги дунёдаги энг урбанизациялашган мамлакатлардан бири бўлиб, бу ердаги аҳолининг 97 фоизи шаҳарларда яшайди.

Мамлакат номининг келиб чиқиши ушбу ҳудудда милоднинг бошларида яшаган кельт қабилаларининг бир уруғи бўлган белглар билан боғлиқ. Турли даврларда Бельгия ҳудуди Рим империяси,



Брюсселдаги Қирол Альберт I майдони.

Франция, Испания ва Нидерландия кироликлари таркибига кирган. 1830 йилда давлат мустақиллигига эришди. Бошқарув шаклига кўра Бельгия – конституцион монархия, давлат бошлиғи – қирол.

Маъмурий тузилиши бўйича Бельгия Қироллиги федератив давлатдир. Мамлакат ҳудудида учта минтақа – Фландрия, Валлония ва Брюссель – пойтахт, шунингдек, учта тил – француз, немис ва фламанд тиллари ҳамжамиятлари мавжуд. Ҳар бир минтақа ва тил ҳамжамиятлари ўзининг ҳукумати ва парламентиغا эга. Федерал ҳукумат ва парламент кўрсатилган маъмурий тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиради. Агар Фламанд тили ҳамжамияти ҳукумат ва парламент ишларини Фландрия минтақаси билан бирга юритишини ҳисобга олсак, Бельгия Қироллиги ҳудудида 5 та мустақил ҳукумат ва 5 та парламент мавжуд.

Бельгиянинг табиати ўзига хос, рельефи асосан пасттекислик ва текисликлардан иборат. Фақат мамлакат жанубидаги Арденн паст тоғлари 500–600 метр баландликка эга. Иқлими бирмунча мўътадил, ёзи илиқ ва ёмғирли, киши юмшоқ. Июль ойида ҳаво



Антверпёнь – олмос савдоси маркази.

харорати  $+30^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиши, қишда баъзан  $-3-5^{\circ}\text{C}$  гача пасайиши мумкин.


Рельеф хусусиятларидан келиб чиқиб, Бельгия ҳудуди фойдали қазилмаларга бой эмас. Мамлакатнинг баъзи қисмларидагина кичик кўмир захиралари мавжуд. Аммо, нисбатан текис рельеф, мўътадил иқлим туфайли, Бельгияда ҳайдаладиган ер, ўтлоқ ва ўрмонларнинг умумий ер майдонидаги салмоғи анчагина катта.

Антверпень шаҳри Европадаги иккинчи йирик денгиз порти бўлиши билан бир қаторда, дунёдаги олмос савдосининг маркази ҳамдир.

Мамлакат пойтахти Брюссель шаҳри Европанинг маъмурий маркази бўлиб, бу ерда Европа Иттифоқи, Европа Парламенти, Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти (НАТО), Халқаро Божхона Ташкилоти, Европа Энергетика Хартияси каби йирик халқаро ташкилотларнинг қароргоҳлари жойлашган.

Бельгияга дунёнинг турли чеккаларидан кўплаб сайёҳлар ташриф буюришади. Брюссель, Гент, Брюгге, Льеж каби шаҳарлар тарихий обидаларга бой.

Брюссель шаҳрининг бош майдони Гранд Паласда ҳар икки йилда бир марта бир неча юз минг табиий гуллардан яратиладиган улкан



Атомиум.



Manneken Pis.

«гул гилам», Венецияга ўхшаш сув йўлли кўчаларга эга бўлган Брюгге, тарих ва ҳозирги замонни ўзида уйғунлаштирган Гент шаҳри, Брюсселдаги «Атомиум», «Мини Европа» мажмуалари ва Базелик дунё сайёҳларининг севимли масканларидир.

Гранд Паласнинг ёнгинасида Брюссель шаҳрининг рамзи бўлган «Manneken Pis» ҳайкали жойлашган. Атиги 50 см баланд-

ликдаги мазкур кичкинагина бола ҳайкалини Брюссель шаҳрига келган ҳар бир сайёҳ кўрмасдан кетмайди. Ривоят қилишларича, душманлар шаҳар дарвозасини портлатмоқчи бўлганда, бола ҳайкалда турган ҳолатда ёндирилган пиликни ўчириб, шаҳарни ҳужумдан сақлаб қолган эмиш.

Ушбу ҳайкалчага бутун дунёдаги халқларнинг миллий кийимларини кийдириш одат тусига кирган. Ҳайкалчани гоҳ фазогир, гоҳ америкалик хинду, украиналик казак, болконлик аскар кийимида кўриш мумкин. Жумладан, 2003 йилда мазкур ҳайкалчага ўзбекларнинг миллий зар чопони ва дўпписи тантанали равишда кийдирилган. Бошқа халқлар кийимидаги ҳайкалча муайян вақт (1–2 ой) сайёҳлар кўзини қувонтиргач, мазкур кийимлар махсус музейдан жой олади.

«Мини Европа» мажмуидан Европа Иттифокига аъзо барча мамлакатларнинг диққатга сазовор жойлари кичрайтирилган ҳолда ўрин олган. Шунингдек, молекула атомларининг жойлашишига монанд қилиб яратилган «Атомиум» иншооти 1958 йилда Бельгияда Бутунжаҳон савдо кўرғазмасини ўтказиш учун вақтинчалик павильон мақсадида қурилган. Аммо, қурилманинг ўзига хослиги бельгияликларга маъқул тушган ва уни сақлаб қолишга қарор қилинган.

Ўрта Осиё тўғрисида бельгияликлар ва умуман, европаликлар биринчи бўлиб фламанд сайёҳи Виллем Рубрукнинг (Гий де Рубрук) 1252–1254 йилларда Франция қироли Людовик IX топшириғига биноан Мўғулистонга қилган сафари натижалари орқали бирмун-





Брюсселдаги Базелик.


ча тўлиқ маълумотга эга бўлишган. Рубрук ўзининг «Шарқий мамлакатларга саёҳат» номи китобида Марко Полодан олдин Ўрта Осиёдаги халқлар, уларнинг этнографияси ва географиясига оид қимматли маълумотларни келтирган.

Бельгиялик сайёҳ биринчи бўлиб Европа географик адабиётига «Ўрта Осиё тоғлари» деган тушунчани олиб кирган.

Кортрейк шаҳрида дунё тиббиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшган улуғ аллома Абу Али ибн Синога ҳайкал ўрнатилган.

## **Энг кўп тилли давлат**

Ҳиндистон сирли юрт сифатида турли даврларда яшаган олим ва сайёҳларнинг эътиборини ўзига тортиб келган. Жумладан, 1492 йилда Американи кашф этган Христофор Колумб Европадан Ҳиндистонга бўлган денгиз йўлини топиш мақсадида саёҳатга чиққан. Аммо Колумбнинг бу орзусини 1498 йилда португал сайёҳи Васко да Гама Африкани айланиб ўтиб, Европадан Ҳиндистонга денгиз йўлини очиш орқали амалга оширган.



Ҳиндистоннинг Мумбайдаги рамзий дарвозаси.

Ҳиндистон ўзининг турли ноёб маҳсулотлари билан қадим замонлардан Европа ва Осиё мамлакатларига яхши маълум бўлган. У асосий савдо йўли сифатида ўзининг бойликлари, юқори даражада ривожланган маданияти билан сайёҳларни ҳайратда қолдириб келган. Страбон ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, милoddан аввалги 130 йилларда Рим империяси ва Ҳиндистон ўртасида савдога асос солинган. Уша вақтларда йилига 120 дан ортиқ кемалар Ўрта денгиздаги бандаргоҳлардан Ҳиндистонга сузиб, савдо ишларини олиб борган.

Ҳиндистон ўз тарихида турли сиёсий воқеаларни бошдан кечирганига қарамай, дунёдаги энг қадимий маданий ўчоқлардан бири сифатида ўзининг хусусиятларини сақлаб қолган ва ривожлантирган. XII асрда Ҳиндистон ҳудудига араблар, турклар ва афғонлар ҳукмронлик қилиб, XIII аср бошларида бу ерда Дехли султонлиги ташкил қилинган. 1526 йилдан бошлаб 200 йилдан ортиқ вақт да-



Ҳиндистон – фусункор мамлакат.

вомида Ҳиндистонда бобурийлар ҳукмронлик қилиб, бу ерда катта ободончилик ишларини амалга оширишган.

XVIII асрнинг бошларидан XX асрнинг ўрталарига қадар Ҳиндистон Британия империяси таркибига кирган.

Ҳозирда Ҳиндистоннинг умумий майдони – 3,39 млн. кв.км, аҳолиси – 1,21 млрд. киши. Аҳолисининг сони бўйича дунёда Хитойдан кейин иккинчи ўринда туради.

Мамлакатнинг расмий номи қадимги форс сўзи – «ҳинду»дан олинган бўлиб, унинг Конституциясида иккинчи номи «Бхарат» деб кўрсатилган.

Улкан яриморолни эгаллаб ётган мамлакат қирғоқ чизиғининг умумий узунлиги 7,5 минг км, шундан 5,4 минг км континентал худудга, 2,09 минг км оролларга тегишли. Континентал худуд қирғоқларининг 43 фоизи кумлоқлар, 11 фоизи қояли жойлар ва 46 фоизи ботқоқлардан иборат.

Ҳиндистон рельефи ранг-баранг, у осмонўпар Ҳимолай тоғлари, Ҳинд-Ганг текислиги, Декан ясси тоғлиги, Тар чўли ҳамда океан олди текисликлари каби асосий қисмлардан иборат.

Ҳиндистоннинг кўп минг сонли дарёлари тўйиниш манбалари-га қараб ҳар хил режимга эга. Ҳимолай музликларидан ва муссон ёмғирларидан тўйинадиган дарёлар йил бўйи тўлиб оқади, Декан ясси тоғлигидан оқиб тушувчи дарёлар асосан муссон ёмғирларидан тўйиниб, уларнинг оқими йилнинг турли мавсумларида ўзгариб туради. Ҳимолай тоғларидан бошланадиган ва бутун мамлакат ҳудудидан оқиб ўтадиган энг йирик дарёлар Ганга ва Брахмапутра Бенгал қўлтиғига қуйилади.

Ҳиндистон ҳудудида нам тропик, қуруқ тропик, субтропик муссон ва баланд тоғ иқлим типлари мавжуд. Текисликларда январнинг ўртача ҳарорати шимолдан жанубга  $+15$  дан  $+27^{\circ}\text{C}$ гача, май ойиники  $+28+35^{\circ}\text{C}$ , баъзида  $+45+48^{\circ}\text{C}$  ўртасида ўзгариб боради. Нам мавсумда мамлакатнинг аксарият қисмида ҳарорат  $+28^{\circ}\text{C}$  га тенг.

Шилонг платосининг ёнбағридаги Черапунжи шаҳарчаси Ер қуррасидаги энг серёғин жой бўлиб, бу ердаги йиллик ёғин микдори ўртача 12000 миллиметр га тенг.

Ҳиндистоннинг ўсимлик ва ҳайвонот олами жуда бой, мазкур мамлакат дунёдаги барча сут эмизувчилардан 7,6 фоизининг, куш-



Тилларанг маймун.

лардан – 12,6, судралиб юрувчилардан – 6,2, қуруқлик ва сувда яшовчилардан – 4,4, балиқлардан – 11,7, барча гулли ўсимликлардан – 6,0.фоизининг ватани ҳисобланади. Ҳиндистондаги ўсимликларнинг – 33 фоизи, сут эмизувчиларнинг – 12,6, қушларнинг – 4,5, судралиб юрувчиларнинг – 45,8, қуруқлик ва сувда яшовчиларнинг – 55,8 фоизи эндемик турлар ҳисобланади.


Ҳиндистон – аҳолиси энг кўп тилда гаплашадиган мамлакат. Мамлакат Конституци-

ясида 1 миллиондан ортиқ аҳоли гаплашадиган 21 та расмий тил қайд этилган. Мамлакатнинг пул бирлиги – рупиянинг қиймати ҳар бир банкнотда ана шу 21 тилда баён этилган. Бундан ташқари, Ҳиндистонда 1650 дан ортиқ лаҳжалар мавжуд. Аммо мамлакат аҳолиси миллий жиҳатдан бўлинмаган – уларнинг барчаси ҳиндистонликлар, деб аталади.

Ҳиндистон аҳолисининг 80,5 фоизи ҳиндистонликларнинг анъанавий дини ҳиндуизмга эътиқод қилади. Ислом (13,4 фоиз), насронийлик (2,3), сикхизм (1,9) ва буддизм (0,8 фоиз) динига эътиқод қиладиганлар сони ҳам кўпчиликни ташкил этади. Ҳиндистон мусулмонларнинг умумий сонига кўра (160,8 млн. киши) дунёда Индонезиядан кейинги иккинчи ўринда турадиган йирик мамлакатдир.

Ҳиндистоннинг бой тарихи ва маданияти каби унинг меъморий обидалари ҳам ранг-баранг. Бу ерда қадимги ҳинд меъморчилиги араб, форс ва Ўрта Осиё меъморчилик услублари билан қоришиб кетган. Ҳиндистонликлар қадимги ҳинд ибодатхоналари билан бирга бобурийлар ва европаликлар барпо этган меъморий обидаларни бирдай қадрлашади.

Ҳиндистондаги йирик шаҳарлар – Дехли, Калкота, Мумбай каби улкан мегаполисларда қатор замонавий архитектура иншоотлари билан бир қаторда, қадимги ҳинд меъморчилиги анъаналари билан уйғунликда барпо этилган жозибали обидалар мавжуд. Қурилиши 1193 йилда бошланган ва Ҳиндистоннинг биринчи мусулмон хоқони Қутбиддин Ойбек шарафига номланган Дехлидаги Қутб минораси дунёдаги гиштдан қурилган энг баланд минора ҳисобланади. Умумий баландлиги 72,6 м бўлган




Ҳиндистондаги Катта ибодатхона.

мазкур иншоот мусулмон мамлакатларида мавжуд миноралардан фарқли ўларок, бир-бирининг устига қурилган беш қаватдан иборат.

Ўзбекистон заминида яшаб ижод қилган бир қатор олимлар Ҳиндистон ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдиришган. Ана шундай кенг қамровга эга бўлган асарлардан бири – «Ҳиндистон» Абу Райҳон Берунийга тегишлидир. Беруний 1017 йилда султон Маҳмуд Ғазнавий томонидан Ғазнага (ҳозирги Афғонистон ҳудудида) олиб кетилгач, бир неча йил давомида Ҳиндистонда яшаган ва илмий фаолият олиб борган.

Ўзининг бевосита кузатишлари ва турли ҳинд манбаларини ўрганиш натижаси ўларок, Абу Райҳон Беруний 1030 йилда «Буюк сиймолар томонидан тан олинган ва олинмаган ҳинд фанларига изох» ёки «Ҳиндистон» номи билан машҳур асарини ёзиб тугатди. Ушбу асар ҳинд фани ва маданиятига қўйилган ҳайкал бўлиб, мазкур мамлакатнинг ҳақиқий энциклопедияси ҳисобланади.

Беруний Ҳиндистонда яшаган чоғида санскрит тилини ўрганган ва турли манбалардан мамлакат этнографияси, географияси, био-




Дехлидаги Қутб минораси.

логияси, филологияси ва тарихига оид жуда муҳим маълумотларни тўплаб, уларни «Ҳиндистон» асарига киритган. Турли халқларнинг йилномаларига асосланган ҳолда Беруний деҳқончиликни юритишга мўлжалланган тақвимлар тузишнинг умумий тамойилларини тақлиф этган.

Мазкур асар Ҳиндистоннинг IX–X асрлардаги географияси, тарихи, аҳолисининг турмуши ва маданиятига оид нодир манба сифатида ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

1413–1482 йилларда яшаб ижод қилган Абдураззоқ Самарқандий турли фанларни мукаммал эгаллаган олим ва сайёҳ бўлган. Шохрух саройида фаолият олиб борган Самарқандий дипломатик қобилият эгаси бўлгани туфайли Ҳиндистон, Филон, Миср ва бошқа мамлакатларга элчи этиб тайинланган.

Ҳиндистонга сафар қилган Ўрта осиелик олим ва сайёҳларнинг аксарияти бу ишни куруклик орқали амалга оширганлар. Самарқандий эса минтақамиздан чиққан географ ва сайёҳлар ўртасида биринчи бўлиб 1441–1444 йилларда, португал сайёҳи Васко да




Ҳинд меъморчилигида Шарқнинг таъсири катта.

Гамадан 56 йил олдин Ҳиндистонга денгиз орқали саёҳат қилган. Унинг ушбу саёҳати йўналиши Ўрта Осиёнинг жануби, Хуросоннинг қумли чўллари, Эрон, Озарбайжон ва Ирок орқали ўтган. Форс кўрфазидаги Хўрмуз бўғизидан Арабистон денгизига чиккан Самарқандий ушбу денгиз орқали Ҳиндистонга етиб олган.

Ҳиндистон сафарининг натижаси ўларок, Абдураззоқ Самарқандий «Ҳиндистон сафарномаси» асарини ёзади. Бу асарда олим Ҳиндистон, унинг табиати, тоғлари, денгиз ва дарёлари, бу ерда яшайдиган халқларнинг урф-одатлари, машғулоти, шаҳарлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзига хослиги, казилма бойликлари ва бошқа табиий ресурслари ҳақида қимматли маълумотларни келтирган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг «Ҳиндистон сафарномаси» ушбу мамлакатдан ташқари Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёга қўшни мамлакатларнинг XV асрдаги географияси, тарихи, этнографиясига оид муҳим кўлланмадир.

1483–1530 йилларда яшаб ижод этган шоир ва давлат арбоби Захириддин Муҳаммад Бобур XVI аср бошларида Ҳиндистон замида бобурийлар салтанатига асос солган. Мазкур сулола XIX асрга қадар ушбу мамлакатда бунёдкорлик ва маърифатпарварлик ишла-



Дехлида бобурийлар бунёд этган Қизил қалъа.



рини олиб борган. Олимнинг яратган асарлари ичида Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг географияси, тарихи, ижтимоий-иктисодий ҳаёти, табиати ва этнографиясига оид муҳим маълумотларни ўзида акс эттирган «Бобурнома» алоҳида ўрин тутди.

Бобур Фарғона водийси, унинг атрофидаги худудлар ва Ҳиндистоннинг географик ўрни, тоғлари, сувлари, чўл, яйлов ва боғлари тўғрисида уларнинг ҳозирги замон ҳолатига тўғри келадиган қиёсий маълумотларни келтирган.

Бобур ва унинг авлодлари томонидан Ҳиндистонда Тож Маҳал, Шоҳ Акбар мақбараси, Агра ва Дехлидаги Қизил қалъа каби маҳобатли меъморий обидалар барпо этилган. Улар ҳозирда ҳам нафақат ҳиндистонликларнинг, балки бутун дунёдан ташриф буюрадиган сайёҳларининг севимли зиёрат масканлари ҳисобланади.


## **«Қуёнлар қирғоғи»**

Дунёда шундай ажойиб ва жозибador мамлакатлар борки, улар ўзининг узок тарихи, гўзал меъморий обидалари ва табиий масканлари билан бутун дунё сайёҳларини доим ўзига мафтун қилиб келган. Европанинг жануби-ғарбида, Пиреней яриморалининг катта қисмида жойлашган Испания – ана шундай мамлакатлардан бири.

Турли манбаларга кўра, мамлакатнинг номи финикияликларнинг «и-шпаним» иборасидан келиб чиққан бўлиб, «қуёнлар қирғоғи» деган маънони билдиради. Айтишларича, Ўрта денгиз шарқида яшаган финикияликлар Испания ёнидан суза туриб, жуда кўп сонли қуёнларни кўришгач, мамлакатга шу номни беришган. Испания турли томондан сув билан ўралган яриморолда жойлашган. Шу боис, мамлакатнинг марказий қисмлари денгиздан бор-йўғи 300 км узоқликда жойлашган.

Испаниянинг умумий майдони – 504,8 минг кв. км, аҳолиси – 46,6 млн. киши, аҳоли зичлиги – 1 кв. км га 80 кишини ташкил этади. Куруклик чегараларнинг умумий узунлиги – 1902 км, қирғоқ чизиғи – 4964 км.

Худудининг харитадаги кўриниши буқа терисининг тортиб қуритилган шаклини эслатади. Испания худуди Африка ва Европа




Испания – жозибадор мамлакат.

Ўртасидаги кўприк ва Ўрта денгизни Атлантика океанидан ажратиб турадиган тўғиқ ҳисобланади. Энг тор жойида 14 км кенгликка эга Гибралтар бўғизи мамлакатни Африкадан ажратиб туради. Атлантика океанидаги дунёга машҳур сайёҳлик масканларидан бўлган Канар ва Балеар ороллари ҳам Испанияга қарашли.

Маъмурий тузилишига кўра Испания 17 та автоном вилоятдан ташкил топган. Вилоятлар эса, ўз навбатида, 50 дан ортиқ провинцияларга бўлинган. Шунингдек, Африкадаги 2 та автоном шаҳарлар – Сеута ва Мелиля ҳам Испания таркибига киради. Бошқарув тизими – конституцион монархия, давлат бошлиғи – қирол, сиёсий ва ижроия ҳокимиятга бош вазир раҳбарлик қилади.

Испания ҳудудининг рельефи хилма-хил бўлиб, бу ерда тоғ тизмалари ва баланд ясси тоғликлар устунлиги бирмунча сезилади. Тоғлар ва ясси тоғликлар мамлакат ҳудудининг 90 фоизини ташкил этади. Майдонининг катта қисми денгиз сатҳидан 700 м баландда жойлашган. Жумладан, Европадаги энг йирик ва баландлиги ўртача 700 м.га яқин бўлган Месета ясси тоғлиги Испания майдо-



Канар оролларидаги Тейде тоғи – Испаниянинг энг баланд нуқтаси.

нининг ярмини эгаллайди. Мамлакат пойтахти Мадрид эса Европадаги денгиз сатҳидан энг баландда жойлашган шаҳардир.

Пиреней тоғлари параллел тарзда жойлашган, ғарбдан шарққа томон 450 км. га чўзилган бир нечта тоғ тизмаларидан иборат. Испаниядаги ягона пасттекислик – Андалусия мамлакат жанубида жойлашган. Андалусия пасттекислигидан мамлакатнинг энг катта дарёси Гвадалквивир оқиб ўтади. Мазкур дарё куйи қисмида кемалар ҳаракат қила оладиган ягона дарё ҳисобланади. Қолган барча дарёлар тоғлардан оқиб тушиши сабабли, кемалар ҳаракати учун яроқли эмас.

Испания – Европадаги энг илиқ мамлакатлардан бири. Бу ерда куёшли кунларнинг сони йилига 260–285 кунни ташкил этади. Ўрта денгиз бўйларида йиллик ўртача ҳарорат  $+20^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этади. Мамлакатнинг фақат шимолий ва марказий қисмларида кишда ҳарорат  $0^{\circ}\text{C}$ дан пастга тушиши мумкин. Ёзда ҳудудининг аксарият қисмида ҳарорат  $+40^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлади. Иқлим денгизга яқин ҳудудларда юмшоқ, аммо марказий тоғли ҳудудларда кескин

ўзгарувчан. Денгизбўйи худудларда 2000 мм.гача, тоғли марказий худудларда 500 мм.гача ёгин ёғади. Ҳайвонот дунёсида Марказий Европа ва Шимолий Африкада яшайдиган фауна вакиллари устун. Бу ерда кўнғир айиқ, силовсин, бўри, кийик ва мамлакатнинг номида акс этган қуёнлар жуда кўп.

Мамлакат жанубида бодом, хурмо, шакарқамиш, анжир, анор ва пахта етиштирилади. Мамлакат бодом экспорти бўйича Европада етакчи ўринни эгаллайди. Иқлимнинг юмшоқлиги боис, шакарқамиш Европада фақат Испания худудида ўсади.

Испания ташриф буюраётган сайёҳларнинг сонига кўра (62 млн. кишидан ортиқ) дунёда биринчи ўринда туради. Ташриф буюраётган сайёҳларнинг 95 фоизидан ортиғи – Европа мамлакатлари фуқароларидир.

Испанлар тарихда мамлакат номини бутун дунёга ёйган буюк сайёҳлари ва улар амалга оширган саёҳатлар билан фахрланишади. Шу боис, 12 октябрь – Колумб томонидан Америка кашф этилган



Каталония санъати миллий музейи.



Коррида.

кун Испаниянинг миллий байрами – Испан миллати куни, деб белгиланган.

Испания очик осмон остидаги музей саналади. Бу мамлакатнинг бепоён кенгликлари бутун дунёга машхур бўлган турли маданий ва тарихий обидаларни ўз бағрида сақлаб келмоқда. Мамлакатнинг энг машхур музейларидан бири – Мадриддаги Прадо музейидир. Ислому ва насронийлик меъморчилигининг энг буюк анъаналарини ўзида мужассам этган Испаниядаги қатор обидалар ҳақиқатан ҳам мўъжиза иншоотлар ҳисобланади. Шунингдек, Испаниядаги Пикассо музейи, Мейор Плаза, Барселонадаги Каталония миллий санъат музейи каби масканлар бутун дунёга машхур.

Матадорларнинг очик аренада буқа билан олишуви – корриданани минглаб испанияликлар томоша қилади. Мадрид шаҳрида Испаниядаги энг йирик – 23 минг томошабинни сиғдира оладиган коррида аренаси жойлашган.

## **Минг ороллар мамлакати**


Тинч ва Ҳинд океанидаги минглаб ороллардан ташкил топган Индонезия – дунёнинг энг мафтункор мамлакатларидан бири. У майдонининг катталиги бўйича ва аҳолисининг сонига кўра, Жануби-шарқий Осиёдаги энг йирик мамлакат.

Индонезия – дунёдаги энг йирик архипелаг бўлиб, Тинч ва Ҳинд океани ўртасида экватор бўйлаб 5120 км.га чўзилиб кетган. Мамлакат ҳудуди 17508 та оролни ўз ичига олиб, улардан фақат 6000 тасида аҳоли яшайди. Қирғоқ чизигининг узунлиги 80 минг км, мазкур кўрсаткич бўйича Индонезия дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Энг йирик ороллари – Ява, Суматра, Калимантан (шимолий қисмидан ташқари), Янги Гвинея (ғарбий қисми) ва Сулавесидир. Куруқликда Малайзия, Бруней, Шарқий Тимор билан, денгиз орқали – Малайзия, Сингапур, Филиппин ва Австралия билан чегарадош. Пойтахти – Ява оролида жойлашган Жакарта шаҳри (аҳолиси – 9,58 млн. киши). Мамлакатда индонез тили расмий тил бўлиб, у жуда оддий тузилишга ва фонетикага эга (унда товушлар йўқ). Шу боис, индонез тили дунёдаги ўрганиш осон бўлган тиллардан бири саналади. Бошқарув тизимига кўра – республика, давлат бошлиғи – президент.

Индонезия маъмурий-ҳудудий тузилиши бўйича унитар мамлакат. Ҳудуди кўп минг сонли ороллардан ташкил топган бўлса-да, 33 маъмурий-ҳудудий бирликларга: 31 та провинция ва макоми бўйича уларга тенг бўлган 2 та округга бўлинган.

Мамлакатнинг номи «Ҳиндистон» (инглизча «India») топонимининг юнонча «несос» (орол) сўзи билан бирлашмасидан келиб чиққан бўлиб, «Оролдаги Ҳиндистон» маъносини билдиради. «Индонезия» номи мамлакатга нисбатан XVIII асрнинг охирларидан бошлаб ишлатила бошлаган. Узоқ вақт давомида мамлакат «Ост-Индия», яъни «Шарқий Ҳиндистон» номи билан аталган.

Индонезияда Ер юзидаги одамларнинг энг қадимги тарқалиш ҳудудлари жойлашган. Ява оролидан топилган қадимги одам қолдиқларининг ёши 2 млн.дан 500 минг йилгача экани тахмин қилинади. Узоқ вақт фақат осийликларга маълум бўлган Индонезия ҳудудига биринчи европаликлар 1512 йилда португалиялик



Индонезия ўзига хос меъморчиликка эга.

денгизчи-сайёҳ Франсишку Серран бошчилигида келишган. Индонезия ороллари­нинг катта қисмини эгаллаган португаллар Молукк ороллари­нинг ўша вақтда Европада юқори баҳоланган зираворлари билан савдо-сотик қилишни ўз назорати остига олишган. XVII асрда Индонезияда португалларнинг ўр­нини голландлар эгаллаб, 1602 йилда Индонезиянинг катта қисмини назорат қилган «Ост-Индия» компанияси ташкил этилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин, 1945 йилнинг 17 августида Индонезия ўз мустақиллигини қўлга киритган.

Индонезиянинг умумий майдони – 1,92 млн. кв.км, аҳолиси 231 млн. киши. Аҳоли зичлиги – 1 кв.км.га 134 киши. Ява ороли аҳоли зичлиги бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди ва бу ерда 1 кв. км.да ўртача 940 киши яшайди. Мамлакат аҳолисининг 58 фоизи ушбу оролда яшайди. Аҳоли сонининг ўртача йиллик ўсиши – 1,9 фоиз.



Бали оролидаги обида.

Индонезия – дунёвий мамлакат. Аммо мамлакат ҳукумати 6 та дин – ислом, протестантизм, католицизм, ҳиндуизм, буддизм ва конфуцианликни расман тан олган. Мамлакат аҳолисининг аксарият қисми (86,1 фоиз) XIII асрдан бошлаб мамлакат ҳудудида тарқалган ислом динига эътиқод қилиб, Индонезия дунёдаги энг йирик мусулмон мамлақати ҳисобланади. Шунингдек, мамлакат аҳолисининг 9 фоизи насронийлик, 3 фоизи – ҳиндуизм, 2 фоизи бошқа динларга эътиқод қилади.

Мамлакат табиатига боғлиқ ҳолда унинг рельефи ҳам хилма-хил. Индонезия ва Океаниядаги энг баланд нуқта – Янги Гвинея оролининг ғарбий қисмидаги Пунча-жайа тоғи бўлиб, унинг баландлиги 5030 м. Мамлакатнинг энг йирик дарёлари – Махакам ва Барито Калмантан оролида жойлашган. Энг йирик кўл – Тоба Суматра оролининг марказида жойлашган бўлиб, унинг майдони 1145 кв. км.





Кракатау вулкони.

Индонезия худуди «Тинч океан оловли ҳалқаси» деб номланган йирик тектоник ёриқда жойлашган. Шу сабабли, мамлакат худудида 150 дан ортиқ ҳаракатдаги вулқонлар мавжуд, улардан энг йириклари Кракатау ва Тамборадир. Маълумотларга кўра, миллоддан 74 минг йил аввал Индонезияда инсоният тарихидаги энг кучли вулқон отилиши натижасида архипелагдаги жонзотлар, шу жумладан, мавжуд аҳолининг сони кескин қисқарган. Индонезияда тез-тез кучли ва катта вайроналарга олиб келувчи zilзилалар бўлиб туради.

Экватор атрофида жойлашгани сабабли, Индонезия худуди йил давомида икки марта ўзгарувчи қуруқ ва нам муссонли тропик иқлимга эга. Текисликларда йилига ўртача 1800 – 3200 мм, тоғли ҳудудларда, яъни Суматра оролининг ғарбий қирғоқларида, Калимантан, Ғарбий Ява, Сулавеси ва Папуа оролларида 6000 мм.дан кўп ёғин ёғади.

Йил давомида ҳавонинг ўртача намлиги 80 фоиз атрофида сақланиб туриб, мамлакат худудида доимий равишда «ҳаммом эффекти» мавжуд. Ҳавонинг ҳароратида йил давомида катта ўзгаришлар сезилмайди. Масалан, Жакарта шаҳрида ўртача ойлик ҳарорат йил давомида +26 ва +30°C ўртасида ўзгариши мумкин.

Худудида яшайдиган биологик турларнинг сони ва уларнинг хилма-хиллигига кўра Индонезия дунёда Бразилиядан кейин иккинчи ўринда туради. Мамлакат худудининг 60 фоизини ўрмонлар эгаллаган. Индонезия эндемик турларнинг сони бўйича дунёда фақат Австралиядан кейин иккинчи ўринда туради. Мамлакатда мавжуд 1531 турдаги қушларнинг 36 фоизи, 515 турдаги сут эмизувчиларнинг 39 фоизи эндемик бўлиб, улар дунёдаги бошқа бирор худудда учрамайди.

Мамлакатнинг баъзи оролларидаги табиатга ҳалигача инсон қўли тегмаган ва бундай худудлар ўзининг табиий ҳолатини сақлаб келмоқда.

Баъзи бир узоқ ороллардаги аҳоли ҳозиргача ёввойи тарзда ҳаёт кечириб, дунёнинг, жумладан мамлакатнинг бошқа ривожланган қисмларидаги цивилизация улар учун бегонадир. Индонезиядаги айни шу ранг-баранглик бутун дунё сайёҳларини ўзига маҳлиё этиб, бугунги кунда мамлакатнинг инсон оёғи камдан-кам етган қисмларига саёҳат қилишни истайдиганлар сони тобора кўпайиб бормоқда.



Ява каркидони – эндемик турлардан бири.

## II. ДУНЁНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ

### Етти мўъжиза ғояси қандай пайдо бўлган?

Дунёнинг етти мўъжизаси ҳақидаги муфассал маълумотлар кўпчиликни қизиқтириши табиий. Инсоният тарихининг турли даврларидаги маданиятнинг дурдоналари саналган ва дунё мўъжизалари деб тан олинган обидаларни давр нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлиш мумкин: қадимги ва янги дунё мўъжизалари. Шуниси эътиборга лойиқки, қадимда ва ҳозирги замонда дунё мўъжизалари қаторига айнан еттита обида киритилган.

Бунинг тарихи милоддан аввалги V асрдаги қадимги Юнонистонга бориб тақалади. 7 рақами Юнонистонда овчилик, фан, санъат ва башоратлар маъбуди Аполлоннинг муқаддас рақами ҳисобланган. Ойнинг еттинчи кунда туғилган Куёш тимсоли Аполлоннинг ўқдонида еттита ўк, ушлаб турган мусиқа асбобида еттита симтор ва ҳ.к. бўлган. Шу боис, еттита улўғвор ва улкан обидаларнинг рўйхатини тузиш орқали Аполлоннинг қудратини намоиш этишга ҳаракат қилинган. Дунёдаги қатор халқларда, хусусан, мусулмон мамлакатларида 7 рақами хосиятли ҳисобланган. Жумладан, камалакнинг



Аполлон.


етти ранги, оддий кўз билан кўриш мумкин бўлган етти осмон жисми, етти олам, етти иқлим, етти ака-ука кабиларни халқ оғзаки ижоди ва адабиётларда кўплаб учратиш мумкин. Бу ракам «етти ўлчаб бир кес» каби ўзбек мақолларида ҳам ўз аксини топган.

Дунёдаги еттита мўъжиза рўйхатини илк бор қадимги юнон тарихчи олими, география ва картографияга оид бир катор маълумотларни ёзиб қолдирган Геродот милоддан аввалги V асрда тузган. Геродот милоддан олдинги 484 йилда Кичик Осиё қирғоқларидаги Галикарнас шаҳрида туғилган. У турли мамлакатларга саёҳат қилиб, юз берган воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниб етишга, уларни таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Олим кўрган-кечирганларини ёзиб бориш асосида 9 та китобдан иборат «Тарих» деб номланган машхур асарини ёзган.

Биринчи китобда олим Юнонистон ва Бобил, иккинчи китобда – Миср, учинчисида – Ҳиндистон ва Арабистон, тўртинчисида – скифлар ҳақида маълумотлар келтирган бўлса, қолган бешта китоб турли урушларга бағишланган. Галикарнасда туғилган Геродот ўша вақтлардаги дунёнинг етти мўъжизаси деб аталган обидаларни бевосита кўрган ва ўз асарида улар ҳақида сўз юритган. Олим ўша вақтдаги дунё мўъжизаларига Бобил минораси, Фрот дарёсида қурилган кўприк, Фаюм воҳасидаги лабиринт, Юнонистоннинг Самос оролидаги учта обида – туннелга ўхшаш Акведук, оролдаги портда қурилган дамба ва маъбуда Гера ибодатхонасини киритган.

Орадан бир аср ўтгач, милоддан аввалги IV асрда византиялик олим Филон ўзининг «Етти мўъжизалар ҳақида» асарида қуйидагиларни дунёнинг етти мўъжизавий обидалари қаторига киритган: 1. Фарос оролидаги Александрия маёғи. 2. Семирамида (Бобил) боғлари. 3. Галикарнас макбараси. 4. Миср эҳромлари. 5. Гелиоснинг Родосдаги улкан ҳайкали. 6. Зевснинг Олимпиядаги ҳайкали. 7. Эфесдаги Артемида ибодатхонаси.

Тарихнинг турли даврларида дунёнинг етти мўъжизалари рўйхатига қадимги Бобил девори, Александрия кутубхонаси, Мемноннинг қуйловчи ҳайкали, Афинадаги Акрополь, Римдаги Колизей, Константинополдаги (ҳозирги Истанбул) Аё София ибодатхонаси каби иншоотлар киритилган. Милоддан аввалги IV асрда яшаб



Истанбулдаги Аё София ибодатхонаси.

ўтган географ ва тарихчи Луций АмPELLий дунёнинг мўъжизалари қаторига етти марта еттитадан, яъни 49 та обидани, шу жумладан, Ироқ ва Эрондаги нефть манбаларини киритган.

География асосчиси саналмиш Страбон кўп мамлакатларни кезиб, кўрган-кечирганлари ва кузатишларини 17 жилдлик «География» деб номланган асарида баён этган. Страбоннинг кузатишлари шу қадар аниқки, унинг Дунайбўйи ҳудудларини тасвирлаши бу минтақанинг ҳозирги ҳолатига тўла мос келади. Олим Месопотамия, Миср эҳромлари, Семирамида боғлари ҳақидаги турли маълумотларни ҳам ўз асарида келтирган.

Француз филологи ва археологи Бернар де Монфокон 1697 йилда Юнонистонга йўл олиб, у ерда қадимги манбаларнинг катта тўпламини йиғишга муваффақ бўлди. Олимнинг 20 йиллик излаишлари натижаси 10 жилдлик «Қадимги дунё: изоҳ ва суратларда» деб номланган асардан жой олган. Мазкур асарга киритилган



Афинадаги Акрополь.

«Италия кундалиги»да дунёнинг етти мўъжизаси ҳақида сўз юритилади. Бернар де Монфокон қадимги манбалар асосида қуйидаги обидаларни мўъжизалар қаторига киритган: 1. Мисрдаги Фива шаҳри. 2. Бобил деворлари. 3. Галикарнасадаги мақбара. 4. Нилдаги эҳромлар. 5. Родосдаги Гелиос ҳайкали. 6. Рим Капитолийси. 7. Адриан қабри.

Узоқ вақт фойдаланиб келинган дунёнинг етти мўъжизаси рўйхати тузилган вақтда, яъни милoddан аввалги III асрда бу обидаларнинг барчаси мавжуд бўлган ва кишиларни ҳайратга солган. Македониялик Александр салтанати барпо этилгандан кейин ҳар қандай сайёҳ қадимги Ўрта денгиз атрофларини кезиб, мазкур етти мўъжизанинг барчасини бир неча ой мобайнида ўз кўзи билан кўриши мумкин эди. Чунки бу обидаларнинг барчаси (Бобилдан ташқари) денгиздан унча узоқ бўлмаган ҳудудларда жойлашган эди.

Вақт ўтиши билан қадимги дунёда етти мўъжиза деб тан олинган обидалар аста-секин вайронага айланиб, ер юзидан умуман йўқола бошлади. Ҳатто, Рим салтанати давридаги сайёҳлар етти мўъжизанинг барчасини кўришга муяссар бўлишмаган. Бизнинг

давргача қадимги дунёнинг етти мўъжизаларидан энг қадимгиси саналган Миср эҳромларигина етиб келган. Улар минг йиллар давомида табиат ва инсон таъсирига бардош бериб келмоқда.

Швейцариялик кинорежиссёр Бернард Вебернинг ташаббуси билан 2007 йилда дунёнинг янги етти мўъжизасини аниқлаш бўйича телефон ва Интернет орқали сўров ўтказилди. Мазкур сўровда сайёрамизнинг турли бурчакларидан 100 миллиондан ортиқ киши иштирок этди.

Ўтказилган ушбу сўровда ҳам 7 рақамининг ўзига хос ўрни бор. Чунки, ушбу гоё муаллифи Б.Вебер овоз берувчиларга дунёдаги 77 та обида орасидан 7 та энг мўъжизалисини танлашни таклиф этди. Овоз бериш якунларини эълон қилиш ҳам мўъжизали санага – 2007 йилнинг 7 июлига, яъни 07.07.07га белгиланган.


Энг кўп овоз олган ҳозирги вақтда мавжуд куйидаги обидалар янги дунёнинг етти мўъжизаси, деб тан олинди: 1. Буюк Хитой девори. 2. Перудаги қадимги инқлар шаҳри Мачу-Пикчу. 3. Иорданиядаги тоғга ўйиб ишланган Петра мажмуаси. 4. Мексиканинг Юкатан яриморлидаги Чичен-Ица шаҳри. 5. Римдаги Коллизей. 6. Ҳиндистондаги Тож-Маҳал мақбараси. 7. Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридаги Корковаду тоғида жойлашган Исо пайғамбарнинг улкан ҳайкали. Миср эҳромлари бу рўйхатга киритилмади, аммо мазкур иншоотлар ташкилотчилар томонидан янги дунёнинг «фахрий мўъжиза»си сифатида эътироф этилди.

## ҚАДИМГИ ДУНЁ МЎЪЖИЗАЛАРИ



### Фиръавнлар руҳининг макони

Нил дарёсида сузишга муваффақ бўлган сайёҳлар сафарлари давомида дарё водийсида яшнаган далалар ва хурмо дарахтлари узоқ-узоқларда қуруқ ва иссиқ чўллар билан алмашинишига гувоҳ бўладилар. Нил дарёсидан ғарбда шакли бир хил, яъни чўкқисимон бўлган тепаликлар кўзга ташланади. Мазкур тепаликлар Қоҳирадан Фаюм воҳасигача бир неча ўн километрга чўзилиб кетган. Қадимги Миср тупроғида яратилган ушбу мўъжизалар – эҳромлар бўлиб,



Гизадаги Буюк эҳромлар.

улар турли вақтларда фиръавнлар томонидан сағана мақсадида бунёд этилган. Ҳар бир фиръавн ўзига эҳром барпо этиш билан гўёки ҳаётдан кўз юмганидан кейин руҳининг абадий яшаши учун макон яратган.

Милоддан аввалги 2630–2612 йилларда Саккарада фиръавн Жосер томонидан қурилган эҳром энг биринчи қурилган иншоот ҳисобланади. Жосер эҳроми кейинги қурилган бир қанча эҳромлардан фарқли ўлароқ, зинапоясимон шаклга эга. Ундан кейинги иккита иншоот фиръавн Снофру томонидан милоддан аввалги 2612–2589 йилларда Дахшурда бунёд этилган.

Ҳозирги вақтда Мисрда ўлчамлари ва бунёд этилган вақтига кўра бир-биридан фарқ қилувчи 118 та эҳром аниқланган. Аммо Миср эҳромлари деганда, аввало Қоҳира яқинидаги Гиза шаҳрида жойлашган фиръавнлар Хеопс, Хафра ва Менкаура томонидан қурилган Буюк эҳромлар назарда тутилади.

Буюк эҳромлар Жосер эҳромидан фарқли равишда зинапоясимон эмас, балки қатъий геометрик пирамида шаклига эга. Бу эҳромлар IV фиръавнлар сулоласига тегишли бўлиб, уларнинг девори  $51-53^\circ$  бурчак остида кўтарилган. Эҳромларнинг тўртта чекка қирралари горизонт томонларига қараб аниқ белгиланган. Хеопс эҳроми ул-



кан табиий қоя устида қурилган бўлиб, қоя бу иншоотнинг асосини ташкил этади.

Буюк эҳромлардан энг йириги – Хеопс эҳромининг дастлабки баландлиги 146,4 метрни ташкил этган. Аммо иншоотнинг устки қисмидаги тош қоплами емирилиб кетгани боис, унинг баландлиги ҳозирги вақтда 138,8 метрни ташкил этади. Мисрга илк бор ташриф буюрган европалик сайёҳлар Хеопс эҳромини «қўлда яратилган тоғ», деб аташган. Эҳром милоддан 2600 йил аввал қурилган бўлиб, асос томонларининг узунлиги 230 метрни ташкил этади. Таҳминларга кўра, иншоот 20 йил давомида бунёд этилган. У ўта моҳирлик билан терилган 2 миллион 300 минг дона тош бўлақларидан ташкил топган. Шуниси эътиборлики, эҳромларни бунёд этишда цемент ёки бошқа боғловчи қоришмалардан фойдаланилмаган. Эҳромга ишлатилган тош бўлақларининг ўртача оғирлиги 2,5 тонна, «Шоҳ хонаси»даги гранит бўлақларининг оғирлиги 80 тоннагача этади. Эҳромдаги баъзи хоналар ҳамда уларга олиб борувчи йўлақларни ҳисобга олмаганда, мазкур иншоотнинг ичи яхлитдир.




Снофру эҳроми.

Гизадаги эҳромларни биринчи бўлиб тасвирлаган қадимги замон тарихчиси Геродотнинг ёзишича, Хеопс эҳромини бунёд этишда 100 мингдан ортиқ киши меҳнат қилган. Ҳатто, деҳқонлар дала ишларидан бўш вақтларида эҳром қурилишида иштирок этишган. Чунки, эҳром қурилишида иштирок этиш – қадимги Мисрда давлат солиғини тўлаш билан баробар умуммажбурият бўлган. Эҳромларни бунёд этишда ёлланма ишчилар ҳам қатнашган. Қурилишда бир вақтнинг ўзида 10 мингдан ортиқ киши ишлаб, улар ҳар уч ойда алмаштирилган.

Хафра ва Менкаура эҳромлари Хеопснинг ворислари томонидан бунёд этилган. Улар Хеопс эҳромидан бирмунча кичик: Хафра эҳромининг баландлиги – 143,5 метр, Менкаура эҳроми – 65,5 метр бўлган. Хафра эҳроми Буюк Сфинкс ва Хеопс эҳроми билан ёнма-ён жойлашган бўлиб, у катталиги бўйича Хеопс эҳромидан кейин иккинчи ўринда туради. Милоддан 2550 йил аввал қурилган Хафра эҳроми (асосининг ўлчами 215,3×215,3 м., баландлиги 143,5 м.) «Урт-Хафра», яъни «Буюк Хафра» номини олган.

Менкаура эҳроми Гизадаги энг жанубда жойлашган, энг кеч ва паст қурилган эҳромдир. Унга «Хуру» (баланд) деб ном берилганига



Хафра эҳроми ва Сфинкс ҳайкали.

карамасдан, баландлиги атиги 66 метрни ташкил этади, асосининг томонлари 108,4 метрга тенг. Эҳромнинг ҳажми 260 000 м<sup>3</sup> бўлиб, Хеопс эҳроми ҳажмининг ўндан бир қисмини ташкил қилади. Менкауруннинг барпо этилиши билан Мисрда йирик эҳромлар қуриш даври тугаган.

Хафра эҳроми яқинидаги чўлда қумликдан баландлиги 20 метр, узунлиги – 60 метр бўлган тепалик қад кўтарган. Тепаликка яқинлашиб, бутунлай қояда ўйиб ишланган ҳайкални кўриш мумкин. Бу машҳур Сфинкс – боши одамники бўлган ерда ётган улкан шернинг ҳайкалидир. Чўл аҳолиси мазкур ҳайкални «ваҳиманинг отаси» деб аташади. Чунки, кечаси ой нурида ушбу ҳайкалнинг узоқ-узоқларга тушадиган сояси кишини ваҳимага солади. Ҳайкалнинг бошидаги фақат фиръавнлар боғлайдиган боғичга кўра, олимлар ушбу иншоотни фиръавн Хафранинг ҳайкали, Сфинкс эса мазкур фиръавн даҳмаси билан боғлиқ бўлган қурилмалар мажмуига киради, деб ҳисоблашади.

Эҳромлар ичида киши эътиборини тортадиган яна бир иншоот – фиръавн Снофру томонидан 2600 йил аввал қурилган Синган эҳромдир. Унинг бошқа эҳромлардан фарқи – ностандарт шакли, яъни маълум бир баландликда оғиш бурчагининг кескин ўзгарганидир. Мутахассисларнинг фикрича, бунга асосий сабаб, эҳром қурилиши давом этаётган бир пайтда фиръавн вафот этган. Иншоотни тезроқ тугатиш мақсадида унинг қирраларининг оғиш бурчаги 54°31' дан 43°21' гача ўзгартирилган. Шу сабабли, мазкур эҳромнинг тепа қисми узоқдан худди синганга ўхшаб кўринади.

Эҳромлар ичида ўзига хос жилога эга бўлган иншоот – Пушти эҳром. Фиръавн Снофру томонидан Дахшурда милоддан 2640 йил аввал бунёд этилган мазкур иншоот ўз вақтида дунёдаги энг баланд эҳром бўлган. Чунки, Хеопс эҳроми ундан 30–40 йил кейин қурилган. Ҳозирда ушбу иншоот ҳажмига кўра фақат Хеопс ва Хафра эҳромларидан кейинги ўринда туради. Пушти эҳромнинг ўзига хос томони, у биринчи «ҳақиқий», яъни қатъий пирамида кўринишга эга бўлган иншоот ҳисобланади. Томонлари унча тик эмас (43°36'), асосининг томонлари – 218,5×221,5 метр, баландлиги – 104,4 метрга тенг. Эҳромнинг номи уни қуришда ишлатилган

оҳактош бўлаклари билан боғлиқ бўлиб, ушбу тошлар ботаётган куёш нурида пушти рангда товланади.

Мисрда фақат фиръавн – «Куёшнинг ўғли»гина бундай улкан даҳмага эга бўлиши мумкин эди. Бошқа таниқли кишилар эса ўзларига тоғ қояларида ўйиб ёки ғиштдан унча катта бўлмаган даҳма куришган. Мазкур обидаларда қадимги Мисрдаги оддий кишиларнинг кундалик ҳаёти – экин экиш, ҳосилни йиғиш, ҳунармандлар, овчилар, Нил дарёсида кемада сузиш, жангчилар каби манзаралар тошга ўйиб ишланган.

Миср эҳромлари – қадимги дунё мўъжизалари ичида энг қадимгиси ҳамда бизгача етиб келган ягона иншоотлардир. Қарийб 4000 йил олдин инсон томонидан барпо этилган мазкур улкан обидаларни кўриб, ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. Маҳобати, улуғворлиги ва сирлилиги билан эҳромлар ҳалигача бутун дунё аҳлини лол қолдириб, қадимги Миср ва унда яшаган фиръавнлар ҳаётидан дарак бериб келмоқда.

## **Ҳавода бунёд этилган боғ**

Ҳавода яратилган ва яшнаб турган боғ ҳақида эшитганмисиз? «Ҳаводаги боғ» сўзи, албатта, кишини ҳайрон қолдиради. Аммо қадимги Бобилда бунёд этилган боғ тарихда дунёнинг етти мўъжизасидан бири сифатида «Семирамиданинг осма боғлари» номи билан қолган. Мазкур иншоотнинг аниқроқ номи – Амитиснинг осма боғлари.

Милoddан аввалги 605–562 йилларда Бобилда ҳукмронлик қилган подшоҳ Навуходонсор II ўзининг азалий рақиби, Бобилни икки марта яқсон қилган ассирияликларга қарши кураш учун Мидия подшоҳи Киаксар билан иттифок тузади. Ассирия устидан ғалаба қозонгач, иккала подшоҳ унинг ҳудудини бўлиб олишади. Тузилган иттифокнинг тасдиғи сифатида Бобил подшоҳи Навуходонсор II Мидия подшоҳининг қизи Амитисга уйланади. Тоғли, ям-яшил ҳудуд Мидияда ўсиб, катта бўлган Амитисга чанг-тўзон ва сершовқин Бобил ёқмайди. Шу боис, рафиқасининг кўнглини олиш



Қадимги Бобилнинг қайта тикланган Иштар дарвозаси.

мақсадида Навуходоносор сарой ёнида осма боғ яратишга буйруқ беради.


Осма боғ ва унинг ичида маликанинг ётоғини барпо этиш учун қадимги подшоҳликнинг барча кучлари, меъмор ва математикларнинг бор тажрибаси сафарбар этилган. Манбаларда ёзилишича, «осма боғни барпо этиб, Бобил муҳаббат шарафига дунёдаги энг буюк обидани яратишга қодир эканини бутун дунёга намоиш қилган». Аммо малика Амитиснинг номи авлодлар хотирасида ўша замонда Ассириянинг ҳукмдори бўлган буюк малика Семирамиданинг номи билан алмашиб кетган. Шу сабабли мазкур обида «Семирамиданинг осма боғлари» номи билан тарихда қолган.

Бобилдаги осма боғ қарийб 200 йил яшнаб турган. Меъморий нуқтаи назардан осма боғ тўрт қаватли супалардан иборат эҳромдан иборат бўлган. Супалар баландлиги 25 метр бўлган бақувват тош устунларнинг устида бунёд этилган. Супанинг пастки қавати узунлиги 42×34 метр бўлган нотўғри тўртбурчак шаклида бўлган.

Боғнинг иккинчи қавати ва унинг асоси ўртасида малика Амритис учун ҳашаматли хоналар қурилган.

Бокқа экилган дарахт ва экинларни суғорган вақтда пастки қаватларга сув сизиб ўтишининг олдини олиш учун тошдан барпо этилган супалар устига дастлаб қалин қамиш қоплама тўшалган. Қамишнинг устига бостирилган асфальтга кўрғошин қуйилиб, сўнг қалин қатламли унумдор тупроқ ётқизилган. Осма боғга унумдор тупроқ туя карвонлари билан Фрот дарёсининг қуйи қисмидаги ҳудудлардан олиб келинган. Бокқа турли ўтлар, гуллар, бута ва дарахтлар экилган. Шунинг учун ҳам тўрт қаватли супадан иборат эҳромнинг кўриниши доим яшнаб турувчи тепаликни эслатган.

Боғни кўтариб турган устунлардан бирининг ичига қувурлар жойлаштирилган. Юзлаб хизматкорлар кечаю кундуз тинмай чармдан ясалган челақлар билан жиҳозланган чархпалакни айлан-тириб, бир неча километр узокдаги Фрот дарёсидан олиб келинган сувни боғнинг тепасига кўтариб беришган. Сув тепадан пастга



Осма боғ – чўлдаги жаннат бўлган.

хар бир қаватда таралган қувурлар тизими орқали етказилган. Шу боис, Бобилнинг қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида осма боғдаги ўсимликлар сунъий суғориш йўли билан йил давомида бир хилда ям-яшил сақланган. Бобил шароитида ноёб ўсимлик турлари ва хушбўй гулларга бой осма боғни яратиш ҳақиқатан ҳам мўъжиза эди.

Аммо Бобилнинг бошқа мамлакатлар томонидан босиб олиниши натижасида Навуходоносорнинг саройи ва осма боғ аста-секин вайронага айлана бошлаган. Бобил подшоҳининг саройида ҳашам билан жиҳозланган 172 та хона бўлган. Милоддан аввалги IV асрда мазкур сарой Македониялик Александрга қароргоҳ вазифасини ўтаган. Чунки, милоддан аввалги 331 йилда бобилликлар Александр Македонскийга чопар юбориб, Бобилга ҳукмронлик қилишни сўрашган. Ўша вақтларда дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бири саналган Бобилнинг бойлиги ва меъморий обидаларининг улуғворлигидан хабардор Александр ушбу таклифни қабул қилган.

323 йилда узоқ ҳарбий юришлардан чарчаган Македониялик Александр бетоб бўлгач, дардига дармон бўла оладиган ягона жой – ёрқин куёш нурлари, жилға сувининг шилдираши ҳамда ўрмон дарахтлари ва ўтларининг ҳиди мужассам бўлган осма боғга олиб боришни буюрган.


Александр вафот этгач, у тузган салтанат таназулга учраб, бўлақларга бўлиниб кетган. Ҳукмдорларнинг тез-тез ўзгариши натижасида Бобилдаги осма боғ қаровсиз қолиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Дастлаб боғдаги ўсимликлар қуриган, сўнг кучли тошқин осма боғни кўтариб турган устунлар остидаги асосни емирғач, иншоот кулаб, вайрон бўлган. Бугунги кунда Бобилда бўлган сайёҳларга ғишт ва тош бўлақларига тўла тепаликлардан бирини Семирамиданинг осма боғларининг қолдиқлари, деб кўрсатишади.

## **Бахт-саодат тимсоли**

Милоддан аввалги 776 йилдан милодий 394 йилгача Юнонистоннинг Пелопоннес яриморлидаги Элида вилоятида жойлашган Олимпия шаҳрида ҳар тўрт йилда бир марта Олимпия ўйинлари

ўтказилган. Мазкур ўйинларда дастлаб фақат юнон, кейинчалик римлик спортчилар қатнашганлар. Олимпия ўйинлари ўша вақтда юнонлар эътиқод қилган момақалдирок маъбуди Зевс шарафига ўтказилган бўлиб, халқ ўртасида машхур эди. Аммо Олимпия ўйинларининг бошланганига 300 йил бўлганига қарамай, ўша вақтларда Юнонистонда Зевсга бағишланган бирорта ибодатхона ёки ҳайкал бўлмаган. Шу сабабли, милоддан аввалги 470 йилда юнонлар Зевсга атаб обида қуриш учун маблағ йиға бошлашган. Натижада Зевсга бағишланган ибодатхона ва қадимги дунёнинг етти мўъжизасидан бири, деб ном олган унинг маҳобатли ҳайкали яратилган.

Маълумотларга кўра, Зевс ибодатхонаси 10 йил давомида, яъни милоддан аввалги 466–456 йилларда барпо этилган. Обида мрамрдан қурилган. Пастки қисми чиғаноқтошдан ясалган, баландлиги 10,5 метр, диаметри 2 метрдан ошадиган 34 та улкан устунлар уни ўраб турган. Ибодатхона саҳнининг ўлчами – 64×27 метр, асосидан тепасигача баландлиги – 20 метрдан ошган. Бинонинг ташқи



Зевс ибодатхонаси қолдиқлари.



деворларида Гераклнинг 12 ғалабаси ўйиб акс эттирилган тоштахталар ўрнатилган. Баландлиги 10 метрдан ошган бронза эшиклар очилиши билан ибодатхонанинг ичкарисидаги бор гўзаллик намоён бўлган.

Ибодатхона курилиши тугаганидан сўнг бир неча йил ўтгач, олимпиклар шаҳарда Зевснинг ҳайкалини бунёд этишга қарор қилишган. Иншоотни бунёд этиш учун Афинадан ўша вақтлардаги энг машҳур ҳайкалтарош Фидий таклиф этилган. Ибодатхона яқинида бирмунча улкан устахона ташкил этган Фидий бу ерда Зевснинг улкан тахтда ўтирган ёғоч ҳайкалини яратган. Ҳайкалтарош ҳайкални яратиш учун олиб келинган ҳар бир материални, айниқса, Зевснинг танасини яшаш учун ишлатилган фил суягини жуда синчиклаб текшириб олган.

Кейинчалик кучайтирилган соқчилар гуруҳи ёрдамида ибодатхонага қимматбаҳо тошлар, шу жумладан 200 кг соф олтин олиб келинган. Олтин асосан, Зевс танасининг бир қисмини ёпиб турган ёпқич, унинг чап қўлида ушлаб турган салтанат ҳассаси ва бургут, ўнг қўлидаги ғалаба маъбудаси Никанинг ҳайкали ҳамда маъбуд бошига кийган зайтун новдаларидан қилинган гулчамбарни яшаш учун ишлатилган.

Зевс ўтирган тахт улкан бўлиб, ўтирадиган жойининг томонлари – 6 метр, ўриндик сифатида ишлатилган тоштахтанинг қалинлиги – 1 метр бўлган. Маъбуднинг оёқлари иккита шер кўтариб турган тагликда турган. Тахтнинг тўртта оёғида рақсга тушаётган ғалаба маъбудаси Никанинг тасвири ишланган. Шунингдек, тахтда кентаврлар, Геракл ва Тесейнинг ғалабалари, юнонларнинг амазонкалар билан жанглари тасвирланган.

Тахтда ўтирган Зевс ҳайкалининг умумий баландлиги 17 метр бўлган. Маъбуд кўзларининг катталиги одам муштидан йирикроклиги мазкур иншоотнинг нақадар улкан бўлганидан далолат беради. Ҳайкалга қараб туриб, «агар у жойидан турса, ибодатхонанинг томини тешиб юборган бўлар эди», деган фикр хаёлдан ўтган. Ривоят қилишларича, Фидий маъбуднинг ҳайкалини тугатиб, уни ўз жойига ўрнатгандан сўнг: «Сен хурсандмисан, Зевс?» – деб сўраган. Ҳайкалтарошга жавобан кучли момақалдиروق гулду-



Зевс ҳайкали.

раши натижасида гўёки тахтнинг остидаги тош тўшама ёрилган эмиш.

Зевснинг ҳайкали унинг номи билан аталган ибодатхонада етти асрдан ортиқ турган. Милоддан аввалги II асрда бўлиб ўтган zilzila натижасида ҳайкал катта талафот кўрган. Император Феодосий I милодий 394 йилда барча бутпарастликка оид маросимларни ўтказишни тақиқлагач, Олимпия ўйинларини ўтказиш тўхтатилган.

Олимпия ўйинлари тақиқлангач, Зевснинг ҳайкалига ишлатилган олтин ва фил суяги талон-торож қилинган. Милодий 40 йилда Рим императори Калигула Олимпдаги Зевснинг ҳайкалини Римга олиб келиш мақсадида ишчиларни юборади. Аммо ривоятларга кўра, «ҳайкалнинг хохлашидан кўрққан ишчилар қочиб кетиш-

ган». Аста-секин вайронага айлана бошлаган Зевс ибодатхонасининг факат асоси, бир неча устун ва ҳайкаллар қолган. Милодий V асрнинг бошларида Зевс ҳайкалини Константинополь (ҳозирги Истанбул) шахрига олиб келишган. Аммо ҳайкал 476 йилда кучли ёнғин вақтида бутунлай ёниб кетган.


## **Ҳосилдорлик ва болажонлик тимсоли**

Қадимги дунёнинг етти мўъжизаларидан яна бири – Эфесдаги Артемида ибодатхонаси ҳисобланади. Милоддан аввалги IV асрнинг ўрталарида бунёд этилган ушбу обида Кичик Осиёда, ўша вақтларда Юнонистонга тегишли Эфес шахрида, ҳозирги Туркиянинг Измир музофотидаги Селчук шаҳри худудида бўлган.

Афсоналарга кўра, Артемида Аполлоннинг эгизак опаси бўлган. Қадимги юнонларнинг эътиқодига кўра, Артемида Ер юзида яшайдиган барча жонзотлар, жумладан, ёввойи ва уй ҳайвонлари, далада, ўрмонда ўсадиган турли ўт-ўланлар, гуллар ва дарахтларнинг ривожланишига ғамхўрлик қилган. Артемида одамларни ҳам ўз эътиборидан четда қолдирмаган – гўёки одамларга бахт улашиб, оилада болаларнинг туғилишини қўллаб-қувватлаган. Юнон аёллари болажонликнинг ҳомийси Артемида учун доим қурбонликлар қилишган.

Шу боис, Эфес аҳолиси унинг шарафига шаҳар яқинида улкан ибодатхона барпо этган. Ибодатхонадаги устунларда иншоот тарихига бағишланган иккита ёзув сақланиб қолган. Страбоннинг ёзишича, ибодатхонанинг лойиҳасини кнослик меъмор Херсифрон ишлаб чиққан. Унинг таклифига кўра, обидани қуришда ўша пайтда меъморчиликда жуда кам ишлатилган тамойил қўлланган, яъни бинонинг ташки томонида икки қатор устунлар ўрнатилган.

Эфесдаги меъморчиликнинг аянчли тажрибаларидан келиб чиқиб, обиданинг бош меъмори унга узоқ умр бағишлаш устида узоқ бош қотирган. Оқибатда ибодатхонани дарё ёнидаги ботқоқда қуриш ҳақида қатъий ва ғаройиб қарор қабул қилган. Херсифроннинг фикрича, юмшоқ ботқоқ тупроқлари зилзила пайтида ўзига хос зарбюткич вазифасини ўташи мумкин. Мармардан қурилган улкан обида ўз оғирлиги билан ботқоққа ботиб кетмаслиги учун



Артемида ибодатхонаси шундай кўринишга эга бўлган.

катта чуқур казилиб, жун ва пистакўмирнинг бўлаклари аралашмаси билан тўлдирилган. Бир неча метрли ўзига хос бундай юмшок «ёстик» меъморнинг ишончини оқлаб, бинонинг узок вақт туришини таъминлаган. Обида қурилганидан кейин 500 йилдан ортик эфесликларнинг фахри бўлган.

Милоддан аввалги VI асрнинг биринчи ярмида ибодатхонанинг девори ва устунлари бунёд этилган. Иншоотнинг қурилиши қарийб бир аср давом этиб, милоддан аввалги V асрнинг биринчи ярмида, яъни 450 йиллар атрофида тугатилган. Обидани бунёд этишда юнон давлатининг энг мохир усталари иштирок этиб, иншоот тепасига ўрнатилган Артемиданинг ҳайкали олтин ва фил суягидан ишланган. Ибодатхона биноси қуриб битирилгандан сўнг, оқ мрамрдан ишланган улкан ибодатхона эфесликларни ҳайратга солган.

Ибодатхона биносининг узунлиги – 105 метр, кенглиги – 51 метр, устунларининг баландлиги – 18 метрни ташкил этган. Ибодатхона томини саккиз қатор қилиб ўрнатилган 127 та устун уш-

лаб турган. Ибодатхонанинг ичкараси ажойиб ҳайкалчалар билан безатилган.

Эфесдаги Артемида ибодатхонаси ҳақидаги турли ёзувлар, расмлар ва чизмалар асосида қурилган ибодатхона ҳозирги вақтда Юнонистонда мавжуд. Мазкур обидани кўрган киши уни қадимги Артемида ибодатхонасидан ажратиши мушкул.

Ибодатхонага маблағ ажратган Македониялик Александрга миннатдорчилик сифатида Апеллес исмли рассомга эфесликлар чиздирган саркарданинг сурати кишини ҳайратга солади. Сабаби, рассом чизган суратдаги подшоҳнинг чакмоқни ушлаб турган кўли ёруғлик таъсирида гўё суратдан ташқарига чиқиб тургандек кўринар эди. Шунда эфесликлар рассомга 25 олтин талант (1 олтин талант – 26,2 кг, яъни жами 600 кг. дан ортиқ) иш ҳақи беришган. Маълумотларга кўра, Апеллесдан кейинги уч аср давомида бирорта рассом Юнонистонда битта сурат учун бунчалик кўп ҳақ олмаган.

Маълумотларга кўра, милоддан аввалги 356 йилда эфеслик Герострат машҳур бўлиш орзусида ибодатхонага ўт қўйган. Эфесликлар шундай муқаддас жойга ўт қўйган кишини жазолаш ўрнига, унинг исмини бутунлай унутишга қарор қилишган. Аммо, одамлар орасида, «эшитдингизми, эфесликлар Артемида ибодатхонасига ўт қўйган кишини жазолаш ўрнига, унутишга қарор қилишибди... ҳаҳ, унинг исми нима эди... ҳа, Герострат...» – деган гаплар тез-тез эшитилиб турган. Шу тариқа Геростратнинг номи асрлар оша яшаб келмоқда. Европаликларда бирор жойга ўт қўйган кишига нисбатан «Геростратга ўхшамай кет», деган иборани ишлатиш одат тусига кирган. Милоддан аввалги III аср бошларида ибодатхона ўзининг аввалги кўринишида қайта тикланган. Бино меъмори Хейрократ унинг аввалги режасини сақлаб қолиб, бинони янада баландроққа кўтарган.

Милодий 263 йилда Артемида ибодатхонаси қадимги герман қабилаларидан бўлган готлар томонидан талон-торож қилинган. Император Феодосий I бутпарастликка оид барча маросимларни тақиқлагач, Эфесдаги Артемида ибодатхонаси ҳам ёпилган. Обиданинг оқ мраммрдан қилинган устки қопламаси аста-секин бошқа қурилишларга олиб кетилган. Обида томининг бўлақларга ажратиб



Артемида ибодатхонаси қолдиклари.

олиниши натижасида бинонинг яхлит тузилишидаги мувозанат бузилган. Оқибатда устунлар бирин-кетин қулаб, бино турган ботқоққа ботиб кетган. Бир неча ўн йиллардан сўнг лойқа ва балчик остида Эфесдаги энг ҳашаматли ибодатхонанинг охириги излари кўмилиб, обида турган жой аста-секин унутиб юборилган.


Буюк британиялик археолог Вуду мазкур ибодатхона қолдикларини излаб топишга узоқ йиллар ҳаракат қилган. Ниҳоят, 1869 йилнинг 31 октябрида мазкур обиданинг турган жойини аниқлашга муваффақ бўлган. Ибодатхона турган асосни ва Герострат ёқиб юборган қадимги бино қолдикларини фақат XX асрда археологик тадқиқотлар ёрдамида топиш мумкин бўлди. Ҳозирги вақтда қадимда ибодатхона турган жойда унинг қолдикларидан тикланган биттагина устун турибди.

## **Қадимги Юнонистондаги муҳаббат рамзи**

Милоддан аввалги IV асрда қадимги Юнонистонда – Кичик Осиёдаги Кария тарихий вилоятининг маркази бўлган Галикарнас-

да ҳукмдор Мавсолга бағишлаб унинг рафиқаси Артемисия II мақбара қурдирган. Қадимги дунёнинг етти мўъжизасидан бири, деб тан олинган ушбу обида ҳозирги Туркиянинг Ойдин вилоятидаги Бодрум шаҳри худудида бўлган.

Галикарнас мақбарасини қуриш ишлари Қария ҳукмдори ҳали ҳаёт бўлган вақтда, милoddан аввалги 353 йилда бошланган. Қария маликаси Артемисия обидани бунёд этиш ишига ўша вақтдаги Юнонистоннинг энг машҳур меъморларини, шу жумладан, Эфесдаги Артемида ибодатхонасини қуриш ва жиҳозлашда иштирок этган қурувчиларни таклиф этган. Мақбара меъморларидан бири бўлган Плиний обидани шундай тасвирлаган: жануб ва шимол томондан узунлиги – 63 фут (19,4 метр), олд ва орқа томонга қараб умумий узунлиги – 440 фут (135,5 метр), баландлиги – 25 тирсакка (қарийб 12 метр) етувчи 36 та устун билан ўраб олинган. Устунларнинг тепасига эса асосининг ўлчами обиданинг пастки қисмига тенг бўлган пирамида қад кўтариб, унинг тепасига мрамар тўртбурчак ўрнатилган. Мрамар тўртбурчакнинг устида эса тўртта от кўшилган аравада Мавсол ва Артемисия мағрур турган. Иншоотнинг умумий баландлиги 146 футга (45 метр) етган. Мақбаранинг ташқи майдони 5000 квадрат метрдан ошган. Обида атрофига эса шер ва отлиқ жангчиларнинг ҳайкаллари ўрнатилган.



Галикарнас мақбарасининг Истанбулдаги Миниатурк боғидаги кичрайтирилган модели.

Мақбара пишиқ ғишт ва мрамардан қурилиб, Галикарнас шаҳрининг баланд қисмида жойлашгани боис, узоқ-узоқлардан кўриниб турган. Обиданинг меъморий тузилиши ва қурилиш услуби ўша вақтлардаги Юнонистонда бунёд этилган обидалардан

фарқ қилади. Қадимий юнон мақбаралари тўртбурчак шаклида қурилиб, баландлиги олд томон узунлигидан ошмаган. Галикарнасдаги мақбара деярли квадрат шаклида, баландлиги эса асосининг узунлигидан ошиб, минорасимон шаклини эслатади. Галикарнас мақбараси шарқ ва ғарб меъморчилиги анъаналарини ўзида мужассам этган бўлиб, мазкур иншоотга ўхшаш обида Юнонистонда бошқа йўқ эди. Яқин Шарқнинг қатор мамлакатларида Галикарнасдаги мақбарага ўхшаш обидалар кейинчалик кўплаб қурилган.

Мақбара шунчалик мустаҳкам қурилган эдики, ўн тўққиз аср давомида турли табиий ва ижтимоий таъсирларга дош берди. Фақат XIII асрда Кичик Осиёда юз берган кучли zilzila натижасида унинг тепа қисми қулаб тушган. 1522 йилда эса мақбара вайроналаридаги материаллар Муқаддас Пётр (ҳозирги Туркиядаги Бодрум) қалъасини қуриш учун олиб кетилган.

XIX асрнинг ўрталарида Кичик Осиё бўйлаб саёҳат қилган европалик сайёҳлар Муқаддас Пётр қалъаси ўрнида қайта тикланган Бодрум қалъасининг деворлари нафақат тош бўлақларидан, балки йирик мрамор бўлақларидан ҳам терилганлигига эътибор беришган. Бунинг ҳайрон қоларли жойи бўлмаса-да, Бодрум қалъасида ишлатилган мрамор бўлақлари нафис ишлов берилгани, турли одамлар ва маъбудларнинг расмлари ўйиб ишлангани билан киши эътиборини тортади. Бу ҳақда ўша пайтдаги Британиянинг Туркиядаги элчиси эшитгач, Бодрум шахрига келган. Узоқ давом этган музокаралардан сўнг, Британия элчиси Туркия томонидан Бодрум қалъаси деворидан 12 та мрамор бўлагини кўчириб олиш учун рухсат олишга эришди. Мрамор бўлақларини Британия музейига олиб бориб текширгач, сақланиб қолган қадимги ёзувлар ҳамда олимларнинг хулосаларига кўра, мазкур мрамор бўлақлари Галикарнасдаги машҳур мақбарадан олингани аниқланди.

1846 йилда мақбара вайроналарини Чарльз Томас Ньютон бошчилигидаги Британия музейи экспедицияси тадқиқ қилган. Инглиз тадқиқотчилари Галикарнас мақбарасини Бодрум қалъасидан унча узоқ бўлмаган жойдан қидиришга қарор қилишган. Чунки қалъа деворларида ишлатилган мрамор бўлақларининг катталиги сабабли



уларни узоққа ташиб бориш бирмунча машаққатли, деган хулосага келишган.

Ньютон Бодрумда ўтказилган тўққиз ой мобайнида Галикарнас мақбарасининг қолдиқларини топишга муваффақ бўлди. Қазилмалар натижасида Мавсол ва Артемисиянинг мақбара тепасида турган икки метрли ҳайкаллари, отнинг бир метрдан ортиқ узунликка эга бўлган боши, бронзадан ясалган жилов топилган. Топилган отнинг боши бирмунча шикастланган эди. Пастга қулаган отнинг бошига етган шикастни тадқиқ қилиш натижаларига кўра, Ньютон Галикарнас мақбарасининг баландлиги 45 метр эмас, 60 метрдан баланд бўлган, деган хулосага келди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида британиялик мутахассислар мақбаранинг дастлабки кўринишини акс эттирувчи бир нечта лойиҳани ишлаб чиқишган. Ушбу лойиҳалардан бири ташқи кўринишидан қадимги Галикарнас мақбарасини эслатувчи АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги Манхэттенда жойлашган Гранд мавзолей (Улкан мақбара)га асос қилиб олинган.

## **Зилзила чақирган ҳайкал**

Қадимги Юнонистонда аксарият аҳоли Куёш маъбуди Гелиосга эътиқод қилган. Шу боис юнонлар эришган ҳар бир муваффақиятлари учун Гелиосга қурбонликлар қилишган, ҳайкаллар қўйишган. Ана шундай ҳайкаллардан бири Эгей денгизидаги Родос оролидаги шу ном билан аталувчи шаҳарда милоддан аввалги 292–280 йилларда бунёд этилган. Мазкур обида маҳобатли бўлгани боис, ҳеч шубҳасиз қадимги дунёнинг етти мўъжизасидан бири, деб тан олинган. Мазкур ҳайкал Родосдаги Колосс (Гелиос) номи билан машҳур.

Ҳайкалнинг яратилиши Македониялик Александр давлати парчаланиб кетгандан кейинги даврга тўғри келади. Милоддан аввалги III асрнинг охирида Мисрда ҳукмронлик қилган Птоломей шарқий Ўрта денгизда амалга ошириладиган савдо-сотикни назорат қиладиган родосликлар билан иттифоқ тузди. Милоддан аввалги 305 йилда Александрнинг ворисларидан бири Деметрий I 40 минг



Родос ороли.

кишилик лашкар билан оролни камал қилди. Деметрий I Родосни бир йил давомида камал қилиш қуроллари билан ўраб олиб, бир неча бор шаҳарга ҳужум уюштирди. Аммо Родосга Птоломейнинг денгиз флоти яқинлашиб келаётгани боис, Деметрий I барча камал воситаларини оролда қолдириб, чекинишга мажбур бўлди.

Родосликлар македонияликлар томонидан қолдириб кетилган қурол-яроғларни сотиб, катта даромад олишган. Ушбу маблағни «камал вақтида қилган ғамхўрлиги учун» Куёш маъбуди Гелиосга миннатдорчилик рамзи сифатида улкан ҳайкал ўрнатиш учун ишлатишга қарор қилинган. Родосликлар Гелиосни нафақат маъбуд, балки оролнинг яратувчиси, деб билишар эди. Уларнинг фикрича, гўёки Гелиос Ер юзидан унга тегишли жой бўлмагани сабабли, оролни денгиз тубидан қўлида кўтариб олиб чиққан эмиш.

Баландлиги 36 метр бўлган ҳайкални яратиш учун ўша вақтдаги машҳур ҳайкалтарош Харес 12 йил меҳнат қилган. Ҳайкал металл таянч (синч) ва лойдан ясалган, устки қисми бронза билан қопланган. Ҳайкал битгач, родосликларнинг кўз олдидан Гелиос баланд бўйли, ёш ва бошида нур таратиб турган гулчамбар такқан ҳолда намоён бўлган. Куёш маъбуди ҳайкали иккита оқ мраммар асосда узокларга

нигоҳ ташлаган ҳолда ишланган. Портга кираверишдаги баландликда жойлашгани боис, ҳайкал атрофдаги оролардан бемалол кўринган. Шуниси қизиқки, мазкур улкан ҳайкал ўрнатилган жойида ясалган. Бунинг учун меъмор Харес ўзига хос усулни қўллаган. Жумладан, ҳайкал асосидан бошлаб тепага тиклаб борилгани сари, унинг атрофи тупроқ солиб, кўмиб борилган. Шу тариқа иншоот қурилиши билан унинг атрофида сунъий тепалик пайдо бўлган. Ҳайкал битгач, унинг атрофидаги тупроқ қазиб олиниб, Гелиос бутун бўй-басти билан родосликларни ҳайратга солган.

Улкан ҳайкални яратиш учун 500 талант бронза ва 300 талант темир (1 талант тахминан 26,2 кг) яъни 13 тонна бронза ва 8 тоннага яқин темир ишлатилган. Гелиос ҳайкали Родосда улкан ҳайкаллар яратишда янги босқични бошлаб бериб, милоддан аввалги II асрда бу ерда 100 дан ортиқ улкан ҳайкаллар бунёд этилган.

Гелиоснинг ҳайкали ўрнатилган жойида бор-йўғи 65 йил турган ва милоддан аввалги 222 йилда кучли зилзила натижасида кулаб тушган. Страбоннинг ёзишича, «...зилзила натижасида қулаган ҳайкал тиззалари синган ҳолда ерда ётар эди». Ҳайкалнинг тиззалари унинг энг нозик қисмлари бўлгани боис, европаликлар ўртасида юзаки бажарилган омонат ишларга нисбатан «лой оёқли Гелиос» иборасини ишлатиш одат тусига кирган.

Родосликлар ҳайкални ўз жойига тиклашга анча ҳаракат қилишган. Ҳатто, бу ишда қўшниларнинг ёрдами ҳақидаги маълум



Гелиос ҳайкали.



Гелиос ҳайкали қолдиклари.

мотлар бор. Жумладан, Миср подшоҳи бир неча юз талант мис ва усталарни ҳайкални таъмирлаш учун Родосга юборган. Аммо бу ҳаракатларнинг барчаси зое кетиб, Гелиосни жойига қайта тиклашнинг иложи бўлмаган.

Аммо Гелиоснинг ҳайкали ерда ётган ҳолда ҳам родосликларни ҳайратга солар эди. Ўша вақтларда яшаган машҳур меъмор Плинийнинг ёзишича, фақат айрим родосликлар ҳайкалнинг қўлидаги бош бармоғини икки қўллари билан қучоғига сиғдира олар эди. Оёқлари оддий одамнинг оёқларидан бир неча ўн баробар катта бўлиб, кишини ҳайратга соларди. Гелиос ҳайкалининг синган бўлаклари ерда 1000 йилдан ортиқ ётгач, 977 йилда сотиб юборилган. Баъзи манбаларда айтилишича, улкан ҳайкал бўлақларини сотиб олган савдогар ушбу ноёб молини 900 та туяга юклаб, олиб кетган экан.

Ҳозирги вақтда Гелиоснинг улкан ҳайкали турган жой – Грециянинг Родос оролидаги портга кираверишда афсонавий маъбуд оёқлари турган жойда иккита рамзий устун мавжуд бўлиб, улар мўъжизавий обиданинг нақадар катта бўлганидан далолат беради.


## Ўрта денгиздаги йўлчи юлдуз

Денгизда сузиш, белгиланган жойга адашмасдан етиб бориш, мавжуд турли табиий тўсиқларни муваффақиятли айланиб ўтиш учун аниқ навигация асбоб-ускуналари бўлмаган қадимги даврларда денгизчилар асосан, йирик шаҳарлар атрофида баланд ва узок масофадан кўринадиган жойда ўрнатилган маёқларга қараб ҳаракат қилишган. Маёқлар аксарият ҳолларда жуда баланд қилиб қурилиб, мазкур иншоотни бунёд этиш ва ишлатиш учун кўплаб одамлар меҳнат қилган. Ана шундай маёқлардан энг қадимийси милоддан аввалги III асрда Мисрнинг Александрия шаҳридан 56 км узокликда жойлашган Фарос оролидаги Александрия маёғидир. Мазкур иншоотни кўпчилик манбаларда оролнинг номи билан Фарос маёғи, деб аташади.

140 метр баландликка эга бўлган маёқ ўлчамлари билан ўша вақтдаги энг йирик ва баланд иншоотлардан бири бўлган. Шу боис, маёқ қадимги дунёнинг етти мўъжизаси қаторидан ўрин олган. Маёқнинг асосий вазифаси кемаларга Александрия порти жойлашган кўрфазга Ўрта денгиздаги сув ости қояларини айланиб ўтиб, аниқ йўлни кўрсатиш бўлган. Кечаси маёқда ёрқин ёнган олов йўл кўрсатса, кундузи денгизчилар иншоотдан чиқиб турган тутун устунига қараб ҳаракат қилишган.

Фарос маёғи улкан тош асос устига қурилган уч қаватли мрамор минорадан иборат бўлган. Иншоот асосининг томонлари 30 метр бўлган тўғри тўртбурчакдан ташкил топган. Шу боис, миноранинг 60 метр баландликдаги пастки қисми тўртбурчак шаклида бўлиб, бу ерда маёқни қўриқлайдиган аскарлар ва хизматчилар яшайдиган хоналар жойлашган. Бинонинг ички қисмида айланиб тепага чиқадиган йўлак барпо этилган. Минораларга чиқиладиган зинапоясимон йўллардан фарқли равишда, Александрия маёғидаги йўлак аравалар ҳаракатини таъминлаш мақсадида текис бўлиб, унча қия эмасди.

Маёқнинг ўрта қисми баландлиги 40 метрдан ошадиган саккиз бурчакли минорадан иборат бўлиб, унинг атрофида тепага чиқиш учун ўрамасимон айлана йўл барпо этилган. Миноранинг бу қисми



Маёкнинг Чехиядаги модели.

оқ мрамрдан ишланган. Энг юқоридаги учинчи минора цилиндр шаклини эслатиб, унда олов ёниб турган. Минора ушбу қисмининг тепасидаги гумбазни саккизта устун кўтариб турган. Гумбазнинг устига эса юнонлар эътиқод қилган денгиз маъбуди Посейдоннинг саккиз метрли бронза хайкали ўрнатилган. Маёк ҳозиргача сақланиб қолмаган бўлса-да, Чехиянинг Острава шаҳридаги Мунини боғида унинг кичрайтирилган модели ўрнатилган.

Қалъа шаклида қурилган маёк Александриянинг муҳим мудофаа истехкоми ва кузатув пункти бўлган. Иншоотнинг те-

па қисмидан турли флотларнинг Ўрта денгиздаги ҳаракатини кузатиш, хавф туғилган вақтда олдиндан тегишли чоралар кўриш мумкин эди. Миноранинг турли қисмларида турли асбоб-ускуналар, жумладан, шамолнинг ҳаракат йўналишини аниқловчи флюгер, турли астрономик телескоплар ва соат ўрнатилган.

Қадим замонлардан буён муҳим савдо-сотик маркази бўлиб келган Александрия портига милоддан аввалги 332 йилда Македониялик Александр Мисрга келган вақтида асос солган. Мазкур портнинг Ўрта денгиздаги энг гавжум порт эканлиги ҳақида Ўрта осиелик сайёҳ Носир Хисрав XI асрда ёзган «Саёҳатнома» асарида кўрсатиб ўтган: «Мен Шомдан то Қайрувонга қадар ҳамма шаҳар ва қишлоқларни кезиб чиқдим... Мисрда қайиқ ва кемалар шунчалик кўпки, Бағдод билан Басранинг иккаловидаги қайиқ ва кемаларни бирга қўшганда ҳам ўшанча келмайди». Бу ўринда сайёҳ Мисрнинг XI асрдаги энг йирик портларидан бири бўлган Александрия порти ҳақида сўз юритган.

Александрия маёғининг қурилиши 20 йилга мўлжалланган. Аммо иншоотни бунёд этиш бўйича ишлар милоддан аввалги 288 йилда бошланиб, беш йилда, яъни милоддан аввалги 283 йилда тугалланган. Фарос оролининг энг баланд ерида бунёд этилган улкан (баландлиги 140 метр) маёқда ёнган оловнинг нури 60–100 километр узоқликдан бемалол кўринган. Олов узоқдан яхши кўриниши учун маёқнинг турли томонига бронзадан ясалган ялтироқ ойналар ўрнатилган. Оловни кўрган Ўрта денгизда сузаётган денгизчилар ўша вақтда барчага маълум сув ости қояларига яқинлашаётганини билиб, бундай ҳудудларни айланиб ўтишган. Маёқдаги оловнинг ёрқин ёнишини таъминлаш учун жуда катта миқдорда ўтин ва ёнилғи талаб этилган. Ёқилғи ва ўтин иншоотнинг олов ёнадиган энг тепа қисмига хачирларга кўшилган араваларда ўрамасимон йўлак орқали олиб чиқилган.

Маёқ қурилганидан 1500 йил кейин, яъни милодий XII асрга келиб Нил дарёсининг қуйилиш қисмидаги Александрия порти жойлашган кўрфаз дарё олиб келган лойқалар билан тўлиб, бу ерда кемаларнинг юриши кийинлашган. Шу боис, Фарос оролидаги маёқ ўз аҳамиятини йўқотиб, аста-секин вайронага айлана бошлаган. Иншоотнинг тепа қисмидаги ойна вазифасини ўтаган бронзадан ясалган мосламалар кўчириб олиниб, танга зарб қилишда ишлатилган.

XIV асрда Александрия маёғи зилзила таъсирида бутунлай вайронага айланиб, иншоотнинг бор-йўғи 30 метрлик қисми қолган. Ўша вақтларда Мисрда ҳукмронлик қилган турклар маёқни тиклашга ҳаракат қилишган. Аммо иншоотни тиклашнинг иложи бўлмагач, унинг қолдиқлари худди шу жойда ҳарбий қалъа қуриш учун ишлатилган. Маёқ қолдиқларидан 1477 йилда қурилган Қайт-Бей қалъаси ҳозирда Мисрдаги Фарос оролида қад кўтариб турибди.

Александрия маёғи дунёда қурилган дастлабки маёқдир. Иншоот қурилганидан кейин 1500 йил хизмат қилган, 200 йил вайрона ҳолатида турган. Маёқ шунчалик ажойиб қурилган эдики, унинг меъмори Книдлик Сострат ўзи яратган иншоотдан ҳайратланиб, ўша вақтдаги ҳукмдор Птоломейнинг обидаларга меъморларнинг номини ёзмаслик ҳақидаги фармонини бузиб, маёқнинг асосига

«книдлик Декстифоннинг ўгли Сострат денгизчиларни асрайдиган маъбудларга бағишлади», деган ёзувни ўйиб ёзган. Аммо меъмор жазоланишдан кўркиб, ушбу ёзувни қалин лой сувоқ остига яширган. Вақт ўтиши билан сувоқ ёмғир таъсирида ювилиб, Сострат қолдирган ёзув кўриниб қолган. Бу ҳақда Фарос оролига саёҳат қилган римлик сайёҳлар ёзиб қолдиришган.

Александрия маёғи Ер юзидан бутунлай йўқолиб кетган бўлса-да, қадимги дунёнинг бу мўъжизасини қуришда ишлатилган ғоя ҳозирги вақтда ҳам яшамоқда. Чунончи, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги энг баланд бинолардан бири – Эмпайр Стейтс Билдинг Александрия маёғини эслатади.

## **ЯНГИ ДУНЁ МЎЪЖИЗАЛАРИ**

---



### **Ўн минг ли узунликдаги девор**


Буюк Хитой девори инсоният тарихида яратилган энг буюк иншоотлардан бири сифатида тан олинган ва ҳақли равишда Хитойнинг рамзига айланган.

2007 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра янги дунёнинг етти мўъжизаси қаторида номи биринчи ўринда тилга олинган ушбу буюк деворни хитойликлар «Ван ли чан чэн» – «ўн минг ли узунликка чўзилган девор», деб аташади. 1 ли 576 метрга тенг эканидан келиб чиқиб, деворнинг узунлигини тахминан ҳисоблаш мумкин бўлса-да, аммо турли манбаларда Буюк Хитой деворининг узунлиги ҳақида келтирилган маълумотлар бир-биридан фарқ қилади.

Жумладан, баъзи манбаларда ушбу иншоотнинг узунлиги 4 минг километр, бошқаларида 5 минг километр ёки унинг тармоқлари билан биргаликдаги узунлиги 8850 км.дан ортиқ, деб кўрсатилган.

Деворнинг ўртача баландлиги 6,6 метр, баъзи жойларда – 10 метрдан ошади, асосининг кенглиги – 6,5 метр, тепа қисмининг кенглиги – 5,5 метрни ташкил этади. Деворнинг бу қадар кенглиги қадимда унинг устида иккита от араванинг бемалол ҳаракат






Буюк Хитой девори.

килишига имкон берган. Хитой девори бўйлаб қатор мудофаа истеҳкомлари, қоровуллар минораси, шаҳарга кириш дарвозалари, асосий тоғ йўлаклари ёнида эса кичик қалъалар бунёд этилган.

Маълумотларга кўра, Буюк деворни қуриш ишлари Хитойнинг биринчи императори Цинь Шихуан (Цинлар сулоласи, миллоддан аввалги 475–221 йиллар) ҳукмронлиги даврида давлатни шимолий қабилалардан ҳимоя қилиш мақсадида бошланган. Девор қурилишида бир миллиондан ортиқ киши, яъни ўша пайтдаги Хитойнинг бешдан бир қисм аҳолиси иштирок этган. Бу пайтда яратилган деворнинг узунлиги 2000 километрдан ошиб, асосан, мустаҳкамланган тупроқдан ташкил топган. Тахминларга кўра, Хитойнинг биринчи императори Цинь Шихуан турли бўлақлардан иборат деворни мустаҳкамлаб, уни яхлит иншоотга айлантирган.

Хань сулоласи даврида (миллоддан аввалги 206 – милодий 220 йил) Хитой девори ғарбга, Дунхуангача узайтирилган. Шунингдек, савдо қарвонларини кўчманчи халқларнинг ҳужумидан ҳимоя



Бохай қўлтиғидаги «Кекса аждарнинг боши».

килиш мақсадида коровуллар турадиган миноралар тизими, ҳатто, узок чўл худудларида ҳам барпо этилган.

Тарихий манбаларга кўра, Буюк Хитой деворининг бизгача сақланиб қолган асосий қисми Хитойда Минлар сулоласи ҳукмронлик қилган 1368–1644 йилларда барпо этилган. Бу даврдаги асосий қурилиш материаллари бўлган гишт ва йўнилган тош бўлаклари деворнинг янада мустаҳкам бўлишини таъминлаган. Минлар сулоласи Хитойда ҳукмронлик қилган даврда Буюк Хитой девори Сарик денгизнинг Бохай қўлтиғи қирғоқларидан ҳозирги Гансу ва Шинжон-Уйғур автоном райони ўртасидаги чегарага қадар чўзилган.

Буюк Хитой деворининг Циньхуандао шаҳри яқинида Сарик денгиздаги Бохай қўлтиғига кириб борган жойи хитой тилида «Лао лонг тоу», яъни «Кекса аждарнинг боши», деб аталади. Ҳақиқатан ҳам, деворнинг денгизга кириб борган қисми ҳолдан тойган кекса аждарнинг денгиздан сув ичаётган ҳолатини эслатади.

Манчжуриялик Цинлар сулоласи 1644 йилда Сангуй ёнида турли хийлалар билан Буюк Хитой деворидан ошиб ўтиб, ҳокимиятни эгаллаган. Шундан кейинги уч аср давомида, яъни 1911 йилгача ўз ҳолига ташлаб кўйилган иншоотнинг катта қисми хароба ҳолига келган. Фақат деворнинг Пекин ёнидаги қисми – Бадалин «пойтахт дарвозаси» вазифасини ўтагани боис, доимий назоратда ва яхши ҳолатда сақланган.

1984 йилдан бошлаб Буюк Хитой деворини қайта тиклаш ва таъмирлаш дастурининг амалга оширилиши натижасида мазкур буюк иншоот ўзининг тарихий кўрки ва улуғворлигига қайта эга бўлмоқда.

Буюк Хитой девори турли даврларда бир неча марта вайрон этилган ва қайта қурилган.

Аммо у мохирлик билан мустаҳкам бунёд этилгани боис, бизнинг давргача сақланиб келган. Маълумотларга кўра, деворни бунёд этишда ишлатилган ғишт ва йўнилган тош бўлақларини териш учун ёпишқоқ гуруч бўтқасининг сўндирилган оҳак билан қоришмасидан фойдаланилган. Мазкур қоришма иншоотнинг катта қисми узок муддат бузилмай келишини таъминлаб бераётган бўлса, ажаб эмас.

Буюк Хитой девори коинотдан бемалол кўринадиган ягона меъморий иншоотдир. Мазкур меъморчилик мўъжизаси деярли бутун Хитой бўйлаб, яъни шаҳарлар, чўллар, чуқур тоғ даралари орқали ўтиб, барпо этилган вақтда мамлакат ҳудудини яхши ҳимояланган улкан қалъага айлантирган.

Шунингдек, девор ўз маҳобати билан дунё меъморчилиги тарихида тенги йўқ иншоот бўлиб, хитойликларнинг ифтихоридир. Хитойдаги сайёҳлар учун мўлжалланган ҳар қандай йўлкўрсаткич девор ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттиради. Хитойликларнинг фикрича, ушбу девор тарихи – Хитой тарихининг ярми демак. «Осмон ости мамлакати» ҳақида мазкур буюк иншоотда бўлмай туриб, тасаввурга эга бўлиш ва уни тушуниш мумкин эмас.

Шу боис, Буюк Хитой деворини кўриш, унинг маҳобатини ҳис этиш учун ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларидан миллионлаб сайёҳлар ташриф буюришади. Ушбу иншоотга саёҳат чоғида хоҳлаган сайёҳ номи ҳамда Буюк Хитой деворига ташриф буюрган сана кўрсатилган гувоҳномага эга бўлиши мумкин.


## **Бобурийлар меъморчилигининг дурдонаси**

Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида Жамна (Ямуна) дарёси қирғоғида жойлашган Тож Маҳал мақбарасининг яратилиш тарихи ҳар бир кишини қизиқтириши табиий. Ушбу улуғвор ва кўркем иншоот 2007 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра, 100 миллиондан ортиқ овоз олиб, ҳақли равишда янги дунёнинг етти мўъжизасидан бири, деб тан олинди.

Тож Маҳал мақбараси шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг чевараси Шох Жаҳон томонидан 1630–1652 йилларда рафиқаси Мумтоз Маҳалбегим хотирасига бунёд этилиб, Шох Жаҳоннинг ўзи ҳам шу мақбарага дафн этилган.

Тож Маҳал мубарра тархли, уч қават ва беш гумбазли иншоот бўлиб, умумий баландлиги – 74 метр. Бурчакларида ҳар бирининг баландлиги 45 метр бўлган тўртта минора қад кўтарган. Минораларнинг ҳар бири кулаб тушган тақдирда мақбарага зиён етказмаслиги учун асосий бинодан четга томон бирмунча қия қилиб қурилган. Бинонинг атрофида фаввора ва ҳовузлари мавжуд бўлган улкан боғ мажмуи барпо этилган.

Бинонинг деворларига силликланган ярим шаффоф мармар ётқизилган ҳамда унинг қурилишида фερуза, ақик, малахит ва сер-



Жамна дарёси ва Тож Маҳал.

долик каби жилоланувчи тошлар ишлатилган. Бино қурилишида ишлатилган мрамар шундай хусусиятга эгаки, кундузи оқ, эрта тонгда пушти ва тун ёғдусида кумуш рангда товланади. Мақбаранинг чап ва ўнг томонида қизил кумтошдан барпо этилган бир хил шаклдаги мачит жойлашган. Қизил рангли икки мачитнинг ўртасида оқ мрамарли Тож Маҳал янада улугвор кўринади. Тож Маҳалнинг қурилишида Ўрта Осиё, Эрон ва Яқин Шарқдан таклиф этилган 20 мингдан ортиқ усталар иштирок этишган.

Маълумотларга кўра, Жамна дарёсининг қарама-қарши қирғоғида Тож-Маҳалнинг аниқ нусхаси бўлган бинони қора мрамардан барпо этиш, ҳар иккала иншоотни кулранг мрамар кўприк билан туташтириш режалаштирилган. Ушбу режани амалга ошириш бошланган-у, аммо қурилиш ишлари кейинчалик тўхтаб қолган.


Мақбара атрофида барпо этилган боғда турли чирмовуқлар чирмашиб кетган улкан дарахтларнинг шоҳида турли қушларнинг тинмай сайраши, кўп сонли маймунларнинг дарахтдан-дарахт-



Мақбарага кириш дарвозаси.

га сакраб, атрофингизда гир айланиб, сизни кузатиб бориш жуда ғаройиб. Сўнгги йилларда Тож Маҳалнинг деворларида ёриқлар пайдо бўлиши кузатилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ёриқларнинг пайдо бўлиши Тож Маҳал яқинидан оқиб ўтадиган Жамна дарёсининг тобора саёзлашиб бораётгани билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу боис, мазкур жараён атрофдаги тупроқлар таркибининг ўзгаришига, мақбара биносининг аста-секин чўкишига ва бутунлай вайронага айланишига сабаб бўлиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Шунингдек, атроф муҳит ҳавосининг ифлосланиши оқибатида Тож Маҳал ўзининг афсонавий оппоқ рангини йўқотиб бормоқда. Мақбара атрофидаги боғ майдонининг тобора кенгайиб бораётганига қарамасдан, Агра шаҳрида жойлашган бир қатор саноат корхоналаридан ҳавога чиқарилаётган чиқиндилар тупроқлари Тож Маҳалнинг деворлари йилдан-йилга сарғаймоқда. Шу боис, бино деворларини доимий равишда оқ лой билан тозалаш ишлари амалга оширилмапти.



Мақбаранинг ички кўриниши.


Мақбаранинг супаси ва ичкарасига ётқизилган оқ мрамрни зарарланишдан сақлаш мақсадида, бу ерга келадиган сайёҳ ва зиёратчилар оёқ кийимларини мақбара олдидаги маҳсус жойда ечиб, бино ҳудудига оёқяланг ёки ўз пойафзаллари устидан маҳсус матодан тайёрланган қопламани кийган ҳолда қиришлари мумкин.

Тож Маҳал бобурийлар меъморчилигининг дурдонаси бўлиб, унда Ўрта Осиё, Эрон ва бошқа қатор мусулмон мамлакатлари қурилиш санъати усул-

лари қўлланган. Янги дунёнинг етти мўъжизасидан бири, деб тан олинган мазкур мақбара 1983 йилда ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон мероси» рўйхатига киритилган. Шунингдек, ЮНЕСКО томонидан Тож Маҳал «Ҳиндистондаги мусулмон санъатининг дурдонаси, умуминсоний мероснинг кенг тан олинган ва бутун жаҳон қойил қолаётган жавоҳири», деб эътироф этилган.

Тож Маҳал бобурийлар томонидан бунёд этилган бошқа меъморий обида – Дехлидаги Хумоюн мақбарасига ташқи кўриниши ва қурилиш услуби бўйича жуда ўхшаш. Хумоюн мақбараси ҳам Тож Маҳал каби Хумоюншоҳ рафиқасининг ўз эрига муҳаббати рамзи сифатида қурилган. Тож Маҳалдан бирмунча аввалроқ қурилган Хумоюн мақбараси услубидан Шох Жаҳон ўзининг машҳур обидасини бунёд этишда фойдаланган. Аммо шунга қарамай, Хумоюн мақбараси Тож Маҳалдек таниқли бўлмай, маҳаллий аҳамиятга эга обида саналади.

Ҳиндистонликлар Шох Жаҳонни ва умуман, бобурийларни ҳурмат билан тилга олишиб, улар барпо этган турли меъморчилик дурдоналари, айниқса, Тож Маҳал мақбараси билан фахрланишади.



Дехлидаги Хумоюн мақбараси.

## Инкларнинг олтин шаҳри



Мачу-Пикчу тоғлар орасида яширин шаҳар.

2007 йилда ўтказилган сўров натижасида Жанубий Америкадаги Перу давлатида жойлашган инкларнинг қадимий шаҳри Мачу-Пикчу ҳозирги дунёнинг етти мўъжизасидан бири, деб тан олинган. Мачу-Пикчу атмаси маҳаллий кечуалар тилида «қадимги баландлик», деган маънони билдиради. Мачу-Пикчуни баъзи манбаларда «осмондаги шаҳар», «булутлар орасидаги шаҳар» ёки «инкларнинг йўқолган шаҳри», деб аташади. Чунки шаҳар ҳозирги Перудаги Урубамби дарёси водийсини ўраб турган тоғларнинг тепасида, денгиз сатҳидан 2450 метр баландликда жойлашган.

Мутахассисларнинг фикрича, мазкур шаҳар инкларнинг машҳур сардори Пачакутек томонидан XV асрнинг биринчи ярмида, тахминан 1440 йилда тоғдаги қароргоҳ сифатида барпо этилган. Аммо шаҳарни қуришдан асосий мақсад ва, ҳатто, унинг аниқ номи ҳақида бирорта далилий ҳужжат сақланмаган. АҚШнинг Йель университети тадқиқотчилари Ричард Бюргер ва Люси Салазар XVI асрдаги испан хроникасига таянган ҳолда, Мачу-Пикчу ёзги қароргоҳ мақсадида қурилган, деган тахминни олдинга суришган. Чунки инклар давлатининг пойтахти бўлган Куско шаҳрида ҳаво ёзда бирмунча иссиқ бўлган.


Инклар давлатининг 1533 йилда Т. Писарро бошчилигидаги испанлар томонидан босиб олиниши натижасида Мачу-Пикчу шаҳри ўз аҳамиятини йўқотган. Испанлар келишидан олдин, яъни 1532 йилда шаҳарнинг барча аҳолиси сирли тарзда ғойиб бўлган. Испан мустамлакачилари Мачу-Пикчуни топа олмагани боис, шаҳарнинг



қадимги ҳолати сақланиб қолиб, у «йўқолган шаҳар» номини олган.

Мачу-Пикчуда 200 дан ортиқ турли бино ва иншоотлар бўлган. Шаҳарда ибодатхоналар, қароргоҳлар, уйлар, омборхоналар ва бошқа зарур бинолар мавжуд. Иншоотларнинг кўпчилиги моҳирлик билан ишлов берилган тошлардан қурилган. Маълумотларга кўра, Мачу-Пикчуда 1200 киши истиқомат қилиб, аҳоли асосан, тоғ ёнбағирларидаги террасаларда турли қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш билан машғул бўлган.

XVI асрдан кейин қарийб 400 йил давомида Мачу-Пикчу шахри инсоният томонидан унутилиб, тоғлар орасида қолиб кетган. 1911 йилда АҚШнинг Йель университети профессори Хайрен Бингхем Перуда тадқиқот олиб бораётиб, мазкур унутилган шаҳарга дуч келди. Маҳаллий йўл кўрсатувчи билан Мачу-Пикчуга келган америкалик олим бу ерда бир неча деҳқонларни учратган. Деҳқонлар олимга «ушбу шаҳарда озодликда, турли хавф-хатардан холи ҳолда бемалол ҳаёт кечериш мумкинлиги» ҳақида сўзлаб беришган.



Уйларнинг ички кўриниши.

Мачу-Пикчу меъморий жихатдан жуда аниқ тартибга эга. Унинг жануби-ғарбида ҳашаматли саройлар мажмуи жойлашган. Тошларнинг ишлов берилгани бу ердаги барча иншоотларнинг меъмори бир киши эканидан далолат беради. Ҳашаматли саройлар ёнида кўшимча бинолар барпо этилиб, уларда хизматкорлар яшаган. Шаҳарни бир томондан ўраган тубсиз жарлик устида кўтариб-тушириладиган кўприк қурилган. Тоғлар билан ўралмаган жануби-шарқда баландлиги 5 метр, кенглиги 1 метр бўлган девор қурилган. Атрофдаги барча қоялар устида кузатув миноралари мавжуд. Шаҳардаги биноларнинг аксарияти тошларни ўйиб, баъзи бирлари табиий қоялар устига йўнилган тошларни териш ёрдамида қурилган.

Мачу-Пикчунинг жануби ва ғарбида атрофи тош деворлар билан ҳимоя қилинган зинапоясимон зироатчилик террасалари барпо этилган. Мазкур террасалар инклар тилида «анденес» деб аталади. Маълумотларга кўра, Анд тоғлари номининг келиб чиқиши ушбу террасаларнинг номи билан боғлиқ. Террасалар Урубамби дарёси водийсидан олиб келинадиган унумдор тупроқ билан тўлдирилган. Бу ерда жўхори, картошка, доривор ўтлар етиштирилган. Аммо Мачу-Пикчунинг 1200 кишилиқ аҳолисини озик-овқат билан таъминлаш учун шаҳар атрофида барпо этилган террасаларнинг имконияти жуда камлик қилар эди.

Шаҳарнинг ғарбий қисмида қурбонлик қилиш учун махсус майдончага эга бўлган бош ибодатхона жойлашган. Ибодатхона қаршисидан икки қаватли тош уйлардан иборат аҳоли яшайдиган ҳудуд чўзилиб кетган. Тош уйларнинг ўртасидаги лабиринтга ўхшаш кўчалардан баъзиларининг боши берк бўлса, баъзилари бевосита тубсиз жарликнинг тепасида тугайди.

Мачу-Пикчунинг жануби-ғарбий чеккасида яққол кўзга ташланадиган яримайлана минорага туташган ажойиб бино барпо этилган. Қуёш ибодатхонаси, деб номланган мазкур бино ибодатхона ва хавф-хатар туғилган пайтда мудофаа истехкоми вазифасини ўтаган. Ҳақиқатан ҳам, табиий қоянинг атрофида яратилган минорага четдан ҳужум қилишнинг ҳеч иложи йўқ. Миноранинг тепа қисмидаги кичик тўйнуқлардан пастда ястаниб ётган водийнинг гўзаллигини кўриш мумкин. Шунингдек, бу ерда инклар учун муқаддас саналган ўзига хос хоч – чаканани кўриш мумкин.



Куёш ибодатхонаси.

Шаҳарнинг шимолий қисмида диний маросимлар ўтказиладиган муқаддас майдон бўлган. Муқаддас майдондан гранитли ёнбағир орқали машаққат билан қоянинг тепасига чиқилади. Бу ерда кўп бурчакли қилиб тарашланган тош – «интиуатана» ёки «куёш боғлаб қўйиладиган жой»ни кўриш мумкин. Афсоналарга кўра, гўёки «инклар куёшни қишки куёш туриши пайтида кетиб қолмасин, деган мақсадда рамзий маънода шу тошга боғлаб қўйишган». «Куёшни боғлаш шарафига муяссар бўлган» инклар эса алоҳида ҳурматга сазовор бўлишган. Аммо қоянинг тепасида жойлашган ушбу тош инклар учун куёшнинг ҳаракатини кузатадиган ўзига хос обсерватория вазифасини ўтаган бўлиши мумкин, деган фикрлар бор. Чунки инклар куёшнинг баҳорги ва кузги тенгкунликдан кейинги ҳаракатини кузатиш орқали экиш ва ҳосилни йиғиштириб олиш учун энг қулай вақтларни аниқлашган.

Мачу-Пикчуга олиб борадиган йўл – инклар қурилиш санъатининг ёрқин намунасидир. Бундан 500 йил аввал қурилганига қарамасдан, ҳатто, ёгинлар ёғадиган мавсумда ҳам ушбу йўлдан бемалол юриш мумкин. Инклар империясида 40 минг км.дан ортиқ узунликдаги йўллар мавжуд бўлган.

Инклар ғилдирак нималигини билишмагани боис, қурилган йўлларнинг кўпчилиги зинапоясимон. Океан қирғоғидан ўтган йўллар эса қуёш, шамол ва қум тўзонларидан ҳимоя қилиш мақсадида икки томондан девор билан ўралган. Шунингдек, дарёлар устида тош ёки қалин арқондан ясалган осма кўприклар барпо этилган. Мазкур объектлар чуқур даралару баланд тоғлар шароитида яшаган инклар учун муқаддас бўлиб, кўприкка зарар етказган киши ўлимга маҳкум этилган.

Мачу-Пикчунини қурилиш нуқтаи назаридан жуда ноқулай бўлган жойда барпо этиш учун сўз билан тасвирлаб бўлмайдиган моҳирлик талаб этилган. Шаҳарни ўрганиб чиққан қурувчи-муҳандис ва археологларнинг фикрича, Мачу-Пикчунини бунёд этишдаги меҳнатнинг ярмидан кўпи ер майдонини ва бино асосини тайёрлашга кетган. Шунинг учун мустаҳкам тош деворлар ва зинапоясимон террасалар 500 йилдан ортиқ вақт мобайнида шаҳарни доимий ёмғир ёки сурилмалар таъсирида тоғ қоясидан қулаб тушишдан сақлаб келмоқда.

Мачу-Пикчу 1983 йилда ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон мероси» рўйхатига киритилганидан сўнг, бу ерга ташриф буюраётган сайёҳларнинг сони кескин ортди. Ҳозирда бу сирли шаҳарга қунига 2000 дан ортиқ сайёҳ келиб-кетди. Аммо шаҳардаги обидаларни яхши ҳолатда сақлаш учун Мачу-Пикчуга қунига фақат 800 сайёҳнинг ташриф буюриши мақсадга мувофиқ экан.

Мачу-Пикчу етиб бориш жуда мушкул бўлган минтақада жойлашган. Лекин сайёҳликни қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар яқинидаги Агуас-Калиентес шаҳрига темир йўл қурилган. Ушбу шаҳарнинг темир йўл бекатидан Мачу-Пикчуга автобус катнайди. 8 километрли мазкур йўналишнинг деярли барча қисми тик қоялар орқали ўтказилган илон изи тоғ йўлидан иборат.

Испанлар Жанубий Америкага келишганда инкларнинг олтинга тўла афсонавий хазинасини узоқ вақт қидиришган. Мачу-Пикчуда

олтин ва олтиндан ясалган нарсалар топилмаган бўлса-да, шаҳарни топган тадқиқотчилар мазкур жойни «инкларнинг олтин шахри», деб аташган. Тоғларда узоқ вақт якка-ёлғиз қолиб кетган Мачу-Пикчу, ҳеч шубҳасиз, сайёрамизнинг энг сирли шаҳарларидан саналади. Бу борада дунёнинг бошқа бирор бурчагида жойлашган шаҳар унга тенг келиши амримаҳол.

## **Ица қабиласининг қудуғи**

1988 йилда ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон мероси» рўйхатига киритилган Чичен-Ица шахри Марказий Американинг Юкатан ярим-оролида яшаган қадимги майя халқининг сиёсий ва маданий маркази бўлган. Ица халқининг муқаддас шахри ҳисобланган Чичен-Ица Мексиканинг Юкатан штати пойтахти Мерида шаҳридан шарқда, 75 миль узоқликда жойлашган. «Чичен-Ица» маҳаллий халқ тилида «Ица қабиласининг қудуғи», деган маънони билдиради. Археологларнинг фикрича, шаҳар майяларнинг маданияти билан бевосита боғлиқ бўлган «қудратли ва муқаддас» жойлардан бири.

Маълумотларга кўра, Чичен-Ица VII асрда бунёд этилган. Шаҳар қолдиқларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: майяларнинг VI–VII асрлардаги маданиятига оид обидалар ва X–XI асрлардаги толтеклар даврига мансуб бинолар. X асрда Чичен-Ица толтеклар томонидан забт этилган ва XI асрнинг ўрталарига келиб толтеклар давлатининг пойтахтига айланган. Толтеклар Венера сайёрасига сиғинишган, Шу боис, қурбонликлар қилиш учун махсус Венера пайдонини яратишган.


1178 йилда шаҳар уч давлат – Майяпана, Ушмаля ва Ицмалянинг бирлашган қўшини томонидан вайронага айлантирилиб, 1194 йилга келиб, бутунлай бўшаб қолган. Аммо аҳолининг бу ердан нима сабабдан кетиб қолгани ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган. XVI асрнинг ўрталарида Марказий Америка испанлар томонидан эгалланган вақтда Чичен-Ицанинг фақатгина вайроналари қолган эди. Испанлар шаҳар ҳақидаги ибодатхоналарда сақланган барча маълумотларни ёндириб юборишган. Шу тариқа мазкур сирли шаҳарнинг тарихи ҳақидаги мавжуд ёзувлар сақланиб қолмаган.



Венера майдони.

XIX асрнинг ўрталарида майялар маданиятининг тадқиқотчиси америкалик олим Ж. Стефенс Чичен-Ицада бўлиб, шаҳарнинг бой археологик мероси ҳақида ёзган. Аммо Чичен-Ицанинг тарихини аниқлаш мақсадида шаҳар худудида асосий археологик изланишлар 1923 йилдан бошланган. Бу ерда бир неча бор археологик қазишлар олиб борилиб, натижада майя ва толтекларнинг йирик меъморий обидалари аниқланган.

Чичен-Ицанинг энг кўзга кўринган обидаси – Кукулкан ибодатхонаси зинапоясимон тўққизта қават ва 24 метр баландликка эга эҳромдан иборат. Иншоотнинг энг тепасидаги майдончада ибодатхона жойлашган. Эҳромнинг асосидаги тўртбурчакнинг ҳар бир томони 55,5 метр узунликка эга. Иншоотнинг тўрт томонида ҳар бири 91 та зиналардан иборат зинапоялар мавжуд. Агар зиналар сонини (91 та) зинапоялар сонига (4 та) кўпайтириб, ибодатхона жойлашган энг тепа қисми яна битта зина, деб ҳисобласак,  $91 \times 4 + 1 = 365$  сони, яъни бир йилдаги кунлар сонига тенг қиймат ҳосил бўлади. Бу эса олимларга эҳром йил тақвими тамойиллари



Кукулкан ибодатхонаси.

асосида қурилган бўлиши мумкин, деган хулосага келиш имкони-ни берди.

Эҳромнинг ғарбий томонидаги асосий зинапоясининг пастки қисмида тошдан ясалган иккита йирик илон бошининг ҳайкаллари мавжуд бўлиб, улар Кукулкан ибодатхонасининг рамзи ҳисобланади. Чунки «Кукулкан» сўзи майяликлар тилида «қанотли илон» маъно-сини билдиради. Бунинг сабаби шуки, баҳорги ва кузги тенгкун-лик давомида (21 март ва 22 сентябрь) тахминан кундузи соат учлар атрофида қуёш эҳромдаги асосий зинапояннинг ғарбий томонини шундай ёритадики, нур ва соя ўзаро биргаликда еттита тенг томон-ли учбурчак шаклига эга бўлади. Бу учбурчакларнинг шакли эса, ўз навбатида, ўттиз етти метрли илон танасининг зинапояннинг пастки қисмидаги тошдан ясалган йирик боши томон аста-секин судралиб бораётган ҳаракатини ҳосил қилади. Қуёшнинг ҳаракатини кўз билан илғаш қийин, албатта. Аммо бу манзарани видеотасвирга олиб, сўнгра томоша қилинса, 37 метрли улкан илон гўёки юқоридан пастга судралиб тушаётгандек бўлади.

Кукулкан ибодатхонасидан шимол томонда кенглиги 10 метр ва узунлиги 300 метр бўлган йўл қурилган. Бу йўл турли қурбонликлар қилиш учун мўлжалланган Муқаддас сенотга («сенот» испанчада «кудук» маъносини билдиради) олиб боради. Ушбу табиий «кудук»нинг диаметри 60 метр, чуқурлиги эса 50 метрни ташкил этади. Ҳозирги вақтда сув унинг тепа қисмидан 20 метр пастда жойлашган. Маъбудлар учун қурбонликлар қилингани (кудукқа, асосан, ёш қизлар ташланган) боис, майялар қудукни «ўлим қудуғи», деб аташган. 1923 йилдан бошлаб америкалик Эдвард Томпсон сенотни тадқиқ қилиб, унинг тубига бир неча бор тушган. Бу ердан топилган қадимги майяларнинг турли тақинчоқлари ва одам суякларининг қолдиқлари қудукнинг нима учун бундай номланганини тасдиқлаган. Кукулкан ибодатхонасининг жанубида яна бир қудук бўлиб, Муқаддас сенотдан фаркли равишда, ундан фақат ичимлик суви олиш мақсадида фойдаланилган.

Шунингдек, Чичен-Ица ҳудудида «Жангчилар ибодатхонаси» мавжуд бўлиб, унинг асосини 40 метрли квадрат устига қурилган




Муқаддас сенот.



тўрт қаватли эҳром ташкил этади. Ибодатхона олдида баландлиги 3 метрга етадиган тўрт қаторли устунлар тикланган. «Жангчилар ибодатхонаси»нинг ичида Чичен-Ицанинг рамзига айланган Чак-Моол, яъни олдинги қурилманинг қолдиклари топилган. Ибодатхонанинг жанубий томонида «минг устунлар гуруҳи» жойлашган бўлиб, у уч томондан бирмунча йирик майдонни ўраб олган устунлар қаторидан иборат. Тўртинчи томонда эса нима учундир Меркадо бозори, деб номланган бино жойлашган. Ғарбий устунлар қаторининг узунлиги – 125 метр, кенглиги – 11 метр, жанубга йўналган устунлар қаторининг узунлиги – 125 метр, кенглиги – 20 метр бўлиб, 10 қаторда жойлашган 156 та устунни ўз ичига олади. Шуниси эътиборлики, «минг устунлар гуруҳи»да айлана устунлар кўпчиликни ташкил этади.

Шунингдек, Чичен-Ицада майяларнинг «Ягуарлар ибодатхонаси», «Соқолли одам ибодатхонаси» (ичкари томонидаги кўриниши соқолли одамга ўхшагани боис, шундай номланган) ва «Қизил уй» (олд деворидаги кизил рангли девор туфайли) каби қадимий оби-



Жангчилар ибодатхонаси.

далари аниқланган. Саккизта турли ўйинларга мўлжалланган майдонлардан жангчиларни жисмонан чиниктиришда кенг фойдаланилган.

«Қизил уй»нинг жануби-шарқида Чичен-Ицанинг машхур обидаларидан бири «Эл-Каракол» (испанчада «шилликкурт чиганоғи» маъносини билдиради) жойлашган. Бу улкан иншоот икки қисмдан иборат асосга қурилган минорадан иборат бўлиб, у астрономик қузатишларни амалга оширишга мўлжалланган обсерватория бўлган. «Эл-Каракол»нинг ёнида асоси 70x35 метр, баландлиги 20 метрга тенг улкан бино жойлашган.

Яқин вақтгача Чичен-Ица шаҳри жойлашган ер хусусий мулк бўлган. Қадимий шаҳарнинг тарихий меросини асраб-авайлаш мақсадида Мексиканинг Юкатан штати ҳукумати Чичен-Ица жойлашган 83 гектар майдонни сотиб олиш бўйича музокаралар олиб борди. Натижада Чичен-Ица шаҳри жойлашган ер 2010 йилнинг 30 мартида тугаган музокаралардан сўнг 220 миллион песога (17,8 млн. АҚШ доллари) сотиб олинди.

Ташриф буюраётган сайёҳларнинг умумий сони бўйича Чичен-Ица Мексикадаги таниқли археологик обидалар ўртасида иккинчи ўринда туради. Шу боис, мазкур шаҳарнинг 2007 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра янги дунёнинг етти мўъжизасидан бири, деб тан олингани бежиз эмас.

## **Қоядаги шаҳар**


Иордания деганда, кўз олдимизга дастлаб тропик иқлим шароити устун бўлган Арабистон яриморилининг чўл ва чала чўллардан иборат қуруқ ҳудудлари келади. Аммо мазкур чўллар узра ястаниб ётган воҳа ва водийларда яратилган шаҳарлар киши ақлини лол қолдиради. Ана шундай масканлардан бири – Иорданиянинг қадимий шаҳарларидан бири Петрадир. Петра шаҳри аввал Эдом, кейинчалик Набатейлар подшоҳлигининг пойтахти бўлган. Ҳозирги вақтда Иорданиянинг Арава дарёси водийсида, денгиз сатҳидан 900 метр, атроф ҳудудлардан эса 660 метр баландда жойлашган. Шаҳарнинг номи жойлашган ҳудуд хусусиятига боғлиқ бўлиб,

«Петра» сўзи «қоя» маъносини билдиради. Шаҳар жойлашган водийга шимол ва жануб томонга қараб йўналган тор дара орқали кириш мумкин. Шарқ ва ғарб томондаги қоялар тикка тушган жарликларни ҳосил қилиб, табиий деворларнинг баландлиги 60 метрдан ошади.

Петра шахрининг гуллаб-яшнаши учун икки муҳим қадимий савдо йўллари кесишган географик ўрни қулай шароит яратган. Мазкур йўллардан бири Қизил денгизни Дамашк билан боғлаган бўлса, иккинчиси Форс қўлтиғини Ўрта денгиз бўйидаги Ғазо билан боғлаган. Турли юк ортилган савдо қарвонлари Форс қўлтиғидан жўнагач, Арабистон чўлининг иссиқ иқлим шароитида узок йўл босиб, Петра шахрига етиб олиши учун бир неча ҳафта керак бўлган. Бу шаҳарда савдогар ва сайёҳлар сафарни давом эттириш учун етарли озиқ-овқат ва сув ғамлаб олишган.

Бир неча юз йил давомида Шарқ ва Ғарбнинг турли мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқалари Петрага мислсиз бойлик олиб келган. Аммо римликлар томонидан Шарқ мамлакатларига борадиган денгиз йўлининг кашф этилиши натижасида Петра шахри орқали қуруқликда амалга оширилган савдо ҳажми аста-секин камайиб, шаҳар таназзулга учрай бошлаган. Бу ердаги аҳоли бошқа ерларга кўчиб кетиб, шаҳар бутунлай бўшаб қолган.

Петра шахридаги обидалар турли даврларда, жумладан, идумейлар (милоддан аввалги XVIII–II асрлар), наботейлар (милоддан аввалги II аср ва милодий 106 йил), римликлар (милодий 106–395 йиллар), византияликлар ва араблар томонидан барпо этилган. Шаҳар аҳли қуруқ чўл иқлими шароитида сув йиғишнинг ўзига хос услубини ўйлаб топишган. Сопол қувурлар ёрдамида петралик меъ-



Петра шахрига кириладиган дара.

морлар шаҳарни сув билан таъминлашнинг мураккаб тизимини яратишган. Шу боис, иссиқ тропик иқлим шароитида аҳоли ҳеч қачон сувга муҳтож бўлмаган. Бутун шаҳар бўйлаб 200 дан ортиқ ёмғир сувини йиғадиган ва сақлайдиган иншоотлар – тош ҳовузлар, сардобалар барпо этилган. Бу иншоотлар сопол қувурлар орқали атрофда радиуси 25 км бўлган майдонда мавжуд барча манбаларнинг сувини йиғиш имкониятини берган. Петра шаҳрида йилига атиги 150 мм. гача ёғин ёққани боис, аҳоли акведуклар барпо этган, яъни сувни йиғиш ва сақлаш учун қояларда турли ариқ ва идишларни ўйиб иш-лашган.

Чўл шароитида сув йиғишни ўрганишгач, петраликлар тошга ишлов бериш санъатини ўзлаштиришган. Шу боис, Петра тошдан қурилган шаҳар бўлиб, бунақаси ўша пайтларда дунёда бошқа бўлмаган. Петраликлар шаҳарни қура туриб, йирик тош бўлақларидан аста-секин уй-жой, омборхона ва ибодатхоналарни барпо этишган. Шаҳарнинг қизил кумтош конлари орасида жойлашгани ушбу хомашёдан қурилишда кенг фойдаланиш имконини бер-



Петра шаҳри.

ган. Шу тариқа милодий I асрда Арабистон чўлининг қоқ ўртасида меъморий жихатдан ўзига хос шаҳар пайдо бўлган. Маълумотларга кўра, энг гуллаган вақтларида, яъни милоднинг бошларида Петрада 20 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилган.

Ҳозирги вақтда Петра шаҳри қояларга ўйиб ишланган ибодатхоналар, мақбаралар, тураржой бинолари, уч минг кишилик амфитеатр ва бошқа обидаларнинг бетакрор мажмуасидан иборат. Тош шаҳарнинг умумий майдони 3 кв.км бўлиб, бу ерда 1000 дан ортиқ ўйма иншоотлар мавжуд. Мазкур иншоотларнинг барчаси шаҳар ўз аҳамиятини йўқотган вақтдан олдин, яъни VI асргача бунёд этилган.

Арава дарёси ҳосил қилган узунлиги бир километрдан ортиқ, ҳавоСИ атрофга нисбатан бирмунча салқин дарадан ўтгач, кўз олдингизда «Ал-Ҳазина» – олд томони тоғнинг улкан қоясига ўйиб ишланган маҳобатли ибодатхона намоён бўлади. Мазкур обида I асрда яратилган ва ҳозирги кунгача нисбатан яхши сақланиб келган иншоотлардан биридир. Бинода тошдан ўйиб ишланган ул-



Қояларда яратилган обидалар.

кан идиш бўлиб, афсоналарга кўра, гўёки мазкур идишда олтин ва қимматбаҳо тошлар сақланган. Шу боис, мутахассислар иншоотнинг «Ал-Хазина» деб номланиши ҳам шундан, деб тахмин қилишади.

«Ал-Хазина» ибодатхонаси Арава дарёсининг олдинги ўзани ўрнида барпо этилган. Ушбу иншоотни қуриш учун дарё ўзанини



Ал-Хазина.

ўзгартириш мақсадида тоғни тешиб, сув йўналиши бошқа ёққа бурилган. Шунингдек, дарёда бир нечта катта-кичик тўғонлар барпо этилган. Бу ўша давр нуқтаи назаридан жуда катта ва илгор лойиҳа эди. Шунингдек, мазкур ибодатхона – қадимги меъмор ва тоштарошлар юксак маҳоратининг намунасидир. Жумладан, қоянинг юзаси тарашлаб чиқилган. Аммо бунинг учун ёғочдан ясалган махсус мосламаларнинг устида ишлаш лозим бўлган. Шу боис, бинонинг олд томонидаги тоғ қоясига қандай қилиб ишлов берилгани, шакллар ўйилгани ҳамда бу ишнинг қандай ҳисоб-китоб асосида амалга оширилгани ҳақида замонавий фанда ҳанузгача жавоб йўқ.

Сўнг дара аста-секин кенгайиб, қизил қумтошли деворларида ғорлар мавжуд бўлган табиий амфитеатр намоён бўлади. Бу ердаги тош устунлар ва амфитеатр мазкур иншоотнинг римликлар томонидан барпо этилганидан далолат беради.


Шаҳардаги улкан бинолардан яна бири қояда кесиб ишланган Ад-Дайр ибодатгоҳи ҳисобланади. Унинг кенлиги – 50 метр, баландлиги – 45 метрни ташкил этади. Деворларига ўйилган хочларга кўра, уни қачонлардир насронийларнинг черкови бўлган, деб айтиш мумкин.

Петрани 1812 йилда швейцариялик тадқиқотчи Иоганн Людвиг Буркхардт топмаганида, мазкур шаҳар қумлар орасида кўмилиб кетар эди. Йўқолган шаҳарни излаш мақсадида швейцариялик сайёҳ Дамашқдан Қоҳирага савдо қарвони билан йўлга чиққан. 1812 йилнинг августида сайёҳ Петра шахри жойлашган ердан унча узоқ бўлмаган ерга етиб келди. Буркхардт араб тилида бемалол гаплашган, араб кўчманчиларидек кийинган ва ўзини ҳаммага мусулмон – Иброҳим ибн Абдаллоҳ деб таништирган.

Шу боис, маҳаллий араблардан ҳеч иккиланмай Мусо пайғамбарнинг укаси Арон пайғамбарнинг яқин ўртадаги тоғ тепасида жойлашган қабрига олиб боришни илтимос қилган. Маҳаллий бадавий сайёҳни Арава дарёсининг водийсига олиб боради. Унча кенг бўлмаган Арава дарёси водийсига олиб борувчи дарага киргач, швейцариялик сайёҳ кўз олдига қумлар орасида қолган ва харобаларга айлана бошлаган Петра шахри намоён бўлади. Буркхардт ке-



Ад-Дайр ибодатхонаси ва тош сардоба.



Тошда ўйиб барпо этилган амфитеатр.



йинги 600 йил мобайнида дунёнинг ушбу мўъжизасини кўрган илк европалик эди.

Шаҳар йирик қоятошлардан барпо этилгани боис, баъзи тадқиқотчилар Петранинг бунёд этилишида улкан эхромларни қурган мисрликларнинг қўли бор, деган фикрни олдинга сурадилар. Аммо, Петрада олиб борилган тадқиқотлар шаҳарнинг қурилишига мисрликларнинг алоқаси йўқлигини кўрсатди. Ушбу шаҳарни қадимги мисрликларга ўхшаш меъморчиликнинг юксак чўққиларини эгаллаган бошқа халқ – набатайлар бунёд этишган.

Ҳозирги кунда Петра шаҳрига йилига 500 мингдан ортиқ сайёҳ ташриф буюради. Шаҳарнинг жозибали ландшафти, сирли қоялар кино индустрияси усталари эътиборини ўзига доим жалб этади. Кўпгина фильмлар Петра шаҳрида суратга олинган.

## **Бразилиянинг рамзи**

Дунёда Исо пайғамбар шарафига қўйилган ҳайкаллар ва қурилган ибодатхоналар талайгина. Аммо улардан энг машҳури – Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида баландлиги 700 метр бўлган Корковадо тепалигида жойлашган Исо Масих ҳайкали эканига шубҳа йўқ. Мазкур ҳайкал нафақат Рио-де-Жанейронинг, балки бутун Бразилиянинг рамзи ҳисобланади. Ҳайкалнинг баландлиги – 38 метр, шу жумладан, асосининг баландлиги – 8 метр. Исо пайғамбарнинг икки томонга ёйилган қўлларининг умумий узунлиги 30 метрни ташкил этади. Обидани бунёд этишда 1145 тоннадан ортиқ қурилиш материаллари ва металл ишлатилган.

Ҳайкал жойлашган тепалиқдан Рио-де-Жанейро (испанчада «январь дарёси» маъносини билдиради) шаҳрининг манзараси, жумладан, Қандли бош (португалча – Пан-ди-Асукар) тоғи, денгиз бухтаси, Атлантика океани қирғоғидаги машҳур Капакабана, Ипанема пляжлари намоён бўлади.

Тепаликка Бразилияда биринчилардан бўлиб электрлаштирилган темир йўлда ҳаракат қилувчи кичкина поезд ёрдамида чиқилади. Ушбу темир йўл Исо пайғамбар ҳайкали қурилишидан



Рио-де-Жанейро.

қарийб 50 йил олдин, яъни 1882–1884 йилларда қурилган. Темир йўлнинг мавжудлиги ҳайкалнинг қурилишида муҳим роль ўйнаган, чунки керакли материаллар юқорига ушбу темир йўлда ташиб чиқарилган. Ҳайкал ёнига автомобилда ҳам бориш мумкин. Тепаликка олиб борадиган автомобиль йўли дунёдаги шаҳар ҳудудида жойлашган энг йирик ўрмон ҳисобланган Тижука қўриқхонаси орқали ўтган.

Исо Масих ҳайкалини қуриш ғояси Бразилия давлат мустақиллигининг 100 йиллиги (Бразилия 1822 йилда мустақил бўлган) арафасида, яъни 1921 йилда туғилган. Ўша пайтларда Бразилиянинг пойтахти бўлган Рио-де-Жанейро шаҳри мэрияси Исо пайғамбарнинг улкан ҳайкалини барпо этиш ташаббуси билан чиққан. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида эълон берилиб, қурилишга турли ташкилот ва хусусий шахслардан хайрия маблағлари йиғила бошлаган. Шундай қилиб, ҳайкалнинг қурилиши 1922 йилда бошланиб, қарийб тўққиз йил, яъни 1931 йилгача давом этган.

Бразилиялик рассом Карлос Освальд томонидан дастлабки тайёрланган вариантга кўра, ҳайкалнинг асосини Ер шари ташкил этиши лозим эди. Худди шу рассом Исо пайғамбарнинг ҳайкалини кўлларини икки томонга ёйган ҳолда қуришни, шунда обида узокдан улкан хоч бўлиб кўринишини таклиф этган. Ҳайкалнинг охириги лойихаси бразилиялик муҳандис Эйтор да Силва Кошта томонидан тайёрланган. Турли технологик сабабларга кўра, бундай улкан ҳайкални Бразилиянинг ўзида яратиш мумкин бўлмай, обиданинг алоҳида қисмлари Францияда тайёрланган.

1924 йилда франциялик ҳайкалтарош Поль Ландовски ҳайкалнинг 3,75 метр баландликка эга бўлган боши ва кўлларини ясашни тугатган. Бўлакларга бўлинган ҳайкалнинг қисмлари дастлаб денгиз, сўнг темир йўл орқали Корковадо тепалигига олиб келинган. Темир йўл тугаган жойдан ҳайкалнинг пойига қадар илон изи шаклдаги 220 зинадан иборат, кейинчалик «Каракол» (шилликқурт) номини олган зинапоя бунёд этилган.

Ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими 1931 йилнинг 12 октябрида бўлиб ўтди. Барпо этилгандан кейин ўтган 80 йил давомида ҳайкал икки марта – 1980 ва 1990 йилларда таъмирланган. 1932 ва 2000 йилларда иншоотни кечки пайтда ёритиш тизими такомиллаштирилган. 2003 йилда ҳайкал жойлашган тепаликка кўтариладиган йўлга эскалаторлар ўрнатилган.

2007 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра ҳайкал янги дунёнинг етти мўъжизасидан бири, деб эътироф этилган.




Ҳайкалнинг умумий кўриниши.

## **Римликларнинг фахри**

Музейлар юрти Италияда қадимий обидалар жуда кўп. Аммо улар ичида қадимги Римда бунёд этилган машхур Колизей римликларнинг фахри ҳисобланади. Мазкур иншоотни Флавийлар амфитеатри, деб ҳам аташади. Ушбу ном обиданинг Рим императорлари Флавий, Веспасиан, Тит ва Домицианлар сулоласининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида бунёд этилгани учун берилган. Иншоот Римдаги Эсквилин, Палатин ва Целий тепаликлари ўртасидаги текисликда жойлашган. Колизейнинг қурилиши 8 йил (милодий 72–80 йиллар) давом этган.


Римда бунёд этилган бошқа амфитеатрлар каби Колизей ҳам эллипс шаклида қурилган. Унинг ўртасидаги сахна иншоотнинг умумий шаклига монанд равишда эллипссимон ва томошабинлар ўтирадиган жойлар марказдан тарқаладиган ҳалқалар тарзида барпо этилган. Римдаги Колизей мазкур услубда қурилган иншоотлар



Колизей.

ичида улуғворлиги билан алоҳида ажралиб туради. Қадимда яратилган мазкур энг улкан амфитеатрнинг ташқи эллипси 524 метр, катта ўқи – 187,77 метр, кичик ўқи – 155,64 метр, сахнасининг узунлиги – 85,75 метр. Сахнанинг кенглиги – 53,62 метр, деворларининг баландлиги – 48 метрдан 50 метргача. Иншоот қалинлиги 13 метрдан иборат бетон асосга қурилган. Ўша вақтда тенги йўқ улкан амфитеатр бир вақтнинг ўзида 87 минг томошабинни сиғдира олган.


Колизей девори Римга яқин жойлашган Тиволи шаҳридан қазиб олинган травертин тоши ёки мраммарнинг йирик бўлақларидан қурилган. Йирик тош ёки мраммарнинг бўлақлари умумий оғирлиги 300 тоннадан ошадиган пўлатдан ясалган қалин симлар билан ўзаро туташтирилган. Ҳозирги вақтда Колизей деворининг турли қисмларида кўринадиган кўп сонли тешиклар ана шу пўлат боғлагичларнинг ўрни бўлиб, улар ўрта асрларда пўлат жуда қимматбаҳо саналган вақтда иншоотдан суғуриб олинган. Иншоотнинг ички қисмларини қуриш учун маҳаллий ғишт ишлатилган.



Колизейнинг ички кўриниши.

Ташқи томондан бино уч қаватли аркалардан иборат. Эллипс катта ва кичик ўқларининг чеккаларида сахнага кирадиган тўртта асосий дарвоза бўлган. Бу дарвозалардан икkitаси, яъни кичик ўқларнинг чеккасидагилар – императорнинг кириши учун, қолганлари – томоша олдидан турли тадбирларда иштирок этадиганлар, ҳайвонлар ва турли ускуналарни олиб кириш учун мўлжалланган. Томошабинлар иншоотнинг ички қисмига пастки қаватдаги I дан LXXVI (76)гача бўлган рим рақамлари билан белгиланган аркалар орқали кириб, жойларига умумий сони 76 та бўлган зиналар орқали юқорига кўтарилишган. Томошабинлар ўтирадиган жойлар тош ўриндиқлардан иборат бўлиб, бир қатор иккинчисидан бирмунча баландда жойлашган.

Энг пастки қатор (лотинча: подиум) деярли сахна билан бир хил – 3,5 метр баландликда бўлиб, фақат император, унинг оила аъзолари ва сенаторларнинг ўтиришига мўлжалланган. Пастки қаторда ўтирган томошабинларни сахнага қўйиб юбориладиган ҳайвонлар ҳужумидан сақлаш мақсадида сахна ва ўриндиқлар ўртасига қалин пўлат симлардан ясалган тўр ўрнатилган.



Колизей макети.

Пастки қатордан юқоридаги ўринлар уч қаватга бўлиниб, улардан биринчиси (20 қатор) шаҳар ҳокимияти вакиллари, иккинчиси (16 қатор) рим фуқаролигига эга бўлган кишилар учун мўлжалланган. Иккинчи қаватни учинчисидан ажратиб турадиган девор баланд бўлиб, бу ердаги ўриндиклар ҳам бирмунча тик. Бу ҳолат учинчи қаватдаги томошабинларга сахнада рўй бераётган воқеаларни тўла кўриш ва кузатиш имконини берган. Учинчи қаватдан одатда, аҳолининг паст табақали вакиллари жой олишган.

Узок вақт давомида Колизей римликлар ва империя меҳмонлари учун гладиаторлар жанги, йиртқич ҳайвонларни уриштириш ва денгиз жанги каби кўнгилочар томошаларни ўтказадиган асосий жой бўлиб хизмат қилган. Денгиз жанги ўтказилган пайтда пастдан кемалар махсус мосламалар ёрдамида кўтариб олиб чиқилган, сўнг сахна сувга тўлдирилган. 248 йилда император Филипп Рим империясининг 1000 йиллигини Колизейда катта тантаналарни ташкил этиш билан нишонлаган. 405 йилда эса император Гонорий Колизейда гладиаторлар жангини ўтказишни тақиқлаган. Аммо йиртқич ҳайвонларни уриштириш император Буюк Теодорихнинг давригача давом этган. Ана шундан кейин кўнгилочар томошалар ўтказилмай, Колизей аста-секинлик билан нураб, вайронага айлана борган. Баъзи даврларда Колизей Римнинг бир-бири билан ҳокимият талашган зодагонлари учун қалъа вазифасини ўтаган.

Маълумотларга кўра, 1332 йилга келиб, маҳаллий киборлар Колизейда буқалар жангини ташкил этишган. Аммо бу вақтда иншоот таназзулга юз тутиб улгурган эди. Колизей аста-секин янги обидаларни барпо этиш учун қурилиш материали манбаига айланиб, унинг йирик тош бўлаклари бошқа бинолар учун ишлатила бошлаган. Шунга қарамай, амфитеатрнинг катта қисми сақланиб қолган, аммо бинонинг умумий кўриниши ачинарли ҳолга келиб қолган.

Колизей ҳозирги Италия ҳукуматининг доимий эътибори ва химоясида. Археолог тадқиқотчиларнинг изланишлари натижасида иншоотнинг турли қисмларида ётган йирик тош бўлақларининг ўрни аниқланиб, қайта ўз жойига қўйилмоқда.

Сахнада ўтказилган қазилма ишлари натижасида иншоотнинг ертўла қисмида гладиаторлар ва ҳайвонлар сақланадиган жой-



Колизей деворлари.

лар, улар сахнага чикиб келадиган йўлаклар, денгиз жанглари ўтказилган вақтда сахнани сувга тўлдириш ва кемаларни кўтариш учун мўлжалланган мосламалар аниқланди. Аммо ёмғир сувларининг сизиб ўтиши, автомобиллардан чиқаётган зарарли газлар билан атмосферанинг ифлосланиши ва фаол транспорт ҳаракати оқибатида юзага келадиган тебранишлар Колизейнинг аҳволини янада танглаштирмоқда.

Ҳозирги вақтда иншоотнинг дастлабки ҳолатидаги кўринишининг учдан икки қисми сақланиб қолган. Шунга қарамай, Колизей дунёдаги энг маҳобатли иншоот бўлиб қолмоқда. Шу

боис, Эйфель минораси – Парижнинг, Биг-Бен соати – Лондоннинг рамзи бўлгани каби Колизей – қадимдан Римнинг улуғворлигини ўзида мужассам этиб келган рамзи саналган.

Милодий I асрда римлик шоир Марциал томонидан тузилган дунёнинг етти мўъжизаси рўйхатига Колизей ҳам киритилган. Аммо кейинчалик тузилган рўйхатдан ушбу иншоот жой ололмаган. Орадан 2000 йил ўтиб, яъни 2007 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра, Колизей яна дунёнинг етти мўъжизаси қаторидан жой олди.



---

---

## III. БУ АЖИБ ДУНЁ

---

---

### ҲАЙРАТЛИ АЖОЙИБОТЛАР

---



#### Табиб табият

География кўп тармоқли фан бўлгани боис, инсон саломатлигига бевосита дахлдор бўлган табиий воқеа ва ҳодисаларни ҳам ўрганади. Буни турли ҳудудларнинг табиий, хўжалик ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганувчи географиянинг алоҳида тармоғи бўлган фан – тиббий география мисолида яққол кўриш мумкин. Тиббий географиянинг асосий мақсади – инсон яшаётган атроф муҳитдан ҳар томонлама самарали фойдаланиш орқали аҳолининг саломатлик даражасини яхшилашга хизмат қилишдир.

Мутахассисларнинг фикрича, тиббий географиянинг асосий вазибалари куйидагилардан иборат: турли ҳудудий тизимлардаги компонентларни инсон саломатлигига таъсири нуқтаи назаридан ўрганиш; табиий шароитга боғлиқ ҳолда касалликларни аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларини (соғлиқни сақлаш муассасаларини оқилона жойлаштириш, табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда даволаш муассасалари тармоғини ривожлантириш, шаҳар қурилишини санитария-гигиена ва турли табиий жараёнлар нуқтаи назаридан баҳолаш ва ҳ.к.) ишлаб чиқиш, тегишли чораларни амалга ошириш учун тавсиялар бериш; янги ўзлаштирилаётган ёки қайта тикланаётган ҳудудларни аҳоли саломатлик даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин бўлган жараёнлар нуқтаи назаридан олдиндан башорат қилиш; тиббий-географик атлас ва хариталарни яратиш.

Географик қобикнинг хусусиятларини саломатлик нуқтаи назаридан ижобий ёки салбий деб яққол гуруҳларга ажратиш бирмунча мушкул. Чунки, уларни фақат инсон билан ўзаро таъсир натижасини ўрганиш орқалигина у ёки бу гуруҳга киритиш мумкин.

Табиий омилларни тиббий-географик нуқтаи назардан гелио-геофизик, иқлимий ва геокимёвий гуруҳларга ажратиш мумкин. Қуёш радиацияси миқдорининг турли табиий зоналарда ўзгариши, Қуёшдаги ўзгаришлар, уларнинг Ер билан ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган геомагнитик бўронлар инсон саломатлигида бевосита акс этиши кўпчиликка маълум. Қуёшда фаол ўзгаришлар юз берган пайтда юрак кон-томир ва асаб касалликларига чалинган кишилар ўзларини бирмунча нохуш ҳис этишлари мумкин.

Шунингдек, иқлимий омиллар, яъни ҳаво ҳарорати, ҳаво оқимлари ва шамолларнинг ҳаракати, ҳаво босими ва намлиги соғлиққа бевосита таъсир этади. Ҳаво ҳарорати ва намлигининг ҳаддан ташқари юқори бўлиши кекса ёшдаги кишиларнинг юрак кон-томир фаолиятига салбий таъсир этади. Жумладан, 2003 йилнинг июль ойида намлик нисбатан баланд бўлган Европада охириги 60 йилда илк бор юз берган мисли кўрилмаган иссиқ ҳаво ҳарорати (баъзи жойларда  $+40^{\circ}\text{C}$  гача) 30 мингдан ортиқ, биргина Францияда 15 минг кишининг ҳалок бўлишига олиб келди.

Бундан ташқари, қатор касалликларнинг келиб чиқиш ва тарқалиш манбаи табиатда жойлашган. Баъзи тропик касалликлар, жумладан, безгак касаллигининг турли кўринишлари одамлар ўртасида табиатдаги жонзотлар (кемирувчилар, қушлар ва ҳашаротлар) томонидан тарқатилади. Ушбу касаллик тарқатувчи жонзотларнинг яшаш ҳудудлари эса ҳар бир табиат зонасида ўзига хос хусусиятларга эга.

Инсоният тарихидаги табиий ўчоққа эга бўлган бирмунча даҳшатли касалликлардан бири – ўлат касаллигидир. Ҳозирда ўлатнинг олдини олиш учун барча чора-тадбирлар кўрилган бўлса-да, XX асрда Африканинг қатор мамлакатларида мазкур касаллик эпидемияси рўй берган.


Ўрмонлар – сайёрамизнинг «ўпкалари» ҳисобланади. Улар атмосферага катта миқдорда кислород чиқариш билан бирга, табиатдаги ўзига хос «табиб»дир. Жумладан, игна баргли ўрмонлар эрта тонгда нафас йўллари касалликлари билан оғриган беморлар учун энг яхши профилактика экани аниқланган. Аммо кейинги йилларда сайёрамизда ўрмонларнинг шафқатсиз равишда кесиб юбори-

лиши қатор ҳудудларда ўрмонларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий шароити ҳам инсон саломатлигига бевосита таъсир этувчи омилдир. Масалан, саноат корхоналари зич жойлашган, атмосфера ҳавоси турли корхоналарнинг чиқиндилари билан кўп ифлосланадиган ҳудудларда аҳолининг турли касалликларга чалиниш даражаси нисбатан юқори.

Саноатнинг ривожланиши натижасида атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар – карбонат ангидрид, азот ва шунга ўхшаш бошқа кимёвий элементлар атмосферадаги озон қатламининг емирилишини тезлаштиради. Бундан ташқари, ушбу моддалар атмосфера намлиги билан реакцияга киришиб, ҳавода азот, сульфат ва хлорид кислотаси буғларини ҳосил қилади. Мазкур ҳолат саноати ривожланган ҳудудларда яшайдиган аҳоли ўртасида юрак қонтомир, нафас олиш тизими органларининг касалланиш даражаси юқори бўлишига олиб келади.

Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, саноати ривожланган ва атмосфера ҳавоси кўпроқ



Ҳавонинг ифлосланиши.

ифлосланган шаҳарларда аҳолининг юрак хуружи, яъни инфарктга чалиниши анча юкори экан. Чунки, ифлосланган ҳаво инсон оёқларидаги веналарда қоннинг ивишини кучайтириб, тикин (тромб)ларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Маълумотларга кўра, 1 м<sup>3</sup> атмосфера ҳавосидаги зарарли чикиндилар миқдори 10 миллиграммдан юкори бўлган ҳудудларда инсон веналаридаги қоннинг ивиши 70 фоизга кучаяр экан.

Сув ресурсларининг турли саноат чикиндилари билан ифлосланиши ҳам аҳоли ўртасида турли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлади. БМТ Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, инсоният фойдаланадиган сув ресурсларида 13 мингдан ортиқ турли зарарли моддалар мавжуд. Мазкур моддаларнинг инсон организмига турли йўллар билан тушиши атеросклероз, гипертония, ошқозон-ичак, турли юқумли ва онкологик касалликларнинг ривожланишига олиб келиши мумкин. БМТ маълумотларига кўра, 80 фоиз касалликлар инсон организмига сув орқали



Оқар сувларнинг ифлосланиши.

ўтади ва мазкур хасталиклардан дунёда йилига 25 млн. киши вафот этади.

Ўз навбатида, тоғ ва тоғолди ҳудудларида табиий комплексларнинг ўзаро таъсири натижасида инсон саломатлиги ва уни мустаҳкамлаш учун жуда қулай шароит юзага келади. Шу боис, даволаш-профилактика муассасаларининг аксарияти, одатда, табиий шароити инсон саломатлигини мустаҳкамлашга имкон берадиган ҳудудларда жойлаштирилади. Тошкент яқинидаги Чорвоқ сув омбори ва Чимён тоғи атрофларининг дам олиш, даволаш-профилактика зоналарига айлантирилгани бежиз эмас.

Турли ҳудудлардаги геокимёвий ҳолат тупроқларда, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлардаги кимёвий элементлар миқдорида ўз аксини топади. Мазкур элементлар таъсирида инсон организмида турли физикавий ва кимёвий жараёнлар юз беради. Ер қуррасининг турли минтақаларида ушбу жараённинг таъсири бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, Ўрта Осиё минтақаси учун тупроқ ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларида йод етишмаслик ҳолати хос. Мазкур омил ўз навбатида, буқоқ касаллигининг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирларни (масалан, маҳсулотларни кўшимча йодлаш) амалга оширишни тақозо қилади. Бундан ташқари, фторнинг етишмаслиги тишлар ҳимоя қатламнинг емирилиши орқали турли стоматологик касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Кўриниб турибдики, географик қобик компонентларининг ҳолати инсон саломатлиги учун бевосита аҳамиятга эга бўлиб, уни мустаҳкамлаш турли йўналишдаги мутахассисларнинг комплекс саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Ўз навбатида, тиббий географларнинг тадқиқот ишланмалари турли йўналишдаги тиббиёт ходимлари, географлар, шаҳарсозлар, кишиларнинг яшаш муҳитига оид объектларни лойиҳалаштирувчи мутахассислар томонидан кенг қўлланиши мумкин.

Бу инсон саломатлигининг атроф муҳит ҳолатига боғлиқлик масаласини ижобий ҳал этиш бир-бири билан ўзаро туташ бўлган турли фанлар, биринчи навбатда, тиббий география ва инсон экологияси билан бевосита алоқадорлигидан далолат беради.

## Сайёрамизнинг қон томирлари



Роу дарёси.

Дарёлар инсоният ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган табиий объектлардир. Ер қуррасининг қон томирлари ҳисобланган дарёлар инсон ҳаёти учун муҳим эканидан ташқари, кенг миқёсдаги қизиқарли географик маълумотларни ўзида жамлагани боис ҳам доим мутахассислар эътиборида туради.

Энг узун, қисқа, йирик, серсув, лойқа, ифлосланган дарёлар ҳақидаги маълумотлар ҳар бир кишини қизиқтириши табиий. Дарҳақиқат, дунёда шундай дарёлар борки, уларга оид маълумотлар билан танишгач, ҳайратланмасликнинг иложи йўқ.

Дунёдаги энг узун дарёлардан бири – Нил (6671 км) Африка материгининг катта қисмидан оқиб ўтиб, Ўрта денгизга қуйилади.

Кўпчилик адабиётларда АҚШнинг Монтана штатидаги Роу дарёси (умумий узунлиги – 17,7 метр) ва Орегон штатидаги Ди дарёси (37 метр) дунёдаги энг қисқа дарёлар сифатида келтирилган. Шунингдек, Грузиянинг Гагра шаҳридаги Қора денгиз бўйидаги пляжни кесиб ўтувчи Рейроа дарёси ҳам энг қисқа дарёлардан бўлиб, бор-йўғи 42 метр узунликка эга. Шунга қарамасдан, ушбу дарё ўз номига ва географик хариталарда ўзининг ўрнига эга.

Марказий Африкадаги Конго дарёси ўз йўналишида экваторни икки марта кесиб ўтадиган дунёдаги ягона ва серсувлиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган йирик дарёдир.

Волга дарёси ва Ўрта Осиёнинг энг серсув дарёси ҳисобланган Амударё дунёдаги энг лойқа дарёлар қаторига киради. Аммо Хи-

тойдаги Хуанхэ (Сарик дарё) дунёдаги энг лойқа дарё, деб тан олинган. Лойқалик даражасининг юқорилиги сабабли, дарё куйиладиган ҳавза «Сарик денгиз» деб номланади. Мазкур дарё Дунё океанига йилига 1 млрд. 300 миллион тонна лойқа оқизиб келади.

Дунёдаги энг ифлосланган дарё сифатида манбаларда Индонезиянинг Ява ороли жанубидаги Цитарум дарёси келтирилади. Жакарта шаҳри яқинидан оқиб ўтувчи узунлиги 300 км.дан ортиқ бўлган мазкур дарё шу қадар ифлосланганки, унда сув ўрнига ахлат оқади. Бир вақтлар балиқ овланган ва шаҳарларни сув билан таъминлашда фойдаланилган Цитарум ҳозирги кунда унинг ҳавзасида яшайдиган 9 миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган шаҳар ва қишлоқлар, 500 дан ортиқ тўқимачилик корхоналаридан чиқаётган чикиндилар ташланадиган ахлатхонага айланган. Дарёда оқаётган сув кўринмай, унинг юзаси қалин «ахлат тўшама» билан қопланган. Цитарумнинг дарё экани ва ўзанида сув борлигини фақат ахлат йиғиш учун ёғоч қайиқларда сузиб юрган аҳоли эсла-тиб туради. Чунки, мазкур дарёдаги ахлатларни йиғиб, қайта ишлаш учун топшириш бу ердаги аҳоли учун балиқ овлашдан кўра фойдалироқ машғулотга айланган.



Индонезиядаги Цитарум дарёси.

Маълумотларга кўра, дунёдаги энг мураккаб меандрага эга, яъни эгри-бугри бўлиб оқувчи дарёлардан бири – Россия Федерациясининг Нижегород вилоятидаги Пьяна дарёсидир. Ушбу дарёнинг бошланиш қисми билан қуйилиш жойи ўртасидаги масофа 60 километрдан ортиқроқ. Аммо дарёнинг илон изи бўлиб оқиши туфайли унинг умумий узунлиги 436 км.ни ташкил этади.

Мазкур дарё ўз оқими давомида бир неча муюлишларни, ҳалқа ва бошқа шаклларни ҳосил қилади ва ниҳоят, катта айлана ҳосил қилиб, бошланиш жойидан унча узок бўлмаган жойда Суру дарёсига қуйилади. Дарёнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиб, ерли халқ унга Пьяна, яъни «Мастдарё» деб ном берган.

Халқда «дарё тескари оқмайди», деган мақол бор. Аммо баъзи ҳолларда дарё ўз оқими давомида муюлишлар ҳосил қилса, орқа томонга оқиш ҳолатлари кузатилади.

Россиянинг Карелия ўлкасидаги Укш кўлидан оқиб чиқувчи Шуя дарёсини дунёдаги ҳақиқий тескари оқувчи дарё, деб айтиш мумкин. Чунки у йилига 15–20 марта ўз оқими йўналишини ўзгартириб, баъзида тескари йўналишда, яъни Укш кўли томон оқади.



Гандираклар оқётган «Мастдарё».



Уқш кўли ва Шуя дарёсини тўйинтирувчи булоқларнинг сув режими ушбу ғаройиб ҳодисанинг асосий сабаби ҳисобланади. Чунки, агар кўл атрофидаги булоқлар тўлиб оқса, Шуя дарёси кўлдан оқиб чиқади ва аксинча, булоқлар қуриб қолса, дарё тескарисига – кўл томонга қараб оқади.

## Ғаройиб ороллар

Ҳозирда умумий сони 500 мингтадан ошадиган, ҳамма томондан сув билан ўралган ороллар – Ер шаридаги курукликнинг ажралмас қисми. Дунёдаги 45 дан ортиқ мамлакат ҳудудида ороллар мавжуд. Аммо оролларнинг асосий қисми дунёнинг 9 та давлати – Индонезия, Япония, Филиппин, Мальдив, Юнонистон, Швеция, Финляндия, Норвегия, Канада ҳудуди ва қирғоқлари яқинида жойлашган.


Дунёдаги оролларнинг фақат икки фоизи, яъни 10 мингтаси ҳудудида доимий аҳоли яшайди. Улар ичида бор-йўғи битта маёқ жойлаша оладиган митти оролчалар, дунёдаги баъзи давлатларнинг ҳудудидан бир неча марта катталари ҳам бор. Дунёдаги 43 та оролнинг ҳудуди 30 кв.км.дан ортиқ. Жумладан, энг йирик орол – Гренландиянинг майдони (2,17 млн. кв.км) энг кичик китъа Австралиядан уч марта кичик, ҳудуди тегишли бўлган давлат – Дания (43,0 минг кв.км) майдонидан эса 50 марта катта.

Дунёда қатор ғаройиб ороллар мавжудки, улар ўзига хослиги билан кўпчилик сайёҳларнинг диққат-эътиборини тортиб келмоқда.

Япониядаги Хашима ороли Нагасаки префектурасига қирувчи 505 та оролдан бири бўлиб, у «Чегарадаги орол» деган маънони билдиради. Маҳаллий аҳоли уни ҳудудининг шакли крейсера ўхшашлиги сабабли «Гунканжима», яъни «Жанговар кема ороли» деб аташади. 1974 йилгача бу ерда кўмир кони мавжуд бўлиб, оролда 5 мингдан ортиқ ишчи-хизматчилар истиқомат қилишган.

Кўмир кони ўз фаолиятини тўхтатгач, аҳоли кўчиб кетиб, ҳозирги кунда орол ташландиқ ҳолга келиб қолган. Қаровсиз қолган турли бино ва иншоотларнинг кўплиги сабабли, ён-атрофдаги оролларнинг аҳолиси оролни «Ўлик шаҳар» деб аташади.

Суртсей ороли – Исландиянинг энг жанубидаги кимсасиз ва инсониятнинг яқин тарихида пайдо бўлган санокли ороллардан



Хашима ороли.

бири саналади. Мазкур орол 1963 йилнинг 14 ноябрида сув ости вулкониинг отилиши натижасида пайдо бўлган. Суртсей ороли пайдо бўлган кундан бошлаб бу ерда 100 мартадан ортиқ вулқон отилиши рўй бериб, оролнинг майдони 1967 йилда 2,7 кв.км.ни ташкил этган. Аммо денгиз таъсирида юз берган сув эрозияси орол майдонининг 30-йил ичида, яъни 2000 йилга келиб 1,5 кв.км.гача камайишига сабаб бўлган.

Пальма ороллари – Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида жойлашган бўлиб, денгизни кўмиб сунъий яратилган, диаметри 6 км.дан ортиқ бўлган иккита йирик архипелагдан иборат. Ҳар бир архипелагнинг марказий ороли пальма дарахти шаклига эга. Пальмали ороллар Дубайдаги денгиз қирғоғи узунлигини 120 км.га узайтириб, пляжлар сонини эса бир ярим мартага кўпайтирган. Бу ерда дам олиш ва турли кўнгилочар машғулотлар учун шарт-шароитлар мавжуд.

Дубайдаги «Дунё ороллари» Форс кўрфазидаги 300 дан ортиқ сунъий оролдан иборат бўлиб, уларнинг жойлашиши Дунё харитаси шаклидадир. Бу ердаги ҳар бир орол дунёда мавжуд аниқ бир давлат ёки шаҳар номи билан аталган. Ороллар жойлашган майдоннинг

узунлиги – 9 км, эни – 7 км.ни ташкил этади. Аммо ушбу лойиха нисбатан муваффақиятсиз бўлиб, сунъий оролларнинг баъзиларини аста-секин денгиз суви емириб, улар сув остида қолмоқда.


Пасха ороли – Тинч океанининг жанубий қисмидаги Чилига тегишли орол бўлиб, у дунёдаги китъадан энг узоқда жойлашган аҳоли яшайдиган орол ҳисобланади. Оролдан Чилининг қирғоқларигача бўлган масофа – 3703 км, энг яқин жойлашган аҳоли пункти – Питкэрн оролигача – 1820 км. Орол голланд сайёҳи Якоб Роггевен томонидан 1722 йилда насронийларнинг Пасха байрами арафасида кашф этилгани сабабли шу ном билан аталган.

Пасха оролида яшайдиган аҳоли – моаилар вулқон кулларини жипслаш орқали бунёд этилган улкан тош ҳайкаллари билан бутун дунёга машҳур. Маҳаллий аҳоли ушбу тош ҳайкалларда оролнинг биринчи қироли авлодларининг сирли кучи яширинганига ишонади.

Тристан да Куна – Атлантика океанидаги Жанубий Америка ва Африка қирғоқларидан энг узоқда (1800 км) жойлашган аҳоли яшайдиган ороллар гуруҳидир. Бу ердаги оролларда дунёдаги энг ғаройиб – учмайдиган қушларнинг энг кичиги яшайди. Оролларда бор-йўғи 300 га яқин киши истиқомат қилади. Орол аҳолиси ўтган даврларда жуда кўплаб ҳалокатларнинг, шу жумладан, кучли денгиз тўфонлари, кемаларнинг оролга келиб урилиб, ғарқ бўлишининг шохиди бўлишган. 1960 йилда отила бошлаган вулқон туфайли орол аҳолисини вақтинчалик бошқа ҳудудларга кўчиришга тўғри келган.

Мальдив ороллари таркибига Ҳинд океанининг экватор қисмидаги 1190 та маржон ороллари кириб, улар 26 та табиий атоллдан иборат архипелагни ташкил этади. Ушбу ороллар шимолдан жанубга 823 км, шарқдан ғарбга 130 км чўзилган, баъзи бирларининг эни атиги 2 км.ни ташкил этади. Мальдив ороллари ҳудудининг 99 фоизи денгиздан, 298 кв.км майдони қуруқликдан иборат. Шу боис, мазкур оролларнинг фақат 200 тасида аҳоли яшайди.

Шимолий денгизнинг Буюк Британия қирғоқларидан 10 км узоқликда ғаройиб Силенд ороли жойлашган. Мазкур оролдагилар ўзини ўзи «мустақил давлат», яъни князлик, деб эълон қилган. Қизиғи шундаки, мазкур «митти давлатча»нинг ҳудуди денгизда сунъий равишда барпо этилган платформадан иборат. Бу ерда атиги



Мальдив пойтахти Мале оролида жойлашган.

уч кишидан иборат битта оила яшайди. Аммо, бу митти «ўзбошимча давлат» ўзининг пул бирлиги, байроғи, герби ва, ҳатто, битта кема-сига эга.

Алькатрас – Тинч океанининг Сан-Франциско қўлтиғида жойлашган орол бўлиб, худудидан яқин вақтларгача асосан, қамокхона сифатида фойдаланилган. Оролдаги қамокхонада ўта хавfli жиноятчилар ва олдинги жазони ўташ жойларидан қочишга муваффақ бўлган маҳбуслар сақланган. Ҳозирги вақтда мазкур қамокхона ёпилиб, ўрнида музей ташкил этилган.

Тинч океани жанубида жойлашган Питкэрн ороллари – дунёдаги аҳолиси энг кам бўлган ороллар сифатида маълум. Бу ерда бор-йўғи 48 киши, яъни 9 та оила истиқомат қилади. Орол аҳолиси инглиз ҳарбий кемаси «Баунти»да 1790 йилда исён кўтарган инглиз денгизчилари ва уларни кузатиб келган таитиликларнинг авлодларидан иборат. Улар таити ва инглиз тилининг қоришмасидан ҳосил бўлган ўзига хос тил – питкэрн тилида сўзлашадилар.

Гавай оролларининг жанубида Тинч океанида жойлашган Пальмира ороли – аҳоли яшамайдиган жаннатмакон гўша бўлиши билан бирга, денгизчилар ўртасидаги турли иримларнинг конидир. Орол 1700 йилда кашф этилганидан буён бу ерда ғаройиб

воқеалар юз берган. Денгиз қароқчиларининг фожиали ўлими, яширилган хазинанинг сирли равишда ғойиб бўлиши, кемаларнинг тўсатдан ғарқ бўлиши шулар жумласидандир. Шу боис, Пальмира аксарият денгизчилар ўртасида «лаънатланган орол» сифатида маълум.

Атлантика океанининг жанубидаги Бувэ ороли – материкдан энг узокда жойлашган аҳоли яшамайдиган орол ҳисобланади. Майдо-ни – 58,5 кв.км, 1739 йилда француз сайёҳи Бувэ томонидан кашф этилган. Худудининг деярли барча қисми муз билан қопланган. Бу ердаги суронли об-ҳаво шароитида фақатгина тюленлар, баъзи денгиз қушлари ва пингвинлар яшай олиши мумкин.

Епископ ёки Бишоп қояси – дунёдаги энг митти орол сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. 1858 йилда қурилган ғаройиб маёк – Буюк Британия жануби-ғарбидаги Скилли ороллари гуруҳига кирувчи мазкур жажжи оролдаги ягона иншоот ҳисобланади. Мазкур маёк 150 йилдан буён денгиз оқимлари ва шамол таъсирига дош бериб келмокда. XIX асрда турли жиноятларда айбланган денгизчиларни фақат сув ва нон билан ўз ўлимини кутиш учун шу оролда қолдириб кетишган.



Бишоп қояси – дунёдаги энг кичик орол.

## Кимсасиз жойдаги «бозор»лар

«Бозор» деганда кўз олдимизга турли моллар билан савдо қилаётган сотувчиларнинг баланд овозда харидорларни чорловчи овозлари янграб турган, сершовкин, гавжум жой келади. Бозорлар асосан, аҳоли зич жойлашган худудларда ташкил этилади. Аммо дунёда шундай «бозор»лар борки, улар одамлардан йироқда, узок шимол ва Дунё океанининг кимсасиз оролларида ҳамда денгиз бўйларидаги одам бориши қийин бўлган баланд тоғ қояларининг қирғоққа тик тушган жойларида мавжуд. Бундай «бозор»лар қатор давлатлар томонидан ҳимояга олинган бўлиб, мўмайгина пул манбаи ҳисобланади. Ушбу бозорлар – сайёрамининг турли қисмларида кенг тарқалган «куш бозорлари»дир.

Куш бозорлари – денгиз кушлари: баликчи кушлар, қайра, найбурун, қорабузов, турли ўрдаксимонлар, пингвин ва бошқа кўплаб кушларнинг гала-гала бўлиб ин қуриб, бола очиш учун танлайдиган жойларидир. Улар Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка, Океания ҳамда жанубий яримшардаги оролларда кенг тарқалган. Куш бозорларидан баъзи бирлари ўнлаб километрга чўзилган бўлиб, бу ерда бир вақтнинг ўзида бир неча юз минг жуфт кушлар ин қуриб, бола очади.

Куш бозори худудида одатда, ин қуришда бир хил шароитни хуш кўрадиган кушлар жойлашади. Чунки баъзи кушлар тик қояларда ин қуришни маъкул кўрса, бошқалари тошлоқ ерларни ёки юмшоқ ердаги ковакларни танлаши мумкин. Ушбу йўсинда ин қуриш кушларга полапонларини турли йиртқичлардан биргаликда ҳимоя қилиш учун қулай имконият яратади.

Бундан ташқари, куш бозорлари атрофдаги денгизларнинг биологик балансини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Баъзи мамлакатларда эса куш бозорларидан фойдаланган ҳолда, баъзи денгиз кушларининг тухуми ва гўштини савдо мақсадларида тайёрлаш йўлга қўйилган.

Аммо, куш бозорлари қатор йиллар давомида тўпланиб борадиган, қалинлиги баъзи ерларда 30 метргача етадиган куш гўнгидан ҳосил бўладиган табиий ўғит захиралари билан алоҳида аҳамиятга эга. Фанда куш бозорларидаги ушбу маҳсулот «гуано» деб атала-



Куш бозори.

ди. Гуано ҳақида биринчи марта Педро Съес де Леоннинг 1553 йилда нашр этилган «Перу хроникаси» асарида шундай дейилади: «Тарапака водийси яқинида денгиз қирғоғидан унча узоқ бўлмаган масофада ороллар жойлашган. Маҳаллий халқ бу оролларга бальсдан ясалган солларда сузиб боришади. Улар ўзи билан тоғнинг тепасида жуда катта миқдорда мавжуд бўлган куш гўнгини олиб келиб, уни маккажўхори ва бошқа экин майдонларига ўғит сифатида солишади. Мазкур ўғит солингандан кейин, ҳатто, энг унумсиз ер ҳам маҳсулдор бўлади. Агар ўғит солиш тўхтатилса, маккажўхори жуда кам ҳосил беради. Тоғнинг тепасидаги куш гўнги бўлмаганида, ҳосилдорлик камайиб, аҳоли оч қолган бўлар эди. Шу боис, куш гўнги ерли халқ томонидан қимматли савдо моллари қаторида қадрланади».

Гуано таркибида катта миқдорда азот бирикмалари, жумладан, 10 фоизга яқин аммиак ва фосфор (13 фоиз суперфосфат) мавжуд. Шу боис, гуано кўпгина мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигида



Пингвинлар галаси.

энг арзон ва самарали табиий азот-фосфор ўғити сифатида кенг қўлланади. Жанубий Америка (Перу, Боливия, Чили), Жанубий Африка, жумладан, Намибия қирғоклари яқинидаги Ичабо ороли, шунингдек, Тинч океанидаги қатор оролларда гуанонинг катта захиралари мавжуд. Перу ва Чилида қуш бозорларидаги гуанони саноат йўли билан қадоқлаб, экспорт қилиш йўлга қўйилган.

Намибия қирғоклари яқинидаги майдони 6,5 гектарли Ичабо оролидаги гуанодан фойдаланиш тарихи жуда қизик. XVI–XVII асрларда мазкур оролга камдан-кам ҳолатда фақат тюлень овловчи кемалар келишган. Аммо денгизчи-сайёҳ Бенжамин Морелнинг 1828 йилда оролга келиб, бу ерда 8 метрдан ортиқ қалинликка эга бўлган гуано қатлами мавжудлигини аниқлаши оролни европаликлар тез-тез ташриф буюрадиган жойга айлантирди.

Оролдаги гуано захираларини оммавий равишда қазиб олиш ишлари 1843 йилда бошланиб, 1845 йилда энг юқори кўрсаткичларга етган. Ўша вақтда 6000 киши Ичабо оролида гуано қазиб олиш би-



лан машғул бўлган. Оролдаги бандаргоҳда 450 дан ортиқ кема гуано юклаш учун навбат кутган. Ҳаммаси бўлиб, XIX асрнинг 40-йилларида оролдан Европага 300 минг тоннадан ортиқ гуано ташиб кетилган. Ўшандан буён орол худудида гуано қазиб олиш ишлари мунтазам олиб борилади.

Маълумотларга кўра, Ичабо оролини гуанодан тозалаш ишлари охирги марта 2000 йилда амалга оширилган. Ичабо ороли Намибия балиқ ва денгиз ресурслари вазирлиги қарамоғида. Намибия ҳукумати томонидан тайинланган махсус вакиллар гуано қазиб олувчилар кушларни иложи борича камроқ безовта қилишларини доим назорат қилиб боришади. Гуанони денгиз ювиб кетишининг олдини олиш учун орол атрофи тупроқ девор билан ўралган. Мазкур деворда кирғокқа туташ ерларда кушларнинг, асосан, пингвинларнинг оролнинг ичкарасига ўтиши учун махсус йўлаклар барпо этилган.


XIX асрнинг ўрталарида гуано кишлок хўжалигида самарали табиий ўғит сифатида кенг ишлатила бошлагани боис, баъзи мамлакатлар бу жараёни қонун йўли билан қўллаб-қувватлаган. Жумладан, 1855 йилда Тинч океанининг қатор оролларида гуанонинг қатта захиралари мавжудлиги АҚШ ҳукуматига маълум бўлди. Мазкур қимматли ресурсни қўлга киритиш мақсадида АҚШ Конгресси «Гуано ҳақидаги Қонун»ни қабул қилган. Қонунга биноан, Тинч океанидаги гуано захираларига эга бўлган 50 дан ортиқ ороллари ўзлаштириш кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда ушбу ороллардан фақат олтитаси – Бейкер, Жервис, Хоуленд ороллари, Кингмен маржон ороли, Жонстон ва Мидуэй атоллари АҚШга қарашли худудлар ҳисобланади.

Куш бозорлари мавжуд давлатларнинг ҳукуматлари арзон ва самарали табиий ўғит экспорти нуктаи назаридан муҳим бўлган ороллардаги денгиз кушларининг сони ва популяциясини доимий равишда кузатиб борадилар. Бундай жойлардаги экотизимларнинг жуда нозик характерга эга экани, уларга инсон томонидан ҳар қандай аралаштириш куш бозорларининг йўқолишига олиб келиши мумкинлиги боис, кўпгина давлатларда уларнинг худудига тегишли муассасаларнинг махсус рухсатномасиз кириш қатъиян тақиқланган.

## Ер бағридаги «аждар»лар

Исландия пойтахти Рейкьявикдан 200 км узоқликда жойлашган Эйяфьятлайокудль (исланд тилида – «катта тоғдаги қор» маъносини билдиради) вулконининг 2010 йил 14 апрелда отила бошлаши Европада кўпчиликни саросимага солиб қўйди. Исландияда яшовчи ҳар 1000 кишидан 5 таси зўрға номини талаффуз қила оладиган мазкур вулконнинг уйғониши туфайли атмосферага катта миқдордаги чиқарилган кул ўзига хос булут парда ҳосил қилиб, Европадаги кўпгина мамлакатларнинг осмонини тўсиб қўйди. Бу ҳолат қитъанинг қатор мамлакатларида ҳаво кемалари қатнови тўхташига, миллионлаб йўловчиларнинг ўз манзилларига вақтида етиб ололмастикларига сабаб бўлди.

Шу боис, Ер бағрида гўёки олов сочувчи аждар каби тинч ётган вулконлар ҳар қандай вақтда уйғониб, инсониятга катта ташвиш келтириши мумкин. Вулконлар – Ер пўстидаги ёриқларда пайдо



Эйяфьятлайокудль вулкони.

бўладиган геологик ҳосила бўлиб, улардан вақти-вақти билан Ер юзига лава, кул, ғовак жинслар, қайноқ газлар ва сув буглари отилиб туради. Мутахассисларнинг фикрича, 10 минг йил давомида камида бир марта отилган вулқон ҳаракатдаги вулқон, деб аталиши мумкин.

Вулқон уйғонган пайтда гўёки унинг тепа қисми – кратерда кучли портлаш юз бериб, Ер юзига ҳарорати  $+700^{\circ}\text{C}$  дан  $+1200^{\circ}\text{C}$  гача иссиқликка эга бўлган лава отилади. Лава билан бирга катта миқдордаги кул ҳам ҳавога отилиши мумкин. Мазкур вақтда ҳосил бўладиган энергия атом бомбаси портлашига нисбатан бир неча марта кучлироқдир. Вақт ўтиши билан қотиб қолган лава, унинг устига ётқизилган кул янги ландшафт ҳосил қилади. Шунингдек, вулқон маҳсулотлари кўпинча тупроқ учун фойдали ўғит ролини ўйнаши мумкин.

Ер қуррасида ҳаракатдаги вулқонлар энг кўп тўпланган ҳудуд Осиё ва Австралиянинг ўртасида, сайёрамиздаги энг йирик Малайя архипелаги атрофида жойлашган. Аммо Исландия – вулқон ҳаракатлари натижасида ҳосил бўлган ажойиб ҳудудлардан биридир. Манбаларга кўра, бу ердаги вулқон ҳаракатлари 60 миллион йилдан бери давом этиб келмоқда. Исландиядаги вулқонларнинг энг ғаройиби – Лаки вулкони дир. Лаки том маънодаги вулқонга, яъни тепасидан тутун чиқаётган тоғ чўққисига ҳеч ҳам ўхшамайди. Мазкур вулқон Ер пўстида ҳосил бўлган 25 км узунликдаги ёриқдан иборат. 1783 йилда отилган Лаки вулкони 570 кв.км майдонни лава оқими билан қоплаб, ўша вақтдаги Исландия аҳолиси чорак қисмининг ҳалок бўлишига сабаб бўлган.

Маълумотларга кўра, Европадаги энг қадимги сўнган вулқон – Қора денгиз бўйидаги Қоратоғ бўлиб, сўнгги марта 150 миллион йил олдин отилган. Ҳозирги вақтда Ер шарида 1340 дан ортик ҳаракатдаги вулқон рўйхатга олинган, ҳар йили улардан тахминан 60 таси ҳаракатга келади. Мавжуд вулқонларнинг учдан бир қисми сув остида жойлашган. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар икки йилда сайёрамизда учта янги вулқон пайдо бўлади. Ҳаммаси бўлиб, сўнгги 10 минг йилликда Ер қуррасида отилган 627 та вулқон тўғрисида маълумотлар бор.

Турли сифатлари жиҳатидан алоҳида ажралиб турадиган Ер юзидаги кўплаб ажойиб вулқонлар алоҳида аҳамиятга эга.




Индонезиядаги Бромо вулкони.

Ер юзидаги энг яқин бориш мумкин бўлган ҳаракатдаги вулкон – Индонезиянинг Ява оролидаги Бромо вулкони бўлиб, унинг баландлиги 2614 метр, 1804 йилдан бери ҳаракатда. Қизиқарли томони шундаки, мазкур обиданинг гўзаллигини томоша қилишга иштиёқмандлар вулкон кратерига бевосита 245 та бетон поғонадан иборат зинапоя орқали чиқиб бориши мумкин.

Дунёдаги энг баланд ҳаракатдаги вулкон – Котопахи Эквадор давлатида жойлашган бўлиб, баландлиги – 5897 метр, 1532 йилдан бери ҳаракатда. 1877 йилда вулкондан отилган лава оқими 240 км узокликда жойлашган қишлоққача етиб борган.

Сальвадордаги Исалько вулкони дунёдаги энг фаол вулкон ҳисобланади. Мазкур вулконнинг баландлиги – 1885 метр, 1770 йилдан бери ҳаракатда. Ўзига хос томони шундаки, вулкон ҳар 8 дақиқада отилади. Сўнгги 200 йил мобайнида вулконнинг 12 миллион мартадан ортиқ отилгани кузатилган. Отилаётган лава оқими денгиздан яхши кўриниб тургани учун ҳам Исалькони «вулкон-маёқ» деб аташади.



Креницин – вулкон ичидаги вулкон.

Россиянинг Сахалин вилоятидаги Онекотан оролидаги Креницин вулкони дунёда мавжуд энг катта «вулкон ичидаги вулкон»дир. Ушбу вулконнинг баландлиги – 1326 метр, 1952 йилдан бери ҳаракатда. Эътиборли томони шундаки, вулкон диаметри 7 км, 900 метрли қоя девор билан ўралган вулкон натижасида ҳосил бўлган ҳалқасимон кўлнинг ўртасида жойлашган. Гўзаллиги ва тузилишининг ўзига хослиги учун ушбу объектни дунёнинг саккизинчи мўъжизаси, деб ҳам аташади.


Мексикадаги Попокатепетль вулкони дунёдаги «энг муқаддас» вулкон саналади. Унинг баландлиги 5452 метр бўлиб, 5000 йилдан буён ҳаракатда. Қадимги ацтекларнинг афсоналарига кўра, «вулкон жасур жангчи Попокатепетль томонидан унинг қаллиғи малика Истаксиуатлга атаб яратилган пирамида бўлиб, унинг тепасида йигит машъал кўтариб маликанинг абадий уйқусини қўриқлаб туради». Попокатепетль вулкониининг қорли чўққиси яқин вақтларгача Мексиканинг рамзларидан бири эди. Дастлаб, вулконнинг тепа қисми қалпоқсимон шаклда бўлиб, 2007 йилнинг декабрида 3000 метр

баландликка отилган буг ва кул туфайли унинг «қалпоғи» вайрон бўлган. Вулқоннинг тинимсиз отилиши туфайли яқин атрофдаги тоғларда қор бўлмаса-да, мазкур ҳудуд Мексиканинг энг оммабоб сайёҳлик масканларидан бўлиб қолмоқда.

Жанубий Африкадаги Вредефорт вулкони дунёдаги сўнган вулқонлар ичида кратерининг катталиги бўйича биринчи ўринда туради (радиуси 190 км).

Сайёрамизда мавжуд ҳаракатдаги вулқонлар ичида Гавай оролларидаги Килауэа вулкони (1247 м) энг катта кратерли табиий обида ҳисобланади. Килауэа номи ерли халқ тилида «кучли тарқалаётган» деган маънони билдиради. Ушбу вулқон кратерининг диаметри – 4,5 км, чуқурлиги – 230 метр. Кратер ичида доимий равишда Галемау-мау деб номланган лавали кўл қайнаб туради. Мутахассисларнинг фикрича, Килауэа Ер шаридаги энг фаол вулқонлардан биридир. Секундига 5 кубометр базальтли магма отаётган мазкур вулқон Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. 1952 йилдан кейинги 30 йил ичида 33 марта отилган вулқон 1983 йилдан бери тинмай отилмоқда. Отилаётган лаванинг қотиб қолишидан ҳосил бўлган кўз ёш кўринишидаги сўкмоқларни ерли халқ вулқонлар маъбудиди Пеленинг «кўз ёшлари», деб атайти.

Италиянинг Сицилия оролидаги Этна вулкони (3326 м) энг кўп сонли кратерга эга бўлган объектдир. Европадаги энг баланд ва энг фаол вулқон бўлишдан ташқари, Этна 400 дан ортиқ кратерларга эга бўлгани билан рекордчи саналади. Этна юнончада «оловли» маъносини билдириб, афсоналарга кўра, «вулқон ичида олов маъбудиди Гефестнинг темирчилик устахонаси бўлиб, у босконни босганда, вулқон олов пурқар эмиш». Палермо миллий боғининг қоқ ўртасидан кўтарилган мазкур вулқон гўёки ям-яшил ўрмонда атрофга ўт пурқаётган аждарга ўхшайди. Этна вулқонининг лава қотиб қолган ёнбағирларида ажойиб зайтунзорлар, хурмо боғлари ва узумзорлар ястаниб ётади. Уч ойда бир марта отиладиган вулқон дарахтларга, ерга ишлов бераётган аҳолига халақит бермайди. Жумладан, Катаня шаҳарчасини вулқон лаваси бир неча бор ювиб кетганига қарамай, бу ердаги аҳоли Этнани ардоқлайди ва уларнинг аксарияти вулқон атрофида ташкил этилган сайёҳлик муассасаларида хизмат қилади.



Этна вулкони.

АҚШнинг Вашингтон штатидаги Сент-Хеленс вулкони (2250 м) дунёдаги энг тез ўсаётган вулкондир. Унинг ғарбий қисмидан доимий равишда лава отилиб туради. Ер юзасида лава қотиши эвазига вулкон ҳар куни ўртача 1–1,5 метрга «ўсиб бормоқда».

Камчатка яриморлидаги Ключевская тепалиги (4750 м) дунёдаги энг баланд конусга эга бўлган вулкондир. Мазкур вулкон 83 та қўшимча конусларга эга бўлишига қарамай, мафтункор асосий тепалигининг конуси виқор билан турибди.


Япониянинг Хонсю оролидаги бир неча юз йилда бир марта отиладиган Фудзияма вулкони (3376 м) дунёдаги энг тинч вулкон ҳисобланади. Мазкур вулконнинг сўнгги марта бундан 300 йил олдин – 1707 йилда отилиши натижасида Токио шаҳри кўчалари 15 сантиметр қалинликдаги кул билан қопланган.

Вулконларнинг отилиши океанларда қатор янги оролларнинг пайдо бўлишига, Ернинг қуруқлик қисмида турли ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Чили жанубидаги Корковадо қўлтиғида жойлашган Чайтен вулкони 2008 йилнинг 2 майидан буён отилишда давом этмокда. Мутахассисларнинг фикрича, Чайтен охирги марта милоддан аввалги VIII асрда отилган. Унинг ғаройиблиги шундаки, вулкон кратеридан отилаётган куллардан ҳавода ҳосил бўлган булутларда маълум вақтдан сўнг пайдо бўладиган электр зарядига ўхшаш ёрқин мушаклар такрорланмас гўзал манзарани ҳосил қилади.

2009 йилнинг 19 мартада Тинч океани жанубидаги Тонга ороли ёнидаги сув ости вулконида буғ ва кул отила бошлади. Вулкон ҳаракатлари Тонга ва Ханга Хаапай ороллари ўртасида рўй бергани учун ерли аҳоли ушбу вулконни Ханга Тонга деб атаган. Вулкон ҳаракатлари шунчалик кучли эдики, улар натижасида Тонга ва Ханга Хаапай ороллари ўртасида янги орол пайдо бўлди. Мазкур вулконнинг отилиши атрофдаги оролларнинг аҳолисига ҳеч қандай зарар етказмаган.

Филиппиннинг Лусон оролидаги Майон вулкони ўзининг ажойиб конус шакли ва гўзаллиги билан бутун дунё сайёҳларига маълум. Майон вулкони сўнгги 400 йил ичида 50 мартадан ортик



Чилидаги Чайтен вулкони.




ҳаракатга келган. Улардан энг ажойиби 1897 йилнинг июнида юз бериб, 7 кун давомида вулқон тўхтамай атрофга олов ёмғири сочган.

Исландия жанубидаги Гекла вулқони унча баланд (1488 м) бўлмаса-да, ерли аҳолини қадимдан даҳшатга солиб келган. Шу боис, исландлар мазкур вулқонни «дўзах дарвозаси» деб аташган. Гекла Исландиядаги кўпчилик вулқонлар каби узунлиги 5,5 км.дан ошадиган Ер пўсти ёриғида жойлашган. Кейинги 1000 йил ичида Гекла вулқони 20 мартадан ортиқ ҳаракатга келиб, сўнгги марта отилиши 2010 йилнинг апрелида кузатилган.

Вулқонлар сайёрамиз бағридаги маҳсулотларни Ер юзига олиб чиқади. Олимларнинг фикрича, вулқон буғлари Ернинг сув қобиғи асосининг, газлари эса атмосферанинг ташкил бўлишида катта роль ўйнаган. Вулқон кули тупроқни бойитади, отилма маҳсулотлар – пемза, обсидиан ва базальт қурилишда кенг ишлатилади. Шунингдек, кўпгина вулқонлар яқинида фойдали қазилма, жумладан, олтингугурт конлари мавжуд.

Бутунжаҳон ёввойи табиат фонди мутахассисларининг фикрича, вулқонларнинг отилиши натижасида ҳосил бўладиган ул-



Лава оқими.

кан кул булутлари 3–4 йилда бутун Ер юзини айланиб чиқиши, глобал илиқлашув жараёнининг бирмунча секинлашишига сабаб бўлиши мумкин. Жумладан, 1991 йилда Филиппиндаги Пинатубо вулқонининг отилиши Ер юзидаги ҳароратнинг 1,0°C га пасайишига сабаб бўлган. Индонезиядаги Тамбора вулқонининг 1815 йилда отилиши натижасида ҳосил бўлган кул булути куёшни тўсиб қолиб, 1816 йил Ер юзида «ёзсиз йил», деб аталган. Чунки ўша йили Европа ва Осиёнинг бир қатор мамлакатларида ёз ойларида қор ёғиб, ҳавонинг кескин совиши кузатилган.

## **Ҳудудларни боғловчи мўъжизалар**

Ҳаётимизни кўприкларсиз тасаввур этиш қийин. Инсон ақл-заковатининг маҳсули бўлган ҳудудларни боғловчи ушбу мўъжизалар табиат бунёд этган турли тўсиқларни ошиб ўтиш учун яратилган.

Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда дунёда бир миллиондан ортиқ кўприклар мавжуд. Узунлиги, баландлиги, катталиги, ўтадиган пиёда ва транспорт воситалари сони, қилинган сарф-харажатлар қиймати ва бошқа бир қатор кўрсаткичлари бўйича рекордчи кўприклар талайгина. Шу боис, инсон яратган ушбу мўъжизавий иншоотлар ҳақидаги маълумотлар кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Узоқ вақт АҚШнинг Луизиана штатидаги Понтчартрейн кўлининг икки қирғоғини ўзаро туташтирган кўприк дунёда энг узун саналган. Кўприкнинг умумий узунлиги 38,4 км бўлиб, иншоотнинг бир томонидаги Мандевилл шаҳридан йўлга чиқиб, иккинчи томонидаги Метайри шаҳрига етиб бориш мумкин.

Шимолий Хитой денгизининг Ханчжоу кўлтиғи ва Цяньган дарёсини кесиб ўтадиган Ханчжоу Бэй кўприги дунёдаги денгиз устида қурилган энг узун иншоотдир. Кўприкнинг умумий узунлиги 36 км.дан ошади, у дунёдаги энг гўзал қурилмалардан бири ҳам.

Аммо 2011 йилнинг июнь ойида ишга туширилган Хитойдаги Тяньян-Куньшан кўприги узунлиги бўйича дунёдаги барча кўприкларни ортда қолдирди. Умумий узунлиги 164,8 км бўлган ушбу иншоот Пекин-Шанхай йўналишидаги юқори тезликдаги темир йўл магистралининг бир қисми ҳисобланади.

Юнонистондаги Рио-Антирио кўприги (расмий номи – «Харилаос Трикупис») – сим арқонлар ёрдамида қурилган дунёдаги энг узун кўприк ҳисобланади. Мазкур иншоот Юнонистоннинг Пелопоннес яриморотида жойлашган Рио шаҳрини Коринф қўлтиғининг қарама-қарши қирғоғидаги Антирио шаҳри билан боғлайди. Кўприк 2004 йилнинг 7 августиди очилган. Иншоотнинг умумий узунлиги 2880 метр, кенлиги 27,2 метрга тенг бўлиб, бу ерда автомобиль йўли, пиёдалар ва велосипедчилар учун алоҳида йўлақлар мавжуд. Пелопоннес яримороти материкдан йилига ўртача 35 мм йироклашиб бораётганига мос равишда кўприк аста-секин узайиш имкониятига эга.

Сайёрамиздаги халқаро аҳамиятга эга бўлган энг қисқа кўприк АҚШ ва Канада ўртасидаги «Минг ороллар» минтақасида қурилган Завикон ороли кўпригидир. Мазкур иншоотнинг узунлиги 10 метр бўлиб, у Сан-Лаврентий дарёсидаги Канаданинг Онтарио штатида қарашли Завикон ва АҚШнинг Нью-Йорк штатидаги Кичик Завикон ороллари туташиради.



Завикон ороли кўприги.

Дунёдаги энг баланд кўприк Ҳимолай тоғларидаги икки тоғ дарёси – Драс ва Дуруни боғлайдиган «Бейли» кўпригидир. Ушбу иншоот Ладах водийсида 1982 йилда хинд аскарлари томонидан бунёд этилган бўлиб, унинг денгиз сатҳидан умумий баландлиги 5602 метр.

Денгиз устида қурилган дунёдаги энг баланд осма автомобиль кўприги эса Япониядаги Акаши Кайкуё кўприги бўлиб, унинг узунлиги – 3911 метр, баландлиги – 282,8 м.


Курукликдаги энг баланд осма автомобиль кўприги Мексиканинг Дуранго ва Синалоа штатларини ўзаро боғловчи Балуарте кўприги бўлиб, у 2012 йилнинг 5 январидан ишга туширилган. «Шайтоннинг умуртқаси» дараси устида қурилган ва икки ёқлама автомобиль ҳаракатини таъминловчи мазкур иншоотнинг баландлиги 402,6 метр, узунлиги 1124 метр. Шу боис, Балуарте кўприги Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киритилди.

Дунёдаги энг баланд табиий кўприк эса АҚШ Юта штатининг Навахо тоғидаги «Камалак кўприги»дир. Мазкур кўприкнинг баландлиги – 88,3 метр, яъни Нью-Йоркдаги Озодлик ҳайкалидан 5 метр баланд. Дарёнинг кўп асрлик иши натижасида тоғ шундай нафислик билан кесилганки, унинг тепа қисмида камалак шаклидаги табиий кўприк қолган, холос.

Сайёрамиздаги энг баланд ва узун кўприк сифатида Франциядаги баландлиги 343 метр ва узунлиги 2,5 км бўлган Миллау кўприги тан олинган. Дарё устида қурилган энг баланд кўприк эса АҚШнинг Колорадо штатидаги Арканзас дарёсидаги Қирол кўприги бўлиб, унинг дарё сатҳидан баландлиги 321 метрни ташкил этади.

Дунёдаги энг гавжум кўприк сифатида Ҳиндистоннинг Колката шаҳридан оқиб ўтадиган Хугли дарёси устида қурилган Ховрах кўприги тилга олинади. Ушбу иншоот орқали бир кеча-кундузда ўртача 4 млн.дан ортиқ пиёда, 150 мингдан ортиқ транспорт воситалари ва 100 мингдан ортиқ қорамоллар ўтади.

Венециядаги Катта каналдаги Риалто кўприги дунёдаги энг қадимги кўприклардан бири ҳисобланади. У 1181 йилда сузувчи кўприк сифатида яратилиб, 1255 йилда унинг ўрнида дастлабки ёғоч кўприк қурилган. 1444 йилда кўприк қайиқлар парадини томоша қилаётганларнинг оғирлигини кўтаролмай, сувга қулаб тушиб,



Венециядаги Риалто кўприги.

тезда қайта таъмирланган. Ҳозирги вақтда мавжуд кўприк мрамрдан қурилган.

Виадук Сежурне ёки Фонтпедруз кўприги – икки қаватли кўприк бўлиб, Франциянинг Шимолий Пиреней минтақасидаги Фонтпедруз қишлоғи ёнида жойлашган. XX асрнинг бошларида қурилган кўприк иншоот конструктори Пол Сежурне номи билан аталган. Арка кўринишида тошдан қурилган кўприkning биринчи қавати Тет дарёсининг иккала қирғоғини туташтирса, иккинчи қавати дарё водийсининг юқори қисмларини боғлайди. Иккинчи қаватдан темир йўл ўтказилган. Шуниси қизиқки, 100 йил олдин қурилганига қарамай, темир йўл ўзининг дастлабки ҳолатида сақланиб, ундан ҳозирги вақтда ҳам фойдаланилади.

Швейцариянинг Люцерн шаҳридаги Муқаддас Пётр ибодатхонаси ёнида Рёйс дарёсида 1300 йилда қурилган Ибодатхона кўприги – пиёдалар учун мўлжалланган Европадаги энг қадимги усти ёпиқ ёғоч кўприк ҳисобланади. Ушбу кўприkning ички қисмида Люцерн шаҳри ва Швейцариянинг тарихидан дарак берувчи қадимий суратлар галереяси жойлашган.



Виадук Сежурне кўприги.

Канададаги Сент-Жон дарёси устида қурилган 391 метрли Хартленд кўприги эса дунёдаги энг узун усти ёпиқ автомобиль кўприги саналади. Шунингдек, Ер юзидаги энг йирик гишт кўприк – Германиядаги Гельцталбрюкке кўпригини қуришда 26 млн.дан ортиқ гишт ишлатилган.

Истанбулдаги машҳур Босфор кўприги дунёдаги энг кўзга кўринган кўприклардан. Осиё ва Европа ўртасидаги географик чегара ўтадиган Босфор бўғизи узра денгиз устида қурилган ушбу иншоот иккита қитъани боғлайдиган дунёдаги энг йирик кўприқдир. Бундан 2,5 минг йил олдин, яъни милоддан аввалги V асрда Эрон шоҳи Доро I Босфор бўғизи қирғоқларини туташтиришни режалаштирган. Доро I шу мақсадда қалқима кўприк қуриб, мазкур иншоот Болқон яриморалига қилган юришларида катта ёрдам берган.

Шарқдан ғарбга 150 км.га чўзилган Истанбул шаҳрининг Осиё ва Европа қисмларини туташтирувчи замонавий кўприк 1973 йил-

нинг 29 октябрида ишга туширилган. Кўприкнинг умумий узунлиги – 1560 метр, қатнов қисмининг денгиз сатҳидан 64 метр баландлиги улкан денгиз кемаларининг иншоот остидан бемалол ўтишига имкон беради. Босфор кўприги орқали суткасига 200 мингдан ортиқ транспорт воситалари 600 мингдан ортиқ йўловчини бир қитъадан иккинчи қитъага ўтказиб қўяди. Шу боис, истанбулликлар ўртасида «Осиёга кетяпман» ёки «ярим соатга Европага бориб келдим» каби суҳбатлар одатий ҳол ҳисобланади.

Виктория шаршараси кўприги Африкадаги Замбия ва Зимбабве давлатлари чегарасида Замбези дарёсидаги дунёга машхур шаршара яқинида 1905 йилда қурилган. Иншоот Замбиянинг Ливингстон ва Зимбабвенинг Виктория шаршараси шаҳарлари ўртасидаги мунтазам автомобиль ва темир йўл қатновини таъминлайди.

Шуниси қизиқки, 198 метр узунликка эга бўлган мазкур кўприк пўлатдан Буюк Британиянинг Дарлингтон шаҳрида ясалган. Иншоот кемада 8000 км масофани босиб ўтиб, Мозамбикнинг Бейра бандаргоҳига келтирилгандан сўнг, ўрнатиладиган жойга темир йўлда жўнатишган. Қурилган вақтида, яъни 1905 йилда, мазкур кўприк дунёдаги темир йўл ўтган энг баланд кўприк бўлган. Дастлаб, иккита темир йўл излари бўлган кўприк 1930 йилда такомиллаштирилиб, унда автомобиль йўли ва пиёдалар йўлаги барпо этилган.

Виктория шаршарасига яқин бўлгани сабабли, кўприк дунё сайёҳларининг севимли масканидир. Шунингдек, мазкур кўприк дунёдаги «тарзанлар сакраши» ишқибозлари ўртасида машхур. Кўприкнинг сакраш жойидан Замбези дарёси сатҳигача бўлган баландлик 111 метрга тенг. Шу боис, шаршарага келаётган сайёҳлар кўприкдан дарёга сакраётганларни қизиқиб кузатадилар.

Волга дарёси устида 1996 йилда қурилган кўприк бу борадаги техник иншоотлар тарихига «раксга тушаётган кўприк» сифатида кирди. 2010 йил май ойининг бошларида шамолнинг тезлиги секундига 30 метрдан ошган вақтда сув устидаги узунлиги 1,2 км, курукликдаги қисмлари билан 7 км. дан ошадиган ушбу кўприк худди тўлқин каби тебраниб, «раксга туша бошлади». Қизиғи шундаки, тебраниш амплитудаси 1–1,5 метрга етса-да, кўприкнинг бирор бир қисми, жумладан, унинг устидаги асфальт қопламига ва чирок

устунларига зарар етмаган. Мутахассисларнинг фикрича, кўприк яна узоқ йиллар хизмат қилиши, фақат кучли шамол вақтида мазкур иншоот орқали ҳаракат вақтинча тўхтатилиши мумкин.

## **Битмас-туганмас қувват манбаи**

Дунёда нефть ва газ бозорида тез-тез юз бериб турадиган таназзуллар ушбу турдаги хомашё нархининг тез ошиб бораётгани ноанъанавий ва муқобил энергия ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришни тақозо этади. Ана шундай қувват ишлаб чиқаришнинг истиқболли йўналишларидан бири – шамол энергетикасидир.

Маълумотларга кўра, шамол тегирмонлари милоддан аввалги II асрдаёқ қадимги Эронда дон янчиш учун кенг қўлланган. Бундай тегирмонлар қатор мусулмон давлатларида ҳам мавжуд бўлган. Европага бундай ускунани биринчи марта солиб юриши иштирокчилари XIII асрда олиб келишган.



**Шамол тегирмони.**



Электр қувватини ишлаб чиқаришга мўлжалланган шамол тегиримонлари илк бор XIX асрда Данияда ихтиро қилинган. Мазкур мамлакатда 1890 йилда биринчи шамол электр станцияси барпо этилиб, бундай станцияларнинг сони 1908 йилда 72 тага, қуввати 5–25 киловаттга етган. XX асрнинг 70-йиллари ўрталарига қадар об-ҳавога боғлиқ бўлмаган ҳолда электр энергия ишлаб чиқариш усуллари ривожланиши шамол энергетикаси тараққиётини бирмунча секинлаштирди. Аммо, ўтган асрнинг 80-йилларида экологик жиҳатдан зарарсиз ва битмас-туганмас қувват манбаи бўлган шамолдан электр энергияси ишлаб чиқарувчиларга дунёнинг баъзи мамлакатларида яратилган имтиёзлар ушбу соҳанинг ривожланишида янги босқични бошлаб берди.


Ҳақиқатан ҳам, шамол ёрдамида электр қуввати ишлаб чиқариш кейинги ўн йилликларда жуда тез ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2011 йилнинг бошида дунёдаги барча шамол генераторларининг қуввати 2000 йилга нисбатан қарийб 8 баробарга кўпайиб, 196,6 гигаваттдан ошиб кетди.

2010 йилда дунёдаги шамол электр станцияларида 430 тераватт/соатдан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқарилиб, бу дунёдаги энергия истеъмолининг 2,5 фоизини ташкил этди.

Ҳозирги вақтда дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларида шамол ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Европанинг баъзи мамлакатларида энергетиканинг мазкур тармоғига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Данияда жами электр қувватининг 20 фоизи, Португалияда – 16, Ирландияда – 14, Испанияда – 13, Германияда – 8 фоизи шамол электр станцияларида ишлаб чиқарилмоқда.

Замонавий шамол электр станцияларининг жиҳозлари шамолнинг тезлиги секундига 3–4 м.дан 25 м.гача бўлган минтақаларда бемалол ишлай олади. Аммо бундай станцияларнинг энг юқори қувват билан ишлаши шамолнинг тезлиги секундига 15 метрга етганда таъминланади. Мутахассисларнинг фикрича, шамолнинг тезлиги икки марта, яъни секундига 5 метрдан 10 метргача ошганда бундай станцияларнинг электр ишлаб чиқариш қуввати 10 мартагача ошиши мумкин.

Шунга қарамай, ҳозирги вақтда мавжуд шамол электр станциялари дунё минтақалари бўйлаб нотекис тақсимланган. Жумладан,



Денгиздаги шамол генераторлари.

дунёдаги шамол электр станцияларининг 61 фоизи Европада, 20 фоизи – Шимолий Америкада ва 17 фоизи – Осиёда жойлашган.

Ҳаво оқимларининг самарали тезлиги Ернинг куруклик ва денгиз қисмида 100–1000 метр оралиғида баландликда аниқ сезилади. Аммо 100 метрдан пастда шамолнинг тезлиги кескин пасаяди. Шу боис, шамол ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқариш учун денгизларнинг қирғоқбўйи ҳудудлари бирмунча қулай. Шунингдек, тоғ ёнбағирлари ҳам ҳавонинг доимий

ҳаракати мавжуд бўлган ҳудудлар бўлиб, бу ерларда шамол электр станциялари барпо этиш қутилган самарани бериши мумкин.

Италия қирғоқларидан 10 миль узоқликда 2007 йилда дунёда биринчи денгизда сузиб юрувчи шамол электр станцияси барпо этилди. Мазкур станция улкан платформанинг устида қурилиб, 80 кВт қувватга эга. 2009 йилда Норвегияда барпо этилган шамол генератори ҳам денгизда ҳаракат қилиб, унинг умумий оғирлиги 5300 тонна, баландлиги – 65 метр, парраklarининг диаметри – 82,4 метрга тенг. Мазкур станция 2,3 мВт қувватга эга.

## Ер шарининг белбоғлари

Ер шарининг модели бўлган глобусга назар солсак, даставвал йўғон ва узук чизиклар билан кўрсатилган, сайёрамизни энига ва бўйига гўёки унинг белбоғлари каби ўраб олган айланаларни кўрамиз. Булар экватор, бош меридиан, шимолий ва жанубий тропик чизиклари ҳамда кутб доираларидир. Мазкур чизиклар сайёрамиздаги турли табиий жараёнларнинг юз беришига бевосита дахлдор.

Экватор Ер шарининг ўқиға перпендикуляр бўлган ва сайёрамизни шимолий ва жанубий ярим курраларға тенг бўлувчи чизик бўлиб, унинг умумий узунлиги 40 минг 75 километр 696 метрға тенг. Дунёдаги кенгликлар бўйича ҳисоб-китоб шимол ва жануб томонға қараб  $0^\circ$  параллель ҳисобланган айнан шу экватордан бошланади.


Экватор ўз йўналиши бўйлаб асосан, Дунё океани орқали ҳамда Африка, Осиё, Океания, Марказий ва Жанубий Америкадаги 13 та давлат ҳудудини кесиб ўтади. Дунёдаги учта давлат – Эквадор (Жанубий Америкада), Экваториал Африка ва Экваториал Гвинея (Африкада) ҳудудини ушбу чизик кесиб ўтганлиги шаарфига номланган.

Экваторда Куёш нурларининг тик тушиши атрофдаги ҳудудларда иқлимнинг юмшоқ бўлишини таъминлайди. Бу ерда йил давомидаги ҳаво ҳарорати деярли бир хил ( $+30$  даража атрофида). Шу боис, экваторёни ҳудудларда қуюқ нам экваториал ўрмонлар кенг тарқалган.

Экватор Ер куррасини шартли равишда тенг икки қисмға бўлиши боис, Ер шаридаги баъзи объектлар шимолий ва жанубий куррада жойлашган. Жумладан,



Ер шарининг «белбоглари».




Кито шаҳридаги экватор монументи.

Эквадордаги Волф вулкони конусини экватор чизиғи кесиб ўтган дунёдаги ягона вулкон ҳисобланади. Бразилиядаги Макапа шаҳри ҳам шимолий ва жанубий ярим куррада жойлашган. Экватор чизиғи мазкур шаҳардаги «Estadio Zerao», яъни «Ноль стадиони» майдон марказидаги чизикдан ўтган. Шу боис, ушбу стадион ёнида Марсо Zero, яъни «экваторга ёдгорлик» ўрнатилган.

Жанубий Америкадаги Эквадор давлатининг пойтахти Кито шаҳрида экватор чизиғи ушбу шаҳарнинг кўчаларига чизиб кўйилган ва бу шаҳардан Ер шарининг белбоғи ўтганлигини кўрсатувчи улкан монумент барпо этилган. Шунингдек, экваторнинг ўтганини ақс эттирувчи ёдгорликлар Уганда ва Индонезиядаги Понтианак шаҳарларида ҳам мавжуд.

**Меридианлар** экваторга перпендикуляр бўлган ва кутбларни ўзаро туташтирувчи чизиклар бўлиб, улардан ҳар бирининг узун-



Гринвич обсерваториясида бош меридианга ўрнатилган монумент.

лиги 20 минг 3 километр 93 метрга тенг. Улар орасида бош меридиан этиб Лондондаги Темза дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган Гринвич маъмурий округидаги обсерваториядан ўтувчи меридиан қабул қилинган. Мазкур обсерватория худудида бош меридианнинг ўтишини акс эттирувчи обида барпо этилган. Бош меридиандан шарқ ва ғарбга қараб Ер шари бўйлаб узоқликлар ҳисоби бошланади. Бош меридиан ҳам сайёрамизни икки шартли бўлаққа – шарқий ва ғарбий ярим қурраларга бўлади. Бош меридиан ва экватор кесишган  $0^{\circ}00'00''$  ж.к.  $0^{\circ}00'00''$  ғ.у. географик координатларга эга жой Африка қирғоқлари ёнидаги Гвинея кўлтиғидадир.

Бош меридианга қарама-қарши  $180^{\circ}$  меридиан эса сана ўзгарадиган чизик ҳисобланади. Мазкур меридиан Беринг бўғизидаги Россияга қарашли Ратманов ороли ва АҚШга тегишли Кичик Диомид (Крузенштерн) ороллариининг ўртасидан ўтган. Шу боис, орасидаги масофа 4,16 км бўлган мазкур ороллардаги сана ҳисоби бир кунга фарқ қилади, яъни Ратманов оролида «бугун» бўлса, Кичик Диомид оролида «кеча» бўлади. Сана алмашадиган чизикқа нисба-




Тайвань оролида шимолий тропикни кўрсатувчи рамзий ёдгорлик.

тан яқин жойлашган Япония «кунчиқар мамлакати», деб номлангани бежиз эмас.

Дунё харитасида Африкадаги кўпгина мамлакатлар, Канада ва АҚШ ўртасидаги давлат чегаралари тўғри чизик шаклига эга. Мазкур давлат чегаралари айнан бирор бир параллель ёки меридиан бўйлаб ўтгани учун ҳам шундай кўринишга эга. Ўзбекистон Республикасининг қўшни Қозоғистон билан Устюрт платосидаги чегараси ҳам  $56^\circ$  шарқий узоқликка эга бўлган меридиан орқали ўтказилгани сабабли, тўғри чизик кўринишига эга. Шунингдек, меридианлар бўйлаб ҳар 15 даражада Ер шаридаги соат минтақаларини ажратиш қабул қилинган. Аммо кўпгина ҳудудларда соат минтақалари чегараси меридианлар бўйлаб аниқ ўтказилмасдан, балки давлатлар ва улардаги маъмурий-худудий бирликлар чегаралари орқали ўтказилган.

Экватордан  $23^\circ 26' 22''$  шимолда ва жанубда шимолий ва жанубий тропик чизиклари жойлашган. Шимолий тропик «қисқичбақа тропиги» ва жанубий тропик эса «тоғ эчкиси тропиги» деб аталади. Бу параллелларнинг хусусияти шундаки, улар оралиғидаги минтақа нисбатан иссиқ тропик ҳудудларни ташкил этиб, Куёш




Чилидаги жанубий тропик чизигини кўрсатувчи ёдгорлик.

ушбу параллелларда энг баланд нуктага келганда, жанубий ва шимолий яримшарлардаги худудларга Куёш нурларининг тушиш бурчаги энг катта қийматга эга бўлади. Бу шимолий яримшарда ҳар йили 22 июнда, жанубий яримшарда эса 22 декабрда юз беради ва ҳар иккала ҳолатда ҳам энг узун кун ва энг қисқа тун кузатилади.


Агар жанубий тропик асосан Дунё океани худудидан ўтса, шимолий тропик дунёнинг 25 мамлакати худудини кесиб ўтади. Шимолий тропикдан шимолда дунёнинг кўплаб мамлакатлари жойлашган, жанубий тропикдан жанубда атиги тўртта мамлакат – Жанубий Африкадаги Лесото, Свазиленд, Янги Зеландия ва Жанубий Америкадаги Аргентина, Чили, Уругвай давлатлари жойлашган. Мексиканинг шимоли-шарқида жойлашган Сакатекас штати ва Хитойнинг Тайвань оролида шимолий тропик чизигининг ўтишини акс эттирувчи рамзий ёдгорликлар ўрнатилган. Денгизчиларда тропик чизигини кесиб ўтган пайтда кемада Нептун байрамини нишонлаш одати бор.

Шимолий тропик чизиги дунё бўйлаб айланма саёҳатлар тезлиги бўйича рекорд ўрнатиш учун ўзига хос эталон бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Халқаро авиация федерациясининг қодаларига мувофиқ, дунё бўйлаб айланма саёҳат қилиш тезлиги бўйича рекорд ўрнатиш учун самолёт маълум бир аэропортдан учиб, шимолий тропикнинг узунлигига тенг – 36 минг 787 километр 559 метр масофани энг қисқа вақт ичида учиб ўтиши ва бунда барча меридианларни кесиб ўтган ҳолда яна жўнаб кетилган аэропортга кўниши лозим.

Сайёрамизда яна иккита асосий параллель мавжуд бўлиб, улар  $66^{\circ}33'$  шимолий ва жанубий кенгликларда жойлашган



Шимолий кутб доирасига Норвегияда ўрнатилган ёдгорлик.



Россиянинг Салехард шаҳрида кутб доирасини  
акс эттирувчи ёдгорлик.

**кутб доираларидир.** Қишки Куёш туришидан (21–22 декабрь) бошлаб олти ой давомида Шимолий кутб доирасидан шимолдаги худудларда Куёш чиқмайди ва «кутб туни» юз беради ва худди шу вақтда жанубий кутб доирасидан жанубда Куёш ботмайди ва «кутб куни» кузатилади. Шимолий яримшарда ёз бўлганда эса бу жараён ўрин алмашиб, шимолда «кутб куни», жанубда эса «кутб туни» юз беради.

Ер куррасининг Куёш атрофидаги нотекис ҳаракати туфайли кутб доирасининг ўрни доимий равишда ўзгариб туради. Замонавий аниқ ўлчаш асбоблари шуни кўрсатмоқдаки, кутб доираси ўз ўрнидан кунига 2 метрга ёки йил давомида 100 метрга жанубга ёки шимолга силжиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур ҳолат кутбларнинг ўрни ўзгариб тургани каби Ер шарининг Куёш атрофида айланиши таъсирида юз беради. Кутб доирасининг ўтганидан далолат берувчи рамзий ҳайкаллар Финляндия, Норвегия ва Карелия ўлкасида ўрнатилган.



## Сайёрамиз «гигант»лари

Турли жихатдан энг кўзга кўринган кўрсаткичларга эга бўлган табиий ва ижтимоий объектлар, жумладан, дарёлар, денгизлар, материклар, давлатлар, шаҳарларга, айниқса дунё аҳолисига оид маълумотлар ҳар қандай киши эътиборини ўзига жалб қилади. Бу борада аҳолиси энг кўп бўлган, сайёрамизда олдинги ўринда турувчи материк, давлат ва шаҳарлар ҳақидаги маълумотларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ижтимоий ва иқтисодий Департаментининг аҳоли масалалари бўйича бўлими маълумотларига кўра, 2011 йилнинг охирида дунё аҳолиси 7 млрд. кишига етди. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, дунё аҳолисининг табиий кўпайиш суръати 1963 йилда инсоният тарихидаги энг юқори кўрсаткич (3,5 фоиз)га эга бўлган. Ҳозирги вақтда дунё аҳолиси табиий кўпайиши кўрсаткичларининг 1963 йилга нисбатан икки бараварга (1,5 фоизгача) камайганига қарамай, Ер шаридаги аҳолининг мутлақ сони кейинги йилларда тез кўпаймоқда.

Маълумотларга кўра, милодий 1000 йилда Ер шарида 310 млн. киши истиқомат қилган. Мазкур кўрсаткичнинг 1 миллиард кишига етиши учун 820 йил керак бўлган. 1820 йилдан кейин дунё аҳолиси 1927 йилда 2 млрд. кишига, 1960 йилда 3 млрд., 1974 йилда 4 млрд., 1987 йилда 5 млрд., 1999 йилда 6 млрд. ва 2011 йилда 7 млрд. кишига етди. Кўриниб турибдики, сўнгги 30–40 йил ичида дунё аҳолиси ҳар 12–13 йилда 1 млрд. кишига кўпайган.

Евросиё – дунёда аҳолисининг сони бўйича биринчи ўринда туради. Мазкур материкда 4,51 млрд. киши ёки сайёрамиздаги жами аҳолининг 71 фоизи истиқомат қилади. Африка билан қўшиб ҳисоблаганда (5,71 млрд. киши), иккала материкда дунё аҳолисининг 85 фоизи яшайди.

Ер шарида яшайдиган аҳолининг учдан бир қисмидан ортиғи ёки 36,5 фоизи Осиёдаги икки давлат – Хитой ва Ҳиндистон хиссасига тўғри келади. 2011 йилнинг биринчи ярмида Хитойдаги аҳоли сони 1,35 млрд. киши, Ҳиндистонда – 1,21 млрд. кишини ташкил этди.

Кейинги ўн йилликлар давомида Ҳиндистон аҳолиси жуда тез кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда мазкур давлатдаги аҳоли

сони йилига ўртача 20–25 млн. кишига, яъни қарийб Ўзбекистон аҳолисига тенг миқдорда кўпаймоқда. Мутахассисларнинг башорат қилишича, 2025 йилга бориб Ҳиндистон аҳолиси 1,5 миллиард кишига етиши ва аҳоли сонига кўра Хитойдан ўзиб кетиши мумкин.

Шунингдек, дунёда аҳолисининг сонига кўра дастлабки бешликдан ўрин олган давлатлар қаторига АҚШ (311 млн. киши), Индонезия (231 млн. киши) ва Бразилия (195 млн. киши) каби мамлакатлар қиради.

Ўзбекистон аҳолисининг сонига кўра дунёдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 194 давлат ўртасида 44-ўринни эгаллайди. 2012 йил 1 июлда Ўзбекистон аҳолиси 27,7 миллион кишидан ошди, бу ерда Ўрта Осиё аҳолисининг ярмига яқини яшайди.

XX асрда юз берган илмий-техник тараққиёт туфайли бутун дунё миқёсида қишлоқ ва шаҳарларда яшайдиган аҳоли таркибида кескин ўзгаришлар юз берди. 1800 йилда дунё аҳолисининг 4 фоизи, 1900 йилда – 14 фоизи, 2000 йилда – 47 фоизи шаҳарларда яшаган. 2008 йилга келиб, дунёдаги шаҳар аҳолиси сони қишлоқ аҳолиси сонига тенглашди. Таъкидлаш жоизки, дунё аҳолисининг тенг ярмини ташкил этувчи шаҳар аҳолиси курукликнинг бор-йўғи 3 фоизини эгалловчи аҳоли пунктларида истиқомат қилса, худди шу миқдордаги қишлоқ аҳолиси курукликнинг 12 фоизини эгаллаган ҳудудларда яшайди. БМТнинг башоратларига кўра, 2050 йилга бориб, дунё аҳолисининг 70 фоизи шаҳарларда яшаши мумкин.

2011 йил маълумотларига кўра, дунёда аҳолисининг сони бўйича энг йирик шаҳар (шаҳар атрофини ҳисобга олмаганда) – Хитойнинг Шанхай шаҳридир. Бу ерда 2011 йилнинг бошида 13 млн. 831 минг киши истиқомат қилган. Шунингдек, аҳолисининг сони бўйича биринчи бешликдан ўрин олган энг йирик шаҳарлар қаторига қуйидагилар қиради: Мумбай (Ҳиндистон) – 13,83 млн. киши, Сан-Паулу (Бразилия) – 13,65 млн. киши, Истанбул (Туркия) – 13,12 млн. киши, Қарачи (Покистон) – 12,99 млн. киши.

Дунёнинг баъзи шаҳарларида аҳоли шу қадар зич жойлашганки, муболага қилиб айтганда, бу ерларда кўчада кишиларнинг «елкаси елкасига тегиб юради». Жумладан, 2011 йилда дунёдаги аҳоли энг зич яшайдиган (1 кв. км. майдонда) 5 та шаҳарнинг тўрттаси аҳолиси тез ўсиб бораётган Ҳиндистонда: Дехли – 29 149 киши, Колката –




Шанхай кўчаларидан бири.

27 774 киши, Ченнай – 24 688 киши, Мумбай – 22 937 киши, биттаси Бангладешда: Дакка – 19 447 киши.

XX асрнинг иккинчи ярмида йирик шаҳарлар атрофида кичикрок шаҳарларнинг тўпланиши натижасида агломерациялар пайдо бўлди. Шаҳар агломерацияларининг ўзаро қўшилиб кетиши оқибатида аҳолисининг сони 10 млн. кишидан ортиқ бўлган мегаполислар пайдо бўла бошлади. Дунёда аҳолисининг сонига кўра энг йирик мегаполис – Япония пойтахти Токио ҳисобланади. Токио инсоният тарихида миллионер-шаҳар номини олган илк шаҳар ҳам. Бу ердаги аҳоли сони 1800 йилда бир миллион кишидан ошган. Ҳозирги вақтда Токионинг Иокогама, Кавасаки ва Чибо билан биргаликда ҳосил қилган мегаполисида 35,4 миллион киши истиқомат қилади.

Дунёдаги энг йирик 10 та шаҳар мегаполислари рўйхатида 2011 йилнинг бошида кейинги ўринлар куйидаги шаҳарларга тегишли бўлди: Сеул – 23,4 млн., Мехико – 22,4 млн. киши, Нью-Йорк – 21,9 млн., Мумбай – 21,6 млн., Деҳли – 21,5 млн., Сан-Паулу – 20,9 млн., Лос-Анжелес – 18,0 млн., Шанхай – 17,5 млн. ва Осака – 16,7 млн. киши.



Токио – дунёдаги энг йирик мегаполис.

БМТ маълумотларига кўра, дунёда аҳолисининг сони 1 миллиондан ортиқ бўлган 480 дан ортиқ шаҳар агломерациялари мавжуд. Дунёда 10 миллион кишидан ортиқ аҳоли яшайдиган мегаполисларнинг сони 2011 йилда 26 та, 5 миллиондан 10 миллионгача аҳоли яшайдиганларининг сони – 40 тага етди.

## ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТИ МЎЪЖИЗАЛАРИ



Бугунги кунга қадар табиат Ер юзидан нафис меъмор сифатида катта илмий, маданий-эстетик ва сайёҳлик аҳамиятига эга бўлган турли ажойиб манзараларни, жумладан, рельеф шакллари, қўллар, шаршаралар, ўрмонларни, асрларга тенгдош дарахтларни яратган. Ўзбекистон ҳудуди бундан истисно эмас. Дунёдаги бошқа мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам ноёб табиат ёдгорликлари, жумладан, тоғ ўрмонлари, шаршаралар, ғорлар, қўриқхоналар ва бошқа қатор обидалар мавжуд.



Ўзбекистоннинг мафтункор тоғлари.

Мамлакатдаги табиий обидаларни мутахассислар шартли равишда учга: ботаник, геологик ва гидрогеологик обидаларга бўлишади.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 400дан ортиқ ноёб табиат ёдгорликлари мавжуд. Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудлари, Фарғона водийси, Жиззах вилоятининг тоғли ҳудудлари, Китоб-Шаҳрисабз ва Сурхондарё водийлари ўзининг такрорланмас табиати билан мўъжиза деб аташга лойик. Китоб Давлат геологик кўриқхонасида муҳофазага олинган геологик қатламлар сайёрамизда ягона бўлиб, Қуйи Девон даври учун бутун дунё бўйича стратиграфик эталон-стандарт ҳисобланади. Мазкур ноёб табиий обидалар Ватанимиз табиатининг нақадар мўъжизаларга бойлигидан далолат беради.

## **Асрларга тенгдош дарахтлар**

Мамлакатимизнинг турли қисмларида улкан дарахтларни кўплаб учратиш мумкин. Жумладан, Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Пулган қишлоғида ёши 500 йилга яқин бўлган садақайрағоч яшнаб турибди. Мазкур дарахтнинг баландлиги 40 метр ва тана-



Боғистондаги кўп асрлик ёнғоқ.

га тенг чинорларни учратиш мумкин. Айниқса, Фарғона водийси, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари худудида кўп асрлик чинорлар кўплаб сақланиб қолган. Жумладан, мамлакатимизда мавжуд чинорлардан энг кексаси ва йириги (ёши 1200 йил ва айланаси тахминан 26–27 метр) Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Хўжа илм кони қишлоғидадир. Маҳобати ва ёши жиҳатдан иккинчи ўринда турадиган чинор (ёши 1000 йил, айланасининг узунлиги 22 метр) Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Сайроб қишлоғида яшнаб турибди. Шунингдек, Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги улкан чинорнинг ёши 700, Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги чинор – 500, Ургут туманидаги Юқори Чор чинор қишлоғидаги чинорнинг ёши эса 600 йилдан ошади.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Хўжакент қишлоғида ёши 700 йилдан ошадиган улкан чинор мавжуд. Мазкур обидага ёндош худудларда қадимги одамлар яшаган сунъий ғорда тош

сининг айланаси 6 метрдан ортади. Садақайрағочнинг кенг ва тармоқланган шоҳлари улкан соя ҳосил қилгани боис, дарахт жойлашган ер маҳаллий аҳолининг сеvimли масканидир.


Риштон туманида ҳам бир нечта кўп асрлик садақайрағочлар яшнаб турибди. Уларнинг худди кўлда тарашлангандек текис куррасимон шакли киши кўзини қувонтиради. Шунингдек, мазкур турдаги кўп асрларга гувоҳ бўлиб келаётган дарахтлар Наманган вилоятининг турли бурчакларида мавжуд.

Иссиқ иклимли Ўрта Осиё ша-роитида қуюқ сояли чинорларни экиш қадимдан одат бўлган. Шу боис, мамлакатимизнинг турли бурчакларида ёши 5–10 аср-

куроллар ва қояларга чизилган расмлар аниқланган. Баҳорда ён-атрофдаги қоялардан оқиб тушадиган шаршаралар гўзал ва мафтун-кор манзарани ҳосил қилади.

Ўзбекистон шароитида кўп асрлар яшаши мумкин бўлган қора арчанинг 100 дан ортиғи табиат ёдгорлиги, деб эълон қилиниб, давлат муҳофазасига олинган. Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Хўжакент қишлоғида ёши 450 йилга яқин бўлган улкан қора арча яшнаб турибди. Мазкур дарахтнинг баландлиги 15 метрга етиб, танасининг диаметри 1 метрдан ошади. Нурота кўриқхонаси худудидаги Мажрумсой водийсидаги қора арча республикамиздаги мазкур турдаги дарахтларнинг энг йириги ҳисобланади. Ушбу арча тана айланасининг узунлиги 8,5 метрга етади. Маҳаллий аҳоли уни жуда ардоқлайди.

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида танасининг айланаси 8 метрдан, ёши 2000 йилдан ошадиган арча ўсиб турибди.



Хўжакентдаги чинор.



Қорақиясойдаги кўп асрлик арча.

Зирабулоқ тоғларининг жанубий ёнбағридаги Тим қишлоғидаги Х асрда қурилган мақбара яқинидаги арча ҳам маҳобати жиҳатидан Яккабоғдаги дарахтдан қолишмайди.

## Жаннатмакон масканлар

Худудининг 78 фоизини чўл ва 22 фоизини тоғ минтақаси эгаллаган Ўзбекистон турли ғаройиб масканларга бой. Айниқса, республикамизнинг тоғли худудларида табиат ва инсон томонидан яратилган ўрмонлар ноёб хазина ҳисобланади. Ана шундай гўзал масканлардан бири Самарқанд вилоятидаги Омонқўтон тоғ-ўрмон массивидир. Самарқанд шаҳридан 40 км жануби-ғарбда жойлашган, инсон томонидан яратилган мазкур ўрмон массивининг худуди 2150 гектардан ортиқ. Айниқса, XIX асрнинг охирида экилган 120 га яқин дарахтдан иборат 0,27 га майдондаги қарағайзор киши эътиборини ўзига тортади. Мазкур ноёб обида Ғазармасой ва Булбузарсойнинг ўртасидаги сувайирғичнинг шимолий ёнбағрида, 1460 метр баландликда жойлашган.



Оқтошдаги қайинзор.



Омонқўтон тоғ ўрмонлари тупроқ ва сув муҳофиза вазифасини ўтаб, муҳим иқлимий ва санитар-гигиеник аҳамиятга эга. Мазкур ҳудудда катта миқдордаги шифобахш, техник ва озиқ-овқат экинлари ўсади. Хавоси шифобахш хусусиятга эгаллиги боис, бу ерда кўплаб болалар оромгоҳлари, дам олиш уйлари ва пансионатлар жойлашган.

Омонқўтон йўлида Самарқанддан 30 км узоқликдаги Қоратепа қишлоғи ёнида «Юрактош» деб номланган улкан тош мавжуд. Қоқ ўртаси юрак кўринишида ўйиғи бор бу улкан тошни умумий кўринишидан келиб чиқиб, «Динозавр» деб ҳам аташади.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган Чотқол водийси республикамизнинг ажиб гўзал масканларидан биридир. Мазкур водийда кўплаб сув тармоқлари ва объектлари, жумладан, Чорвоқ сув омбори, Пском, Угом, Кўксув, Чимёнсой, Белдерсой, Окбулок, Чотқол, Қизилсув дарёлари, Катта ва Кичик Чимён тоғлари жойлашган. Буларнинг аксарияти Бўстонлик туманидаги икки муҳим кўриқланадиган ҳудуд – Чотқол кўриқхонаси ва Угом-Чотқол табиий миллий боғида жойлашган.



Мармарсой водийсидаги арчазорлар.

Чотқол водийси – Ўзбекистоннинг ноёб, табиати дастлабки кўринишини сақлаб қолган ва инсон таъсири нихоятда кам бўлган ҳудудларидан бири. Тарихчиларнинг фикрича, мазкур водийдан қарийб икки минг йил давомида Шарқий ва Жанубий Осиёни бири-бири билан боғлаган Буюк Ипак йўлининг тармоғи ўтган.

Фарбий Тянь-Шанда жойлашган Чотқол кўрикхонасининг ҳайвонот дунёси 280 дан ортиқ турларни ўз ичига олади, ўсимлик дунёси эса 2,2 минг турдан иборат. Угом-Чотқол табиий миллий боғи 1992 йилда ташкил этилган, 576 кв.км майдонни эгаллайди. Чотқол кўрикхонасидан фарқли равишда, миллий боғ ҳудудида сайёҳлик ва чекланган хўжалик фаолиятини юритишга рухсат берилган. Миллий боғга кириш ҳамма томондан очиқ, аммо баъзи ҳудудларда қатъий белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланиш мумкин.

Тошкент вилоятининг Паркент тумани ҳудудида жойлашган Сўқоқсой атрофларида инсон томонидан яратилган қарағай, акация ва ўрикзорлардан иборат куюк ўрмонлар жойлашган. Сунъий равишда барпо этилган мазкур ўрмонлар ҳозирда миллий боғ таркибига киради. Миллий боғ атрофидаги тоғлар табиати жуда гўзал. Бу ердаги қоятошлар ўртасида шакли одам гавдасини эслатадиган алоҳида



Одамтош.

тош киши эътиборини ўзига тортади. Ушбу тошни иккита арча дарахти ўраб олган ва маҳаллий аҳоли уни ғаройиб шаклига мос равишда «Одамтош» деб атайдди.

Хумсондан 20 км узоқликда Гиза платосида жойлашган ва устидан сой оқиб ўтган ғорни сайёҳлар «Куйлаётган ғор» деб аташади. Соининг остидаги ғовак оҳақтошдан иборат туннелнинг баландлиги 1,5 метр, узунлиги 20 метр. Ғорнинг асосий қисмида унинг баландлиги 20–30 метрга етади. Ғорнинг ичида бўлган киши тепада оқаётган сувнинг шариллаётган овозини эшитиб, унинг ҳақиқатан ҳам «куйлаётган ғор» эканига ишонч ҳосил қилади.

Қоржантов яқинидаги Қизилсув дарёсининг ўрта оқимида замбуруғ шаклига эга бўлган «Замбуруғтош» мавжуд. Қоранкулсой юқори оқимидаги Қўнғирбуқа тоғи ёнидан ўтувчи Оқшуран довони эса қадимий шаҳар қолдиқлари ва эртак қахрамонларини эслатувчи ғаройиб табиий шакллар билан кишини ҳайрон қолдиради.

Тошкент вилояти Бўстонлик тумани ҳудуди узоқ геологик тарихдан далолат берувчи манзараларга бой. Жумладан, Оқсоқотасойнинг юқори қисмидаги Сурен ота тоғининг тепаси сўнган вулқон бўлиб, атрофда қотиб қолган лаванинг бўлақлари сочилиб ётади. Чимён тоғларида жойлашган Мармарсой атрофлари эса тошга айланган денгиз чиғаноқлари билан тўла.

Ўзбекистон табиатининг ноёб обидаларидан яна бири – Зомин миллий боғидир. Мазкур кўриқхона Жиззах вилоятининг Бахмал ва Зомин туманлари ҳудудида жойлашган, умумий майдони 26,84 минг гектарни ташкил этади. Мазкур кўриқхона 1926 йилда ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистоннинг энг дастлабки та-



Зоминдаги 700 ёшли ёнғоқ.

биатни муҳофаза қилиш объектидир. Қўриқхона 1750–3400 метр баландликда жойлашган, ҳудуди жанубдан шимолга қараб пастга қиялашиб боради.


Қўриқхона ҳудудида табиий арча ўрмонлари сақланиб қолган, мазкур турдаги ўрмонларнинг улуши бу ерда 55–60 фоизни ташкил этади. Ўсимлик дунёси 1140 дан ортиқ турлардан, фауна 30 дан ортиқ сут эмизувчилар, 90 тур қушлар, 8 тур судралиб юрувчилардан иборат. Ҳайвонлардан бўри, тулки, бургут, тоғ эчкиси, қор барси, оқ тирноқли айиқ, Сибирь эчкиси ва бошқалар учрайди.

Қўриқхона ҳудудидаги кўзга кўринган табиий обидалар қаторига «Чортанги» дараси, «Қирққиз» эол-қояли шакллари ва турли ғаройиб ва улкан дарахтларни киритиш мумкин. Зоминдаги табиий арчазорлар шифобахш хусусиятга эга, улар ҳосил қилган муҳит нафас йўли касалликларини даволаш учун жуда самарали.

Қизилқум ва Мирзачўл ўртасида ястаниб ётган Нурота тоғлари Ўзбекистоннинг ноёб табиий обидаларидан ҳисобланади. Бу тоғ массиви Оқтов, Қоратов ва Нурота тизмаларини ўз ичига олиб, энг баланд нуқтаси – Ҳаётбоши тоғининг баландлиги 2169 метрни ташкил этади. Икки чўл ўртасида жойлашган Нурота тоғлари ўзининг табиати, бой тарихи, юмшоқ иқлими ва шифобахш булоқлари билан сайёҳлар эътиборини жалб этади.

Нурота тоғларининг диққатга сазовор жойларидан бири Сангзор дарёсидаги унча катта бўлмаган «Амир Темур дарвозаси», деб номланган дарадир. Нурота тоғларининг шарқида дарёнинг кўп минг йиллик иши натижаси бўлган 120–130 метр (энг тор жойи 40 метр) га етадиган бўлган мазкур дара Жиззах шаҳри яқинида жойлашган, у орқали беқиёс аҳамиятга эга автомобиль ва темир йўллари ўтган.

Сармишсой Нурота тоғларининг ғарбида жойлашган бўлиб, атрофдаги қояларда ўйиб ишланган қадимги расмлари билан машхур. Бундан ташқари, мазкур сой атрофлари ўзининг ғайриоддий хусусияти билан олимлар эътиборини тортиб келади. Мутахассисларнинг фикрича, Нурота тоғларида жуда кам учрайдиган кимёвий элементларнинг мавжудлиги бу ердаги геомагнит ҳолатнинг бошқа ерларга нисбатан ўзгача бўлишини таъминлайди. Шу боис, мазкур сирли ҳудуд нафақат олимларни, балки кўп сонли сайёҳларни ҳам ўзига жалб қилади.



Амир Темуր дарвозаси.



Нуропадаги чашма.

Нурота тоғларидаги чашма мукаддас зиёратгоҳ сифатида нафақат республикамызда, балки чет эл сайёхлари ўртасида ҳам яхши маълум. Чашмадаги сувнинг ҳарорати йил давомида +19,5 даражага тенг. Сув таркибидаги 15 дан ортиқ микроэлементлар, жумладан, олтин, кумуш, бром, йод кабилар чашма сувига нодир шифобахш хусусият бахш этган. Тангачалари бўлмаган қорабалиқ (маҳаллий аҳоли тилида «шоҳбалиқ») ҳам чашма суви каби мукаддас саналади. Таъкидлаш жоизки, заҳарли қопчага эга бўлган мазкур балиқни тегишли тарзда тозаламасдан истеъмол қилиш инсон ҳаёти учун жуда хавфли бўлиши мумкин.

Ҳар сонияда 400 литр сув чиқадиган мазкур чашма ноёб ер ости сув ариқлари орқали Нурота шаҳрини сув билан таъминлайди. Ушбу ер ости ариқлари *коризлар* деб аталиб, улар қадимда Ўрта Осиёдаги қатор шаҳарларда мавжуд бўлган. Нуротадаги ер ости ариқлари тизими бизгача етиб келган ва бир неча юз йиллар аввалгидек фойдаланишда давом этаётган қадимий иншоотлардан саналади.

Китоб-Шаҳрисабз водийси улкан сайёхлик салоҳияти жиҳатидан ўлкамиз табиатининг ноёб дурдоналаридандир. Ҳисор ва Зарафшон тоғлари ўртасидаги хушманзара гўшалар экосайёхликни ривож-



Чашмадаги қорабалиқлар.

лантириш учун мустаҳкам асос яратади. Зарафшон тизмасининг жануби-ғарбий этакларида, Жиннидарёнинг чап қирғоғидаги Китоб Давлат геологик кўриқхонаси денгиз сатҳидан 1300–2650 метр баландликда жойлашган, умумий майдони 3938 гектарни ташкил этади.

Кўриқхона ҳудудидаги Обисафит, Хўжақўрғон, Занзилбан, Новабак, Қўшнова, Қизилолма, Жаршафи даралари кўриқхона ҳудудини чуқур кесиб, такрорланмас манзарани ҳосил қилган. Китоб Давлат геологик кўриқхонасидаги Занзилбан сойининг кесмаси Қуйи Девон даврининг Эм яруси қуйи чегарасининг дунё бўйича стратиграфик эталон-стандарт ҳисобланади. Кўриқхонанинг шимоли-ғарбий қисмида хушманзара Ширдоғ дараси жойлашган, бу ердан Ҳисор тоғларининг қорли чўкқилари, жумладан, Ўзбекистондаги энг баланд чўкқи – Ҳазрати Султон тоғи пурвиқор бўлиб кўринади.

Китоб туманидаги Биркунлик қишлоғи яқинида бошланадиган Толликсойнинг манбаи бўлган Бўрибулоқ ва Қўтирбулоқнинг киши ақлини лол қолдирадиган хусусияти – битта қир бағридан чиқаётган ушбу булоқлардан бирининг суви чучук, иккинчисиники – шўр. Сувининг шифобахшлиги боис ерли аҳоли уларни жуда қадрлайди.



Қизилқумдаги «тош ўрмон».

Юртимизда шу каби ғаройиб хусусиятларга эга бўлган юзлаб булоқларни учратиш мумкин. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон Фанлар академияси Гидрогеология ва муҳандислик геологияси олимлари томонидан ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда чоп этилган «Ўзбекистон булоқлари атласи»да ўз аксини топган.

Шунингдек, Қизилқумда жойлашган Мингбулоқ ботиғи яқинида турли шаклларни ҳосил қилган ва қадимги геологик даврдан дарак берувчи «тош ўрмон» – турли дарахтларнинг қолдиқларини акс эттирувчи тош устунлар қадим замонларда Қизилқум ўрнида қалин ўрмон бўлганини кўрсатади.


## **Табиат меъморчилигининг ер остидаги ҳосиласи**

Табиат ер устида турли ғаройиб шаклларни барпо этгани каби, ер остида ҳам мўъжиза обидаларни яратган. Жумладан, карст ҳодисаси ривожланган ҳудудларда кенг тарқалган ғорлар ноёб объектлар ҳисобланади. Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида 400 дан ортиқ ғорлар мавжуд, улар орасида ўзининг гўзаллиги, ажойиб хусусиятлари ҳамда илмий ва амалий жиҳатдан муҳимлари жуда кўп.

Нафақат мамлакатимизда, балки яқин хорижий давлатлардаги энг чуқур ғор – Кили ғори (чуқурлиги 1082 метр) Зарафшон тизмасининг Чақилқалон тоғларидаги платода жойлашган. Қашқадарё вилояти Қамаши тумани худудида Ҳисор тоғларининг жануби-ғарбий тармоқларига кирувчи Мингчуқур тоғининг жанубий ёнбағрида мамлакатимиздаги энг узун Каптархона ғори жойлашган. Гипслар орасидаги мазкур ғорнинг узунлиги 980 метр, умумий ҳажми – 36 минг куб метрдан ортиқ. Ғор икки қаватдан иборат бўлиб, унинг пастки қаватида узунлиги 570 метр бўлган ер ости дарёси оқади.

Зарафшон тоғларининг шимолий ёнбағридаги Ҳазрати Довуд ғори Самарқанд шаҳрининг жануби-ғарбида, 25 км узоқликда жойлашган. Узунлиги 50 метр, умумий ҳажми 1150 куб метр бўлган мазкур ғор бир нечта йирик хоналардан иборат. Ғорнинг деворлари оҳақтошларнинг эришидан ҳосил бўлган турли ғаройиб шакллар





Ҳазрати Довуд ғори.

билан безалган. Шунингдек, Зарафшон тоғларидаги Тахтақорача довони яқинидаги Еттиқиз (уzunлиги 80 метр, ҳажми – 1900 куб метр), Қашқадарё вилояти Чироқчи туманининг Лангар қишлоғи шимолидаги Амир Темур ғори (уzunлиги – 450 метр, ҳажми – 1250 куб метр) сталактит ва сталагмитларга бой.

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Макрид қишлоғидан 1,5 км шимоли-ғарбдаги Кийиккамар ғори ҳам Зарафшон тоғларининг жанубий ёнбағрида жойлашган. Унча катта бўлмаган мазкур ғор (уzunлиги 26 метр, ҳажми – 410 куб метр) деворлари ва тепа қисмида шифобахш елим – мўмиё аниқлангани билан қимматлидир. Сурхондарё вилоятининг Бойсун тоғларидаги Мачайдарё водийсининг чап ёнбағрида жойлашган Тешиктош ғори ҳам унча катта эмас (уzunлиги 20 метр, ҳажми – 420 куб метр). Аммо мазкур ғор бу ерда топилган қимматли археологик топилма – неандертал бола қолдиқлари туфайли бутун дунёга маълум бўлди.

Бобомиз Амир Темур шарафига номланган яна бир ғор Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида, Тошқўрғон қишлоғидан 13 км масофада Қизилсув кўрикхонасидаги Қалъаи шерон (шерлар қалъаси) деб номланган ҳудудда жойлашган. Мазкур ғорнинг узун-



Ҳисор тоғларидаги ғорнинг жилоси.

лиги 616 метр бўлиб, асосий ғордан ташқари икки томони очик, 190 метрга чўзилган бошқа бир ғор ҳам мавжуд. Мутахассисларнинг фикрича, 2937 метр баландликда жойлашган мазкур икки ғор бир-бирининг узвий давоми ҳисобланади.

Ғорнинг оғзи дарё водийсининг ўнг томонида 170 метр баландликда,  $40-60^\circ$  қияликка эга бўлган тик ёнбағирда жойлашган. Обидага кириш жойи олдида узунлиги 20 метр, кенлиги 3–5 метр бўлган инсон томонидан яратилган текис майдонча мавжуд. Амир Темур ғорида бир нечта бўлинмалар мавжуд бўлиб, улардан бирида кенлиги 30 метрга етадиган ер ости кўли жойлашган. Кўлнинг бир четидан оқиб чиқаётган сувнинг ҳарорати  $+8^\circ\text{C}$  бўлиб, унинг шариллашидан ҳосил бўлган шовқин ғорда баралла эшитилади.

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Хўжаипок ғорининг ичида ҳар сонияда 20 литр сув оқиб чиқадиган йирик булоқ мавжуд. Мазкур ғор Шўрчи тумани марказидан 55 км шимоли-ғарбда, Сурхондарёнинг ўнг ирмоғи Хўжаипок дарёси водийсида жойлашган. Ғорнинг узунлиги 220 метр, ҳажми – 2700 куб метр. Булоқ ғорга кириш жойидан 30 метр ичкарида отилиб чиқиб, унинг сувидан водород сульфид ҳиди келади. Ғорнинг деворларини қоплаган оҳактош

ёриқларида резинага ўхшаш углеводород қолдиқлари (қурук нефть), чеккаларида эса олтингугурт ва шаффоф гипсининг улкан кристаллари аниқланган.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Бурчмулла қишлоғидан оқиб ўтувчи Палтав дарёсининг ўнг қирғоғидаги Обираҳмат ғори ҳам қадимги одамлар яшаган макон сифатида маълум. Қадимги оҳақтошлар орасидаги мазкур ғорнинг узунлиги 18 метр, ҳажми – 3 минг куб метр. Ғорда диаметри 3–4 метр, баландлиги 3 метрли улкан сталагмит мавжуд бўлиб, унинг пастки қисми умумий қалинлиги 10 метрдан ошадиган лёсс қатлами билан кўмилган. Шунингдек, Бўстонлиқ тумани Хўжакент қишлоғидаги унча катта бўлмаган ғорлар гуруҳининг умумий узунлиги 150 метр, ҳажми 540 куб метрдан ошади. 20 дан ортиқ ғор мазкур гуруҳга кириб, улар орасида бир ва кўп қаватли ҳамда икки томони очиқ ғорлар ҳам мавжуд.

## **Ажабтовур кўллар**

Қурук иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистон ҳудудида мавжуд кўлларнинг сони бошқа мамлакатларга нисбатан бирмунча камроқ. Маълумотларга кўра, республикамиздаги кўлларнинг умумий сони




Айдаркўлнинг шимолий қирғоғи.

500 дан ортиқ ва уларнинг аксарияти тоғли ҳудудларда, денгиз сатҳидан 2000–3000 метр баландликда жойлашган. Тоғлар орасида жойлашган кўлларни кўпчилигининг умумий майдони 1 кв.км.дан ошмайди. Ўзбекистонда умумий майдони 10 кв.км.дан ошадиган 32 та кўл мавжуд. Текисликлардаги кўллар асосан дарёлар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, уларнинг қайирларида ва дельталарида жойлашган.

Бир вақтлар дунёдаги энг йирик кўллардан ҳисобланган ва тобора куриб бораётган Орол денгизи, Судочье кўли, Денгизкўл, Тўдакўл каби Ўзбекистон харитасидаги йирик кўллар барчага яхши таниш. Шунингдек, дарёлар сувидан оқилона фойдаланиш мақсадида қатор сунъий кўллар – сув омборлари барпо этилган. Бундан ташқари, суғориш ва мелиорация тизимларидан чиқаётган сувларнинг йиғилиши натижасида ҳосил бўлган кўллар ҳам бор. Хоразм ва Бухоро воҳаларининг чеккасидаги кўллар Қизилқумнинг шарқида XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган Айдаркўл-Арнасой тизими кўллари шулар жумласидандир.

Бир вақтлар Қизилқумнинг чеккасида жойлашган шўрхоқлардан иборат Айдар ва Арнасой ботиклари ўрнида пайдо бўлган Айдаркўлни чўл ўртасидаги мўъжиза, деб айтиш мумкин. Ҳозирги вақтда Айдаркўл бир вақтлар алоҳида бўлган учта йирик – Айдаркўл, Арнасой ва Тузкон кўлларининг бирлашишидан ҳосил бўлган улкан ҳавзани ташкил этади. Кўлнинг ҳозирги вақтдаги умумий майдони 3000 кв.км, умумий сув ҳажми эса 44 куб км.дан ортиқ. Навоий ва Жиззах вилоятлари чегарасида жойлашган мазкур кўлнинг узунлиги 250 км, кенлиги – 15 км.гача, сувининг шўрлик даражаси – 8–10 г/л.ни ташкил этади.

Мирзачўл ўзлаштирилган XX асрнинг 50-йилларига қадар Арнасой ботиғи куриб қолган шўр кўлнинг ўрни эди. Бу ернинг энг чуқур қисмида фақатгина кичик Тузкон кўли баҳорги ёғинлар таъсирида пайдо бўлиб, ёз келиши билан куриб қолар эди. XX асрнинг 60-йилларига келиб Сирдарёда Чордара сув омборининг курилиши ва сув кўп бўлган йиллари дарёнинг 60 фоиздан ортиқ оқими Арнасой ботиғига оқизилиши натижасида улкан кўл вужудга келди. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Чордара сув омборидан ортиқча сувнинг Арнасой ботиғига ташланиши сабабли кўл тобора кенга-



Айдаркўл атрофидаги кумлар.

йиб, Айдар шўрхоги ва Тузкон кўли билан бирлашиб, ҳозирги кундаги ўлчамга эга бўлди. Айдаркўлнинг жанубий қирғоқлари баъзи жойларда қурук ўзанлар билан кесиб юборилган тоғ олди текислигидан иборат бўлса, кумли шимолий қирғоқлари улкан лёсс текислигидан иборат.

Айдаркўл аҳоли яшайдиган ҳудуддан бирмунча узоқда жойлашган. Ҳозирги вақтда кўл атрофида 2000 кишидан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Кейинги йилларда бу ерда балиқчилик ва экосайёҳликни ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Маълумотларга кўра, мазкур кўллар тизимида йилига 2000 тоннадан ортиқ балиқ овланади ва олимларнинг фикрича, ушбу кўрсаткични бир неча бор ошириш имконияти мавжуд.

Тожикистондаги Сарез кўли 1911 йилдаги кучли zilзила оқибатида дарё водийсига катта микдордаги тоғ жинсларининг кулашидан ҳосил бўлган. Ўзбекистонда ҳам худди шу йўл билан ҳосил бўлган кўл мавжуд. У Фарғона вилоятининг Шоҳимардон қишлоғидан 2–3 км жанубда, Шоҳимардонсойнинг ўнг irmoғи – Қорасув дарёсида жойлашган. Катта ҳажмдаги тоғ жинсларининг 1766 йилдаги zilзила туфайли Қорасув дарёси водийсига кулаши оқибатида ҳосил бўлган мазкур кўл суви осмон рангидек мовий



Арнасой ботиғи.

бўлгани боис «Кўккўл» (иккинчи номи – Курбонкўл) деб номланган. Кўлнинг узунлиги 1000 метр, кенлиги 100 – 150 метргача. Кулранг оҳактошлардан иборат кўл қирғоқларининг баландлиги 500–700 метр бўлиб, улар тик ҳолда сувга туташган.

Кўлнинг чап қирғоғига туташган табиий тўғон асосининг орқа томонидан секундига 1000 литр сув сарфига эга бўлган булоқ отилиб чиқади. Шу йўсинда табиат ўзи тўсган дарё сувининг Фарғона водийси томон оқишига йўл очиб берган. Кўккўлдан 200 метр юқорида Қорасув дарёсида яна бир кичик кўл мавжуд бўлиб, у «Яшилкўл» деб аталади.

## **Ўзбекистон шаршаралари**

Дунёда Анхель, Ниагара, Виктория каби машҳур шаршаралар борлиги кўпчиликка маълум. Аммо Ўзбекистонда ҳам шундай шаршаралар борки, улар ўз жозибаси ва гўзаллиги билан юқорида айтилган шаршараларнинг ҳеч биридан қолишмайди. Мамлакатимизнинг тоғли қисмидаги кўп сонли дарё ва сойлар ўз оқими йўналишида

кўплаб мафтункор табиий обидаларни ҳосил қилган. Ана шундай мўъжиза обидалардан бири Сурхондарё вилоятининг Сарносиё туманидаги Сангардак шаршарасидир. Мамлакатимизнинг энг жанубида жойлашган Термиздан Сангардак дарасига томон тоғли худудга кўтарилган сари ер юзидаги ландшафтлар аста-секин алмашилиб боради. Сангардак дарасида бир куннинг ўзида йилнинг тўрт фаслини бевосита кузатиш мумкин. Иқлим ва ўсимлик қопламидаги ўзгаришлар, тоғ водийлари, ёнбағирлар ва қорли чўққиларнинг ажойиб манзараси, тор тоғ сўкмоқлари, шарқирок тоғ дарёлари ва шаршаралар,



Сангардак шаршараси.

суви зилол тоғ кўллари, аҳолиси қадимий урф-одат ва анъаналарини сақлаб келаётган жозибали тоғ қишлоқларини кўрган киши ўзини худди сирли оламга тушиб қолгандек ҳис қилади.

Сангардак дарасидаги энг диққатга сазовор обида, шубҳасиз, қоядан отилиб чиқаётган булоқнинг тоғ ёнбағри бўйлаб шариллаб оқиб тушишидан ҳосил бўлган Сангардак шаршарасидир. Шаршара суви 140 метрдан ортиқ баландликдан атрофдаги қояларга урилиб, заррачаларга бўлинган ҳолда пастга оқади. Атроф худудларда анжир, наъматак, узум ва бошқа қатор дарахт ва буталар ўсади. Шуниси эътиборлики, шаршара атрофидаги худудларда табиат ёввойи ҳолда сақланиб қолган, унга инсон томонидан бўлган таъсир жуда кам. Маълумотларга кўра, Сангардак шаршарасини ҳосил қилувчи булоқнинг манбаи қоялар ичидаги кўлда жойлашган. Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида шаршара атрофида салқин микроиқлим вужудга келади.

Тошкент вилоятидаги Қоржантов тизмасидан бошланадиган Қизилсув дарёси ўзининг қатор ажойиб шаршаралари ва оқ қайин

ўрмонлари билан сайёҳлар ўртасида маълум. Шу боис, мазкур дарё водийси, жумладан, дастлабки учта шаршара, турли тоифадаги сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган масканлардан биридир. Қизилсувдаги биринчи шаршара шуниси билан қизиқки, у бирмунча кенг ва чуқур қўлтиқни ҳосил қилади. Шаршарадан тушаётган сув устунининг баландлиги 8 метрга яқин. Аммо обида тепасидаги тош яна 3 метрча баландликка кўтарилган. Пастга оқиб тушаётган сув чуқурлиги 2 метрдан ошадиган кудукни ҳосил қилади.

Биринчи шаршарадан ўн минутлик йўлда жуда гўзал оқ қайин ўрмони ўсиб турибди. Ёзнинг иссиқ кунларида ҳам салқин тоғ шабадаси ва оқ қайин ҳосил қилган қуюқ соя кишига ҳузур бахш этади. Қизилсувнинг юқори қисмига кўтарилган сари унда турли катта-кичик шаршараларни учратиш мумкин. Аммо унча катта ва баланд бўлмаган остонадан шариллаб оқиб тушаётган ҳовузсимон чуқурлик ўзининг зилол суви билан киши эътиборини тортади.



Товоқсой шаршараси қишда.

Мазкур ҳовузчаниннг узунлиги 10 метр ва эни 5 метрдан ошадди. Шунингдек, Қизилсувдаги шаршараларнинг бири улкан тошнинг икки томонидан икки бўлинган ҳолда пастга оқиб тушади. Аммо бу шаршара унча баланд эмас.

Тошкент вилоятидаги яна бир дарё – Тovoқсой табиат томонидан қатор шаршаралар ва каньонлар ҳосил қилган ажойиб ҳудудлардан бири. Қишда ҳаво ҳарорати 0 даражадан пастга тушганда мазкур шаршаралар атрофида ҳосил бўлган сумалаклар ажиб бир манзара кашф этади. Тovoқсойда бир нечта диққатга сазовор шаршаралар мавжуд. Улардан иккита энг йириги Америкадаги Коло-



радо дарёси ҳосил қилган Катта Каньоннинг кичрайтирилган шаклига ўхшаш дараларга оқиб тушади. Атрофда бўртиб турган қоялар эса зинасимон ҳолда дарё водийси ёнбағирларига янада маҳобат бахш этади. Худди ана шу каньонга 25 метр баландликдан Товоксойдаги йирик шаршараларнинг бири оқиб тушади. Табиат ҳосил қилган мазкур жозибадор манзара дарё водийси бўйлаб бир неча километрга чўзилган.

Худди биринчи шаршара каби иккинчи шаршара ҳам 15 метрдан пастга тик ёнбағирли дарага оқиб тушади. Товоксойдаги учинчи шаршара эса 4–5 метр кенгликда шариллаб пастга оқади.

Чимён тоғлари атрофи сайёҳларнинг севимли масканларидан бири. Бу ерда Катта ва Кичик Чимён тоғлари, Гулкам, Қора ва Нова-тош шаршараларини кўриш, Чорвоқ сув омбори, баланд тоғлардан оқиб тушаётган Угом ва Пском дарёларини кузатиш мумкин. Айниқса, 40 метрча баландликдан оқиб тушадиган Қора шаршара мазкур худудда алоҳида ажралиб туради. Катта Чимён тоғининг пастки қисмида жойлашган ушбу шаршара атрофидаги кулранг оҳактошлар доимий намлик таъсирида қорайиб, обидага шу номни берган.

Гулкам – табиати, гўзаллиги ва хилма-хиллиги билан Чимён тоғларидаги дурдоналардан саналади. Рельефнинг кесиб юборилганлиги Ғарбий Тянь-Шань тоғлари учун хос. Ушбу хусусиятни Гулкамсой оқиб ўтадиган жуда тор Гулкам дараси мисолида яққол кўриш мумкин. Гулкамсой бўйлаб юриб, шарқираб оқаётган тоғ дарёлари, баланд тоғ чўққилари, тор даралар, шаршаралар, арчазор




Товоксой каньони ва шаршараси.

ва қайинзорларни кўриш мумкин. Гулкамсой шаршараси куёш нурида ҳосил қилган камалак мазкур худуднинг гўзаллигига ҳамоҳанг.

Палтав шаршараси Палтавсойнинг Чотқол дарёсига қуйилиш жойидан 4,5 км юқорида жойлашган. «Палтав» сўзи «пўлат об», яъни «темирли сув» маъносини билдириб, бу сойнинг сувида катта миқдорда қадимдан маълум бўлган рудали тоғ жинсларининг мавжудлиги билан боғлиқ. Палтавсой кенглиги 14–16 метр бўлган тор дара бўйлаб оқиб, кучли сув оқими 38 метр баландликдан тушади. Шаршара оқиб тушган ерда ёнбағирдаги қоялар осилиб қолган ва табиий ғорни ҳосил қилган. Мазкур шаршара неандертал одамларнинг яшаш жойи бўлган Обираҳмат ғорининг яқинида жойлашган.

Бурчмулла яқинидаги Қалъасойда шу номдаги дара мавжуд. Юқори, ўрта ва қуйи қисмдан иборат мазкур жойнинг рельефи жуда мураккаб бўлиб, бу ердан ўтиш жуда мушкул. Даранинг ёнбағирлари жуда тик, аммо сув уларни бирмунча силликлаган. Даранинг чуқурлиги 50–80 метр, кенглиги 1–5 метр бўлиб, бу ерда суви 10



Палтав шаршараси.



Гулкам шаршараси.

метр баландликдан оқиб тушадиган Қалъасой шаршараси жойлашган. Шаршара тепасида гўё унинг томи вазифасини ўтайдиган узунлиги 4 метр, кенлиги 5 метр бўлган улкан тошдан иборат табиий кўприк жойлашган. Шу боис, шаршара томонларининг ўлчамлари 4×5 метр, умумий баландлиги 30 метрдан ортиқ бўлган табиий арка остидан оқиб тушиб, тақрорланмас гўзалликни намоён этган.

## **Водий ўзра яшнаётган чўл**

Фарғона водийси дунёдаги аҳоли энг зич яшайдиган ҳудудлардан бири саналади. Бу ердаги 22 минг кв.км майдонда 7 миллион кишидан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, ўртача зичлик 1 кв.км.га 400 кишидан кўп.

Фарғона водийси хилма-хил ландшафтлари билан Ўрта Осиё табиатининг кичрайтирилган шаклини ўзида мужассам этган. Тянь-Шань ва Помир-Олой тоғ тизимларига кирувчи тизмаларнинг ёнбағирларидаги тоғ ўрмонлари аста-секинлик билан ўзлаштирилган кир-адирлар, қуруқ тоғ олди даштлари, дарё қайирлари ва уларда яшнаб ўсаётган тўқайлар бугунги кунда бутунлай антропоген ландшафт кўринишини олган воҳалар билан алмашилиб келади.

Ўрта Осиё чўллари – Қизилқум, Қорақум, Сандикқикум, Маликчўл, Ўртачўл, Мирзачўл кабилар асосан улкан ҳудудларни эгаллаб ётган бепоеъ кумликлардан иборат. Аммо, минтақамизнинг иқлим шароитига боғлиқ ҳолда, Ўзбекистон табиатининг жавоҳири ҳисобланган Фарғона водийсининг марказий қисмларида ҳам кумли чўллар мавжудки, уларни табиатнинг ҳақиқий мўъжизаси, деб айтиш мумкин.

Водийнинг марказида, Сирдарёдан жанубда табиатнинг ноёб мўъжизаларидан бири, кварц кумларидан иборат бўлган Ёзёвон чўли ва Қорақалпоқ даштлари ястаниб ётади. Табиати гўзал, сувли ва яшил водийнинг қоқ ўртасида чўл ландшафтларнинг мавжудлиги кишини таажжубга солиши табиий.

Ёзёвон «қумли текислик» маъносини билдириб, XX асрнинг бошларида Қизилқум чўлининг марказий қисмлари каби умуман аҳоли яшамайдиган ҳудуд бўлган. Аммо 1939 йилда Катта Фарғона каналининг қурилиши ушбу чўлнинг аста-секинлик би-

лан ўзлаштирилишига асос солди. Ўзбекистон худудидаги узунлиги 283 км бўлган мазкур канал 100 минг гектардан ортиқ майдонни қўшимча суғориш имконини берган. Мустақиллик йилларида Фарғона ва Наманган вилоятининг 2000 гектардан ортиқ чўлли худудлари водий бағридаги ноёб табиат ёдгорлиги мақомига эга бўлиб, ҳозирги вақтда ҳам турли тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортди келмоқда.

Қорақалпоқ дашти Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳри яқинидаги суғориладиган ерларнинг орасида кичик-кичик кумликлар тарзида сақланиб қолган. Манбаларга кўра, тарихда қорақалпоқлар Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларидаги худудларда яшаб, уларнинг бир қисми турли сабаблар билан Сирдарёнинг бирмунча юқори қисмларига, Фарғона водийсининг марказидаги, табиати Оролбўйи худудларига бирмунча ўхшаш бўлган кумли худудларга кўчиб келган. «Қорақалпоқ дашти», деган ном мазкур худудда XIX асрнинг охиригача яшаган, ҳозирда Қорақалпоғистон Республикасидаги аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи миллат вакилларининг номи билан боғлиқ.

Фарғона водийсининг марказида жойлашган чўллардаги кум барханларининг баландлиги баъзи жойларда беш қаватли уйга тенг келади. Бу ердаги кумнинг ранги ҳам ўзгача бўлиб, агар у Қизилқумда кулранг, оловранг ва жигарранг тусда бўлса, Марказий Фарғонадаги чўлларда оқ-қора ва кулранг тусга эга. Фарғона водийсининг ғарбидаги табиий йўлақдан эсаётган шамолнинг тезлиги баъзида секундига 35 метрдан ошиб, Ёзёвон ва Қорақалпоқ чўлларида кум бўронларининг юзага келишига сабаб бўлади. Ушбу шамол ер юзасини қуритади ва шу боис, Фарғона водийси чўллари Ўрта Осиё чўлларига хос бўлган баҳорги майин майсалар билан қопланмайди.

Инсон аралашуви таъсирида Фарғона водийси марказидаги чўллар том маънодаги чўл ландшафтани аста-секин йўқотиб, экинзор, боғ ва узумзорларга айланмоқда.

Фарғона водийсининг ички чўлларида мазкур типдаги табиат зоналарига хос бўлган асосий белгилар – туялар галаси, сув манбаи бўлган алоҳида қудуқлар ва саксовул ўрмонлари йўқ. Аммо бу ерда ўтган асрнинг 70-йилларида йўқолиб кетган, деб ҳисобланган, ке-

йинчалик популяциясини тиклаб олган «Қизил китоб»га киритилган кулранг эчкемар учрайди.

Фарғона водийсидаги ландшафтларнинг деярли маданийлашиб кетганлигига қарамай, Ёзёвон чўли ва Қорақалпоқ дашти оролчалар тарзида водий табиатининг ўзига хос бўлаклари сифатида ҳамон мавжуд бўлиб келмоқда.

## **Мўъжизаларга бой қишлоқ**

Юртимизда сўлим табиат гўшалари, кишини ҳайрон қолдирадиган табиий обидалар талайгина. Қашқадарё ва унинг ирмоқлари бўлмиш Оксув, Қизилсув, Жиннидарё ва Танхоздарё каби дарёларнинг ҳавзасида жойлашган Китоб-Шахрисабз водийси ўзининг хушманзара табиати билан республикамизнинг бошқа худудларидан алоҳида ажралиб туради. Мазкур водийни бепоён чўлларга туташиб турган мўъжиза дейиш мумкин.

Бу ерда асрлар оша юксак қад кўтариб турган Оқ сарой, Чорсу, Дорул-саодат каби таниқли тарихий обидалар билан бир қаторда ажиб табиий обидалар ҳам мавжуд.


Мазкур худуддаги аҳоли пунктлари текислик, қир, адир ва тоғ олди ландшафтларида жойлашган бўлиб, бунақа ранг-барангликни республикамизнинг бошқа худудларида учратиш қийин. Водийдаги қишлоқларнинг аксарияти тоғ бағридан отилиб чиқаётган сув манбалари – чашма ва булоқлар туфайли асрлар оша яшаб келмоқда. Куруқ иқлим шароитида бундай хусусият мазкур қишлоқларнинг турли табиий обидаларга бойлигини таъминлаб берган.

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Хўжа илм кони қишлоғи ана шундай табиий обидаларга бой бўлган жойлар сирасига кирди. Мазкур қишлоқ Ҳисор тоғларининг тармоғи бўлган Қорахон тоғлари этагида, денгиз сатҳидан ўртача 800–900 метр баландликда жойлашган. Қишлоқда ҳозирги вақтда 2500 кишидан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, маҳаллий аҳоли обикор ва лалмикор деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик билан шуғулланади.

Мазкур қишлоқда Муҳаммад пайғамбар (с.а.в)нинг авлодига мансуб бўлган зот – Мавлоно Абдул Боқий Хўжагий Эмганагий ҳазратларининг мақбаралари жойлашган. Қишлоқда нафақат ди-



**Қорахон тоғлари бағридан чиқаётган чашма.**



**Чашма ҳосил қилган арик.**

ний-тарихий обидалар, балки инсон ақлини лол қолдирувчи бир қатор табиат объектлари ҳам мавжуд. Қишлоқни сув билан таъминлайдиган чашма, ундан пайдо бўлган табиий ариқнинг баланд тепалик остидан оқиб ўтиши натижасида ҳосил бўлган 12 дона кориз ва чашманинг шифобахш сувларидан баҳра олиб, асрлар оша гуркираб ўсиб турган улкан чинор дарахтлари ана шундай мўъжизавий табиий объектлардир.

Чашма тахминан 1200 метр баландликда Қорахон тоғлари бағридан оқиб чиқувчи уч кўзли булоқдан ташкил топган. Теварак атроф фақат тоғу тошлардан иборат бўлиб, асрлар давомида чашмадан отилиб чиқаётган сув ўзига табиий йўл очиши натижасида тик жарликни ҳосил қилиб, минг йилликлар давомида Хўжа илм кони қишлоғи томон равон оқишда давом этмоқда.

Республикамиз шароитида, жумладан, Қашқадарё вилоятида 2500 кишидан ортиқ аҳоли истиқомат қилувчи қишлоқ йирик аҳоли пунктлари сирасига киради. Таъкидлаш жоизки, чашма Хўжа илм конидек йирик қишлоқни сув билан таъминлайдиган ягона ман-



Остидан чашма оқиб ўтган тепаликдаги кориз.

ба ҳисобланади. Чашманинг мавжудлиги қишлоқ атрофидаги қирларга сув чиқариш орқали дехқончиликни ривожлантириш имконини берган. Шунингдек, чашма оқиб чиқадиган жойдан тортилган қувурлар қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлайди.

Маҳаллий аҳоли «кориз» деб атайдиган объектлар чашма туфайли ҳосил бўлган табиий ариқнинг баландлиги 50 метрдан юқори бўлган тепалик остидан оқиб ўтиши натижасида ушбу тепалик узра ҳосил бўлган 12 дона табиий ўйиқлардан иборат. Ўйиқларнинг ҳар бири ўзининг шакли, қиялиги ва диаметри билан алоҳида ажралиб туради. Шуниси қизиқки, коризлар орасидаги масофа деярли бир хил бўлиб, уларнинг шакли ёмғир ва шамол эрозияси таъсирида ҳам ўзгармаган. Қанча йиллар ўтишига қарамасдан, тепаликнинг остки қисми ҳам деярли сув эрозияси таъсирида емирилмаган.

Шунингдек, коризлар тепалик остидан ўтган ариқни назорат қилувчи иншоотлар, аҳоли томонидан сунъий қазиш ишларини амалга оширишни бирмунча енгиллаштирувчи объектлар ҳисобланади.

Эътиборли томони шундаки, 20 метр узокдаги масофадан қараганда коризларнинг тепалик устида мавжудлиги деярли сезилмайди. Аммо, маҳаллий аҳолининг гувоҳлик беришича, коризларга бирорта одам ёки чорва молларининг тушиб кетиш ҳолати кузатилмаган.

Хўжа илм кони қишлоғини республикамизга танитган кўзга кўринган табиий обида – қишлоқда асрлар оша қад ростлаб турган улкан чинор ҳисобланади. Ривоят қилишларича, чинор минг ёшга кирса, ўз-ўзидан олов чиқариб, унинг ички қисми ёниб кетар эмиш. Шу туфайли бўлса керак, қишлоқда мавжуд бўлган учта улкан чинорнинг энг сўнггиси сифатида қад ростлаб турган ушбу баҳайбат дарахт ичида каттакон ковак ва унга кирувчи табиий туйнук ҳосил бўлган. Аммо шунга қарамасдан, чинорнинг юқори қисми янгидан-янги шохлар таратиб, кўкка интилишда давом этмоқда.

Ушбу дарахт ҳозирги вақтда республикамизда мавжуд кўхна чинорлар ўртасида энг улкани ҳисобланади. Чунки унинг танасида ҳосил бўлган ковакнинг саҳнида 25 та бола бемалол ўтириши мумкин. Шу боис, аввалги вақтларда ушбу чинордан толиби илмларни ўқитиш учун мадраса сифатида кенг фойдаланилган.





1200 ёшли улкан чинор.

Мазкур чинор дарахт айланаси пастки қисмининг узунлиги бири-бири билан қўл ушлашиб турган 18 кишининг қулочига тенг келади. Хўжа илм кони қишлоғидаги чинорнинг айланаси тахминан 26–27 метрга тенг.

Қишлоқ кексаларининг айтишича, Хўжа илм конида яна иккита улкан чинор бўлган, аммо ҳозирги вақтгача уларнинг танаси бутунлигича сақланиб қолмаган. Қўлэзма манбалардан маълум бўлишича, ушбу кўхна чинорларнинг ёши тахминан 1500 йилга тенг бўлган. Биз ҳикоя қилаётган, танаси бутунлигича сақланиб келаётган чинор эса бирмунча кейин экилган бўлиб, унинг ёши тахминан 1200 йил атрофида.

## **Аму – чўлдаги ҳаётбахш дарё**

Қадим замонлардан буён Қорақум ва Қизилқум чўллари орқали саёҳат қилган сайёҳлар, мазкур ҳудудлардан ўтган карвонлар иложи борича сув манбаларига яқинроқ жойлардан юришга ҳаракат



Амударё ирмоғи Панжнинг  
бошланиш қисми.


қилишган. Бепоён чўлларда узок йўл юрган сайёҳ ёки карвонлар ушбу минтақадаги энг улкан дарё – Амударё қирғоқларига етиб олгач, чўл ўртасидаги бу мўъжизани кўриб, лол қолишган. Ўрта Осиёдаги энг йирик ва серсув дарё ҳисобланган Амударё чўллар узра оқиб, бугунги кунда бепоён кумликларга ҳаёт бахш этаётган табиат мўъжизасидир.

Маълумотларга кўра, Амударё номининг келиб чиқиши тарихий Амул ёки Амуйя шаҳри билан боғлиқ, яъни у дастлаб «Амул ёки Амуйя дарёси» кўринишида бўлиб, замонлар оша халқ тилида «Амударё» кўринишини олган. Шунингдек,

дарёнинг номи юнон манбаларида «Оксос» (Oxos), лотинча китобларда «Оксус» (Oxus) ва араб тилидаги адабиётларда «Жайхун», деб тилга олинган. Ўрта асрларда яшаган хоразмлик баъзи олимларнинг асарларида ушбу улкан дарё «Ўкуз» номи билан учрайди.

«Авесто»да Амударёнинг номи турлича – «Раха», «Ранха», «Аранха» кўринишларида мавжуд. Қадимги юнон олимлари Геродот, Страбон ва Птоломей ўз асарларида Амударёни «Аракс» номи билан ишлатишган. Маълумотларга кўра, юнон олимлари ўша пайтларда европаликларга бирмунча таниш бўлган Кавказдаги Аракс дарёси номини уларга нотаниш бўлган «Аранха» дарёсига нисбатан қўллаган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас.

Жумладан, Геродот Амударёнинг 360 каналларга бўлиниши, 40 тармоқли дельта орқали ботқоқларда йўқолиб кетиши ҳақида ёзган. Геродотнинг маълумот беришича, дарёнинг фақатгина битта тармоғи очик жойдан оқиб, Каспий денгизига қуйилади. XX асрда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Амударёнинг



Нукус шаҳри яқинида Амударёда қурилган кўприк.

тармоғи ғарб томонга қараб фақат Сарикамиш кўлигача оққан. Мутахассисларнинг фикрича, Геродотнинг маълумотлари Амударёнинг қадимда Каспий денгизига қуйилгани ҳақидаги авлоддан-авлодга ўтиб келган оғзаки ривоятларга асосланган бўлиши мумкин.

Дарё тожик-афғон чегарасида икки дарё – Панж ва Вахш дарёларининг қуйилишидан ҳосил бўлиб, шу ердан бошлаб «Амударё» номи билан аталади. Амударёнинг умумий узунлиги Панж дарёсини ҳосил қилувчи Вахандарё ва Помирдарёларнинг бошланиш қисмидан ҳисоблаганда – 2540 км, Панж ва Вахшнинг қуйилиш жойидан бошлаб – 1415 км. Сув йиғадиган ҳавзасининг умумий майдони (Керки шаҳригача) – 309 минг кв.км. Ёз мавсумида, яъни сув кўпайган вақтда Керки шаҳри ёнидаги ўртача сув сарфи секундига 2000 м<sup>3</sup>га тенг (Амазонка дарёсидан 100 баробар кам).

Амударё Ўрта Осиёдаги энг йирик дарё бўлиши билан бирга, дунёдаги ёпиқ хавза дарёлари ичида Волга дарёсидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Асосий қисми лёсс текисликларидан оқиб ўтиши туфайли ўзи билан бирга катта миқдордаги сариқ лойқа-

ларни оқизиб келади. Шу боис, Амударё – дунёдаги энг лойқа дарёлардан бири ҳам.

Амударё асосан, қор ва музликлардан тўйинади. Шу боис, унинг энг серсув даври ёзда, камсув даври қишда – январь-февраль ойларида кузатилади. Дарё оқимининг ўрта қисмида Амударёга учта йирик ўнг ирмоқ – Кофирнигон, Сурхондарё, Шерободдарё ва битта чап ирмоқ – Кундуз дарёси қуйилади. Шундан сўнг Орол денгизига қуйилган жойгача дарёга бирорта ҳам ирмоқ қуйилмайди.

Африкадаги Нил каби Амударёни Ўрта Осиёдаги чўлларга ҳаёт бахш этган дарё, деб аташ мумкин. Керки шаҳридан Нукус шаҳрига қадар дарё Қорақум ва Қизилқум чўлларининг ўртасидан оқиб ўтади. Шу боис, мазкур худудда дарё сувининг катта қисми буғланиб, ер остига сизиб кетади.

Дарёдан турли каналлар – Қорақум, Аму-Бухоро, Аму-Қорақўл, Қарши магистрал каналлари сув олиб, мазкур обихаёт тармоқлари Қорақум, Қарши чўли, Сандикликүм, Ўртачўл ва Қизилқумнинг жанубий этакларидаги суғоришга яроқли бепоён чўл ерларининг ўзлаштирилишига олиб келган.

Нукус шаҳридан қуйида Амударё бир неча тармоқларга бўлиниб, умумий майдони 7000 кв. км. дан ортиқ (Люксембург худудидан уч марта катта) бўлган улкан дельтани ҳосил қилади. Дарё дельтаси қуюқ тўқайзорлар билан қопланган, бу ерда кичик кўллар жуда кўп. Шу боис, Амударёнинг мазкур қисми турли фауна вакиллари, жумладан, қуш ва балиқларга бой.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб дарё сувининг қишлоқ хўжалиги мақсадларида кенг фойдаланиши оқибатида Амударё суви баъзи йиллари Орол денгизигача етиб бормаган. Орол денгизи қирғоғининг чекиниши ва Амударё дельтасига келадиган сувнинг кескин камайиши бу ердаги 50 дан ортиқ кўлларнинг қуришига олиб келди. Аммо сўнгги йилларда Кўнғирот, Судочье, Қоражар, Давкампир, Қозоқдарё, Довудкўл ва Атрек кўл тизимларида ҳозирги вақтда 100 минг гектарга яқин майдонда дельта экотизимлари қайта тикланди.

Худудидан оқиб ўтадиган мамлакатлар иқтисодиёти учун Амударё муҳим аҳамиятга эга. Дарёнинг қуйи қисмида балиқчилик

яхши ривожланган. Дарё бўйида йирик шаҳарлар – Урганч, Нукус, Тахиятош, Термиз жойлашган. Туркманобод шаҳридан куйида дарё кемачилигида турли юкларни ташиш йўлга қўйилган. Дарёнинг куйи қисмида ташкил этилган Бадай-тўқай ва Куйи Амударё биосфера қўриқхоналари ўзига хос биохилма-хилликка эга бўлган Амударё тўқайларидаги йўқолиб кетиш арафасида турган флора ва фауна вакиллари ҳимоя қилиш ва кўпайтиришга мўлжалланган.

## Ҳар қатраси зар дарё

Зарафшон воҳаси республикамизнинг Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари бўйлаб ястаниб ётиб, худди шу ном билан аталувчи дарёнинг кўп минг йиллик фаолияти ҳосиласи сифатида вужудга келган. Амударё ва Сирдарёга нисбатан кичик ва қисқа бўлишига қарамасдан, ушбу дарё мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Кескин континентал иқлимга эга бўлган минтақамиз шароитида воҳанинг асосий сув манбаи ҳисобланган Зарафшоннинг ҳар қатра суви ҳақиқатан ҳам олтинга



Зарафшон музлиги.

тенг. Дарё Ўзбекистонда шаҳар ҳосил қилувчи асосий омиллардан саналади.

Зарафшон дарёси Помир-Олой тоғ тизимига кирувчи Зарафшон тизмасидаги шу ном билан аталган 5600 метр баландликдаги музликдан бошланади. Матчоҳ дарёси ва Фандарёнинг қўшилишидан сўнг Зарафшон номини олиб, Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб оқиб ўтади. Умумий узунлиги 877 км ва ҳавзасининг майдони 17,7 минг кв.км. «Зарафшон» номи форсчада «зар (олтин) олиб келувчи» ёки «зар сочувчи» дарё маъносини билдиради.

Манбаларга кўра, қадим замонларда Зарафшон дарёси Аму-дарёга қуйилган, ҳозирги вақтда унинг қуйи тармоғи Қоракўлдарё Бухоро вилоятидаги Денгизкўлга қуйилади. Аммо Зарафшон сувининг барчаси хўжалик мақсадларида ишлатилиб, Қоракўлдарё асосан, дренаж мақсадларида барпо этилган зовурларнинг сувларини йиғиб, Денгизкўлга қуяди. Зарафшон дарёси Эскианҳор канали орқали Қашқадарё билан туташ, Аму-Бухоро канали орқали эса ўзи бир вақтлар қуйилган Амударёдан суғориш мавсумида қўшимча сув олади.

«Авесто»да ёзилишича, қадимда маҳаллий аҳоли Зарафшон дарёсини «Дайтя» деб аташган ва милоннинг I асрида яшаган римлик ёзувчи Руф Курций ўз асарларида уни юнонча «Политемит» номи билан атаган. Ушбу ном Страбон асарларида ҳам учраб, юнончада «табаррук» ёки «эхтиромга лойиқ» дарё маъносини билдиради. Қадимги Хитой манбаларида эса дарё «Номиқ» номи билан тилга олинади. Бу сўз қадимги форс тилида «таниқли» ёки «табаррук» дарё маъносини билдириб, юнонларнинг «Политемит» номининг маъносига тўғри келади. Юқорида айтилганлардан ташқари, ушбу дарё турли манбаларда Руди Мосаф, Ҳаромком, Водий ус-Сўғд, Нахр ул-Бухоро, Дарёи Кўҳак (Тоғдарё) каби номлар билан тилга олинади. Зарафшон номи дарёга нисбатан XVIII асрдан бошлаб ишлатила бошлаган.

Бухорода яшаб ўтган буюк тарихчи Муҳаммад Наршахий Зарафшонни шундай таъриф қилади: «Самарқанд томонида бир катта дарё борки, уни Руди Мосаф – Мосаф дарёси деб атайдилар. Бу дарёда жуда кўп сув йиғилган, бир талай ерларни ювиб-ўпириб, кўп лойқаларни суриб келган ва натижада текис ерга айланиб, катта



Зарафшон дарёси.

ботқоқликлар бўлиб қолган. Бухоро ўрнашган жой аста-секин тўлиб, дарё Сўғд, лойқалар тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди». Наршахийнинг ушбу маълумотлари Зарафшон дарёсининг Бухоро воҳаси вужудга келишида тутган муҳим ўрнини яна бир бор тасдиқлайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида Зарафшон дарёсини «Кўҳак» номи билан келтирган: «...Самарқанд маъмура (ободончилик)нинг чеккароғида бунёд топган бўлиб... Кўҳак (Зарафшон дарёси) (унинг) шимолидан оқади, у Самарқанддан икки курўх келади. Бу сув билан Самарқанд орасида бир тепалик бор, уни Кўҳак (кичик тоғ) дейдилар. Бу дарё Кўҳакнинг тубидан оққани учун Кўҳак суви дейдилар...». Маълумотларга қўра, Бобур «Кўҳак тепалиги» деганда ҳозирги Самарқанднинг чеккасидаги Чўпонота тепалигини назарда тутган.

«Бобурнома»да Самарқанднинг жанубидан оқиб ўтувчи Зарафшон дарёсидан чиқарилган Дарғом ариғи ва унинг жойлашган ўрни тўғрисида мазкур каналнинг ҳозирги ҳолатидан унча фарқ қилмайдиган аниқ маълумотлар келтирилган: «...Бу дарёдан (Зараф-

шондан) бир катта анҳор чиқарганлар, балки кичик дарёчадай бордир, уни Дарғам суви дейдилар. Самарқанднинг жанубидан оқади. Самарқанддан бир шаръийча келади. Самарқанднинг боғлари ва маҳаллалари, яна неча туманлари бу сув билан ободон...»

Бобур Зарафшон дарёсининг Бухоро воҳаси хўжалиги учун муҳим аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор берган: «...Бухоро ва Қоракўлгача ўттиз-қирқ йиғоч масофага яқин жойлар Кўҳак суви билан ободон ва экинзордир. Шундай катта дарё экин ва иморат ишларидан асло ортмайди, шунинг учун ёзда уч-тўрт ой Бухорога сув етиб бормайди...».

Агар аксарият дарёларга ирмоқларнинг қуйилиши хос бўлса, Зарафшон дарёси учун тармоқларга бўлиниш хос. Жумладан, Самарқанд вилояти худудида Зарафшон дарёси икки тармоққа – Окдарё ва Қорадарёга бўлиниб, кейинчалик улар яна ягона дарё бўлиб оқади. Бухоро воҳаси худудида эса Зарафшон дарёси уч асосий тармоққа бўлинади: Навоий вилоятидаги Қизилтепа шаҳридан 7 километрча ғарбда, Зарафшондан унинг ўнг тармоғи Вобкентдарё ажралиб чиқади. Худди шу ердан 10 километрча қуйида эса Зарафшон дарёси икки асосий тармоққа – Қоракўлдарё ва Бухоро шаҳрини сув билан таъминловчи асосий манба саналган Шохруд (Шохарик) каналига бўлиниб оқади. Дарёнинг иккига ажралган қисми Дуоба деб аталади.

Агар қадим замонлардан буён минтақамизда маҳаллий аҳолининг иқлим шароитидан келиб чиқиб ўтроқлашиш жараёни сув манбаларининг мавжудлиги ва уларнинг бошқарилишидан келиб чиқиб амалга ошганлигини инобатга олсак, Самарқанд ва Бухоро воҳаларидаги шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли манзилларини Зарафшон дарёси маҳсули десак, хато бўлмайди. Тадқиқотларга кўра, улардан энг қадимгиси Қоракўл шаҳридан ғарбда жойлашган ва неолит даврида аҳоли яшаган Замонбобо манзили ҳисобланади.

Манбаларда ёзилишича, Бухородан 40 км ғарбда жойлашган, Х асргача 500 кв. км майдонга эга бўлган Варахша шаҳарчаси ҳам Зарафшоннинг ўнг тармоғи Вобкентдарё маҳсули бўлган. Аммо, Сомонийлар даврида Бухоро шаҳри кенгайиб, сувга бўлган эҳтиёж кучайган. Шу боис, Шохруд каналининг сув оқимини кўпайтириш мақсадида Зарафшон дарёсига тўғон қурилиб, Варахшанинг сув



таъминотида танглик юзага келган. Оқибатда «Буюк ипак йўли»да савдо карвонлари учун муҳим роль ўйнаган қадимий маданият маркази Варахша аста-секин таназулга юз тутиб, аҳоли бошқа сувли жойларга кўчиб кетган. Варахшанинг ҳозирда қолдиқлари сақланиб қолган бўлиб, улардан фақат сайёҳлик мақсадида фойдаланилади.

Таниқли шарқшунос В. Радлов XIX асрда Зарафшон водийсини ўрганар экан, шундай ёзади: «Зарафшон водийсида ва унга туташ ерларда аҳоли мавжуд сувнинг миқдорига мос равишда зичликда жойлашган. Сув охириги томчисигача ишлатилади, шунинг учун бу ерларда илгаридан яшаб келаётган аҳоли манфаатларига зиён етказмай туриб, кичик кўрғон қуришнинг ҳам иложи йўқ».

Аҳоли сони кескин кўпайган XXI аср шароитида Зарафшон дарёсининг юқори оқимида гидроэлектростанциялар қуриш мақсадида турли тўғонлар барпо этиш бўйича режалар дарёнинг қуйи оқимидаги ҳудудларда жиддий табиий, экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга олиб келиши табиий. Шу боис, воҳада мавжуд экологик ва ижтимоий-иқтисодий мувозанатни таъминлаш учун Зарафшон дарёсининг суви табиатнинг инъоми ва умуминсоний неъмат сифатида фойдаланилиши мақсадга мувофиқ.

## ДУНЁНИНГ ТАБИЙ ОБИДАЛАРИ



### Амазонка – энг улкан дарё

Жанубий Америка деганда беихтиёр кўз олдимизга улкан Амазонка дарёси келади. Ҳақиқатан ҳам, Амазонка – серсувлиги, узунлиги, ҳавзаси ва дельтасининг катталиги бўйича дунёда биринчи ўринда турадиган дарёдир. Амазонка Мараньон ва Укаяли дарёларининг қуйилишидан ҳосил бўлади. Ҳавзасининг умумий майдони – 7,18 млн. кв. км ёки қарийб Австралия материги майдонига тенг.

Амазонка дарёсини европаликлардан биринчи бўлиб 1542 йилда Жанубий Американи кўндалангига кесиб ўтган испаниялик сайёҳ Франсиско де Орельяна кашф этган. Ўша йили ёзда сайёҳ гўёки улкан дарё атрофидаги чангалзорларда афсонавий амазонкалар қабиласини кўрган. Кейинчалик маълум бўлишича, де Орельяна



Амазонка – азим дарё.

«амазонкалар» деб ўйлаган кимсалар узун сочли ерли хиндулар ёки эпчилликда эркаклардан қолишмайдиган хинду аёллари бўлган.

Яқин вақтларгача деярли барча манбаларда Нил дунёдаги энг узун дарё, деб ҳисобланар эди. Аммо Бразилия География ва статистика институти олимлари олиб борган тадқиқотлар натижасида дунёдаги энг узун дарё Нил эмас, Амазонка деган хулосага келинди. Барча мавжуд географик адабиётларда Амазонканинг ирмоғи Укаяли Бразилия шимолида бошланади, деб ёзилган. Аммо бразилиялик олимларнинг Перу ҳудудидаги Анд тоғларида олиб борган тадқиқотлари баландлиги 5 минг метрдан ошувчи Мисми тоғидан бошланадиган Апахета дарёси Амазонканинг йирик ирмоқларидан бири Мараньонга қуйилишини исботлади. Перу Миллий география институти илмий ходимлари ҳамда Бразилия коинот тадқиқотлари маркази олиб борган картографик, гидрологик ва геодезик тадқиқотлар бразилиялик олимларнинг Амазонка Нилдан 91 км узун ва дунёдаги энг узун дарё (6862 км), деган хулосасини тасдиқлади.

Амазонканинг катта қисми Бразилия худудидан, дарёнинг жануби-ғарбий ва ғарбий қисмлари Боливия, Перу, Эквадор ва Колумбия давлатларидан оқиб ўтади. Дарёнинг кенглиги турли қисмларида 10 – 80 км, қуйилиш қисмида 200 км.гача, чуқурлиги – 135 метргача етади. Амазонка дунёдаги энг узун (325 км) ва катта дарё дельтасини (умумий майдони 100 минг кв.км.дан ортиқ) ҳосил қилиб, Атлантика океанига қуйилади. Дарё сув ҳажмининг катталиги боис, қуйилиш қисмида Атлантика океани сувининг шўрлиги ва рангини 320 км масофагача ўзгартиради. Шунингдек, Амазонка дельтасида дунёдаги энг катта дарё ороли – Маражо жойлашган. Мазкур оролнинг узунлиги 220 км, эни – 150 км, умумий майдони 40,1 минг кв.км бўлиб, Швейцария худудидан каттароқ.

Амазонка дарёсига юзлаб катта-кичик ирмоқлар қуйилади. Ирмоқларидан 20 тасининг узунлиги 1500 км.дан ортиқ бўлиб, дарёнинг нақадар улкан эканидан далолат беради. Шу боис, дарё жуда катта сув сарфига эга. Биргина Амазонканинг сув сарфи 28 та Волга дарёсининг сувига тенг. Ҳар сонияда Амазонка дарёси Атлан-



Амазонка ўрмонлари.


тика океанига ўртача 200 000 м<sup>3</sup>, сув кўпайган вақтда эса 340 000 м<sup>3</sup> сув қуяди. Дарё суви дунёдаги барча дарёлар сув миқдорининг 15 фоизини ташкил этади.

Амазонка йил давомида Атлантика океанига ўртача 1 млрд. тоннадан ортиқ қаттиқ жинс ва лойқаларни оқизиб келади. Денгиздаги сувнинг ой таъсирида кўтарилиши натижасида дарёнинг устки қисмида қалқишдан ҳосил бўладиган тўлқин унинг оқимиغا қарши йўналишда ҳаракат қилиб, 1400 км.гача етиб боради. Мазкур тўлқиннинг баландлиги баъзи ерларда 5 метргача етиб, унинг тезлиги соатига 25 км.дан ошади. Сувнинг мазкур ҳаракатидан ҳосил бўлган шалдирашни эса 10 км масофадан эшитиш мумкин. Шу боис, мазкур тўлқин маҳаллий халқ тилида «поророка», яъни «шалдироқ сув», деб аталади. Фан тилида эса уни «бор» деб аташ қабул қилинган. Поророкалар денгизда сув кўтарилиши натижасида катта миқдордаги сувнинг нисбатан тор бўлган дарёнинг қуйилиш қисмига кириб келиши натижасида дарё сувида орқага қараб ҳаракатланувчи баланд тўлқинларни ҳосил қилади. Аммо бу ҳодисани дарё сувининг тескари оқиши, деб атаб бўлмайди. Чунки, поророкалар юз берган пайтда Амазонканинг пастки қисмидаги сув оқими денгиз томон ҳаракатланишда давом этади.

Амазонка дарёси водийси – Амазония флора ва фауна вакиллари-га жуда бой. Амазониядаги тропик ўрмонларнинг умумий майдони 6,6 млн. кв. км бўлиб, улар Ер қуррасидаги кислороднинг 50 фоизидан ортиғини ишлаб чиқарадиган сайёрамизнинг ҳақиқий «ўпка-



Виктория регия.



Анаконда илони.

лари» ҳисобланади. Маълумотларга кўра, Амазонияда миллиондан ортиқ ўсимлик ва ҳайвон турлари мавжуд бўлиб, бу ерни сайёрамизнинг генетик фонди, деб аташ мумкин. Жумладан, бу ердаги тропик ўрмонларнинг ҳар 10 кв. км майдонига гулларнинг 1,5 минг тури, дарахтларнинг – 750, сут эмизувчиларнинг – 125, кушларнинг – 400 ва ҳашаротларнинг сон-саноксиз турлари тўғри келади. Мазкур турларнинг кўпчилиги ҳалигача фанда ўрганилмаган.



Қора ягуар.

Узунлиги 100 метргача борадиган ва куюк дарахтлар орасидан тангадай бўлсада қуёш нурини топиб, юқорига қараб интиладиган чирмовук(лиана)лар, барги киши оғирлигини кўтара оладиган сувда ўсувчи улкан нилуфар гуллари – Виктория регия Амазония тропик ўрмонлари ўсимлик дунёсининг фахридир. Бундан ташқари, Амазония ўрмонларида 800 дан ортиқ пальма турлари ўсади.

Амазонка атрофларида дунёдаги энг йирик, оғирлиги 50 кг. дан ошадиган кемирувчи ҳайвон – капибару учрайди. Дарё қирғоқларида дунёдаги энг йирик, узунлиги 11–12 метрга етадиган бўғма илон – анаконда ўз ўлжасини пойлаб ётади. Амазонка чангалзорларидаги энг хавфли ҳайвонлардан бири – ягуар. Гуарани қабиласининг эпчил хиндулари бу ҳайвонни «диагуар», яъни «худди биздек», деб аташади. Катталиги 5 см, оғирлиги 1,6 граммгача бўлган жажжи колибри дунёда энг кичик бўлибгина қолмай, сайёрамиздаги орқага уча оладиган ягона куш ҳамдир.

Амазонка дарёсида 2 мингдан ортиқ балиқ турлари яшаб, улар орасида дунёга энг машхури – йиртқич пиранья балиқларидир.



Колибри.

Пиранья – унча катта бўлмаган балиқ (узунлиги 13–30 см), ниҳоятда очофатлиги билан ажралиб туради. Қон хидига жуда сезгир бўлган мазкур балиқлар галаси одамга ва, ҳатто, йирикрок сут эмизувчиларга хужум қилиб, ўз ўлжасини ғажиб, тез фурсатда фақат суюгинигина қолдириши мумкин.

Амазонка дарёси оқиб ўтадиган давлатлар иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга. Дарё ҳавзасидаги табиий ўтлоқлар, ҳайдаладиган ерлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш нуқтаи назаридан катта салоҳиятга эга. Амазонка пасттекислиги улкан кенгликларида етиштириладиган маҳсулотлар боис, Бразилия йилига дунё бозорига чиқарадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қиймати 100 млрд. АҚШ долларидан ошади.

Амазонка ирмоқлари билан бирга умумий узунлиги 25 минг км.дан ошадиган, кемачиликда фойдаланиш мумкин бўлган ички сув йўллари ҳосил қилади. Дарёнинг асосий ўзани 4300 км масофада, яъни Анд тоғларигача кемачилик учун яроқли, қуйилиш жойидан 1700 км ичкарига, яъни Манаус шаҳригача йирик океан кемалари бемалол сузиб кира олади. Ушбу ҳолат дарё оқиб ўтадиган давлатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

## Нил – энг буюк дарё

Нил дарёси – Африкадаги энг узун, дунёдаги узунлиги ва аҳамияти бўйича икки энг буюк дарёнинг бири. Африканинг катта қисмидан, жумладан, қитъадаги 11 мамлакат ҳудудидан оқиб ўтади.

«Нил» сўзи дарёнинг юнонча номи «нейлос»дан олинган бўлиб, «илохий дарё» деган маънони билдиради. Шунингдек, юнонлар Нилни «Эгиптос» деб атаб, дунёдаги қатор тиллардаги Мисрнинг номи «Египет» шундан келиб чиққан. Дарё Шарқий Африка ясси

тоғлигидан бошланиб, катта дельта ҳосил қилиб, Ўрта денгизга қуйилади. Юқори қисмида Баҳр ал-Ғазал (ўнг), Ачва, Собат, Кўк Нил ва Отбара (чап) каби йирик ирмоқлар унга қуйилади. Отбаранинг Нилга қуйилиш жойидан бошлаб дарё чала чўллардан оқиб ўтиб, кейинги 3000 км масофада унга бирорта ҳам ирмоқ қуйилмайди.

Миср пойтахти Қоҳирадан 20 км шимолда дарё кўп сонли тармоқларга бўлиниб оқиб, Ўрта денгиз қирғоқларида Искандариядан Порт-Саид шахригача чўзилиб кетган учбурчак шаклидаги кенг дельтани ҳосил қилади. Нил дарёси дельтаси майдонига кўра (24 минг кв.км) қарийб Қрим яримороли ҳудудига тенг. Шуниси кизикки, дарёларнинг қуйилиш жойида ҳосил бўладиган «дельта»ни биринчи марта юнон географлари Нилга нисбатан ишлатишган. Юнонлар Нилнинг қуйилиш жойида ҳосил бўлган улкан учбурчак ҳудудни юнон алифбосидаги Δ (дельта) ҳарфига киёслаб, шундай номлашган. Кейинчалик бу ном дунёдаги барча дарёларнинг қуйилиш жойига нисбатан ишлатиладиган бўлди.

Нил дарёси ҳавзасининг умумий майдони турли манбаларда 3–3,4 млн. кв.км деб келтирилади. Дарёнинг ўртача сув сарфи Асвон тўғони ёнида секундига 2600 м<sup>3</sup> ни ташкил этади. Аммо сув камайган ва кўпайганда дарёдаги сувнинг миқдори секундига 500 м<sup>3</sup> дан 15 000 м<sup>3</sup> гача ўзгариши мумкин. Қадимги манбаларда, жумладан, Геродотнинг «Тарих» китобида Нил Нигер билан қўшилиб оқиши ва унинг қор ва муз сувларидан тўйинмаслиги ҳақида ёзилган. Птоломейнинг асарларида эса Нилнинг Ой тоғларидан бошланиши ҳақида ёзилиб, бу фикр узоқ вақт давомида яратилган географик асар ва хариталарда, шу жумладан ал-Хоразмий яратган Нил дарёси харитасида ишлатилган.

Дарё бошланиш қисмида қояли тоғлардан оқиб ўтгани боис, бу ерда кўп сонли остона ва шаршаралар мавжуд. Виктория кўлининг шимолий қисмидан Альберт кўлигача бўлган дарё Виктория-Нил деб аталади. Дарёнинг бу қисмидаги энг баланд шаршара – Мерчисон шаршарасининг баландлиги 40 метрдан ошади. Жуба шаҳридан қуйироқда тоғликдан оқиб чиққан Нил улкан ясси котловинани кесиб ўтади. Бу ерда дарёни «Баҳр ал-Жибол», яъни «Тоғ дарёси» деб аташади. Баҳр ал-Жиболнинг энг йирик ирмоғи «Баҳр ал-Ғазал» (Ғазаллар дарёси) бўлиб, тоғлардан оқиб чиқаётган шўх



Нилнинг Асвон тўғонидан юқори оқими.

ва оқ сувли мазкур дарёнинг оқими овози худди куй таратаётгандек эшитилгани боие, шу ном билан аталган. Хартум шаҳри яқинида тоғлардан оқиб чиқаётган Кўк Нил Оқ Нил билан кўшилиб, худди шу ердан Ўрта денгизгача дарё Нил номи билан аталади.

Нил дарёсининг турли қисмларида мавжуд бўлган остоналар дарёдан доимий равишда кемачилик мақсадида фойдаланишга тўсқинлик қилар эди. Аммо XX асрнинг 60-йилларида Асвон шаҳри яқинида барпо этилган умумий баландлиги 111 метр бўлган Асвон тўғони бу тўсиқни бартараф этди. Асвон тўғонининг умумий узунлиги 3600 метр, асосининг кенглиги – 980 метр. Уни барпо этиш учун 43 млн. м<sup>3</sup> тупроқ ишлатилган. Тўғоннинг барпо этилишидан ҳосил бўлган Носир кўлининг (сув омбори) узунлиги – 550 км, эни – 35 км.гача, майдони – 5,2 минг кв.км, сув сиғими – 132 куб километр (Чорвоқ сув омборидан 66 марта катта).

Тўғоннинг барпо этилиши сув сатҳи баъзи пайтларда 8 метрдан ортиқ кўтариладиган Нил дарёсининг оқимини тартибга солиш, ундан кемачилик ва суғориш мақсадида кенгроқ фойдаланиш





Асвон тўғони.

имконини берди. Дарёдан умумий узунлиги 13 440 км бўлган суғориш каналлари чиқарилган.

Нил – Саҳрои Кабирни кесиб ўтиб, сувларини Ўрта денгизга олиб келувчи ва Шимолий Африканинг бепоён саҳролардаги ҳаёт манбаи бўлган ягона дарёдир. Дарё қуйи қисмларида қирғоқларидан тошиб, водийларни маҳсулдор лойқа билан бойитади. Айниқса, аҳолисининг 97 фоизи дарёнинг 10–15 км кенгликдаги қирғоқбўйи ҳудудларида истиқомат қиладиган Миср учун дарё катта аҳамиятга эга. Нил дарёси бўйлаб Шимолий Африканинг йирик шаҳарлари – Хартум, Асвон, Фива, Қоҳира шаҳар агломерацияси, дельтасида эса Искандария шаҳри жойлашган.

### **Хуанхэ – энг лойқа дарё**

Хитойнинг Буюк текисликлар ҳудудини икки буюк дарё – Хуанхэ ва Янцзи дарёлари сув билан таъминлайди. Айниқса, хитойликлар Хуанхэ дарёси ҳавзасини мамлакат аҳолисининг асосий қисмини


ташкил этувчи ханлар келиб чиқиб, шаклланган асосий ҳудуд сифатида қадрлашади. «Хуанхэ» сўзи хитой тилида «сарик дарё» маъносини билдиради. Оқизиб келаётган лойқаларнинг кўплиги боис, дарё суви сарик кўринишга эга. Шу боис, дарё куйиладиган Тинч океани денгизи «Сарик денгиз» деб номланган.

Хуанхэ дарёси Тибет тоғлигининг шарқий қисмида денгиз сатҳидан 4000 м баландликда бошланади. Маълумотларга кўра, дарёнинг умумий узунлиги 4670 км, аммо баъзи манбаларда унинг узунлиги 5464 км, деб келтирилади. Ҳавзасининг умумий майдони 750 минг кв.км.дан ортиқ. Дарё муссон тўйиниш режимига эга бўлиб, ўртача сув сарфи секундига 2000 м<sup>3</sup> га тенг. Аммо ёзги тўлин сув даврида дарёнинг текислик қисмида унинг сатҳи 5 метрга, тоғларда эса 20 метргача кўтарилиши мумкин.

Ўз йўлида Лёссли плато ва Шансий тоғлари жинсларини ювиб, Хуанхэ дарёси Сарик денгизга йилига ўртача 1 млрд. 300 миллион тонна лойқа ва қаттиқ жинсларни оқизиб келади. Шу боис, мазкур дарё дунёдаги энг лойқа дарё, деб тан олинган. Хуанхэ сувининг ҳар бир куб метрида ўртача 34 кг, баҳорги тошқин пайтларида эса 700 кг.гача лойқа бўлади. Жумладан, Нилнинг лойқалик даражаси 1 м<sup>3</sup> сувда 1,2 кг. ни, АҚШдаги Колорадо дарёсида эса 10,2 кг. ни ташкил этади. Хуанхэ дарёси 1933 йилда энг катта – 3 миллиард 910 миллион тонна миқдордаги лойқани Сарик денгизга оқизиб келган. Аммо дарё сувидаги лойқанинг энг юқори концентрацияси – 920 кг/м<sup>3</sup> 1977 йилда кузатилган. Бу дарё сувининг 92 фоизини лойқа ташкил этгани ва унда сув ўрнига бўтана оққанидан далолат.

Лойқанинг кўплиги сабабли, дарё ўзани тобора кўтарилиб бормоқда. Баъзи жойларда ёзги муссон ёмғирлари даврида дарё атрофдаги текисликлардан 3–10 метргача баландда оқиб, сув кўпайган пайтда жуда катта тошқинлар юз беради. Жумладан, сўнгги икки минг йил давомида Хуанхэ дарёси 1000 мартадан ортиқ тошган.

Бундан ташқари, Хуанхэ дарёси 20 мартадан ортиқ ўз ўзани йўналишини ўзгартирган. Маълумотларга кўра, тарихда дарё ўзининг 80 километргача силжигани кузатилган. Кучли тошқиндан ҳимоя қилиш учун дарё қирғоқларида умумий узунлиги 5 минг ки-



Хуанхэ Ланьчжоу ёнида.

лометрдан ошадиган сунъий тўсиклар барпо этилган. Дарё тошқини аҳоли пунктлари ва қишлоқ хўжалик ерларининг вайрон бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун хитойликлар Хуанхэ дарёсини «Хитойнинг кулфати» деб ҳам аташади.


Хуанхэ дарёси Хитой иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга. Дарё 140 миллиондан ортиқ аҳолини ва катта майдондаги қишлоқ хўжалик ерларини сув билан таъминлашга хизмат қилади. Дарё оқизиб келаётган катта миқдордаги лойқалар қишлоқ хўжалик ерларининг унумдорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Дарёнинг юқори ва ўрта оқимларида қатор гидроэлектростанциялар барпо этилган. Хуанхэ Буюк канал орқали Янцзи ва Хуайхэ дарёлари билан туташтирилган.

Буюк Хитой текислиги чегарасида Хуанхэ дарёси кемачилик мақсадларида ҳам фойдаланилади. Дарё водийси аҳоли зич жойлашган худудлардан бирidir. Мазкур дарё қирғоқларида қатор шаҳарлар жойлашган бўлиб, улардан энг йириклари Ланьчжоу, Иньчуань, Баотоу, Лоян, Чжэньчжоу, Кайфэн, Цзинань ҳисобланади.

## Конго – энг чуқур дарё

Конго – Марказий Африкадаги, асосан Конго Демократик Республикаси ҳудудидан, жумладан, мазкур давлатнинг Ангола ва Конго Республикаси билан бўлган чегарасидан оқиб ўтувчи дарё. Африка қитъасида энг серсув ва узунлиги бўйича иккинчи ўринда туради. Конго ўз йўналиши бўйлаб экваторни икки марта кесиб ўтиши билан дунёдаги энг серсув дарёлар ичида ягона ҳисобланиб, уни 1482 йилда португалиялик денгизчи сайёҳ Диогу Кан кашф этган.

Конго дарёси Конго Демократик Республикасининг жануби-шарқида, мазкур давлатнинг Замбия билан чегараси яқинида, Ньяса ва Танганьика кўллари ўртасидаги платода 1590 метр баландликда Чамбези номи билан бошланади. Аввал шимолга, сўнг ғарбга ва жанубга қараб йўналган дарё, қуйи қисмида Жанубий Гвинея тоғлигидаги тор (баъзи жойларда кенлиги атиги 300 метр) дарадан оқиб ўтиб, умумий тушиш баландлиги 270 метр бўлган Ливингстон шаршараларини ҳосил қилади. Дарёнинг чуқурлиги Ливингстон




Конго дарёси.

шаршаралари атрофида 230 метр бўлиб, Конго дунёдаги энг чукур дарё ҳисобланади. Матади шаҳри яқинида дарё унча кенг бўлмаган денгизбўйи пасттекислигига оқиб чиқиб, Банана шаҳри ёнида катта дельта ҳосил қилиб, Атлантика океанига қуйилади.

Йил мавсумларига боғлиқ ҳолда Конго дарёсининг сув сарфи унинг қуйилиш қисмида секундига 23 000 м<sup>3</sup> дан 75 000 м<sup>3</sup> гача ўзгариши мумкин. Дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи эса секундига 46 000 м<sup>3</sup> (Амазонкадан 4,5 марта кам), йиллик оқим миқдори – 1450 куб километр (Амударё ва Сирдарёнинг йиллик оқим миқдоридан 13 марта кўп). Тропик минтақада жойлашган бошқа дарёлардан фарқли равишда йил давомидаги бирмунча текис тақсимланган сув режими билан ажралиб туради. Бунинг асосий сабаби – дарё ҳавзаси бўйлаб экваторнинг иккала томонида алмашиб турадиган ёмғирлар мавсумидир. Дарёнинг юқори қисмида серсув давр ноябрь-декабрга, ўрта ва қуйи оқимида эса май-июнь ва ноябрь-декабрга тўғри келади. Конго дарёси олиб келадиган катта миқдордаги чучук сув океан сувининг қирғоқдан 80 км узокликкача чучуклашишига сабаб бўлади. Асосан, тоғли ҳудудлардан оқиб ўтишига қарамай, Конго дарёси йилига океанга 50 млн. тоннадан ортиқ қаттиқ жинсларни оқизиб келади.

Дунёдаги бошқа кўпчилик йирик дарёлар қуйи қисмида текисликлардан оқиб, жуда секин оқим тезлигига эга. Бу ҳолат уларнинг гидроэнергия ишлаб чиқариш салоҳиятини пасайтиради. Аммо Конго дунёдаги бошқа дарёлардан фарқли ўларок, гидроэнергия ресурсларига энг бой дарёлардан ҳисобланади. Унинг гидроэнергия ишлаб чиқариш салоҳияти 390 гигаваттдан ортиқ. Дарёнинг йил давомида тўлиб оқиши ва ўзанининг бошланиш қисмидан қуйилиш жойига қадар катта қияликка эга экани бунга имкон яратган. Конго дарёсида бир нечта йирик гидроэлектростанциялар – Нзила, Нсеке ва Инга Ливингстон шаршаралари атрофида барпо этилган.

Конго дарёси гидроэнергия ишлаб чиқаришдан ташқари, баликчилик ва кемачилик нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Дарё, остоналар мавжуд бўлган баъзи қисмларидан ташқари, кемалар юриши учун яроқли. Ҳавзасидаги кема юра оладиган ички дарё йўлларининг умумий узунлиги 20 минг км.дан ошади. Дарёнинг кема юра олмайдиган қисмларидан темир йўллар ўтказилган,




Конго дарёсидаги гидроэлектрстанция.

улар океандан материк ичкарасигача юкларни ташиш имконини беради. Конго дарёси бўйлаб қатор шаҳарлар жойлашган, улардан энг йириклари Букама, Конголо, Киншаса, Матади, Банана ва Браззавилдир.

## **Волга – Европадаги энг йирик дарё**

Волга – Россиянинг Европа қисмида жойлашган, Дунё океани денгизлари билан бевосита туташ бўлмаган ёпиқ ҳавза дарёлари ўртасида, шунингдек, Европадаги энг йирик дарёдир.

Қадимги олимларнинг (Птоломей ва Марцеллин) асарларида «Ра», ўрта асрларда яратилган манбаларда «Итиль» номи билан маълум. Маълумотларга кўра, дарёнинг ҳозирги номи славянча «вьлга», яъни «намлик» сўзидан келиб чиққан. Манбаларда ёзилишича, Волга ҳақидаги дастлабки маълумотлар милоддан аввалги V асрда яшаган қадимги юнон тарихчиси Геродот асарларида учрайди. Геродот Волгани «Оар» номи билан атаган, аммо нима учундир



Волга дарёсининг рамзий бошланиш жойи.

Азов денгизига қуйилади, деб ёзган. Баъзи манбаларда Волганинг номи «Аракс» деб келтирилган.

Волга ва унга қуйиладиган йирик ирмоқларининг географик ўрни мазкур дарё ҳавзасини VIII асрдаёқ Европа ва Осиё ўртасидаги муҳим савдо йўлига айлантирди. Айнан Волга дарёси бўйлаб араб давлатларидан катта миқдордаги кумуш Скандинавия мамлакатларига ташилган. Шунингдек, араб мамлакатларидан Шарқий Европага турли матолар, металл олиб келинган ва славянлар яшайдиган ҳудудлардан эса Шарққа мўйна, асал ва асалари муми экспорт қилинган. Дарёнинг асосий савдо йўли сифатидаги аҳамияти XX асрнинг 30-йилларигача сақланиб қолган. Худди шу пайтдан Волгадан гидроэнергия манбаи сифатида фойдаланиш бошланади. XX асрнинг 50-йилларидан кейин дарёда қатор йирик сув омборларининг қурилиши бу ерда юқори қувватли гидроэлектрстанцияларнинг барпо этилишига сабаб бўлди.

Волга дарёси Валдай қирларида денгиз сатҳидан 229 метр баландликда, аниқроғи – Россиянинг Тверь вилоятидаги Волговерховье қишлоғидаги булоқдан бошланиб, Каспий дарёсига улкан

дельта ҳосил қилиб қуйилади. Қуйилиш жойи денгиз сатҳидан 28 метр пастда жойлашган. Дарёнинг умумий узунлиги – 3530 км (сув омборлари қурилгунига қадар – 3690 км), ҳавзасининг умумий майдони – 1,36 млн. кв.км. Волга дарёси тизими 151 мингдан ортиқ очиқ сув ҳавзалари – дарёлар, жилғалар, қуриб қолувчи сойлар ва бошқаларни ўз ичига олиб, уларнинг умумий узунлиги – 574 минг км.дан иборат. Волгага 200 дан ортиқ ирмоқлар қуйилиб, дарёнинг чап ирмоқлари ўнг ирмоқларга нисбатан серсуврок.

Дарё ҳавзаси Россиядаги Шарқий Европа текислигининг учдан бир қисмини эгаллаб, ғарбда Валдай ва Ўрта Рус қирлари, шарқда эса Урал тоғлари билан чегараланади. Дарё ҳавзасининг асосий сув йиғиладиган юқори оқими (Нижний Новгород ва Қозон шаҳарларигача) ўрмон зонасида, ўрта оқими (Самара ва Саратов шаҳарларигача) – ўрмон-дашт зонасида, қуйи қисми (Волгоград шаҳригача) – дашт, ундан қуйироғи – чала чўл зонасида жойлашган.

Дарё асосан қор (умумий оқим миқдорининг 60 фоизи), ер ости (30 фоиз) ва ёмғир (10 фоиз) сувларидан тўйинади. Сув режими баҳорги тошқин (апрель-июнь), ёзги ва қишки камсувлик ва кузги ёмғир тошқинлари (октябрь) билан ажралиб туради. Дарёнинг ўртача сув сарфи Волгоград шаҳри ёнида секундига 8060 м<sup>3</sup> (Амазонка дарёси-ўртача сув сарфидан 25 марта, Конгодан 6 марта кам). Аммо камсув мавсумда бу кўрсаткич кескин камаяди. Дарёда сув омборлари қурилгунга қадар Волга Каспий денгизига йилига ўртача 25 млн. тонна лойқа, 50 млн. тоннагача эритилган минерал моддаларни оқизиб келар эди. Сув омборларининг қурилиши дарё оқим тезлигини, унга боғлиқ равишда денгизга оқизиб келинаётган қаттиқ жинсларнинг умумий миқдори камайишига сабаб бўлди.

Волга дарёсининг дельтаси асосий дарёдан Ахтуба тармоғининг ажралиш жойидан бошланиб, Европадаги энг йирик дельталардан биридир. Дельта ҳудудидан 500 дан ортиқ ирмоқ, тармоқ ва кичик дарёчалар оқади. Маълумотларга кўра, Волга дельтаси турли даврларда ўз жойини ўзгартириб турган. Л. Гумилёвнинг ёзишича, «куруқ иқлим зоналарининг II асрда бошланган қуриши III асрга келиб ўзининг энг юқори поғонасига етган. Бу вақтда Каспий денгизининг сатҳи 32–33 метргача пасайган. Сув сатҳининг пасайиши туфайли Волга шунчалик кўп сув олиб келганки, ўша вақтдаги




дарё ўзани катта ҳажмдаги сувни сиғдира олмай, ҳозирги вақтдаги дельтасини ҳосил қилган. Ўша вақтларда дарё дельтаси жанубда Манғишлоқдан шимолрокдаги Бузачи яриморолигача чўзилган».

## **Дунай – энг кўп миллатли дарё**

Дунай – узунлиги бўйича Европада Волгадан кейин иккинчи ўринда турувчи дарё. Жуда кўп сонли мамлакатлар худудини кесиб ўтиши боис, «энг кўп миллатли дарё» номини олган.

Дарёнинг номи унинг ҳавзасида милоддан аввалги дастлабки беш аср давомида яшаган кельтлар томонидан берилган.

Дунай ҳақидаги дастлабки, бирмунча аниқ маълумотлар милоддан аввалги V асрда яшаган юнон тарихчиси Геродотнинг «Тарих» асарида келтирилган. Геродотнинг ёзишича, «Истр (Дунайнинг қадимги юнонча номи) кельтлар мамлакатидан бошланиб, Европанинг ўртасидан оқади. Дарё Эквин понтига (Қора денгизга) етгита тармоқ орқали қуйилади».



Донауэшинген шаҳридаги Дунай дарёсининг бошланишини англатувчи рамзий булок.

Дунай дарёси Германиянинг Баден-Вюртемберг ўлкасидаги Шварцвальд тоғларида, Донауэшинген шаҳри яқинида денгиз сатҳидан 678 метр баландликда 48 км узунликдаги Брег ва 43 км. ли Бригах ирмоқларининг қуйилишидан ҳосил бўлади. Донауэшинген шаҳридаги қасрда Дунаининг бошланишини акс эттирувчи рамзий булоқ барпо этилган.

Дарё ҳавзасининг умумий майдони – 817 минг кв.км бўлиб, шарқдан ғарбга 1690 км.га, шимолдан жанубга – 820 км. га чўзилган. Дунай ҳавзаси асимметрик шаклга эга. Ўнг қирғоқ худуди бирмунча кичикроқ бўлиб, 44 фоиз сув йиғиладиган майдонни эгаллайди. 100–2000 км узунликка эга бўлган 20 га яқин ирмоқлари мавжуд, улар дарё оқими бўйлаб нотекис тақсимланган. Жумладан, ирмоқларнинг аксарияти Альп ва Карпат тоғларининг тоғ олди худудларида дарёга қуйилади. Ўрта Дунай пасттекислигида эса бирорта ҳам ирмоқ Дунайга қўшилмайди. Дарёнинг йиллик ўртача сув сарфи секундига 6400 м<sup>3</sup> бўлиб, сувнинг йиллик умумий миқдори 210 куб километрни ташкил этади.

Бошланиш қисмидан тахминан 30 км.дан кейин Дунай дарёси гўёки Ер юзидан ғойиб бўлиб, сувнинг асосий қисми дарё водий-



Дунай дарёсининг юқори оқими.



Карпат тоғларидаги Темир дарвоза.

сидаги оҳактошли тоғ жинсларида ҳосил бўлган ёрик, тирқиш ва туйнуклар орқали ер остига сизиб кетади. Дарё ғойиб бўлган жойдан 12 км жануброқда ер остидан Германиядаги энг кучли булоқ отилиб чиқади. Булоқдан секундига 25 тоннадан ортиқ сув оқиб чиқиб, ундан Рейн дарёси бош олувчи Баден кўлига қуйиладиган Аах дарёси бошланади.

Аах булоғининг Дунайнинг ер остида оқадиган сувларидан тўйиниши 1877 йилда 100 центнер тош тузни Дунай ғойиб бўлган ерда сувга солиш орқали исботланган. Орадан 55 соат ўтиб, сувга солинган эриган тош туз Аах булоғида пайдо бўлган. Сув кўпайган пайтда ер ости оқими бу масофани 20 соатда босиб ўтган. Кейинчалик Дунайнинг ғойиб бўлган сувлари ер ости каналлари орқали оқиб, 12 км.да 185 метрга пасайиб, Вимзер ғорида Аах булоғидан ер устига отилиб чиқиши аниқланган.

Ўз йўлида Дунай оқим йўналишини бир неча марта ўзгартиради. Дастлаб, дарё Германиянинг тоғли қисмидан жануби-шарққа қараб оқади. Сўнг ўз оқимини шимоли-шарқ томонга ўзгартириб, бу йўналиш Регенсбург шаҳрига қадар давом этади. Мазкур шаҳар яқинида Дунай дарёси оқимининг энг шимолий нуқтаси

(49°03' ш.к.) жойлашган. Регенсбург ёнида дарё жануби-шарққа бурилиб, Вена котловинасини кесиб ўтиб, Ўрта Дунай пасттекислиги бўйлаб 600 км масофада оқади. Дарё Жанубий Карпат тоғ занжирида Темир дарвоза орқали йўл очиб, сўнг 900 км масофада Қора денгизга қадар Қуйи Дунай пасттекислиги орқали оқади.

Дунай дарёси қуйи қисмида тармоқланиб, кўп сонли ирмоқ, кўл ва ботқоқлар тўридан иборат, узунлиги 75 км, кенлиги 65 км бўлган улкан дельтани ҳосил қилади. Дельтанинг асосий қисми қамиш, лух, қиёқ ўт ва буталар билан қопланган ўзига хос ландшафтга эга. Шунингдек, дарё дельтасида Дунай биосфера қўриқхонаси жойлашган.

Бошланиш қисмидан Қора денгизга қадар Дунай 10 та давлат – Германия, Австрия, Словакия, Венгрия, Хорватия, Сербия, Болгария, Руминия, Молдова ва Украина ҳудудидан оқиб ўтади. Шунингдек, Дунай дарёси ҳавзаси Марказий ва Жанубий Европадаги 18 та давлат ҳудудини бутунлай ёки қисман қамраб олади (юқоридаги 10 та давлатдан ташқари – Италия, Словения, Босния ва Герцеговина, Албания, Македония, Польша, Швейцария ва Чехия). Барча дунайбўйи мамлакатлари учун дарё табиий давлат чегараси



Дунай дарёси Будапешт ёнида.

ролини ўтайди. Баъзи мамлакатлар ҳудудида (Руминия) дарёнинг узунлиги 1075 км.ни, бошқаларида эса (Молдова) бор-йўғи 200 метрни ташкил этади.


Дунай дарёси қирғоғида ўнлаб йирик шаҳарлар, шу жумладан Европадаги 4 та давлатнинг пойтахтлари: Австрия пойтахти Вена (аҳолиси 1,6 млн. киши), Сербия – Белград (1,67 млн.киши), Венгрия – Будапешт (1,7 млн.киши), Словакия – Братислава (425 минг киши), шунингдек, Германиянинг Бавария федерал ўлкаси маркази Мюнхень шаҳри (1,36 млн. киши) жойлашган.

1992 йилда Германияда Майн-Дунай каналининг қурилиши натижасида Дунай дарёси Шимолий денгиздаги Роттердам портидан Қора денгиздаги Сулин портигача узунлиги 3500 км бўлган трансевропа сув йўлининг узлуксиз қисмига айланиб, ташиладиган юкларнинг умумий ҳажми йилига 100 млн. тоннадан ошиб кетди. Дарёдаги кема қатнови йилнинг катта қисмида давом этади. Узлуксиз кема қатновини йўлга қўйиш учун дарёда 19 та шлюзлар барпо этилиб, кемаларни юқорига кўтариш ва пастга тушириш масофаси 5 метрдан 34 метргача этади.

## **Анхель – энг баланд шаршара**

Шаршаралар гўзаллиги ва жозибадорлиги билан ҳамма вақт сайёҳларни ўзига жалб этиб келган. Жанубий Америкада жойлашган дунёдаги энг баланд Анхель шаршараси – ана шундайлардан.

Анхель шаршараси – Венесуэла ҳудудидаги Гвинея ясси тоғлигидан оқиб ўтадиган Чурун дарёсида жойлашган. Мазкур шаршарадан тушаётган сувнинг тубидан қоянинг энг тепа қисмигача бўлган баландлиги 979 м, шаршара олдида ҳосил бўлган остоналар билан бирга 1054 м бўлиб, Ниагара шаршарасидан қарийб 20 марта баланд. Сувнинг қояларга тегмасдан устун шаклида тушиш баландлиги – 807 метрни ташкил этади. Шаршара 1935 йилда устидан биринчи марта самолётда учиб ўтган Жеймс Энжель шарафига номланган. Маҳаллий халқ, яъни Венесуэладаги пемонлар тилида – «керепакупай вена», яъни «энг чуқур жойдаги шаршара», деб аталади.



Анхель шаршараси.

Шаршара Венесуэланинг тропик ўрмонларида, Канайма миллий боғи ҳудудида жойлашган. Чурун дарёсининг суви Венесуэладаги энг йирик ясси тоғлардан (ерли халқ тилида «тепуи») бири Ауянтепуидан (маъноси – «шайтон тоғи») Кереп дарёсига тушади. Сувнинг тушиш баландлиги шунчалик каттаки, шаршара тубига етгунча ундаги сув майда заррачаларга бўлиниб кетиб, куюк туман ҳосил қилади. Ушбу туманни бир неча километр узоқдан кузатиш мумкин.

Анхель шаршараси 1910 йилда испан сайёҳи Эрнесто Санчес Ла Крус томонидан аниқланган. Аммо мазкур табиий объект ҳақидаги маълумотлар АҚШлик учувчи Жеймс Энжелнинг бу

худудга 1935 йилда қилган саёҳати натижасида жаҳон аҳлига маълум бўлди. Америкалик учувчи бу ерга олмос конларини топиш илинжида самолётда келган. Сайёҳнинг мазкур режаси ерли халқ ўртасида Чурун дарёси водийсида куёшда ялтирайдиган тошлар кенг тарқалгани (аслида бу тоғ жинси – ялтироқ кварц бўлган) ҳақидаги маълумотларга асосланган.


1935 йилнинг ноябрида Ж. Энжел Гвинея ясси тоғлигидаги Ауянтепуи деб номланган усти ясси тоғни кўриб қолгач, бу жой сайёҳнинг эътиборини тортади. Ясси тоғлик устига самолётни қўндиришга уринган Энжелнинг ҳаракати муваффақиятсизликка учраб, самолёт қўниш вақтида жиддий шикастланди. Энжел ва унинг шериклари тепуи устидан пастга пиёда тушишга мажбур бўлиб, шу йўсинда шаршарани ўрганишган. Испан тилида «Энжел» сўзининг «Анхель» тарзида ўқилиши сабабли, шаршарани Анхель деб аташ қабул қилинган.

Ж. Энжелнинг шикастланган «Фламинго» самолёти Гвинея ясси тоғлиги устида 33 йил қолиб кетган. 1968 йилда уни вертолётда олиб кетиб, таъмирлаб, дастлаб, Маракай шаҳридаги авиация музейига, сўнг Сьюдад-Боливар шаҳри аэропорти олдига ўрнатишган.

1949 йилда АҚШ Миллий география жамияти олимлари томонидан Анхель шаршарасига биринчи илмий экспедиция ташкил этилгач, мазкур объектнинг баландлиги аниқланиб, у ҳақда китоб нашр этилган. 1994 йилда эса Венесуэладаги Канайма миллий боғи, шу жумладан Анхель шаршараси ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон мероси» рўйхатиغا киритилган.

## **Ниагара – сўв момақалди роғи**

Дунёдаги шаршаралар ичида энг шовқин-суронлиси – Шимолий Америкадаги Ниагара шаршарасидир. АҚШнинг Нью-Йорк штати-ни Канаданинг Онтарио провинциясидан ажратиб турадиган мазкур шаршара мажмуига Канада ёки «Тақа», Америка ёки «Никох либоси» каби шаршаралар киради. Шаршара унча катта бўлмаса-да,



Ниагара шаршаралари.

жуда кенг, окиб ўтаётган сувнинг ҳажми бўйича Шимолий Америкда энг йирик ҳисобланади.

Ниагара атрофларида ирокезларнинг Онгиара қабиласи яшаган. Шу боис, «Ниагара» номи маҳаллий халқ – ирокезлар тилидаги «Онгуиахра», яъни «сув момақалди роғи» деган сўздан келиб чиққан. «Тақа» шаршарасининг номи – отнинг такасига ўхшаш шакли учун, «Никоҳ либоси» номи – сувнинг майда заррачаларга бўлиниб, худди келинларнинг ҳарир никоҳ либосига ўхшаб кўриниши туфайли берилган.

Ниагара шаршарасининг баландлиги – 53 метр, остонасида улкан тош уюмлари бўлгани сабабли, ҳосил бўладиган сув устуни баландлиги – 21 метр. «Никоҳ либоси» шаршарасининг кенглиги – 323 метр, «Тақа» шаршарасиники – 792 метр. Шаршарадан тушаётган сувнинг умумий ҳажми секундига 5700 м<sup>3</sup>дан ошади. Аммо ёз мавсумида сувнинг асосий қисми шаршара пастадаги умумий қуввати 4,4 гигаваттдан ошадиган электр станцияларига йўналтирилгани боис, сув сарфи секундига 2800 м<sup>3</sup>гача камайиши мумкин.



Ниагара шаршарасидаги сайёҳлик кемаси.



Маълумотларга кўра, Ниагара шаршарасининг сув эрозияси таъсирида шимол томонга силжиши давом этмоқда. Манбаларда ёзилишича, Ниагара шаршараси охириги 560 йил давомида йилига ўртача 0,6–3,0 метр тезлик билан жануб томон силжиган. Аммо бу силжиш кейинги 50 йилда шаршара сувининг гидроэлектростанцияларга олиниши натижасида бирмунча камайган. 1969 йилда «Никоҳ либоси» шаршарасининг суви вақтинча қуритилиб, унинг асосини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилган. Бу пайтда дарё суви асосан «Тақа» шаршарасидан оққан. Олимларнинг фикрича, агар Ниагара шаршараси шундай тезликда силжишда давом этса, «Никоҳ либоси» шаршараси 5000 йилдан кейин бутунлай йўқолиб кетади, «Тақа» шаршараси эса шимол томонга 1,2 километрга сурилиши мумкин.

## Гүлдүраётган түтүн


Дунёдаги шаршараларнинг ҳар бири нимаси биландир алоҳида ажралиб туради. Африкадаги Замбези дарёсида, Замбия ва Зимбабве чегарасида жойлашган Виктория шаршараси дунёдаги баландлиги



Виктория шаршараси.



Виктория шаршараси курук мавсумда.



«Виктория шаршараси» миллий боғидаги ок каркидонлар.

100 метрдан, кенглиги эса 1 километрдан ошадиган ягона шаршарадир. Мазкур шаршаранинг баландлиги – 128 метр, кенглиги – 1800 метр.

Африкани чукур ўрганган Буюк британиялик сайёх Давид Ливингстон ушбу шаршарани 1855 йил ноябрь ойида европаликлардан биринчи бўлиб тасвирлаган ва уни қиролича Виктория шарафига номлаган. Илк бор шаршарани кўргач, Д. Ливингстон шундай деб ёзган эди: «...ушбу гўзалликни Англиядаги бирор нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бунақасини европаликлар ҳали кўришмаган...».

Атрофида яшайдиган ерли аҳоли ўртасида мазкур шаршара «Мози оа туня», яъни «гулдураётган тутун» номи билан аталади. Сувнинг бирмунча баланддан ҳамда икки километрга яқин кенгликдан пастга гулдураб оқиб тушиши натижасида майда зарраларга бўлиниб, тутунга ўхшаб кўрингани боис, маҳаллий аҳоли шаршарани шундай ном билан атаган.

Шаршара Замбези дарёси Ер пўстидаги ёриқдан кескин пастга оқиб тушган жойда ҳосил бўлган. Жарлик ёқасидаги ороллар шаршаранинг тўртга бўлинишига сабаб бўлган. Сув юқоридан кенглиги 150 метрдан ошадиган «Қайнаётган қозон» деб номланган даранинг энг чукур жойига оқиб тушади. Юқоридан тушаётган сув майда зарраларга бўлиниб, ерга урилгач, 400 метргача баландликка сачрайди. Шаршара натижасида ҳосил бўлган туманни 50 километр масофадан кўриш мумкин. Мазкур ҳолат шаршаранинг исми ўзига монанд эканидан далолат беради.

Ёмғирли мавсумда шаршарадан секундига 9100 м<sup>3</sup> сув оқиб ўтади. Аммо қурғоқчилик мавсумида сувнинг ҳажми секундига 350 м<sup>3</sup> гача камайиб, бу пайтда шаршарадан кўтарилаётган сув зарраларидан ҳосил бўладиган туман умуман кўринмайди. Сув кўпайган пайтда (апрель) шаршара оқиб тушаётган дарадаги сувнинг сатҳи сув камайган мавсумга (октябрнинг охири) нисбатан 20 метрга кўтарилиши мумкин.


1905 йилда «Қайнаётган қозон»дан қуйироқда шаршарага 45° бурчак остида дара устида темир йўл кўприги қурилган. Кўприкнинг узунлиги – 250 метр, дарё сатҳидан баландлиги – 125 метр. Темир йўл қурилганига қадар шаршарага келаётган сайёхлар сони жуда

кам бўлган. Аммо XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Виктория шаршарасининг оммавийлиги ортиб, ўтган асрнинг 90-йилларида бу ерга йилига 300 мингдан ортиқ сайёҳ ташриф буюрган. Ушбу кўрсаткич Жанубий Африкадаги ривожланаётган мамлакатлар ша-роитида жуда сезиларли ҳисобланади.

Виктория шаршараси Жанубий Африкадаги энг машҳур таби-ий обидалардан бири бўлиб, ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон мероси» рўйхатиغا киритилган.

## Мўъжизакор оқим

Дунё океанида шундай оқимлар борки, улар ҳақиқий мўъжиза яратади. Шимолий Америкадаги Мексика кўлтиғидан оқиб чиқиб, Шимолий Европага қараб йўналган Гольфстрим («кўлтиқдан чиқаётган оқим») оқими ана шундайлардан. Гольфстрим таъсири-да Атлантика океанига туташ Европа мамлакатларида Ер қурраси-нинг худди шу кенгликларидаги бошқа жойларга нисбатан илик ва юмшоқ иқлим шароити мавжуд. Чунки катта миқдордаги илик



Гольфстрим оқими йўналиши чизмаси.

океан оқими устидаги ҳаво ҳам илиб, ғарбий шамоллар ёрдамида Европага кириб келади.

Гольфстрим – битта яхлит тасма бўлиб йўналаётган сув массаси бўлмай, у бир неча йўналишлардан иборат. Унинг шарқий чеккасида баъзи айлана ҳаракат қиладиган қанотлари айрим жойларда ҳатто, оқимдан ажралиб кетади. Флорида бўғизи орқали Мексика кўлтиғидан чиққан оқим Багама банкиси орқали АҚШнинг шарқий қирғоқларига параллел равишда йўналган. Ньюфаундленд ороли яқинида Гольфстрим совуқ Лабрадор оқими ва шимолдан келаётган совуқ ҳаво массалари билан тўқнашади. Шу боис, мазкур худудда доим куюқ туман кузатилади. Худди шундай ҳолат Буюк Британия қирғоқларида ҳам мавжуд. Гольфстрим таъсирида мазкур мамлакатнинг аксарият қисмида вужудга келган куюқ туман унинг «туманли альбион», деб ном олишига сабаб бўлган.

Ньюфаундленд оролидан Гольфстрим шарққа – Европа қирғоқларига томон йўл олади. Океаннинг бу қисмида оқим Ғарбий шамоллар оқими, деб аталади. Тахминан Атлантика океани ўрталарида оқим иккига бўлиниб, биттаси Шимоий Атлантика номи билан шарққа қараб давом этиб, Европага йўналади, бошқаси – жанубга бурилиб, Канар оқимини ҳосил қилади. Шимолий Атлантика оқими Британия қирғоқларига етганда бир йўналиш – Ирмингер оқими ғарбга – Исландия томон, бошқаси – Норвегия оқими Скандинавия яримороли қирғоқлари бўйлаб Баренц денгизигача етиб боради.

Шу боис, Скандинавия яриморалининг шимолида жойлашган Норвегияда январь ойининг ўртача ҳарорати мазкур мамлакат билан билан бир кенгликда ётувчи бошқа жойларга нисбатан 15–20°С юқори. Канадада 60° шимолий кенгликда тундра бошланиб, шимол буғулари ва бизонларгина яшаса, Гольфстрим таъсиридаги бирмунча илик Европа шимолида бутунлай бошқача ҳолат кузатилади. Жумладан, Баренц денгизи Шимолий муз океани денгизи бўлишига қарамай, умуман музламайди, Мурманск шаҳри деярли шимолий кутб доирасида жойлашган, аммо, бу ердаги денгиз портида Гольфстрим таъсирида доимий равишда кема қатнови давом этади.

Гольфстрим оқимининг ҳосил бўлиши ва унинг Атлантика орқали шимоли-шарққа қараб диагональ бўйлаб йўналишига бир неча омиллар сабаб бўлади. Буларнинг энг асосийлари сифатида

атмосфера ҳавосининг айланиши ва шимолга яқинлашган сари тобора кучайиб борадиган Кариолис кучини (Ернинг ўз ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўладиган куч) кўрсатиш мумкин.

Гольфстримнинг сув сарфи секундига 50 миллион м<sup>3</sup> ни ташкил этади. Бу дунёдаги энг серсув дарё – Амазонканинг Атлантика океанига ҳар бир секундда куяётган сувидан (200 минг м<sup>3</sup>) 250 марта ёки дунёдаги барча дарёларнинг сув сарфидан 20 марта кўпдир. Оқимнинг иссиқлик қуввати эса тахминан  $1,4 \times 10^{15}$  ваттга тенг.

## Одам чўкмайдиган денгиз

Ўлик денгиз – номининг бирмунча ёқимсиз жаранглашига қарамасдан, бир талай ижобий хусусиятларга эга, Исроил ва Иордания давлатлари чегарасида жойлашган ёпиқ кўлдир.

Иордан ботиғининг энг чуқур қисмида жойлашган кўлнинг коқ ўртасидан Исроил ва Иорданиянинг давлат чегараси ўтган. Кўл 400 метрга яқин чуқурликка эга шимолий, бирмунча саёз ва кичик жанубий қисмлардан иборат. Майдони – 810 кв.км, узунлиги –



Ўлик денгиз – энг шўр кўллардан бири.


67 км, кенлиги – 18 км, сув сатҳининг Ўрта денгиз сатҳига нисбатан 423 метр чуқурликда экани уни нафақат Евросиё, балки дунёдаги курукликнинг энг паст нуқтасига айлантирган.

Сув таркибидаги тузларнинг миқдори жуда юқори бўлгани сабабли мазкур сув хавзасида баъзи бир бактериялардан бошқа тирик жонзотларнинг ҳаёт кечирishi учун шароит мавжуд эмас. Шу боис, ушбу кўл Ўлик денгиз деб аталган. Сувининг шўрлиги бўйича дунёда Африкадаги Ассал кўлидан кейин иккинчи ўринда туради. Агар Дунё океанининг 1 литр сувида 35 грамм туз бўлса, ушбу кўрсаткич Ўлик денгизда қарийб 8 баробар кўп ёки бу ердаги 1 литр сувда 275 грамм туз мавжуд. Тузларнинг юқори концентрацияси сабабли ушбу сув хавзасида сузишни билмайдиган кишилар ҳам бемалол чўмилиши мумкин, чунки Ўлик денгизнинг сувида одам чўкмайди.

Аммо шунга қарамай, мутахассисларнинг фикрича, Ўлик денгиз ҳақиқий ҳаёт денгизи ҳисобланади. Ўлик денгиз сувида магний хлорид (50,80%), кальций хлорид (30,4%) ва калий хлорид (4,5%) тузлари кўп. Сув таркибидаги катта миқдордаги минераллар, бром буғларига тўйинган кислородга бой ҳаво, кўл тубидаги шифобахш балчиқ, бир қанча иссиқ минерал булоқлар туфайли ушбу денгиз жойлашган ҳудуд сайёрамиздаги ноёб табиий даволаш муассасалари жойлашган курортлардан бири ҳисобланади.

Тропик иқлим минтақасида жойлашганига қарамасдан, Ўлик денгиз устида ҳосил бўлган табиий филтрдан ўтиб келувчи қуёш нурлари одам танасини куйдирмайди. Шу боис, Ўлик денгиз ҳудуди турли тери касалликларини даволаш учун жуда қулай. Сайёрамизнинг турли бурчакларидан миллионлаб сайёҳлар ҳар йили бу ерга дам олиш ва даволаниш мақсадида ташриф буюрадилар.

Ўлик денгизга Иордан дарёси ва бир нечта қуриб қолувчи ирмоқлар қуйилади. Аммо, кўлни сув билан таъминловчи манбаларнинг хўжалик мақсадларида кенг фойдаланилиши, шўр сувдан турли минералларнинг sanoat йўли билан ажратиб олишнинг қучайиши сабабли, Ўлик денгиз йилдан-йилга саёзлашиб бормоқда. 1998 йилдан бошлаб Ўлик денгизнинг сатҳи йилига ўртача 1 метрга пасайган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич энг юқори, яъни 1 метр 38 сантиметрга тенг бўлди.



Ўлик денгизда ётиб, бемалол газета ўқиш мумкин.

Ўлик денгизнинг аста-секин қуриб бориши бевосита инсон хўжалик фаолиятининг кенгайиши билан боғлиқ ва ушбу сув ҳавзасида рўй бераётган жараёнлар минтақамизда жойлашган ва тобора қуриб бораётган Орол денгизига ўхшаш.

Аммо Орол денгизининг қуриши минтақавий микёсдан чиқиб, дунёвий тус олаётган бўлса, Ўлик денгизнинг қуриши муаммоси ҳозирча маҳаллий аҳамиятга эга. Денгизнинг қуришидан айниқса, бу ерда яратилган сайёҳлик ва даволаш саноати катта зарар кўрмоқда. Чунки кўл сувининг тобора камайиб бориши ер ости сувлари сатҳининг ўзгаришига ва атроф ҳудудларда ўпирилмаларнинг ҳосил бўлишига олиб келмоқда. Бу жараёнлар турли инфратузилма объектлари, шу жумладан йўллارни қуриш ишини бирмунча қийинлаштирмоқда.


Қирғоқнинг чекиниши оқибатида бу ерда олдинги вақтда бунёд этилган объектларнинг аҳамияти йўқолиб бормоқда. Жумладан, бундан бир неча йил аввал Ўлик денгиз қирғоғида жойлашган меҳмонхона, турли дам олиш ва даволаш масканлари ҳозирда қирғоқдан бир неча километр узоқликда қолиб кетган.



Сўнгги 100 йил ичида Ўлик денгизнинг сатҳи 40 метрдан ортиққа пасайган ва агар тегишли чора-тадбирлар кўрилмаса, ушбу ноёб сув хавзаси 700 йил ичида бутунлай йўқолиб кетиши, унинг ўрнида йирик туз саҳроси ҳосил бўлиши мумкин.

## Мариана – энг чуқур чўкма

Тинч океани – дунёдаги энг йирик океан бўлиши билан бир қаторда, энг чуқур океан ҳамдир. Мазкур океандаги Мариана ороллари ёнида жойлашган Мариана чўкмаси дунёдаги энг чуқур океан ботиғи, деб тан олинган.



Мариана чўкмасининг географик ўрни.

Мариана ороллари бўйлаб 1500 км.га чўзилган чўкма инглиз алифбосидаги V шаклидаги тик (7–9°) ёнбағирларга эга. Тубининг кенлиги 1–5 км.га тенг, ясси кўринишга эга. Чўкманинг тубида сувнинг босими 108,6 МПа, бу кўрсаткич Дунё океани устидаги атмосфера босимидан 1100 марта кўпроқ. Ботиқнинг ўрни икки тектоник плита – Тинч океан ва Филиппин плиталари туташиб, бири-бирининг остига кириб кетадиган жойига тўғри келади.

Мариана чўкмаси 1875 йилда уч мачтали «Челленжер» кемасида илк бор чўкманинг чуқурлигини ўлчаган британиялик денгизчилар томонидан кашф этилган. Ўшанда денгиз чуқурлигини ўлчайдиган асбоб – лот ёрдамида Мариана чўкмасининг чуқурлиги 8367 метр, қайта ўлчаганда – 8184 метрлиги аниқланган. 1951 йилда инглиз илмий-тадқиқот кемаси эхолот ёрдамида чўкманинг чуқурлиги 10994 метр эканини аниқлаган. 1957 йилда «Витязь» илмий-тадқиқот кемаси эхолот ёрдамида чўкманинг чуқурлигини ўлчаб, 11022 метр натижани эълон қилди.

Аммо, замонавий ўлчаш асбоб-ускуналарининг яратилиши эхолот ёрдамида олиб борилган ўлчашлар бирмунча хатоликларга эга эканини кўрсатди. Жумладан, 1995 йилда япон мутахассислари томонидан «Кайко» зонди ёрдамида чўкмада олиб борилган ўлчашлар 10 911,4 метр натижани кўрсатди. 2009 йилнинг 31 майида Мариана чўкмаси тубига «Нереус» сув ости аппарати туширилди. Мазкур аппарат 10902 метр чуқурликкача тушиб, чўкма тубини видео ва фотосуратга олиб, бу ердаги жинслардан намуна олган. Турли ўлчашларнинг кўрсаткичлари ҳар хил бўлишига қарамай шуниси аниқки, Дунё океани тубидаги энг чуқур чўкманинг океан сатҳидан пастлиги Ер юзидаги энг баланд чўкки – Жомолунгма баландлигидан 2000 метр ортук.

Ҳозиргача Мариана чўкмасининг тубига инсоннинг тушиши фақат бир марта амалга оширилган. Жумладан, 1960 йилнинг 23 январида америкалик денгизчи Дон Уолш ва тадқиқотчи Жак Пикар «Триест» батискафида чўкма тубини текширишган. Чуқурликни ўлчаш асбоблари бунда 10918 метр чуқурликни кўрсатган. Шуниси қизиқки, сув босими катта бўлишига қарамасдан, чўкма тубида тадқиқотчилар катталиги 30 сантиметрга етадиган камбалага ўхшаш ясси балиқларни учратишган.




Рота-Мариана оролларидан бири.

## Энг улкан маржонқоялар

Дунё океанида мўъжизали организмлар жуда кўп. Денгизда га-ла-гала бўлиб ёки якка ҳолда яшайдиган маржон полиплари ана шундай организмлардандир. Маржон полипларининг қолдиқлари денгизда маржон қояларининг ҳосил бўлишига олиб келади. Ана шундай маржон қолдиқларидан ҳосил бўлган дунёдаги энг йирик қоялар занжири – Австралиянинг шимоли-шарқий қирғоқларини денгиздан девор каби ажратиб турган Катта Маржонқоялар тўсиғидир.

Мазкур маржонқоялардан ҳосил бўлган улкан тўсиқ шимолдан жанубга қараб 2500 километрга чўзилган. Улар жанубий тропикда ( $23^{\circ}30'$  ж.к.), Гладстон шаҳри яқинида бошланиб, шимолда Австралияни Янги Гвинея оролидан ажратиб турувчи Торрес бўғизигача давом этади.

Катта Маржонқоялар тўсиғининг умумий майдони – 348,69 минг кв. км ёки Буюк Британия худудидан каттароқ. Шимолий қисмидаги кенглиги – 2 км, жанубида – 150 км.дан ошади. Маржонқояларнинг



Катта Маржонқоялар тўсиғи.

асосий қисми сув остида жойлашган бўлиб, денгизда сув сатҳи пасайган пайтда сув устига чиқиб қолади. Жанубий қисмидаги маржонқоялар Австралия қирғоқларидан 300 км узоқда жойлашган, аммо шимолда, яъни Мелвилл бурни яқинида материкка 30 км. гача яқин келади. Кўпгина маржонқоялар денгизнинг эрозион-аккумулятив фаолияти натижасида маржон оролларига айланган.

Скелети оҳактошдан иборат бўлган замбуруғсимон, миясимон ва шохсимон қаттиқ маржонлар узоқ вақт давомида Катта Маржонқоялар тўсиғини ҳосил қилган. Барқарор шельф платформасининг мавжудлиги, денгизнинг унча чуқур эмаслиги Тинч океанининг мазкур қисмида маржонларнинг яшаши учун шароит яратган.

Қояларни ҳосил қилувчи маржонларнинг денгизда яшаши учун ўзига хос шароит мавжуд бўлиши лозим. Жумладан, денгиз сувининг ҳарорати  $+17,5^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаслиги, шўрлик ва чуқурлик ҳам муайян даражада бўлиши керак. Шу боис, Катта Маржонқоялар тўсиғи денгиз суви ҳарорати бирмунча паст бўлган жанубий тропикдан жанубда давом этмаган. Шимолда, яъни Янги Гвинея

кирғоқлари яқинида Флай дарёси олиб келган чучук сув таъсирида денгиз суви шўрлигининг пасайиши Катта Маржонқоялар тўсиғининг шу худудда тугашига сабаб бўлган.

Катта Маржонқоялар тўсиғининг асосий қисмини майдони 0,01 кв.км.дан 100 кв.км.гача бўлган 2900 та алоҳида турган маржонқоялар ташкил этади. Мазкур қоялар Австралия кирғоқлари яқинидаги 600 дан ортиқ маржон ороллари ва 540 та тўсиклар билан ўралган. Катта Маржонқоялар тўсиғи билан материк кирғоғи ўртасида чуқурлиги 100 метрдан ошмайдиган мовий лагуна ястаниб ётади. Аммо маржон тўсиғининг денгизга туташ қисмида маржонқояларнинг денгиз остига 1000 метргача тик тушган жойлари ҳам бор. Маржонқоялар денгиз тўлқинлари ва шамол таъсирида доимий равишда емирилади. Аммо ўзидаги баъзи хусусиятларни йўқотган қояларда маржонларнинг ўсиши бирмунча тезлашиб, улар емирилган қояларнинг ўрнини тез тўлдириши мумкин.

Катта Маржонқоялар тўсиғи маржон полиплари галасини ўз ичига олган дунёдаги энг йирик экотизимни ташкил этади. Бу ерда маржонларнинг 400 дан ортиқ тури мавжуд. Маржонларнинг ранги қизил, жигарранг, оловранг, тўқ сариқ бўлиши мумкин. Баъзида 20 метргача чуқурликда қора рангли маржонлар ҳам учрайди.

Маржон денгизиде яшовчи «тиканли гулчамбар» деб номланган денгиз юлдузи маржонларнинг асосий кушандаси ҳисобланади. Шунингдек, Катта Маржонқоялар тўсиғи худудиде мавжуд 1500 дан ортиқ денгиз балиқларидан фақат 500 тури маржонлар экотизимида яшашга мослашган. Бу ерда дунёдаги энг йирик балик – китсимон ақула ва китларнинг бир неча тури ҳам учрайди.



Кўк тангали саккизоёк.



Денгиз тошбақаси.

хавфли заҳарли саккизоёқ яшайди. Материк яқинидаги маржон оролларда 240 дан ортиқ кушлар учраб, куш бозорлари мавжуд. Аммо маржон оролларда бор-йўғи 40 дан ортиқроқ ўсимлик тури борлиги аниқланган.

Катта Маржонқоялар тўсиғидаги маржон ороллари Австралиянинг туб аҳолиси томонидан жуда қадимдан фойдаланиб




Сув ости маржонлари.

Жанубий маржонқоя ороллари – денгиз тошбақалари тухум қўядиган асосий макондир. Маржонқоялар атрофидаги сувларда йўқолиб кетиш арафасида турган бу ғаройиб денгиз жониворларининг етти туридан олтитаси учрайди. Шунингдек, бу ерда катталиги 15 сантиметрдан ошмайдиган, танаси кўк рангли тангалар билан қопланган ва чақиши инсон ҳаёти учун жуда

келинган. Британиялик сайёҳ Жеймс Кук европаликлардан биринчи бўлиб маржонқоя оролларини ўрганган. Шунингдек, Кук илк бор Катта Маржонқоя тўсиғида Лизард ороли яқинидаги йўлак орқали очиқ денгизга кемада сузиб ўтишга муваффақ бўлган. Аммо Кукдан кейин бу минтақани ўрганган денгизчилар британиялик сайёҳнинг мазкур муваффақиятини камданкам ҳолатларда такрорлай олишган. Британиялик сайёҳ Ч. Жеффрис 1815 йилда биринчи бўлиб Катта Маржонқоялар тўсиғи бўйлаб кемада сузиб ўтган. XIX асрда олимлар Катта

Маржонқоялар тўсиғини батафсил ўрганишга киришдилар. Шу боис, XIX асрнинг охирида Катта Маржонқоялар тўсиғи худудидан Буюк Британия, Сингапур ва Гонконгга марварид ва денгиз типратиканларини экспорт қилиш авж олган.

1979 йилда Катта Маржонқоялар тўсиғи худудидаги флора ва фаунани ҳимоя қилиш мақсадида Австралия ҳукумати томонидан 5 млн. гектар майдонда Денгиз миллий боғи ташкил этилган. Мазкур Миллий боғ Катта Маржонқоялар тўсиғи билан бирга ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон мероси» рўйхатига киритилган.




Миясимон маржон.

## Энг йирик каньон

Ўзбекистондаги Молгузар тоғларида Сангзор дарёси кичик дарадан ўзига йўл очгани, бу жой Илонўтти ёки Амир Темур дарвозаси деб аталиши кўпчиликка маълум. Аммо дунёдаги ана шундай даралардан энг йириги – Шимолий Америкадаги Колорадо дарёси водийсидаги Катта Каньондир.

Катта Каньон – дунёдаги дарё ҳосил қилган энг чуқур даралардан бўлиб, АҚШнинг Аризона штати худудидаги Колорадо платосида, Катта Каньон миллий боғи худудида жойлашган. У Колорадо дарёсининг узоқ муддат давомида оҳақтош, сланец ва кумтошлардан иборат платони кесиб, ўзига йўл очиши натижа-сида ҳосил бўлган. Каньоннинг умумий узунлиги – 446 км, платонинг тепа қисмидаги кенлиги – 6 км.дан 29 км.гача, даранинг пастида – бир километрдан ортиқ. Даранинг чуқурлиги баъзи жойларда 1600 метрдан ортиқ. Табиатнинг ҳақиқий мўъжизаси бўлган бу ноёб объект 1979 йилда ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон мероси» рўйхатига киритилган.

Маълумотларга кўра, Колорадо дарёси дастлаб текисликдан оққан. Ер пўстида юз берган ўзгаришлар туфайли Колорадо платоси кўтарилган ва дарёнинг қиялиги ошиб, унинг емириш қобилияти кучайган. Дарё дастлаб плато юзидаги оҳақтошларни, сўнг бирмунча чуқурликда ётган сланец ва кумтошларни ювиб, сувнинг узоқ вақт давомидаги иши натижасида Катта Каньон ҳосил бўлган. Шуниси қизиқки, каньонда сув эрозияси жараёнлари ҳозир ҳам давом этиб, дарё ўзани тобора чуқурлашиб бормоқда. Аммо, дарё туби бирмунча секин емириладиган гранитли жинслардан иборат. Дара тубида Колорадо дарёсининг қизил-жигарранг сувлари («Колорадо» испан тилида «қизил» маъносини билдиради) соатига 20 км тезлик билан оқиб, Тинч океанига суткасига ярим миллион тонна тоғ жинсларини оқизиб кетади. Натижада, дарё ўзани остидаги бирмунча қаттиқ бўлган гранит жинслар ҳам Колорадо дарёсининг «эгови» таъсирида йилига чорак миллиметрга емирилиб бормоқда.



Катта Каньондаги «ибодатхоналар».



Юқоридан қараганда, улкан дара ердаги оддий узун ўйик эмаслигига амин бўлиш мумкин. Мазкур худуд сув эрозияси натижасида ҳосил бўлган ғаройиб шаклларга бой. Ер кўчкилари, сув ва шамол эрозияси таъсирида дарада гўзаллиги билан такрорланмас ажабтовур ибодатхоналар, миноралар, қалъа деворлари ва бошқа шакллар пайдо бўлган. Ушбу шакллардан кўпчилиги ўзининг номига эга (Шива ибодатхонаси, Вишну ибодатхонаси, Вотан тахти ва бошқа).

Плато устидаги ва дара тубидаги иқлим бир-биридан кескин фарқ қилади. Агар плато устида ҳарорат  $+15^{\circ}\text{C}$  бўлса, каньон тубида  $+40^{\circ}\text{C}$ га етиши мумкин. Каньоннинг табиий ландшафтлари ҳам жуда қизиқ. Даранинг тубида – Мексика ландшафтларига хос бўлган кактус, агава ва юккалар ўсади. Юқорига кўтарилган сайин эман, оқ қайин, қарағай, қора арча каби дарахтлар учрайди. Даранинг фаунаси 100 дан ортиқ қуш ва 60 га яқин сут эмизувчиларни, баъзи жуда кам учрайдиган турларни ўз ичига олади.

Американинг ерли аҳолиси – ҳиндулар Катта Каньон ҳақида бундан минг йиллар илгари билишган. Бу ердаги қояларга бундан 3 минг йил илгари чизилган суратлар мазкур худудда одамлар яшаганидан далолат беради.

Европаликлардан биринчи бўлиб Катта Каньонни 1540 йилда Шимолий Американинг ғарбига олтин излаш мақсадида келган Гарсия Лопес де Карденас бошчилигидаги испанлар аниқлаган. Мазкур гуруҳ аъзоларидан бир нечтаси ерли ҳиндулар ёрдамида каньон тубига ҳам тушган. Ўшандан кейин икки аср давомида Катта Каньонга бирорта ҳам европалик қадам босмаган.

1776 йилда икки испан роҳиби Санта-Фе шаҳридан Калифорнияга йўл топиш мақсадида Катта Каньон бўйлаб саёҳат қилишган. Аммо табиатнинг бу ноёб обидасини батафсил ўрганиш бўйича биринчи илмий экспедиция 1869 йилда Жон Пауэлл томонидан ташкил этилган. Ж. Пауэлл илк бор дарани тўлалигича ўрганиб чикди ва уни географик ва геологик жиҳатдан тасвирлади.

Даранинг чеккасида сайёҳлар учун махсус томоша майдончаси бунёд этилган. Шуниси қизиқки, мазкур майдончанинг поли шаффоф материалдан тайёрланган бўлиб, унинг устида туриб, каньон тубини кўриш мумкин. Аммо бу ажойиб манзарани томоша қилиш



Катта Каньон деворида ўйилган хоналар.

учун бирмунча жасурлик талаб этилади. Чунки шишасимон полга кўйган биринчи қадамнинг ўзидаёқ, оёқлар қалтираб, кишини худди шиша синиб кетадигандек ваҳима босади.

### **Ҳимолай – «дунё тожи»**

Ҳимолай тоғлари – дунёдаги энг баланд тоғ тизими, Тибет тоғлиги (шимолда) ва Ҳинд-Ганг текислиги (жанубда) ўртасида жойлашган. Ўрта Осиёнинг тоғли чўл ва Жанубий Осиёнинг тропик ландшафтлари ўртасидаги яққол кўзга ташланадиган табиий ва иқлим чегараси ҳисобланади. Ҳиндистон, Непал, Хитой, Покистон, Бутан мамлакатлари худудида ястаниб ётади.

Ҳимолай тоғ тизимининг узунлиги 2400 км, кенглиги – 350 км. Чўкқиларининг денгиз сатҳидан ўртача баландлиги – 6000 метрдан ортиқ, энг баланд нуқтаси – Жомолунгма чўққиси – 8848 метр. Ҳимолай тоғларида денгиз сатҳидан баландлиги 8000 метрдан ошадиган дунёдаги 14 та чўққининг 11 таси жойлашган. Шунинг учун мутахассислар мазкур тоғларни «дунё тожи» деб аташган.

«Ҳималайя» сўзи санскрит тилида «қорлар мамлакати» деган маънони билдиради. Бу ном Ҳимолай тоғларига Ҳинд дарёси водийсида яшайдиган ерли аҳоли томонидан берилган.

Ҳимолай тоғлари Ҳинд-Ганг текислиги тепасида 3 поғона бўлиб кўтарилган: Кичик, Ўрта ва Катта Ҳимолай. Кичик Ҳимолайнинг тоғ чўккиларининг баландлиги – ўртача 2400 метрга тенг, Ўрта Ҳимолай тоғлари 4000–5000 метргача кўтарилган. Катта Ҳимолайнинг чўккилари эса 8000 метрдан баланд бўлиб, улардаги энг паст довонларнинг баландлиги 4000 метрдан юқори.

Ҳимолай тоғлари Альп тоғ бурмаланиши даврида ҳосил бўлгани боис, нисбатан ёш тоғлар ҳисобланади. Маълумотларга кўра, Ҳимолай тоғларининг ўсиши ҳозирги вақтда ҳам давом этмоқда. Жумладан, АҚШ Миллий география жамияти олимлари 1999 йилда замонавий ўлчаш асбоб-ускуналари ва сунъий йўлдошдан олинган маълумотлар асосида, Ҳимолайнинг энг баланд нуктаси Жомолунгма чўккиси 8850 метрга тенглиги, яъни XIX асрда инглиз топографлари ва картографлари ўлчаган кўрсаткичдан 2 метрга баланд эканини аниқлашган. Аммо чўкки жойлашган давлат – Непал ҳукумати бу янги кўрсаткични ҳалигача тан олгани йўқ.

Ҳимолай тоғлари Тибет тоғлигини Ҳинд текислигидан ажратиб туради. Тоғларнинг жанубий ёнбағирлари мавсумий шамоллар – муссонлар таъсири остидадир. Шу боис, бу ерларга 4000 миллиметргача ёғин ёғади. Аммо Ҳимолайнинг шимолий ёнбағирлари совук, қурук континентал иқлимга эга. Баланд тоғларда ҳарорат ёзда кечаси  $-25^{\circ}\text{C}$ , қишда эса  $-40^{\circ}\text{C}$  гача тушиши мумкин. Тоғларнинг тепасида шамолнинг тезлиги соатига 150 км.дан ошиб, каттик бўронлар бўлиб туради.

Ҳимолай тоғларида қор қоплами бирмунча қалин, қатор музликлар жойлашган. Музликларнинг умумий майдони – 33 минг кв.км, улардаги қорнинг ҳажми – 6,6 минг куб километрдан иборат. Музликлар бирмунча йирик тоғ массивларида, баланд чўккилар атрофида жойлашган. Улардан энг узунлари – Ганготри ва Зема (узунлиги 26 км). Ҳимолай тоғлари музликларидан Жанубий Осиёдаги энг йирик дарёлар – Ҳинд, Ганг ва Брахмапутра бошланади.



Ҳимолай тоғлари (Непал).

Иклим бирмунча совуқ бўлишига қарамай, тоғларнинг орасида вужудга келган водийларда баланд тоғ яйловларини учратиш мумкин. Ям-яшил ўтлоқлар қорли чўққилар билан бирга ажойиб манзарани ҳосил қилади.

Катта Ҳимолай тоғларининг марказида, Непал ҳудудида Сагарматха миллий боғи ташкил этилган. Сагарматха – Жомолунгма чўққисининг непалча номи бўлиб, «маъбудлар онаси» деган маънони билдиради. Боғнинг майдони 1240 кв.км, бу ерда баландлиги 8000 метрдан юқори бўлган учта чўққи – Жомолунгма, Лхоцзе ва Чо-Ойю жойлашган. Миллий боғда йўқолиб кетиш хавфи бўлган ҳайвонлар, жумладан тоғ барси (ирбис), ҳимолай қора айиғи, ҳимолай бўриси ва тулкиси кабилар ҳимояга олинган. Сагарматха миллий боғи 1976 йилда ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон мероси» рўйхатига киритилган.

Миллий боғ ҳудудида бу ерга XV–XVI асрларда Тибетдан келган аҳоли – шерпалар («шер» – шарк, «па» – одамлар, яъни шарқдан келган одамлар) яшайди. Улар бир нечта қабиладан иборат бўлиб, улар-



Аннапурна чўққиси.

нинг қишлоғи тўп-тўп жойлашган 20–30 та тош уйлардан иборат. Асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Ҳимолай тоғларига келаётган экспедицияларга йўл кўрсатиши боис, шерпалар Ҳимолай тоғларига чиқиб-тушишга уста мохир альпинистлардир.

Дунёдаги энг баланд нукта Жомолунгма 1953 йилда забт этилгунга қадар Ҳимолай ва Қорақурум тоғларига 50 дан ортиқ экспедициялар ташкил этилган. Аммо, мазкур экспедиция аъзоларининг бирортаси ҳам 8000 метрли чўққига чиқа олмаган, фақат бир нечтаси 7000 метрдан ошувчи чўққиларни забт этишган. Ҳимолай тоғларидаги 8000 метрли баландликларни забт этиш 1950 йилда Аннапурна (8091 м) чўққисидан бошланган. Экспедициялар асосан баҳорда ва кузда ташкил этилади, чунки қишда тепага чиқиш жуда қийинлашади.


Дунёдаги 8000 метрдан ортиқ баландликка эга чўққиларнинг барчасини забт этиш – ҳар бир альпинистнинг орзуси. Ҳимолай тоғларидаги 11 та ана шундай чўққиларни биринчи бўлиб 1986 йилда италиялик альпинист Рейнхолд Месснер забт этган.

## Жомолунгма – энг баланд чўққи

«Дунё тожи» ҳисобланган Ҳимолай тоғларининг энг баланд чўққиси Жомолунгма дунё куруклигининг денгиз сатҳидан энг баланд нуқтаси ҳисобланади. Баландлиги – 8848 метр, Непал ва Хитой чегарасида, Кхумбу-Жимал тоғ тизмасида жойлашган. Уч қиррали пирамида шаклига эга, жанубий ёнбағри бирмунча тик ва яланғоч қоялардан иборат.

«Жомолунгма» – тибетликлар тилида «илоҳий она» маъносини билдиради, чўққининг непалча номи – «Сагарматха», яъни «маъбудлар онаси», демакдир. Чўққининг инглизча номи – «Эверест» 1830–1843 йилларда Британия Ҳиндистони геодезия хизмати раҳбари бўлган сэр Жорж Эверест шарафига аталган.

Жомолунгманинг дунёдаги энг баланд нуқта эканини биринчи бўлиб ҳинд математиги ва топографи Радханат Сидар аниқлаган. Мазкур олим Жомолунгманинг баландлигини 1852 йилда чўққидан 240 км узоқликда, яъни Ҳиндистонда туриб тригонометрик усул-



Жомолунгма чўққиси.

лар ёрдамида ҳисоблаган. 1856 йилда биринчи марта чўққининг баландлигини ўлчаш ишлари ўтказилиб, унинг 8840 метр эканлиги аниқланган. XX асрнинг 50-йилларида ҳинд топографлари теодолит ёрдамида Жомолунгманинг баландлигини ўлчаб, унинг денгиз сатҳидан 8848 метр баландда эканини аниқлашган. 2010 йилнинг 8 апрелидан бошлаб дунёдаги энг баланд чўққининг расмий баландлиги – 8848 метр, қаттиқ жинсларнинг баландлиги эса – 8844 метр этиб белгиланди.

Жомолунгма тоғини илк бор 1953 йилнинг 29 майида непаллик шерпа Тэнцинг Норгэй ва янги зеландиялик альпинист Эдмунд Хиллари забт этишган. Экспедиция аъзолари чўққининг тепасига чиқиш учун кислород баллонларидан фойдаланишган. Чунки 7000 метрдан тепада ҳаво жуда сийрак бўлиб, инсон организми бундай шароитда ҳаракат қилиш учун керакли энергияни ишлаб чиқара олмайди. Жомолунгмага илк чиқиш экспедициясида 30 дан ортик непаллик шерпалар иштирок этишган. XX асрнинг 50-йилларида Жомолунгмага Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Япония ва Италия альпинистлари ҳам чиқишга муваффақ бўлишди.

Жомолунгмага биринчи бўлиб кислород баллонисиз 1978 йилда италиялик Рейнхолд Месснер ва немис Питер Хабе чиқишган. Непаллик Анг Рита «дунё томига» кислород баллонларисиз 10 марта чиқиб, рекорд ўрнатган. Аммо унинг бу рекордини бошқа непаллик – Апа чўққига кислород баллонларисиз 11 марта чиқиб, янгилаган. Шунингдек, 2011 йилнинг май ойида непаллик Бхакта Кумар Райбил чўққининг тепасида 32 соат туриб, ҳаводаги кислороднинг атиги учдан бир қисми мавжуд бўлган баландликда энг узок вақт туриб, ўзига хос рекорд ўрнатган.

Чўққининг энг тепа қисмида шамолнинг тезлиги соатига 200 км. дан ошади ва қишда кечалари ҳаво ҳарорати  $-60^{\circ}\text{C}$  гача тушади. Шундай бўлса-да, польшалик альпинистлар Кшиштоф Велицкий ва Лешек Тихий 1980 йилнинг февраль ойида биринчи марта чўққига қишда кўтарилишга муваффақ бўлдилар. Чўққига чиққан биринчи европалик аёл альпинист ҳамда польшалик Ванда Руткевич эди.

Ҳозирги вақтгача Жомолунгма чўққисига 900 дан ортик альпинист 1200 мартадан ортик кўтарилишга муваффақ бўлишган. Чўққига непаллик 76 ёшли Мин Баҳодур Шерхон, 13 ёшли ўспирин

ва 1998 йилда – биринчи ногирон ҳам кўтарилган. Ҳатто, 2001 йилда дунёнинг бошқа материкларидаги энг баланд чўққиларга чикиб улгурган америкалик кўзи ожиз альпинист Эрик Вейхенмайер ҳам Жомолунгмани забт этган.


Дунёдаги энг баланд чўққи бўлгани боис, Жомолунгма ўзига хос рекордлар ўрнатиш жойидир. Жумладан, 1992 йилда француз Пьер Тардевелль чўққининг 8571 метр баландлигидан чанғида учиб, пастга тушган ва 3 километр масофани 3 соатда босиб ўтган. 1998 йилда француз Кирилл Десремо илк бор қор мотоциклида чўққидан пастга тушган. 2008 йилда эса учта парашютчилар 9000 метр баландликда учаётган самолётдан (Жомолунгмадан атиги 142 метр баландда) сакраб, чўққига кўнишга муваффақ бўлишган.

Маълумотларга кўра, иклим ўзгаришлари туфайли, Жомолунгманинг тепа қисмидаги музнинг ҳажми кейинги 100 йил ичида кескин камайган. Бундан ташқари, чўққини томоша қилишга келаётган сайёҳлар сони биргина Непалнинг ўзида бир неча юз минг кишини ташкил этади. Бу ҳолат дунёдаги энг баланд чўққи атрофидаги экотизимларга салбий таъсир этмоқда. Жумладан, тоғ ёнбағирларида тўпланган ҳар хил чиқинди ва ахлатларнинг ҳажми шу қадар каттаки, Жомолунгма атрофини «дунёдаги энг баланд ахлатхона», деб ҳам аташади.

## **Саҳролар қироли**

Дунёда саҳро ва чўллар кўп. Аммо уларнинг ичида энг йириги – Саҳрои Кабир бўлиб, Шимолий Африкада жойлашган. Саҳрои Кабир ғарбдан шарққа 4800 км, шимолдан жанубга 1200 км.гача чўзилган. Умумий майдони 8,6 млн. км<sup>2</sup> бўлиб, Африканинг 30 фоиз худудини эгаллайди (дунёдаги энг йирик давлатлардан бўлган АҚШ ёки Бразилия майдонидан каттароқ). Майдонининг катталиги боис, «Саҳрои Кабир», яъни «катта саҳро» ёки бошқача қилиб, «саҳролар қироли» деб ҳам аташади. Саҳрои Кабир ғарбда Атлантика океани сувлари билан, шимолда – Атлас тоғлари ва Ўрта денгиз, шарқда – Қизил денгиз билан ўралган. Жанубда унинг чегараси 16° ш.к. атрофида белгиланиб, мазкур худуддан жанубда Судан саванналарига ўтиш зонаси – Сахел жойлашган.





Саҳрои Кабирнинг рамзий дарвозаси.

Саҳрои Кабир Африкадаги 10 та давлат – Жазоир, Миср, Ғарбий Сахро, Ливия, Мавритания, Мали, Марокаш, Нигер, Судан, Тунис ва Чад худудини қисман ёки бутунлай қамраб олади. Саҳронинг катта қисмида одам умуман яшамайди. Мавжуд аҳоли доим бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юради, ўтроқ турмуш тарзи фақат воҳалар доирасида мавжуд.

Худудининг катта қисми қумли-тошли чўлдан иборат бўлса-да, Саҳрои Кабир бир типдаги чўл эмас.

Унинг худудида қатор чўл минтақалари: Катта Шаркий Эрг, Катта Ғарбий Эрг, Арабистон, Жазоир, Ливия, Нубия, Талок чўллари ва бошқалар мавжуд.

Кёльн университетининг тарихий геология институти профессори Стефан Креплин бошчилигидаги Германия, Канада, АҚШлик олимлардан тузилган халқаро гуруҳ олиб борган тадқиқотлар натижасида Саҳрои Кабир бундан 2700 йил олдин иқлимнинг аста-секин ўзгариши натижасида чўлга айлангани аниқланди. Геологик жиҳатдан Саҳрои Кабир қадимги Африка платформасининг плитасида жойлашган. Шунинг учун ҳам бу ерда нефть, табиий газ, темир


ва 1998 йилда – биринчи ногирон ҳам кўтарилган. Ҳатто, 2001 йилда дунёнинг бошқа материкларидаги энг баланд чўққиларга чиқиб улгурган америкалик кўзи ожиз альпинист Эрик Вейхенмайер ҳам Жомолунгмани забт этган.

Дунёдаги энг баланд чўққи бўлгани боис, Жомолунгма ўзига хос рекордлар ўрнатиш жойидир. Жумладан, 1992 йилда француз Пьер Тардевель чўққининг 8571 метр баландлигидан чанғида учиб, пастга тушган ва 3 километр масофани 3 соатда босиб ўтган. 1998 йилда француз Кирилл Десремо илк бор қор мотоциклида чўққидан пастга тушган. 2008 йилда эса учта парашютчилар 9000 метр баландликда учаётган самолётдан (Жомолунгмадан атиги 142 метр баландда) сакраб, чўққига кўнишга муваффақ бўлишган.

Маълумотларга кўра, иқлим ўзгаришлари туфайли, Жомолунгманинг тепа қисмидаги музнинг ҳажми кейинги 100 йил ичида кескин камайган. Бундан ташқари, чўққини томоша қилишга келаётган сайёҳлар сони биргина Непалнинг ўзида бир неча юз минг кишини ташкил этади. Бу ҳолат дунёдаги энг баланд чўққи атрофидаги экотизимларга салбий таъсир этмоқда. Жумладан, тоғ ёнбағирларида тўпланган ҳар хил чиқинди ва ахлатларнинг ҳажми шу қадар каттаки, Жомолунгма атрофини «дунёдаги энг баланд ахлатхона», деб ҳам аташади.

## **Саҳролар қироли**

Дунёда саҳро ва чўллар кўп. Аммо уларнинг ичида энг йириги – Саҳрои Кабир бўлиб, Шимолий Африкада жойлашган. Саҳрои Кабир ғарбдан шарққа 4800 км, шимолдан жанубга 1200 км.гача чўзилган. Умумий майдони 8,6 млн. км<sup>2</sup> бўлиб, Африканинг 30 фоиз худудини эгаллайди (дунёдаги энг йирик давлатлардан бўлган АҚШ ёки Бразилия майдонидан катгарок). Майдонининг катталиги боис, «Саҳрои Кабир», яъни «катта саҳро» ёки бошқача қилиб, «саҳролар қироли» деб ҳам аташади. Саҳрои Кабир ғарбда Атлантика океани сувлари билан, шимолда – Атлас тоғлари ва Ўрта денгиз, шарқда – Қизил денгиз билан ўралган. Жанубда унинг чегараси 16° ш.к. атрофида белгиланиб, мазкур худуддан жанубда Судан саванналарига ўтиш зонаси – Сахел жойлашган.




Саҳрои Кабирнинг рамзий дарвозаси.

Саҳрои Кабир Африкадаги 10 та давлат – Жазоир, Миср, Ғарбий Саҳро, Ливия, Мавритания, Мали, Марокаш, Нигер, Судан, Тунис ва Чад худудини қисман ёки бутунлай қамраб олади. Саҳронинг катта қисмида одам умуман яшамайди. Мавжуд аҳоли доим бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юради, ўтроқ турмуш тарзи фақат воҳалар доирасида мавжуд.

Худудининг катта қисми қумли-тошли чўлдан иборат бўлса-да, Саҳрои Кабир бир типдаги чўл эмас.

Унинг худудида қатор чўл минтақалари: Катта Шарқий Эрг, Катта Ғарбий Эрг, Арабистон, Жазоир, Ливия, Нубия, Талок чўллари ва бошқалар мавжуд.

Кёльн университетининг тарихий геология институти профессори Стефан Креплин бошчилигидаги Германия, Канада, АҚШлик олимлардан тузилган халқаро гуруҳ олиб борган тадқиқотлар натижасида Саҳрои Кабир бундан 2700 йил олдин иқлимнинг аста-секин ўзгариши натижасида чўлга айлангани аниқланди. Геологик жиҳатдан Саҳрои Кабир қадимги Африка платформасининг плитасида жойлашган. Шунинг учун ҳам бу ерда нефть, табиий газ, темир



Саҳрои Кабирдаги бепоён кумликлар.

рудаси, мис, олтин, вольфрам, уран ва бошқа нодир металлларнинг бой конлари мавжуд.

Саҳрои Кабирнинг ландшафти жуда хилма-хил. Худудининг катта қисмини (70 фоиз) ўртача баландлиги 500 метр, қирғоқбўйи худудларида – 200 метр бўлган текис тошлоқ ва кумлоқ плато эгаллайди. Марказий қисмида тоғлар – Тибести тоғи (энг баланд нуқтаси Эми-Куси вулкони, 3415 м) ва Ахаггар тоғи (Тахат чўққиси, 3003 метр) кўтарилган.

Текислик, тоғлар ва платодан ташқари Саҳрои Кабир худудида кўплаб унча чуқур бўлмаган шўрхок ҳавзалар ва ботиклар мавжуд бўлиб, уларда воҳалар учрайди. Саҳронинг энг паст нуқтаси – Кат-тара ботиғи денгиз сатҳидан 133 метр пастда жойлашган.

Кумли чўллар (эрглар) ва дюналар Саҳрои Кабирнинг 25 фоизини ёки 2,2 млн. кв.км майдонни эгаллайди. Кўндаланг ва эҳромсимон дюналар, ўроксимон барханларнинг баландлиги 150 метргача, баъзида 200–300 метргача етади. Жазоир чўлидаги Исоуан Тифернайн кумтепалари дунёдаги энг улкан дюналар ҳисобланади. Мазкур кумтепаларнинг тўлқин узунлиги – 5 км. гача, баландлиги – 465 метргача етиши мумкин. Саҳрои Кабирда кўчиб юрувчи, шунингдек, «куйловчи кумлар» ҳам мавжуд.

Бир нечта дарёлар Саҳрои Кабир худудидан ташқарида бошланиб, бу ердаги ер ости ва усти сув захираларини таъминлаб беради. Нил – Саҳродан доимий равишда оқиб ўтадиган ягона дарёдир. Жанубда бир неча дарёлар Чад кўлига қуйилади, Саҳронинг жануби-ғарбидан эса Нигер дарёси оқиб ўтади. Саҳронинг шимолӣ қисмларини қирғоқ бўйларидаги баландликлардан оқиб тушувчи дарё ва қуриб қолавчи жилғалар сув билан таъминлайди. Саҳрон Кабирнинг қумлари остида ер ости, шу жумладан, артезиан сувларининг улкан захиралари аниқланган. Саҳрода жойлашган мамлакатлар ер ости сувларидан сунъий суғориш мақсадида кенг фойдаланишади.

Саҳрои Кабирнинг катта қисмидаги иқлимга шимолӣ-шарқий пассат оқимлари йил давомида кучли таъсир қилади. Ҳавонинг 30–50 фозли нисбий намлиги ва юқори буғланиш (2500–6000 мм) қирғоқбўйи худудларидан ташқари Саҳронинг барча қисмларига



Саҳрои Кабирдаги воҳа.



Сахродаги антиқа булутлар.



Сахродаги бозор.

хос. Бу ерда икки хил – юмшоқ субтропик (шимолда) ва куруқ тропик (жанубда) иқлим типлари ҳукмрон.

Ўсимлик дунёси жуда камбағал. Саҳро флораси вакиллари кам ёғинли шароитга жуда мослашган. Уларнинг илдизи ер остига 15–20 метргача ўсган, ўтларнинг кўпчилиги – эфемерлар бўлиб, ёмғирдан кейин уч кун ичида гуллаб, уруғлашга улгуради. Воҳалар атрофида ўтлар, буталар ва дарахтлар қалинроқ. Ботиклардаги шўрхоқларда тузга чидамли галофит ўсимликлар ўсади. Қатор минтақаларда ўсимлик қоплами умуман йўқ.

Саҳрои Кабирда 4000 дан ортиқ ҳайвон турлари учраб, улардан 40 фоизини Африка эндемиклари ташкил этади. Аммо Саҳронинг фақат ўзида учрайдиган эндемиклар 10–12 фоизни ташкил қилади. Саҳрога хос ҳайвонлар асосан, унинг марказий қисмидаги тоғларда яшайди. Ҳайвонларнинг аксарияти тунги ҳаёт тарзига эга.


Саҳрои Кабир ҳудудини катталиги бўйича Бразилияга таққослаш мумкин бўлса-да, бу ерда бор-йўғи 2,5 миллион киши истиқомат қилади. Аҳоли зичлиги 1 кв.км. га 0,4 кишини ташкил этади. Саҳродаги аҳоли пунктлари фақат барқарор сув манбалари ва чорва молларини боқиш учун ўсимлик қоплами бўлган ерларда жойлашган, катта ҳудудда аҳоли умуман яшамайди. Ўрта асрларда Атлантика океани ва Ўрта денгиз қирғоқларидаги йирик шаҳарлар ўртасидаги савдо қарвонларининг йўллари Саҳрои Кабир орқали ўтиб, уларнинг йўналиши бир неча марта ўзгарган. Жумладан, XI асргача асосий савдо йўллари Гана, XII асрдан бошлаб Мали орқали ўтган. Малида қазиб олинган олтин, бундан ташқари мўйна ва туякуш патлари ушбу йўл билан Яқин Шарққа, баъзида Европа бозорларига етказилган.

## **Ғарбий яримшардаги энг иссиқ жой**

Дунёдаги энг иссиқ ҳарорат +58°C 1922 йилнинг 13 сентябрида Африкадаги Ливия чўлида кузатилган. Аммо мазкур кўрсаткич рўйхатга олинганидан 9 йил олдин Шимолий Американинг Ажал водийси (+56,7°C иссиқ) дунёдаги энг иссиқ жой бўлган. Чунки водийдаги Бэдуотер («ёмон сув») ҳудудида 1913 йилнинг 13 ию-

лида ўша вақтдаги дунёдаги энг юқори ҳаво ҳарорати рўйхатга олинган. Ҳозирда мазкур водий ғарбий яримшардаги энг баланд ҳарорат кузатилган жой бўлибгина қолмай, балки Шимолий Америкадаги курукликнинг денгиз сатҳидан энг паст (–85,5 метр) жойи ҳамдир.

Ажал водийси – Шимолий Америка ғарбидаги Мохаве чўли ва Катта ҳавза ўртасидаги ботик бўлиб, Калифорния штатидаги Сьерра-Невада тоғ тизмасининг жануби-шарқида жойлашган. Водийда ҳарорат жуда иссиқ ва курук бўлгани боис, бу ерга келган олтин изловчиларнинг кўпчилиги иссиқдан ҳалок бўлгач, мазкур жойга «Ажал водийси» деб ном берилган. Водий шу ном билан аталувчи Миллий боғнинг катта қисмини ҳам ўз ичига олади. Худудининг энг чуқур қисми – Бэдуотер шўрхоклардан иборат бўлса, бошқа қисмларида улкан қумли дюналарни учратиш мумкин. Ботикнинг баъзи қисмлари юриш қийин бўлган тошлоқ ландшафтлардан иборат.




Бэдуотер («ёмон сув») ҳавзаси.



Водийнинг иклими ўзига хос. Июль ойининг ўртача ҳарорати  $+46^{\circ}\text{C}$ , кечалари  $+31^{\circ}\text{C}$  гача тушиши мумкин. Энг салкин мавсум ноябрь ойининг охиридан февралгача давом этиб (ўртача ҳарорат  $+5+20^{\circ}\text{C}$ ), кучли ёгингарчилик кузатилади. Водийда йилига ўртача 48 мм, атрофдаги тоғларда эса 400 мм.гача ёгин ёғади.

Ўсимлик олами жуда камбағал. Шўрхоқларда баъзи тузга чидамли галофит ўсимликлар ўсади. Аммо тоғларга яқин худудларда ўсимлик коплами бирмунча қалин. Ҳайвонот олами асосан бошқа худудлардан келтирилган турлардан иборат. Шунингдек, водий худудида иссиқ иқлим шароитида яшашга мослашган Шимолий Америка бўриси – койотлар учрайди.

Ажал водийси ерли ҳиндуларнинг тимбиша қабиласининг асосий яшаш жойидир. Мазкур қабила водийга бундан 1000 йил олдин келиб, ўрнашган. Водий ерли ҳиндулар тилида «фэнис крик», яъни «тош бўёк» деб аталади. Бу ном водийдан катта миқдорда қазиб олинадиган ва бўёк ишлаб чиқаришда ишлатиладиган қизил охра билан бевосита боғлиқ.



Койот.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Ажал водийси ҳудудига келатган сайёҳларнинг сони аста-секин кўпайди. 1927 йилда бу ерда биринчи меҳмонхона қурилиб, тез орада водий сайёҳларнинг севимли жойига айланган. Аммо шунга қарамасдан, водийдаги Миллий боғ ҳудудининг 95 фоизи ёввойи ва ўзлаштирилмаган ҳолда сақланган.

1933 йилда АҚШ ҳукумати Ажал водийсини миллий обида, деб эълон қилиб, давлат ҳимоясига олди. 1984 йилда водий ЮНЕСКО қарамоғидаги биосфера қўриқхонасига, 1994 йилда эса Миллий боғга айлантирилган. Мазкур Миллий боғ – АҚШдаги энг қуруқ ва иссиқ иқлимга эга бўлган боғ ҳисобланади. Боғнинг умумий майдони 13,5 минг кв.км.

Ажал водийси бўйлаб ҳар йили Ер юзидаги энг қийин ҳисобланган икки кунлик Бэдуотер марафони ўтказилади. Мазкур мусобақа Бэдуотер ботиғида (денгиз сатҳидан – 85,5 метр пастда) бошланиб, баландлиги 2548 метр бўлган Уитни тоғида тугайди. Ҳар иккала нуқта орасидаги масофа – 215 км, баландликлар орасидаги фарқ – 2633,5 метрни ташкил этади.

## МУНДАРИЖА

Мукаддима .....	3
<b>I. ДУНЁНИНГ УЛКАН, МИТТИ ВА МАФТУНКОР</b>	
<b>ДАВЛАТЛАРИ</b>	
Дунёда нечта давлат бор?.....	6
Дунёнинг ёпик ҳудудли мамлакатлари .....	8
<i>Улкан давлатлар</i> .....	11
Кун ва тунни бирга қарши олувчи мамлакат .....	11
«Қишлоқ давлат».....	14
Осмон остидаги мамлакат .....	19
Улкан дарахтлар мамлақати .....	25
Жанубий Американинг юраги .....	29
<i>Митти давлатлар</i> .....	33
Дунёдаги энг митти давлат .....	33
Зоҳидлар юрти.....	36
Пойтахтсиз давлат.....	38
«Омонат» мамлакат.....	41
Дунёдаги энг кекса республика .....	45
<i>Мафтункор давлатлар</i> .....	48
Кунчиқар юрт .....	48

Мўъжизалар ва музейлар юрти.....	52
Европа Иттифоқининг пойтахти .....	55
Энг кўп тилли давлат .....	59
«Куёнлар кирғоғи».....	67
Минг ороллар мамлакати .....	72

## II. ДУНЁНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ

Етти мўъжиза ғояси қандай пайдо бўлган?.....	77
<i>Қадимги дунё мўъжизалари</i> .....	81
Фиръавнлар руҳининг макони .....	81
Ҳавода бунёд этилган боғ.....	86
Бахт-саодат тимсоли .....	89
Ҳосилдорлик ва болажонлик тимсоли .....	93
Қадимги Юнонистондаги муҳаббат рамзи .....	96
Зилзила чақирган ҳайкал.....	99
Ўрта денгиздаги йўлчи юлдуз.....	103
<i>Янги дунё мўъжизалари</i> .....	106
Ўн минг ли узунликдаги девор.....	106
Бобурийлар меъморчилигининг дурдонаси.....	110
Инкларнинг олтин шаҳри.....	114
Ица қабиласининг кудуғи.....	119
Қоядаги шаҳар.....	124
Бразилиянинг рамзи.....	131
Римликларнинг фаҳри .....	134

## III. БУ АЖИБ ДУНЁ

<i>Ҳайратли ажойиботлар</i> .....	139
Табиб табиат .....	139
Сайёрамининг қон томирлари.....	144

Ғаройиб ороллар .....	147
Кимсасиз жойдаги «бозор»лар .....	152
Ер бағридаги «аждар»лар.....	156
Худудларни боғловчи мўъжизалар.....	164
Битмас-туганмас кувват манбаи .....	170
Ер шарининг белбоғлари.....	172
Сайёрамиз «гигант»лари .....	179
<i>Ўзбекистон табиати мўъжизалари</i> .....	182
Асрларга тенгдош дарахтлар.....	183
Жаннатмакон масканлар.....	186
Табиат меъмorchилигининг ер остидаги ҳосиласи .....	194
Ажабтовур кўллар.....	197
Ўзбекистон шаршаралари .....	200
Водий узра яшнаётган чўл .....	205
Мўъжизаларга бой қишлоқ.....	207
Аму – чўлдаги ҳаётбахш дарё.....	211
Ҳар қатраси зар дарё.....	215
<i>Дунёнинг табиий обидалари</i> .....	219
Амазонка – энг улкан дарё .....	219
Нил – энг буюк дарё.....	224
Хуанхэ – энг лойқа дарё.....	227
Конго – энг чуқур дарё .....	230
Волга – Европадаги энг йирик дарё .....	232
Дунай – энг кўп миллатли дарё .....	235
Анхель – энг баланд шаршара .....	239
Ниагара – сув момақалди роғи .....	241
Гулдураётган тутун .....	243

Мўъжизакор оқим .....	246
Одам чўкмайдиган денгиз .....	248
Мариана – энг чукур чўкма .....	251
Энг улкан маржонқоялар .....	253
Энг йирик каньон .....	257
Ҳимолай – «дунё тожи» .....	260
Жомолунгма – энг баланд чўққи .....	264
Саҳролар кироли .....	266
Ғарбий яримшардаги энг иссиқ жой .....	271

*Илмий-оммабон нашр*

**Каромиддин ГАДОЕВ  
Сабоҳат БЕРДИЕВА**

## **САЙЁРАМИЗ МЎЪЖИЗАЛАРИ**

*Ғаройиб давлатлар, обидалар, ҳодисалар*

Мухаррир *А. Саъдуллаев*  
Рассом *А. Якубджанов*  
Бадий муҳаррир *Ҳ. Меҳмононов*  
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*  
Мусахҳих *С. Салоҳутдинова*  
Компьютерда тайёрловчи *К. Голдобина*

Нашриёт лицензияси АИ № 158. 14.08.09.  
Босишга руҳсат этилди 02.11.2012. Бичими 60×84<sup>1/16</sup>.  
Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли босма табағи 16,28. Нашр табағи 16,59.  
Нусхаси 5000. Буюртма № 12-339.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)